

10-39609/2

Гафур Гулом

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



ҒАҒУР ҒУЛОМ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



НАЗМ ВА НАСР

Қайта нашри

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2012

УДК 821-512-133-3

84(5Ў)6

F 95

ББК 84(5Ў)6

Ушб. асар.

Таҳрир ҳайъати:
**А.Орипов, Э.Воҳидов,
Т.Мирзаев, Н.Каримов**


Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи
Олмос

Масъул муҳаррир
Наим Каримов,
филология фанлари доктори, профессор

10-39609/29

Фафур Гулом. Танланган асарлар. Назм ва наср. — Т.: Фафур
Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012 й.
352-бет.

Академик шоир, ўзбек адабиёти равнақиға ўзининг муносиб ҳисса-
сини қўшган Фафур Гулом ижоди ўзбек китобхонларининг бир неча
авлодини тарбиялашға хизмат қилган. Ушбу китобға жамланган асарлар
ўзининг гоёвий руҳи билан мустақилликни қўлга киритган халқимиз-
нинг келми-кисонларни воғға стқазниш йўлидаги курашида камарбаста
булишиға ишонғимиз.



ББК 84(5Ў)6

© Фафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2012 й.

10732073



Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи
Тошкент—2012

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ ШОИРИ

XX асрнинг забардаст шоирларидан бири Фафур Фуломнинг номи, босиб ўтган ҳаёт йўли, серқирра ижоди барчамизга яхши маълум. Шоирнинг ўзи бир шеърда фахру гурур, эркалик билан айтгани сингари:

Фафур Фулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз.

Фафур Фулом ўз сафдошлари қаторида гоят мураккаб, гоят зиддиятли, таҳликали бир даврда яшаб ўтди. Собиқ империя ҳудудида, қолаверса, жаҳон миқёсида ном қозонган шоир замоннинг барча воқеа ва ҳодисаларига гувоҳ бўлди, унинг бир қисм ижоди эса ҳукмрон мафқуранинг талаблари таъсиридан четда тура олган эмас. Тарихнинг мантиқий ҳукмига кўра, мустабид империя тарқаб кетди, табиийки, унинг беомон мафқураси ҳам барҳам топди. Бироқ бу мустамлакачилик сиёсати минглаб ҳақгўйларнинг бошини ейишга улгурди. қанчадан-қанча истеълод эгаларининг бўйнига бўйинтуруқ солишга эриша олди. Ҳа, қозидан гина қилсанг, додингни кимга айтасан қабалидаги йиллар эди у пайтлар. Тагин шу ҳолатни афсус билан қайд этамизки, мадҳиябозлик кўп миллатли улкан адабиётнинг оммавий таомилига айланган эди. Не-не гўзал ташбеҳлар, чақмоқдек мисралар сомон орасидаги каҳрабо бугдой доналаридек назардан қолиб кетар эди.

Ушбу аччиқ ҳақиқатни, айниқса, бугунги ёшлар теран тушунмоқлари керак. Бунинг устига, аксар ижод аҳли табиятан ҳаддан ортиқ ишонувчан халқ бўлади. Бир мисол келтириб ўтай. Фафур Фуломнинг сафдошларидан бири, машҳур рус шоири Владимир Луговской умрининг охиригача денгизларда сув парилари яшашлигига чин дилдан ишониб ўтган. Қиёсан айтганда, халққа ваъда қилинган коммунизм ҳам,

кўкларга кўтарилиб мақталган адолат, тенглик ҳам ўша сув париси янглиғ мавҳум бир ҳаёлот, мубҳам бир сароб бўлиб чиқди. Бу сиёсатнинг яна бир даҳшатли томони шунда эдики, у бутун-бутун халқларни темир қафас ичида сақлаб, шодиёна кўшиқлар айтишга мажбур қилди. Тўғрироғи, уни ўргатиб ҳам қўйди. Ўзининг ноғорасига ўйнашни хоҳламаганларни қатл қилди, қувгин остига олди. Инсонлар феълидаги машъум ожизлик, ҳасад, кўролмаслик иллатларидан усталик билан фойдаланиб, бир миллат ичида отани болага, акани укага душманга айлантирди. Шу тариқа ўзбек халқи ҳам ўзининг ўнлаб беқиёс фарзандларидан бевақт айрилиб қолди.

Биз бугун Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир тақдирларини изтироб билан эслаймиз. Ўзбекистон адибларининг бир гуруҳи билан учрашувда Ислом Каримов юқорида номлари зикр этилган сиймолар ҳақида гапириб, улар нафақат адабиёт соҳасида, балки халқимиз озодлиги йўлида тўла маънода сиёсий кураш олиб борган изчил ва собитқадам, эркпарвар зотлар эканлигини таъкидладилар.

Шукрим, алал-оқибат тарих бизга ҳам терс қарамади. Ўша курашлар, тўкилган қонлар ва, ниҳоят, жасур ўғлонларимизнинг кейинги даврдаги саъй-ҳаракатлари бекорга кетмади. Ўзбек халқи истиқлолга эришиб, ўз мустақил давлатига эга бўла олди. Энди унинг ҳақиқий Мустақил Конституцияси, даҳлсиз байроғи, туғрою малҳияси бор. Тилимиз камситилиш ботқоғидан чиқиб Давлат мақомини олди. Ўзбекистон дунёга танилди, айтиш мумкинки, жаҳоншумул давлатларнинг бирига айланди. Муттасил равишда халқимизнинг кўҳна қадриятлари тикланмоқда, номлари ҳатто тилга олиниши мумкин бўлмаган зотларнинг шон-шавкатлари қайтиб келмоқда, дин оламининг муқаддас каломлари баралла жарангламоқда.

Буларнинг барчаси гоят қутлуғ саодатдир. Биз қадимий орзуларимизга эришмоқ учун огир йўللарни босиб ўтдик, дедик. Бироқ яқин ўтмишимизга назар ташлаганимизда ҳам, афсуски, чигал муаммоларга, зиддиятли манзараларга дуч келамиз. Бу муаммоларни эса ниҳоятда донолик, узоқни кўра билишлик билан ечиш керак бўлур эди. Президентимиз: “Биз яқин ўтмишимизни тафтиш қилмасдан, халқимизни парокандаликдан сақлаб қола олдик”, — деганларида минг мартаба ҳақлидирлар. Президент ўз фикрларини давом эттириб, “Мен ўтмишда кимнинг кимга ёмонлик қилганини кўзгаб, ҳозирги яхши муносабатларни бузишга қаршиман”, — дедилар. Бу чиндан ҳам оқилона сиёсатдир. Албатта, рўй берган

хатоликлар, гуноҳу куфрийатлар биз учун сабоқ бўлмоғи шарт. Бироқ, энг муҳими, олға кетаётган озод Ўзбекистонимиз кўрган-кечирганларидан фойдали жиҳатларнигина қабул қилиб олиб, гинахонлик ва маломатбозликка ўралашиб қолмасдан, тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олмоқда. Хуллас, мана шундай масъулиятли довондан туриб, халқимизнинг кўпдан-кўп донгдор вакилларига, уларнинг фаолиятларига назар ташлай бошладик. Чунончи, Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон учун неча ўн йиллар мобайнида қилган хизматлари муносиб равишда баҳоланди ва бу баҳо элу юрт томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Ўтганларнинг барчаси ҳам давр фарзандлари эдилар, лекин уларнинг халқ олдидаги хизматлари ҳам унутилмасдир. Биз яқин ўтмишда яшаб ўтган алломаларимиз, адибларимиз ижодидаги муваққат губорларни ювиб ташлаб, ёмби олтинларимизнинг асл жамолига тўйиб-тўйиб боқишимиз, уларни келажак авлодлар ҳукмига, муҳими, Вақт ҳукмига авайлаб узатмоғимиз шарт. Аслида, ҳар қандай тарихий шахсга баҳо бериш, аввало, унга қайси нуқтадан туриб, қандай мақсадда ёндашишга боғлиқ. Ахир Амир Темур ва Бобур сингари зотларнинг номлари уларга махсус “кўзойнак” орқали қараш оқибатида қатагон этилмаганмиди?! Адабиёт ҳукмрон мафкураининг хизматига мажбуран бўйсундирилган даврларга баҳо берганда ҳам ўша шарт-шароитларни ҳисобга олиш жоиздир.

Албатта, бирор ижодкор бирор тузумни ёхуд бирор фирқани муттасил мақтайвергани ёки қоралайвергани билан истеъдоди юксалиб қолмайди. Истеъдод, энг аввало, табиат эҳсони, Аллоҳ туҳфасидир. Шу маънода Яратганнинг ўзи Фафур Гуломдан марҳаматини сира-сира аямаган эди. Фафур Гулом чиндан ҳам улуг заковат эгаси эди. Бунинг исботи — шоирнинг жўшқин ва доно шеърийати, бунинг исботи — Фафур Гуломнинг тугма тафаккур соҳиби эканлиги, бунинг исботи — ёзувчи Фафур Гуломнинг ҳеч бир адибникига ўхшамайдиган чинакам миллий халқчил прозаси — насрий асарларидир. Замоннинг назари нечоғлик синчков ва ёвуз бўлмасин, Фафур Гулом деярли ҳар бир шеърида ўзбек халқининг манфаатию обрўсини ўртага қўйиб гапирар эди. У зот халқлар ўртасидаги бегараз дўстликни куйлаганда ҳам, “мен ўзбек шоириман”, “ўз халқимнинг тилиман”, деган ўтли иқрорига содиқ қолди. Шоирнинг фахру гурури халқнинг миллий ифтихори билан чамбарчас боғланиб кетган эди.

“Шараф қўлёмаси” шеъридан бир парчани эслайлик:

Қадим ўзбек халқисан,
Асл одам авлоди,
Миср эҳромларидан
Тарихинг қарироқдир.
Хоразмнинг ҳар гиштида
Боболарнинг ижоди
Англо-саксонлардан
Анча юқориоқдир.
Бизда логарифманинг
Мушкул муаммолари
Кўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал,
Олий ирқ даъвогари
Черчиллнинг боболари
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукамал.
Биз эккан пахталардан
Ер юзида бор киши
Уятини епганда
Устма-уст, қават-қават,
Ҳозирги жанобларнинг
Маърифат ва дониши
Пахта — дарахт қузисин
Жуни деб билган фақат.

Гарчанд шеърнинг иккинчи ярми бошқа ўзанга қараб кетган бўлса-да, шоирнинг кимларга қандай ишоралар қилаётгани шундоққина сезилиб турибди. Чорасиз шоир миллатига қалқон бўлгиси келади. Ўзбекистоннинг шаънига ҳануз катта-кичик тошлар отилиб турибди. Улар эндиликда нафақат шонли ўтмишимиз, балки мустақилликка эришган бугунги кунимизни ҳам кўролмаяптилар. Одам боласи бунчалар очофат, бунчалар ичиқора бўлмаса! Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, энди ортга қайтиш йўқ, орқалаги кўприкларни аллақачон ёқиб юборганмиз.

Президентимизнинг ўтли нидосини ҳар соат, ҳар дақиқада қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Кўприкнинг нарғидан эса, энг яхши анъаналарнигина олиб ўтмоқдамиз, холос. Миллат ғурури тўла шаклланадиган пайтлар келди. Кўриниб турибдики, барча ижодкорларнинг вазифалари гишт сингари бир хил қолипларга солинган шароитда қалам эгалари ўзларининг қалб сўзларини, орзую армонларини баён қилишлари сира ҳам осон кечмаган, ҳатто мумкин бўлмаган эди.

Шу ўринда айтиш керакки, ниҳоятда болажон инсон Фафур Фулом кичкинтойларга атаб талай ибратли шеърлар ёзиб қолдирди.

Асрлар мобайнида ижод аҳли турли ҳукмрон доираларнинг таъсирию таъйиқидан қутулолган эмас. Бу таъйиқу таъсир асарларнинг мазмунида гоҳо дунёвий, гоҳо хурофий тарзда зоҳир бўлар эди. Баъзи шоирлар эса бу ғалваларнинг барчасидан бе-зиб, фақат ёр жамолию табиат манзараларини куйлаб ўтганлар. Жаҳон адабиётидан бунга қўплаб мисоллар келтирса бўлади. Бироқ, дунёда шундай табаррук мавзулар ҳам борки, уларни ҳеч бир тузум, ҳеч бир сиёсат дафъатан қатағон қилолган эмас, бундай мавзулар кимнинг лафзидан чиқмасин, тарихда сира ҳам салбий маъно касб этган эмас. Булар Ватан, дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва мурувват каби мавзулардир. Айни шу маънода Фафур Фуломни Ватан, тинчлик ҳамда меҳру мурувватнинг оташин куйчиси деб аташ мумкин. Шоирнинг бирги-на “Сен етим эмассан” шеърини эсланг. Аслида халқимизнинг ўзи ҳақиқий мурувватли халқдир, халқимизнинг ўзи меҳру саховатда яктодир, юртимиз бебаҳодир.

Ҳамма ўрганганимдан яхлит хулоса:

Ўз юртим ерида унган ҳар майса

Бегона юртларнинг гулидан афзал.

Шоир миллий гурурини халқ фазилатларини куйлаш во-ситасида кўпроқ намоиш этди.

Шундоқ юртда, халқнинг асл шоирида ҳам юқоридагидек фазилатлар жамулжам бўлмоғи, албатта, табиий. Айни вақтда Фафур Фулом “бир оғиз ширин сўз нондек арзанда” лигини бо-шидан кечирган, етимликнинг барча ғурбатларини кўриб, ҳис этиб улғайган зот эдилар. Зеро, армонли одамнинг дил изҳори ҳар доимо самимий, кўз ёшлари ҳам булоқ сувидек тозаю поки-за, меҳру муруввати ҳам юрак қонидек қайноқ бўлади.

Фафур Фулом ижодининг яна бир хусусиятини таъкидлаб ўтмоқчиман. У қайси мавзуга қўл урмасин, катта миқёслар-да фикр юритарди, руҳий поёни чексиз эди, бачкана, чуч-мал ҳис-туйғуларни ҳеч қачон яқинига йўлатмасди. Бу фа-зилат, бу маҳорат, бу донолик шоирнинг худо берган табиа-тига хосдир; иккинчидан, ул зот чуқур билим эгаси, қамрови жаҳоншумул мутафаккир эдилар. Учинчи ва балки Фафур Фулом истеъдодининг юксак парвозига толмас қанот берган зўр куч қадим Шарқ шеърятининг муборак нафасидир. Буни

шоирнинг ўзи таржимаи ҳолида ҳам катта қониқиш билан эътироф этган эди. Саъдий ва Ҳофиз, Навоий ва Бедил достонларини бир умр қўлдан қўймаган, ўтмиш даҳларининг минглаб байтларини ёд билган шоирнинг ўзи ҳам уларга ҳамоҳанг бўладиган ўлмас сатрлар яратиб кетди.

Ғафур Ғулом ижоди ҳақида сўз юритганда адибнинг насрий асарлари тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Ғафур Ғулом насрини мен ҳақиқий миллий наср деб биламан. Фикримизча, ҳар қандай халқчил асар миллий бўла олмайди, ҳар қандай миллий асар эса доимо халқчилдир. “Шум бола”, “Нетай”, “Ёдгор”, “Менинг ўгригина болам” каби қиссаю ҳангомаларни ҳеч иккиланмасдан адабиётимизнинг дурдоналари деб атаса бўлади. Ҳикоянависликнинг гоят табиий йўсини, тил ифодасининг беқиёс халқчиллиги, тенги йўқ ажойиб ҳажвиёт Ғафур Ғулом насрига хос бўлган энг муҳим фазилатлардир. Дарвоқе, сатира ва ҳажвиёт ҳақида гап кетганда Ғафур Ғуломни бу соҳаларнинг энг нодир устаси, дейиш мумкин. Кейинги пайтларда эркинликни ошқора суиистеъмол қилаётган лўттибозлар, олғирлар, иввоғарлар, маҳаллийчи айирмачилар бола-лаб кетдилар. Улар Ғафур Ғуломнинг шафқатсиз сатира қамчисини интизорлик билан кутиб турганга ўхшайдилар...

Ажаб ҳол: гоҳо ёзувчининг кичик бир ҳажвиясини ўқиб ҳам муаллифнинг дунёқарашини, эътиқодини адашмай аниқлаб олса бўлади. Ҳалоллик, тўғрилиқ, инсоф, диёнат оёқ ости бўлган шароитларда Ғафур Ғулом сукут сақлаган эмас. У киши ҳатто кутубхоналарда ўтмиш қўлёзмалари варақларини йиртиб қочганларнинг ҳам бошлаб таъзирини бергандилар. Масалан, Ғафур аканинг китоб йиртар ҳақидаги фельетонини эсланг. Ғафур Ғулом ўзи мансуб бўлган жаҳон адабиётидан жуда ҳам яхши хабардор эди, таржимонлик ишининг нечоғлик беқадрлигини билсалар ҳам бу меҳнатнинг савобини четлаб ўтмаганлар. Шекспир фожиаларини она тилимизга маҳорат билан таржима қилган шоир ҳаётининг сўнгги йилларида буюк Дантенинг “Илоҳий комедия”сини ўзбекчага ўгиришни орзу этгандилар. Ғафур Ғулом, шубҳасиз, улкан олим ҳам эди. У зот Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганида биринчилардан бўлиб академикликка сайландилар. Ғафур Ғулом Шарқ адабиёти ва фалсафаси тарихини теран идрок этар, Навоий, Жомий, Машраб, Муқимий каби мумтоз зотлар ҳақида чуқур тадқиқотлар олиб борганди. Албатта, алломанинг айрим мақолаларида давр мафкура-сининг шабадаларига дуч келамиз. Лекин Ғафур Ғулом ил-

мининг асосий маъзи тафаккур хазинамизнинг мулки бўлиб қолди, бу хазина ҳанузгача адабиётшунослар учун мўтабар манбадир.

Ҳозир биз Марказий Осиё деб атаётган минтақа халқлари Фафур Фуломни айниқса ардоқлар, туркийзабон қардошларимиз шоирни бошларига кўтарар эдилар. Қайси бир йили Абдулла Тўқай тўйи муносабати билан Қозон шаҳрига борганимда татар ипташларимиз Фафур аканинг у юртга келганларида соф татар тилида ажойиб маъруза қилганини зўр мамнуният билан эслагандилар. Фафур Фулом, шунингдек, форс-тожик тилини ҳам пухта биларди.

Ўтган асрнинг деярли барча етакчи ижодкорлари Фафур Фулом билан дўст ва камарбаста эдилар. Булар – Пабло Неруда, Файз Аҳмад Файз, Самал Вурғун, Мирзо Турсунзода, Собит Муқонов, Берди Кербобоев, Константин Симонов ва бошқалардир. Баъзан ўйлаб қоламан. Агар, фалон йилларда яшагансан, тирик юргансан, деб юқоридаги сиймоларни ҳам бирваракайига рад қила бошласак, умуман, адабиётга ҳожат қолармикан? Таққос, албатта, нисбий бўлади, лекин кўпчилигимиз ўша йилларни кўрдик-ку. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, “тавбанинг эшиги ҳамиша очиқ”, деганлар.

Фафур Фулом доимо халқ орасида яшади, ўзбекнинг еттидан етмиш яшаригача Фафур акага чексиз хурмат билан қарарди. У кишини юракдан севарди. Дунёнинг томир уришини сезгирлик билан илғай оладиган адибимиз кўплаб публицистик мақолалар яратди. Бугун Истиқлолимизни Фафур Фулом нечоғлик ифтихор билан, нечоғлик зўр кўтаринкилик билан мадҳ этиши мумкинлигини тасаввур қилса бўлади.

Эҳтиёж ҳамда вазият одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Жаҳонда зулмқашлик овозлари ўқтин-ўқтин эшитилиб турган пайтларда давлатимиз мустақиллигини кўз қорачигидек авайлаб сақлаш, бу йўлда ҳамжиҳат бўлиш бизга сув билан ҳаводек зарурдир. Ушбу муқаддас бурчни Президентимиз ҳам бизга қайта-қайта таъкидлаб турибдилар. Ҳаёт муаммоларини ойдинлаштиришда, рақибларимизга жавоб беришда адабиётнинг аҳамияти жуда катта. Демокриманки, устоз Фафур Фуломнинг мислсиз ғайрати, фаоллиги биз учун ибрат бўлмоғи керак. Бунинг учун ҳам аҳиллик лозим. Бунинг учун ҳам ягона Ватан, ягона миллат тушунчаси зарурлигини замон талаб қилаётир. Бир-иккита шахснинг дийдори аллергия кўзғайди, деб қозон-товоқни бўлак қилиб олиш тўғри бўлмайди-ку! Қариялар давраларда фотиҳа берганла-

рида, жамоага хотиржамлик қаторида, кўпинча, кенг феъл, кетмас давлат тилайдилар. Ана шуларни биз абадий шиорлар, десак бўлади. Модомики, Ватан ҳамда миллат манфаатлари бизни ҳар қачонгидан ҳам кўра мустақамроқ жипслаштириши керак экан, биз кўпроқ келажакни кўзлаб, ёш авлодларга ибрат бўлмоқни ўйлаб асарлар ёзишимиз, шунга қараб иш тутмоқдигимиз лозим. Унутилмас устозларимизнинг руҳлари ҳам биздан шуларни сўраб турибди, деб ўйлайман.

Улуғ одамлар дунёдан ўтганларидан кейин ҳам улар ҳақидаги турли мақомдаги хотиралар мавжланиб тураверади. Чунончи, баъзи бировлар бу эзгу ишга ғоятда масъулият билан ёндашадилар, баъзи бировлар эса марҳумларни ўзларининг торгина дунёқарашларига мослаштириб олмоқчи бўладилар. Баъзан эса оддийгина лўттибозликлар ҳам учраб қолади. Улуғ шоиримизнинг айрим машҳур шеърларини тепасида туриб “ёзириб” олган, яъни “доя”лик қилганларнинг сони ҳам ўн-ўн бештага етгандир-ов... Нима бўлган тақдирда ҳам одамлар кимгадир талпинишлари ундан ҳазар қилгандан кўра минг бора афзал-ку!

Ғафур Ғулом номи ҳақиқатан ҳам халқимиз орасида эртак қаҳрамони янглиғ яшаб қолди. Биз Ғафур Ғуломнинг номини кимлардандир ҳимоя қилмоқчи эмасмиз. Биз Ғафур Ғулом шаънига сохта мақтовлар ёғдириш ниятидан ҳам йироқмиз. Ҳа, Ғафур Ғулом ўз замонасининг фарзанди эди. Шоир бир шеърида: “Кремль саройида минбардаги ўзбекман”, — деган экан, биз учун ҳозирги кунда “ўзбек” ибораси азиздир! Вақт кўрсатдики, ҳақиқий ижодкорнинг ўрнини, хотирасини турли минбарлардангина эмас, халқ қалбидан ахтармоқ керак экан. Зеро, ҳар қандайин софдил ижодкор ўз халқига, албатта, бахту саодат, тинчлигу хотиржамлик тилайди. Халқимизнинг турфа фазилатлари, унинг меҳнатсеварлиги, тантилиги, бағрикенглиги, Ўзбекистон гулзорларининг таровати улуғ шоиримизга туганмас илҳом, юксак сурур бахш этди, турли zilзилаю офатлар, йўқотишлар эса уни беҳад изтиробга солди. Биз ана шу жиҳатларни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ғафур Ғулом ўзбек халқининг миллий ўз шоири эди ва шундай бўлиб қолди.

Абдулла ОРИПОВ
*Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони*



HA3M



ТУРКСИБ ЙЎЛЛАРИДА

Бу йўллар
 кўп қадим йўллардир...
Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,
Рум қайсари,
 қотил Чингиз,
 Боту, Жўжи,
Темур ҳам
 қолдириб кимсасиз из,
Чиндан мўғул ўчи
 борлиқни
 жонлига қилиб танг:
– Қон! – дея,
– Қон! – дея
 босароқ кечмишдир.

Бу йўллар
 кўп қадим йўллар,
Беш миллион,
 ўн миллион,
 юз миллион нафар
 қуллар ва туллар,
Гарданда чўяндан қуйилган занжир,
Ерларда ҳашарот каби
Очликдан,
 зорликдан гезариб лаби,
Ожиз,
 маҳкум,
 хор ва бетадбир:
– Нон! – дея,
– Нон! – дея
 суруниб кечмишдир.

Бу йўллар
кўп қадим йўллардир,
Конфуций, шомоний, ислом ва будда,
Бут ва тасбеҳ юклаган
карвонлар...

Худди
шу йўлдан
занг уриб.

Чилдирма қоқароқ,
Такбирлар ҳайқириб
— Қурбон! — деб,
— Қурбон! — деб кечмишлар.

.....
Биридан хотира:
кўҳна бир деворким — занжир.

Биридан:
бошлардан
қурилган равоқ.

Биридан:
Балчиғи қон-ла
ийланган
кўк ўпувчи тоқ.

Биридан:
Ўз асрин кечмиши
тумтароқ...

Ном учун,
шон учун
савлат сотароқ,

Ҳам-ма-си,
Ҳам-ма-си,
Шу йўлдан кечмишлар.

Бу йўллар
кўп қадим йўллардир,

Бу йўлдан
эзилган
юз миллион нафар,

Бошда,
энг бошда
битта музаффар —
кирли тож,

Бармоғин ишорати-ла
бир бутун ўлка
дов учун хирож,

Пекиндан Румгача,
Бўмбойдан то Масков,
Қон,
суяк устига
тикилган ялов:

Енгиш довулин чалароқ
Гурур-ла кечмишдир.

Бу йўллар
кўп қадим йўллар —
Қани, эй тарих!
Шунчаким, бу йўлдан
зафар
қозонган фотиҳлар,
қайсарлар,

Музаффар зилли султонлар
устидан
сийнангда бирор эсдалик
ё из хабар
қолганми? —

Каҳрабо тугмадай,
бағри доғ лоладай.
Айтганларидай —
Ким,
Бир лавҳанг қон эса,
Бир лавҳангмиш зар...
Йўқ, албат,
биламан, фақат
бир тушдай
Ё тутун — хаёл
келаркан кечмишдир.

Бу йўллар
кўп қадим йўллардир...
Узала тушган чўл каби соқит.
Устидан
шабада эсмаган
тиниқ кўл каби,

Оғзи қон бир бўри
ё оқсоқ бир ит:
Ҳайқирса,
увласа,
Ҳар тонгда
бир донг деб
бонг урса
довулар...

Кўлга отилган
Бир кесак парчаси сингари
Уфқлар бир карра –
Липиллаб қолар,
Янадан бир сокитлик чўкар,
чизароқ доира –
Шивирлаб жимгандай
У кўлнинг лаби.

Бу йўллар
кўп қадим йўллар...
Бу йўлдан тарихда биринчи дафъа,
Тарихда энг порлоқ –
ўлароқ бир сафҳа
қолдириб бир ботир:
Фақат эзгувчи эмас,
Бир фотиҳ.
Ўлкалар бузғувчи,
эллар қирғувчи,
ўч олғувчи эмас,

Қуллардан, туллардан,
Ўн миллион,
Юз миллион ва миллиард нафар,
Ер куррасида бўлган пролетар
бирлашган мускул,
мускулли кўл,

Тарихнинг чиркин лавҳасин

Болға ва ўроқ –
Нажот туғроси,
Қонли варақлар
устига сурғуч уриб

ёрахоқ

2012/66
A 3234

Alisher Navoiy

nomlari

O'zbekiston MK

Бу йўлдан
биринчи ва энг сўнг дафъа
Шукуҳ-ла
Ҳайқириб кечмишдир.

Бу йўлда,
шу қадим йўлда
У фақат ҳукмрон,
Пекиндан Румгача,
Бўмбойдан то Масков,
Сибирдан Туркистон —
ҳаммаси бир яйлов —
ким, ҳалигача

Бу йўллар бўйича чўзилган
ҳайкаллар,
Обида ва хотиралар
ёш ва қон

Номига қурилган экан.

Биз

шу йўллар тизгинин
қўлга олароқ,

Ақлимиз ва шууримиз —

Режалар,

Миямиз — глобус,

Миллиметраси — минг километр.

Ҳар чизги

Қурилишдан бир белги —

Ютуқлардан плюс.

Биз

Ер қуррасин бошини танғидик

Ва тарихнинг томирларига қўйдик

эриган темир.

Бу йўллар,

шу қадим йўллар

устидан энди

паровоз

Ўз

Уфқининг кўксига ханжар солароқ

Ғалаба наърасин қичқириб

Донглар, шонлар,
 шуҳратлар устидан,
Шпаллар ўрнига —
 хурофий бир қонун
 босиб,

Кўкракда бронза —
Юлдуз
Фахр ила
Келажак.

Бу йўллар,
 шу қадим йўллар
 устидан

Чин — Эрон,
Рус — Афғон,
Ҳинд — Туркистон
 ва жумла-жаҳон,

Ўн миллион,
 юз миллион
 ва миллиард нафар.

Ер қуррасида бўлган пролетар
Саломи,
 дўстлик илҳоми
 пўлат қарвонларда
 ҳайқириб кезажак.

Бу йўллар,
 бу қадим йўллар
Устига бу издан обида,
 абადий хотираки, бундан
 тўхтамай бир нафас,

Қон —
Қатрон ҳидимас,
Озодлик
 шамоли эсажак...

1930

ТАГДЎЗИ

Симобдай жилваланиб,
Кумушдайд ялтираган,
Шу тагдўзи қайси бир
Хинали қўлнинг иши?
Қайси бир садаф сийна,
Тўзим-ла санчиб йигна,
Инжуларин бирма-бир
Бу шоҳига қадаган?
Қайси қайғули юрак,
Шу япроқлар устига
Шабнамдай ёшларини
Чатиб-чатиб қолдирган?
Қайси бир зарурият,
Бу торгина чамбарда
Тетик, қайтмас, тийрак
Идрокларин толдирган?

Ҳар тўқисда бир тўқол,
Қўлга олиб сиз якқол
Бир текшириб кўрингиз:
Тагдўзининг бир талай
Кемтик-кўстин топарсиз.
Тўридан гўри яқин
Аллақайси чизмакаш
Нусхаларни чизибди
Жуда-жуда йироқдан,
Биз билмаган “Ироқ”дан.
Чевар ҳам турлугини
Ўрнига қўёлмабдир:
Нуқул оқ, барикарам,
Пистоқи, гилос, зангор.
Шу кундаги ёшларга

Айниқса кўпроқ ёқар
Қизилу гулнори кам.
Тикиши силлиқ эмас,
Ўгирмаси чакмага,
Санамаси йўрмага
Кундош бўлиб тургандай,
Жуда кўпол бир тепчик,
Тепаси чўққи, кичик,
Кизаги салкам сара,
Жияги ўн уч иплик,
Паранжи бандагидай,
Қаландарга жандами —
Тўнкарилган қумғондай.

Чизмакашда нима айб,
Аёлманд, бешик-белик.
Чизай деб олса пилик,
Бола йиғлар — ишлар ҳайф.
Чеварнинг йўқ тиними,
Қатимини олдимини,
Адасига бир қултум
Иссиқ қилиш ташвиши,
Баъзан қучоқлар удум:
“Ҳа, айланай, не қилай,
Рўзғор қурғур гор экан,
Қайси бекач қайрилиб
Ўзгага боқар экан?”
Тепчикчининг бошида
Каттагина кўргулик,
Уйдан чиқмиш яқинда
Арслондай йигит — ўлик.
Эгнида қора билан
Кунт қилмас ўзга ишга.
Орада номус деган
Кўпроқ тегадир тишга.

Бизлар бола чоқларда
Қатор белбоғ боғлаган,
Чаккасида тагдўзи
Мўйлабларин ёғлаган,

Ҳаккари дуранг этик,
Олифта, сатанг, тетик,
Яғрин ташлаб ҳайқириб,
Ўтганларни кўрсатиб:
“Ўлмасин, йигит экан,
Қайси, азамат ўғли,
Улоқда катта тўқли
Човидан сирқиб чиқмас”, —
Деб мақташиб бир нафас
Қолар эди бобойлар.

Бу куннинг йигитлигин
Бошқача ўлчайдилар:
“Ўлмасин, йигит экан,
Фалон завод зарбдори,
Қўллари қадокланган,
Қўзлари ўтдай ёнган,
Азаматлик виқори,
Ўртоғини ҳайқириб,
Басма-басга чақирди.
Билагидан металллар
Ўқ еган арслон каби
Омон тилаб бақирди.
Ўртоқларининг кўпи
Орқасидан эргашиб,
Ўтган ойда юз берган —
Ўпирилишни ёпдилар”, —
Деб мақташиб қоларлар.
Бунга қўша бириси:
“Шу йигитдай кўп ботир
Хотини ҳам синглиси,
Ҳар иккови фабрикада
Уқувларин шимдириб,
Зарб билан ишлаб ётир,
Шу йигитлар кўпайсин,
Қурилсин гигант-гигант,
Бўш оқмасин зеҳният,
Планлар бўйлаб сизсин”, —
Дея тўкар мақтовин.
Тагдўзи, шоҳи қийиқ

Куннинг довриги эмас,
Гажак ва қора мийиқ
Йигитлик донғи эмас.
Йигитлик ўз билан тенг,
Тўла бийлик эгаси,
Ёлғиз уйнинг “бекаси”
Саври, Холпош, Хайрини
Тагдўзилар бағридан,
Бешик, сигир, увада,
Адасига бир қултум
Оби ёвгон ташвиши,
Аза, қора, бир тўда
Урф-одатлар, удум,
Эм-тумларнинг қаъридан
Етаклаб чиқа олишдир,
Ясла, бириккан туроқ,
Қурумсиз пок ошхона,
Билим, онг, меҳнат — яроқ,
Фабрика- завод порлоқ,
Туман-туман корхона,
Тетиклик ўчоқлари
Кенг очиб қучоқларин
Кутар опагонларин.

Қийиқлар, тагдўзилар,
Чойшабу зардеворлар
Чакмасига чатилган
Қунт, тўзим, идрокларни
Беш йилликка йўналган
Қурилишлар бўйича
Сирқитиб оқмоқ керак.

Қўй, торгина чамбарда,
Сиқилган минглаб юрак
Гайкаларнинг қирқимин
Яйраб, бўрғалаб пишсин!
Қўй, анъана тўқимин
Бошдан ирғитиб тийрак,
Кўз нурларин даврнинг
Савлати томон бурсин!

Кўй, тагдўзи севучи
Бир тўда сатанг бошлар,
Ўзига етиб кучи,
Кийсин куннинг кепкасин!...

Кўй, уйғотсин ҳайқириб,
Гудок кунлар наъраси,
Ҳилпиратсин рўмолин
Чин эрклик шаббодаси!

1930



ТОШКЕНТ

I

Тошкент Осиёнинг кўркли ўрнида,
Мақгалса арзийди, оз эмас — анча.
Тошкентнинг ложувард тоза кўкида
Шаббода тинмайди тонгдан кечгача.

Узоқ Ҳинд, Хитойда қон кечган қуёш
Тошкент осмонида ҳордиқ олади.
Озод ўлка устига нур тўкиб ёввош,
Улуғ қурилишларга кўзин салади.

Тошкентнинг сувлари шунчалар тоза:
Чирчиқ, Оҳангарон, Бўз, Анҳор, Солор.
Беқасам жилоли шу буюк фазо
Рангини, тўғриси, Тошкентдан олар.

Бу ернинг меваси шунчалар асл,
Кумуш бутуқларда ёқутдай кўркам.
Бу ерда узун йил билмайди фасл,
Тошкентни ватан деб биледи кўклам...

II

Тошкент қўшни Шарқнинг кўркли ўрнида,
Мақгалса арзийди қанчадан-қанча.
Муқаддас Ватаннинг юрак тўрида
Мазлум Осиёга порлоқ дарича.

Узоқ Ҳинд, Хитойда қон кечган қуёш
Тошкент осмонида ҳордиқ олади.
Озод ўлка устига нур тўкиб ёввош
Улуғ қурилишларга кўзин салади.

Тошкент ўзбекларнинг гузал маркази,
Катта оилада тенг ҳуқуқ аъзо.
Бунда меҳнаткашнинг эркин нафаси,
Ҳаво миллий, ирқий губордан тоза.

1934



БОҒ

Бир ватаннинг ўглименким, ҳар тараф гул-лола боғ,
Қалб кўзидай энг қоронғи кечада порлар чароғ,
Ҳар йигит мағруру ҳар қиз кўкраги қўш чўққи тоғ.
Сув десанг шарбат оқар, иқлим десанг қаймоғу ёғ,
Ўз-ўзини мақтаганда, мақтамай қолғайми мен?

Лола жоми тўла кўклам шабнамидан эрталаб,
Ёзги чилла шўх хаёлдай ўтса куртакни ялаб,
Эр куёш қандли қозон остига қўйса ўт қалаб,
Билмадим, чиллик, даройи қилғуси қандай талаб;
Лабларидан қанд томарса — сўрмайин қолғайми мен?

Кўз сузилган, лаб чўзилган, севги уйғонган чоғи,
Билмадим дўндиқ бу қизнинг қанча эрмиш бармоғи.
Ютқиниб олган ўпишларнинг йўқотдим салмоғин,
Ҳар бутоқ зумрад каби кўк, осмон ранг япроғи,
Қистаса “Сев!” деб ҳусайни, севмайин қолғайми мен?

Кўз қаросидай кўчирдинг юзга боғнинг аксини,
Хол каби ишком қошин, бу ҳуснини — бу кўркини,
Бир умр хумморда ўлсин севмаса ҳар ким сени,
Тарқатар шингилларинг райҳон, ифорнинг бўйини,
Чорласа ширин чарослар — бормайин қолғайми мен?

Соғ куёш, муздай ҳаво топ-тоза сувларнинг қизи,
Ким тегишди, юзларингиз қон талашган қирмизи,
Сиз ярашган бу чаманнинг бўлмагай ҳеч бир кузи,
Яхши ўртоқлар билан улфатчилик бўлган кези
Келсангиз қувноқ кулиш-ла — қувнамай қолғайми мен?

Яхши қизлар, ўртангизда ким йўқотди лабда ранг?
Бир келиб бу боғдаги “ўғри” шивирғондан сўранг,

Доналар бўлгин, тўлаликдан тиқиндир, пўсти танг,
Учраганда ҳар киши ҳам истагин босгай аранг,
Ул мени “ёрим” деганда — “йўқ” дея, қолғайми мен?

Дил хуш-чун бир тотай деб боғ аро кирсанг атай,
Ялтирар, сапчиб тепар, ҳуркар кабутар қалбидай,
Соҳиби сен бу чаманнинг, яшна, қурбонинг кетай,
Куз кези энг яхши дўстларга саватлаб тарқатай,
Сен саховат қўлни очсанг — қимтиниб қолғайми мен?

Биз кўкартирган бу боғнинг исми бўлсин гул-асал.
Шинни-шарбатдан соғайгай ҳар нучук эски касал,
Тер тўкиб, ҳордиқ олувчилар гурунг қурган маҳал,
Навбати жомим тўла тут, боғбон, ўтказма гал,
Кўнгироқ қаҳ-қаҳли дўстлар базмидан қолғайми мен?

Кимда бордир бу чамандан гул узишнинг нияти,
Қайси лабларга томар бу севгили боғ шарбати?
— Бу тўлиқ жом бир умрга ишчиларнинг навбати,
“Бода бар ҳар табъ мебахшад жудо хосияте¹”,
Боғчанинг ҳар кимсага бор ўзга бир хосияти.
Ишладинг, кел, тот, — деганда, тотмайин қолғайми мен?

1934, август



¹ Мирзо Абдулқодир Бедилдан. (Муаллиф эскиртиши.)

БАРИ СЕНИКИ

Мунча ҳам чиройликсан, азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан севар баданим,
Сенсан аввал-охир, сенсан севганим,
Жоним, юрак қоним, ҳатто шу таним
бир бутун ҳолида бари сеники.

Лоладан пойандоз ҳар бир қадамда,
Узлуксиз кулгилар доим даҳанда.
Олтин тупроғингни ўпганим дамда
Нафасинг сезилур эди баданда,
гул, сунбул чаманда бари сеники.

Баланд-баланд тоғларинг минг пиллапоя,
Арчалар бахт бошига ташлайди соя,
Шеър ўқий, шеър тўқий билониҳоя,
Сен минглаб азамат, ботирга доя,
арслон йигитларинг бари сеники.

Иссиқ кучоғингда унган пахтазор,
Энг баланд ҳосил билан топди эътибор,
Олтин тупроғингда жумла олам бор,
Дунёлар мазмуни, мазмунига зор,
шу обрў, шу виқор бари сеники.

План, чўт-ҳисобдан ошиб ўтдик биз,
Илм нормасидан ўзиб кетдик биз.
Кунда беш юз кило терган эркин қиз,
Гектаридан ўн тонна берган эрлар биз,
баримиз, баримиз, бари сеники.

Иссиқ қуёш бошлардан силаб буютган,
Бу ерда оёқларга кирмайди тикан,

Киприкларга қўнган зарринкор чангдан,
Алқисса, шаббода чалган оҳангдан, —
рақс этган шу гулшан бари сеники.

Бир вақт ёв забтидан қузларинг тинди,
Бағримиз қонидан лолалар унди,
Эркинлик шуури ҳар дилга сингди,
Қандай бахтиёрсан, Ватаним, энди,
ёп-ёруғ келажак бари сеники.

*Наманган,
1936, 28 июнь*



ЧАМАН

(Машқ шеърларидан)

Бу Ватан мақтовларин ҳар қанча ёзсанг оз экан,
Дилга дил, тилга кўнгил, албатта, жўр овоз экан,
Боғлар, гулгун чаманлар кўйни базми ноз экан,
Келди кўклам, лола, насрин бир-бировдан соз экан,
Жўр билан сож, қарқуноқ, қумри баланд парвоз экан,
Куйла, шоир, улфати чор бирлашиб ҳамроз экан.

Бойчечак юз сарғайиб, қишдан қутулганда аранг,
Янгидан тушса назардан, энди инсофга қаранг,
Чучмома, раъно, бинафша кўзни боғловчи фаранг,
Кўзга оққай бу чаманнинг гулларидан мингта ранг,
Фунчаларнинг кулгисидан қалб қулоғида жаранг.
Ёз экан, танноз экан, серноз экан, дамсоз экан.

Қатма-қат алвон кийиб мақтанганида арғувон,
Чирмовуқ карнай чалиб, тортмасми куйгандан фиғон?
Пора-пора барг тўкиб лола ҳасаддан бағри қон,
Томда ёлғиз ўксинур бечора қизғалдоқ ҳамон,
Ер чизиб гулхайри мотамлик тўнин кийган замон,
Шоҳигул атлас қанотли, гердайишда ғоз экан.

Ерда қолган парваришсиз бунда гулбеордир,
Бўй чўзиб ҳатто чечакка етмайин ҳам зордир,
Тугмадек чўпга чизилмак иштиёқи бордир,
Битта гултожихўроз шўрликка жиндек ёрдир,
Садарайҳон хушқилиқ, бечорага дилдордир,
Бу чаман атрофида сафбаста бир сарбоз экан.

Тиллақўнғиз ҳид ўғирлаб яшринур барг остига,
Тушмасин ҳеч гул мабодо саъва, булбул дастига,
Шеър ўқир тинмай чаманнинг ҳар баланду пастига,
Бу томоша, айшу ишратдан кечиб, чумчуқ нега,

Чўп кўтарганда югурмакда теракнинг устига,
Баъзилар айтар, дурадгор, баъзилар, дарбоз экан.

Кенг Ватаннинг боғу бўстон қиссаси бўлмас тамом,
Қайга борсанг мингта қувноқ юз кулиб бергай салом,
Бахтли, эркин умримиз миллионча йил қилсун давом.
Бу чечаклардан муҳаббат аҳлига гулдаста – ком,
Энди ялқовликни ташлаб мутлақо Фафур Фулом,
Тўхтамай шеър ёз экан, шеър ёз экан, шеър ёз экан.

*Тошкент,
1937, 13 март*



САНЪАТИМ

(Ўзбек санъатининг нишонли ўғил-қизларига)

Эй асрлар асираси, зулмат қурбони,
Тарихларнинг гарданида ёқут маржони,
Исёнларнинг сут эмизган онаси — қони,
Кишилиқнинг тенг ярими, шериги, жони,
Одамликнинг бир бўлаги, мазмуни — жони,
Юрагимнинг Гулсараси бўлган санъатим.

Ичкарининг соқовланган тили сўйларкан,
Қайғу-алам эртақларин мунг-ла куйларкан,
Жон димоғи зулмнинг заҳар гулин бўйларкан,
Ҳасрат кўзи чимматларда қонга тўларкан,
Чўриларнинг, канизларнинг йўлин ўйларкан,
Жигаримнинг бир пораси бўлган санъатим.

Ичкарининг даричаси — порлоқ кўзисан,
Шўх қизларнинг мусиқавий қувноқ сўзисан,
Озод ўзбек хотинлигин кулган юзисан,
Минг Зебининг, минг Қумрининг худди ўзисан,
Ҳалимаси ҳам Сораси бўлган санъатим.

Олам томи устидаги чалинган бу соз,
Дунёларнинг санъатига бўлди жўр овоз.
Ўзбек қизин овози бу — эркин сарвиноз,
Ҳар мақомда минглаб ғамза, ҳар пардада ноз,
Чалинг, дўстлар, чалинг, ёрлар, чалингиз бир оз,
Чал, кўнгилнинг сетораси бўлган санъатим.

Бахт қўшиғин қичқирганда осмон янграр,
Озодликнинг қадрин билган бу куйни англар.
Юксалишга пойандоздир муттасил тонглар,
Устоз ўзбек санъатидан тузгун оҳанглар,
Гулзор элнинг ҳар уйида авжинг жаранглар,
Ишқ бўстонин гулнораси бўлган санъатим...

1937

* * *

Ўзбекистон шабчароғи, олмоси Фарғонадир,
Ерда юлдузлар каби ҳар ерда гавҳар ёнадир,
Ҳар тараф боғи Эрам, ҳар манзил кошонадир,
Қувнаган халқнинг лабида қанда бўлмай ёнадир,
Чунки унга бахту иқбол ҳар замон дилдору ёр.

Водимиз танбурки, ҳар бир вақт овози соз, жаранг,
Бир канал очдинг кумуш тордек унга монанд таранг,
Халқи жўр бўлса бу танбурга бўлур олам гаранг,
Ер зумуррад, кўк забаржад, ҳар тарафда мингта ранг,
Яшна, халқим, яшна, водий, яшна, э сетор, тор.

Бу канал очмоққа чиқдик бир сеvimли тонг чоғи,
Бизни олқишларди водийнинг қуёшли ер, тоғи,
Бу каналдан гуллагай ўлкамнинг бўстону боғи,
Сув қуйилган чоғ кўринди меҳнатимиз салмоғи,
Шеър ўқиймен, шоиринг Фафур Фулом, мен бор, бор.

1935



КУЗАТИШ

(Ўғлим Жўрахоннинг ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан)

Умрим, эй сен бўлиб шунча беғубор
То абад айладинг мени бахтиёр.
Умрим, эй сен билан қилиб ифтихор,
Бўлайин ўлгунча мен ҳам миннатдор!

Туғилган кунимоқ кенг пешонамни
Толе юлдузига баробар этдинг.
Бешинчи йилларнинг тўлқинларида
Бешигимни ўз қўлинг билан тебратдинг.

Ленада ишчилар отилган куни,
Абжад ўқиш учун мактабга бордим.
Бобомга шул куни юз ёш тўлмишди,
Таажжуб қиламен толеимгаким:

Наполеон Москвада этик йўқотиб
Иштонсиз Парижга қочган чоғида,
Келажак кунларнинг сутин асқатиб,
Бобом ухлар Ватаним эрк кучоғида.

(Жўра, шу чистонни дўстларингга айт;
“Бобоси туғилган кун, набираси
Алифбе ўқишга кирибди”, — фақат
Айтмагил, юз йилдир бунинг ораси.)

Таажжуб қиламен оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига,
Тасодиф эмасдир, балки сен-бизни
Курашлар тақмишдир бахтнинг ипига.

Йигирма учинчи йилнинг тонгида
Шеърим билан эгизак бўлиб туғилдинг,

Йиллар ўтиб ҳар икков ўғил онгида
Уфқлар очилди, фазоларга тенг.

Шеър ўсди, сен ўсдинг соатма-соат,
Мана энди, улғайиб, ҳарбий ёшинг бор.
Дўстлар билан сафда ўқишга албат
Мен ёзган эгизак марш – йўлдошинг бор.

Улуғ ғалабалар арафасида
Қабул қилди сени пединститут,
Сенга дарс бергувчи муаллимларнинг
Ҳурматин доимо сен ёдингда тут.

Таажжуб қиламен оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига.
Тасодиф эмасдир, балки сен бизни
Ҳаёт ўзи тақмиш бахтнинг ипига.

Сенинг-чун шеъримни ёзар эканман,
Уканг Ўсар елкамда пичирлатиб лаб,
Ҳарфларни бир-бирига қўшолмаса ҳам,
Ўқиб борди сўзларни қийнаб, ҳижжалаб.

Феълени биласан Ўсар полвоннинг,
Ҳозироқ сенданам оташин-олов.
Ит кўрса “Гитлер” дер, мушук – “Муссолин”,
Манжалақи ҳар ҳайвон доим унга ёв.

– Дада, – дейди, – Гитлер қачон ўлади?
Мен дейманки: – Энг катта байрам кунида.
– Байрам ўзи қачон? – дейди, сўрайди.
Байрам фашизмнинг ўлган куни-да!

Таажжуб қиламен оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига.
Фашизм итлари қутурган дамда
Кира олдинг курашнинг кескин сафига.

Кулумсаб турғувчи толеинг порлоқ,
Худди шу йил таппа-тақ ўн саккиз ёшинг.

Ватан қирғоғига ёв қўймиш оёқ!
Жангга юр, Жўраҳон, халқлар йўлдошинг!

Мен ҳам роппа-расо Пушкин ёшида,
Фақат бу курашдир, эмасдир дуэль.
Дуэлда ўлурулар, курашда — ҳаёт,
Тарих талаб қилган улуғ қирон йил.

Ўсар, мужда сенга, улуғ байрам кун
Бўлар ёв ерида худди эртага,
Ўлур Гитлер, фашизм, ўлур даҳшат — тун...
Халқ юргач, бу байрам бўлмасин нега!

Боболар удумин тутиб назарда
Курашда толеинг бўлур сенга ёр.
Чунки бу курашда улуғ саркарда —
Адолат байроғи бизга ифтихор.

Сафлар олдида бўл, мард бўл, богир бўл,
Дўстларга ҳамоҳанг жўра бўл, жўр бўл,
Она юрт ҳурмати. Ватан ҳурмати,
Халқимнинг ҳурмати, ғолиб бўл, зўр бўл.

1941



МЕН ЯХУДИЙ

(Берлиндан берилган бир радио эшиттиришига жавоб)

I

Мен яхудийман!
Номимни тилингга олма,
э, олчоқ!
Кимлигимни энг катта
бувингдан сўра.
Боболаринг
бошига шох тақиб юриб,
Билмасдан
туз нима,
ўт нима,
лунги...

Ва Нибелунги,
Ваҳшат масжидида
готик нақшлар
Ҳали содда
ва ҳали бўлганда гўра;
Асрий ақидада момақалди роқ
Яратароқ
Бир худо бўлиб,
таврот ёзган яхудий,
мен яхудийман.

.....
Эҳ-ҳе...

Билолсайдинг
қанча машаққат,
Фурбатда кезганман
билониҳоя...
Узоқ бир умрки,
доим дарбадар
Ақлини орқалаб олган
бир карвон...
Фиръавнлар қувларкан,
Нилнинг лабида —

Ўз зеҳним, фикримнинг
гариб мардуди,
мен яхудийман!

Нега сўйламасдан
турмоқдасан тин,
Э, Байтулмуқаддас,
сен бергил хабар,
Йиғи деворлари
кўҳна Фаластин...
Беш минг йил илгари,
чорак аср олдин,
Тарих бетларида
жавраб келгувчи,
Ўзи соқов
қалъаи Бобил сингари,
Айтиб келганман:
Мен ҳам одамман!
Қаерда,
қайдадир,
Айтинг, фиръавнлар,
Шу тупроқ заминда
менинг ватаним?
Ёинки,
камолот – туҳмат бўларак
Кўмилсинми муаллақ
осмонда таним?
Жим!
Фиръавн жим, хоқон жим!
Пайғамбарлар,
сулаймонлар жим.
Бир хабар келтирмас,
умид худуди,
Мен яхудийман...

II

Мен яхудийман!
Номимни тилинган олма,
э олчоқ!
Беда тамаида
бўйинини чўзиб,

Боши жоди ичра қолган
эшакдай
Манфур, чинқироқ
Овозингни радиодан
ҳамма эшитди.
“...Ундай яҳудий,
бундай яҳудий...”
Бали, яҳудий
Мен яҳудийман...

Инсон қони аралаш
миллионлар қарра
Ва менинг қоним ҳам
халқлардан зарра.
“...Ирқу дину миллат...”
Тагин нимадир?
Билсанг эди, буларнинг барисин
бизда:
Сен итдан —
тўнгизни ажратиш учун
Байтарий илмида
боби заммадир.
Инсон ирқиданман,
инсон миллати,
Менда йўқ афюннинг пинакларидан
яралган динларнинг
зарра илллати.
Шу тупроқ заминдир
менинг ватаним.
Туғилиш, яшайиш,
меҳнат ва насл,
Муҳаббат ҳам ғазаб...
Инсонда не хислат
бор бўлса мавжуд;
Барига қобил,
барчасига боп.
Шу тупроқ заминда
қолажак таним.
Билгил, э мардуд,
Бизлармиз оламда
халқлар масъуди,

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

*(1941–1945 йиллар урушининг
ота-онасиз қолган гўдакларига)*

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнатқаш, мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор,
Чўчима, жигарим,
Ўз уйингдасан,
Бу ерда

на гурбат,
на офат,
на ғам.

Бунда бор:
ҳарорат,
муҳаббат,
шафқат

Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам,
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Бу ерда музлаган
Аждар ҳалқумли
Ваҳшат тўпларининг
Қаҳқаҳаси йўқ.
Бу ерда — одамзод
шаклида юрган
лаънати девларнинг
манфур, юқумли,
мараз намойиши
тополмас ҳуқуқ.

Улуғ жанг кунидир,
Жанги, беомон,
Лашкар деган ахир
Бехатар бўлмас,
Отанг ўлган бўлса,
Қайгурма, қўзим,
Кўзим усти
Миннатинг бошимга дурра.
Шу соғлом ҳавода
Саломат – омон,
Хўрсинмай, эркинлаб
Ола бер нафас.
Эй, улуғ наслиминг
Юраги, жони,
Кипригингга илинмас
Йиғидан зарра.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Етимлик нимадир –
Бизлардан сўра,
Ўнинчи йилларнинг
Саргардонлиги
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.
Мен етим ўтганман,
Оҳ, у етимлик...
Вой, бечора жоним,
Десам арзийди.
Бошимни силашга
Бир меҳрибон қўл,
Бир оғиз ширин сўз
Нондек арзанда.
Мен одам эдим-ку,
Инсон фарзанди...
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Кўзимга уйқунинг
Мудроқ овчиси
Тўрин солмасдан, —
(Биринчи гудокка
Икки соат бор) —
Оталик ҳиссининг
Бебаҳо, лазиз
Тўлқинлари ичра
Фарқ бўлиб кетиб,
Азиз бошинг устида
Термулмақдаман,
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Нега чўчиб тушдинг?
Мурғак тасаввур,
Гўдак хаёлингга
Нималар келди?
Балки Одесс даҳшати,
Керчь фожиаси,
Ёввойи махлуқлар,
Қонхўр ваҳшийлар...
Маммаси кесилган
Шўрлик онангнинг
Пажмурда гавдаси
Кўзинг ўнгида
Бутун даҳшати-ла
Акс этар энди.
Онанг хўрландими,
Отанг ўлдими,
Сен етим қолдингми,
Қайғурма, кўзим,
Кўзим усти,
Миннатинг бошимга дурра.
Ота-онасининг
Тайини ҳам йўқ,
Сут кўр қилгур, ҳароми
Гитлер оқпадар
Фарзанднинг қадрини
Қаердан билсин?
Бир кўнгиз мўйловли,

Бароқ соч малъун,
Жигар ранг бир мундир
Истаги учун
Наҳотки еримиз
Чалпа айланиб,
Наҳотки дарёлар
Оқар тескари,
Наҳотки одамлар
Кезар дарбадар?!
Ахир, жуда яқин
Қонли интиқом,
Алҳазар,
 алҳазар,
Кўпирар
 томирларда қон
Ва портлар ҳадемай
Бу ўтли вулқон.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Сен қулаётибсан,
Балки бу кулги
Сўнгги ойлар ичра
 биринчи чечак.
Лаъли лабингдаги
Фунча табассум,
Албат толеингга
Муҳр бўлади
Ва бунда акс этар
Порлоқ келажак.
Тонг яқин,
 тонг яқин,
 оппоқ тонг яқин.
Бир нафас ором ол,
Ухла, жигарим.

Оқ ойдин
 тонг олди,
Ухламоқдасен.
Лабларинг шивирлар,
Изламоқдалар

Балки бир эркалаш,
Бир она бўса,
Улуғ оиланинг
 гўдак фарзанди,
 билиб қўй энди:

Сен тезда улгайиб,
Олам кезасан.
Манглайда порлаган
Толеинг – қуёш
Бутун ер юзини
Қилур мунаввар.
Ҳақорат емрилур,
Зулм янчилур,
Жаҳонда бўлурмиз
Озод, музаффар.
Сен етим эмассан,
Менинг жигарим!

1942



СОҒИНИШ

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Куёш!

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид,
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.

Хоки анжир тутаб, қовун фарқ пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!

Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...

Иблиснинг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўғлим омон келади, ғолиб, музаффар,
Гард ҳам кўндирмасдан қора қошига.

Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Кутаман узоқдан кўринса бир от,
Келяпти, дейман кўринса ғубор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.

Кўчатлар қоматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.

Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни — аллакимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам.
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир ғалат ўқ ё хавфу хатар
Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётгий бу олам сизу бизга хос.

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа ҳаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Ўроғу гулқайчи, истак кўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи қўшни қиз — унинг севгани,
Маъюс босар эди орқамдан одим.

Боғда сарвинозим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим аргувон ёринг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.

Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,
Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Кўяр, васвасамдан кулади қуёш.

Асалдан ажраган мумдай сарғариб,
Ини йўқ аридек тўзғиганим йўқ.
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абадир мендаги падарий ҳуқуқ.

Сизларни келди, деб эшитган куни,
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда

Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин, албатта.

Яёв, кўксим очиқ, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай ним пушти, сарин, беғубор.

Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.

Е ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.

Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз,
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.

*Тошкент,
15 май 1942 йил*



ХОТИН

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
Меҳнат бор, муҳтожлик доим бегона.
Онамсан, ёримсан, синглимсан фақат,
Дунёда энг азиз дўстим, ягона.

Онам деганимда, оқ соч, жафокаш,
Мунис ва меҳрибон чехранг намоён.
Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон.

Улгайдим, “ёр, сенга мубтало бўлдим...”
Кучини кўрсатди шунда ғазаллар.
Ҳазил-ҳазил билан мучаллар ўтди,
Кулмасин баркамол ёшли гўзаллар.

Яшаш орзусини синашга атай,
Ўртоқ тутиндиму уйландим, аммо,
Бадавлат чўнтакдан сўм санагандай,
Чуғурчиқ: қиз-ўғил туғдинг, тасанно...

Онам, зотан, хотин, ёрим ҳам хотин,
Синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош.
Ва булар ҳаётда, меҳнатда бугун,
Дубби Акбар¹ каби бўлдилар йўлдош.

Базмимда шулардек шамим бўлмаса,
Лабимда не лаззат берарди шароб?
Муттасил ҳамёза, ҳаёт бебўса –
Супурги тегмаган хонумон хароб.

¹ Дубби Акбар – “Катта айиқ” буржи, “Большая медведица” юлдузлар системаси. (Муаллиф эскртиши.)

Муҳаббат сурмасин қўшни қизига
Олиб беролмасдан умрда бир бор,
Юзинг ҳасратида ҳатто кўзига
Ўргимчак ин қўйган йигитлар ҳам бор.

Эътироф оҳанги яхши жаранглар,
Муштоқ юрак билан ростини айтсам;
Сенсиз нашъа бермас гулшанда ранглар,
Ваҳмдир бутун соз, бутун зилу бам.

Севинч йўқ, қайғу йўқ, кўклам йўқ, хазон,
Худди мақолларда айтилганидек,
Сенсиз келажак йўқ, бемаъни жаҳон,
Дарди йўқ кесакдир, ишқи йўқ эшак.

Астойдил ҳар эркак — йўлдош демаса,
Инсоф маҳкамаси судга беради,
Икки дўст қийинни енга олмаса,
Ҳаётнинг чиппакка чиқар омади.

Қийин кунга қолди тоғдай бошимиз —
Бу туман, ёлғон ваҳм ниҳоясида,
Чақмоқдай чимрилди бирдан қошимиз
Ҳар икки чехранинг ифодасида.

Гавризангар бошини чулғаган туман
Тўкилиши мумкин ерга худди ёш,
Гитлер қудрат нарвонин кўкка қўёлмас,
Қудуқ чуқурига тушмагай қуёш.

Одам боласига қайта туғилиш
Кошки бўлолсайди яна муяссар
(Чақмоқ тош ва оташ топган ақлдай,
Доро, Искандардан эски нақлдай);
Бизнинг бу курашдан, оғирликлардан
Келажакка берар наслимиз хабар.

Не-не мусибатда қолиб бошимиз,
Не кулфат тортмадик сен билан бирга,
Ҳалол, покизадир еган ошимиз,
Минг карра ташаккур пешона терга.

Ҳаётда, меҳнатда, ишқу аламда,
Бугун мазмун билан мен бўлган ўзинг,
Мен Фарҳод аждар-ла олишган дамда,
Қоматинг ханжардир, машғалдир кўзинг.

Ростини айт, бу жангда мен ўлар бўлсам,
Бағри доғ лоладек дилинг ачишар,
Модомики, яшар ҳақиқий башар,
Наслимнинг ҳомийси сен борсан — не ғам!

Ватан озод бўлур, серҳаракат бўл
Арафа кунлари қувонган ёшдек,
Зулматда меҳнатдир очолгувчи йўл,
Кеча ёқасини йиртган қуёшдек.

Бўйига гул ўлчаб ўғил ўстирдик,
Ўғиллар қон кечиб бугун курашда.
Ҳаёл паришонроқ... айтилгандек,
Юрак ҳам озгина ташвишда, ғашда.

Энди кўрибмизми бу оғир кунни,
Йиғлоқи ўз бахтин душмани, ахир,
Меҳнат қуёши-ла ёритиб тунни
Қилайлик иблиснинг номин бир пақир.

Меҳнатда тафовут бўлмайди, чалиш!
Трамвай ҳайдашдан қила кўрма ор.
Саодат гарови ҳар қандай юмуш,
Хонзода қизидай ўлтирма бекор.

Душман янчилди, деб хабар бўлган чоғ
Истиғно базмига менинг ишим йўқ,
Бир-бирига очилур қадрдон қучоқ,
Буқунча талтайиш тополмас ҳуқуқ.

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
Вафо ҳунаридир, меҳнат одати.
Кетади бошлардан бу соя — ғурбат,
Енгади халқимнинг кураш санъати.

12.7.42

БИЗНИНГ КҮЧАДА ҲАМ БАЙРАМ БЎЛАЖАК

Маҳшар ҳаётнинг ҳам чегараси бор,
Зулм занжиридан сўкилар тугун,
Радио карнайи башорат берар:
Муқаддас арафа кунлари букун,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Боғимиз ҳуснида хазон офати
Кўклам ели билан чечак отгувси!
Бу хўрлик, ҳақорат, алам кулфати
Жаҳаннам қаърига бориб ботгувси.
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Бутун савати-ла алвон ёзилур
Катта оилага лойиқ дастурхон.
Қадрдон дўстларга нома ёзилур,
Чунончи: “Бўлинг, — деб, — бизларга меҳмон”,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Крим шароблари жомга қуйилур,
Мусибат кун тўкилган қон билан ёшдек,
Сахий барқашларда буғланиб келур
Украинанинг нони иссиқ куёшдек,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қизларни қўлтиқлаб келар қаҳрамон,
Кўзларда акс этар ўлмаган бу насл.
Қулоқда “бобо” деб янграйди нидо,
Олтин бешикларда туғар янги фасл.
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

¹ Фузулийдан. (Муаллиф эскртиши.)

Йигитлар давра олиб айтурлар қўшиқ,
Ҳижронзада қизлар бўлиб жўр овоз;
Висол кунидир бу ва мукамал ишқ
Одамлик шаъни-ла қилади парвоз,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Рақслар бошланур, гулўйин, гопак,
Ҳунарин кўрсатар қиз, жувон, хоним,
Ширакайф қарсақлар, гулдуроч чапак,
Улуғ айём кунидир, қолмас армоним,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Шоир ҳам шеър ўқир завқдан асабий,
Шеърини ўқийди у биринчи бор.
Шеърда Гитлердай итвачча каби
Лаънаги сўзлардан бўлмайди ғубор,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Ивириб базмга кечикиб қолсам,
Ғолиблар афв этсин — бир оз узрим бор;
Бисотда йўқ эмас қийиқ, беқасам,
Бирор кун дам олсин азиз жомакор,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Ғафлат ҳаммомида кирим қолади,
Енгил тортажакман мисоли пардек;
Кўринган дўстларим белим олади
Ғолиблар белида олтин камардек,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Жаранглаб червонлар ҳамёндан чиқар,
Қизларимга атаб хина оламан.
О, ранглар...
Ой туғиб, офтоб болқар,
Ҳақиқий ҳафтранг, ҳақиқий чаман,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қариндош, қондошлар ҳалқасин қоқиб,
Эринмай айтарман: “Айём муборак!”
Афв этсин оламнинг посбони эрлар.

Афв этсин голиблар, кечиксам андак,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қиёмат куннинг ҳам сўнги бор ахир,
Бўлмагай бу зулмат билониҳоя.
Ватаним тонг тўйи ғоятда яқин,
Енгажак мутлақо инсоний ғоя,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

23 ноябрь 1942 йил



КУЗ КЕЛДИ

Урушдан қайтган ғолиб отадек
Кўйни-қўнжи тўлиб сахий куз келди.
Қатор теваларга сепини ортиб,
Мардликнинг юртига етук қиз келди.

Қирқ беш ёшдагидай мош-биринч соқол,
Барваста, меҳрибон, ялангтўш, танги,
Ағдарма этикнинг чанги ҳам қутлуг
Барака йилдаги хирмоннинг гарди.

Сумбула сувидай тиниқ манглай тер
Марварид доналар бўлди оқибат.
Чалишмак мезонин ботмонларидан
Юлдуз сон қанорлар тўлди оқибат.

Қуёшга тиг уриб учди куркинак,
“Кузак яхши бўлур”, деган дарак бор,
Қирқини бажардинг, қирқ бири — йигим,
Қани бир этакни бар уриб юбор.

Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди
Димоғни шод этар, руҳни саломат;
Шарбат-шароблардан сипқорган киши
Тўқсон йил яшайди кўрмасдан офат.

Ишкомлар ёқуту ақиқ хазина,
Қирқ беш ном узумлар осилган атан.
Ўлма, эй, қўли қанд, жафокаш боғбон,
Яшай бер, боғларга чулғанган Ватан.

Қирқуяк ёмғири шивирлаб ўтди,
Чўпон қўчқорларга ташлайди назар,

Келаси кўкламда кўзи кўп бўлур,
Алҳазар, ярамас кўздан, алҳазар.

Тавротда афсона: бир олма учун
Жаннатдан бадарға бўлганмиш Одам...
Ёпирилиб келинглар, азиз одамлар,
Бу ер одам ери — муқаддас, кўркам.

Бизда олмаларнинг юз беш тури бор;
Розмарин, бильфёр, жоноқи, қандил...
Олма тақдим этмак муҳаббат рамзи,
Олмада акс этар қонга тўла дил...

Тилими тилингни минг тилим қилган
Қирқмалар боғлади юкин қовғага,
Асалжон Шакаров паспорти билан
Бебилет жўнайди дўстга совғага.

Нимтагир шабада, шабнам, бедана.
Чайлага ўрмалаб чиққан сувқовоқ...
Соҳибкор ўзбексан, бу ер полизинг,
Мен эса шаҳарлик бир ширин томоқ.

Ёз бўйи уч-тўрт гал ер этагидан:
“Ҳорманглар-ў”, — қичқириб ўтиб кетганман.
Бу гал инсоф билан, колхозчи ўртоқ,
Сенга ёрдам учун келиб етганман.

Меҳнат кузагининг тўйин файзидан
Қолмагай дарёдил эрлар бебаҳра,
Яккалай жасорат меваси ирмоқ
Бир қатра бўлса ҳам қуюлар наҳра.

Зумуррад бутоқда, олтин чаноқда
Биллурун май тутар кўркам пахтазо'.
Ўз сўзли ўзбекнинг кўклам ваъдаси
Минг карра минг тонна, ҳазор ба ҳазор.

Инжу доналаринг бўлмасин увол,
Чўнтаги тешилган мудроқ заргардек,
Қишнинг гулдуросин кутиб ағрайма,
Карнай овозига ишқибоз кардек.

Иккита чаноқнинг пахтасин олсанг,
Энг ози — бир ғалтак чийран ип бўлур.
Исрофгар ўз бахтин душмани ахир,
Белинг оғриган-ку, нечук эп бўлур?

Куз келди, ғанимат олтин куз келди,
Манглай осмонига минг юлдуз келди,
Ўрайлик, йиғайлик, терайлик, дўстлар,
Бир кутган унумдан юз тўққиз келди.

Элдошлар оғзига бол қуйғучимиз,
Қондошлар, киясиз янги сарупо,
Ўз сўзли ўзбекнинг ваъдаси битта,
Минг карра минг тонна пахта жо-бажо.

Ғолиб ватандошим, кеккай, ҳаққинг бор,
Бу карвон юкидир меҳнатинг — меванг.
Шаҳарлар кезади мағрур одим-ла,
Бўйнида қўнғироқ гилампўш теваңг.

1945



ВАҚТ

*(Менга соат тақдим этган жияним
майор Ҳамидулла Ҳусан ўғлига бағишланган)*

Гунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олғулик муддат —
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин капгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Коинот шу дамда ўз куррасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг
Барини тугулмас айюҳаннос овоз.

Йигит термилади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз.
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қатрада осмон акс этганидек
Жаҳондай маънодор қорачиғимиз.
Ғолиб асримизга қуёшдан машъал,
Замон қўрасининг сўнмас чўғимиз.

Замона соати занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд.
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.

Рейхстаг устига ғалаба туғин
Қадашда отилган адолат ўқи –
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла, мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
Шу малъун имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига лаънат.

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фуркат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас,
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир фишт қўйсак бас.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай
Дамлар ганиматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

19.9.45

АВВАЛ ҰҚИ

Кеча ўнинчини аъло тугатдинг,
Қўлингда етуклик гувоҳномаси.
Ипак галстукка энди ижозат,
Йигитга муносиб йигит жомаси.

Овозинг дўриллар, демак, бу уйда
Иккита эркакнинг шарпаси ҳоким...
Онанг бўйгинангга тасаддуқ бўлиб,
Отанг мақтанади: таянчим, кўрким.

Сезаман, оқшомлар мени ухлатиб,
Утёсов джазини тинглайсан секин.
Жовондан Мопассан томи йўқолса,
Билиб-билмасликка солишим мумкин.

Қўшнидан келарса жаранглаган сас,
Ҳушингни элитар ишқнинг ғаммози,
Тентагим, бу қизнинг кулгиси эмас,
Жонон пиёланинг янгроқ овози.

Сени ҳам домига тортмоқ бўлади
Севги деб аталган бу эски шева;
Ўзига — куёв деб номзод атади
Миллиард йигитлардан гул қолган бева.

Бироқ, вақт эртароқ, сабр қил, ўғлон,
“Шошган қиз ёлчимас эрга”, деганлар.
Қалинга етгундек бисотинг ҳам йўқ.
Ҳумоюн овлайди шошмас мерганлар.

Улуг беш йилликнинг қарзи елкангда,
Ҳали ўқилмаган мингларча китоб,
Ҳали институт минбарларидан
Ўнларча олимдан тинглайсан хитоб.

Фалсафа — Афлотун, илмлар — Сино,
Шеърлар Пушкинни қидирар сенда,
Отага ўғил бўл, яъни хўжа бўл
Қон-тер билан барпо бу сарзаминда.

Конлар — инженерни, тоғлар — Фарҳодни,
Устасин чақирар тонгги гудоклар,
Кеча ўнинчини тугатдинг... Бу оз,
Том Соьер қиссасин билган гўдаклар.

Шунчалар ўқийсан, бир эмас бир кун
Илмингга бу кунги доно қолур лол,
Онанг оқ сутини, отанг меҳнатин
Билимдон бошингга бағишлар ҳалол.

Беш йил — аср эмасдир, ғанимат фурсат —
Эндиги юз йиллик умрингга гаров,
Беш йиллаб шогирдлик умрин яшайди
Созга қўшилгунча най бўлиб гаров.

Дипломсиз умрни умр ҳам дема,
Озгина билганни, билмадим деб бил.
Олим ўғил билан отинча келин,
Бир минг тўққиз юз эллигинчи йил —

Марҳамат! Бу уйнинг тўри сизники,
Тўйга келгувчилар мингдан кам эмас,
Биз учун ҳаваснинг умри қариган,
Қамишдан бел боғлаб хизмат қилсак бас.

Кўпчилик айтгандек: киши қариса,
Эзма, насиҳатгўй бўлиб қоларкан.
Не қилай, мен ахир улуг наслимни
Комрон, бахтиёр кўрмоқ бўламан.

Ўғиллар толеин тилаб ҳамиша,
Отанинг билгани яхши дуодир,
Сиз қанча донороқ, ғолиб бўлсангиз,
Айни муддаомиз — шу муддаодир.

20.10.45

ЧИН АРАФА

Сахарда чарақлайди осмон тўла юлдузлар...
Толеи тонг отардай, келажаги кўкдай кенг,
Эй, менинг фарзандларим, қундуз қош, қора кўзлар,
Дастурхон атрофига юлдуз каби тўпланинг,
 Букун чин арафадир.

Букун чин арафадир ғолиблар ўлкасида.
Кўзгудек жилолансин мурғак кўнгилларингиз,
Бахтингиз қолмасин деб зулмат кўланкасида,
Дарё-дарё қон тўкиб, букунни келтирганмиз,
 Букун чин арафадир.

Малъунлардан яширган тилсим сандуғингни оч,
Ҳимматинг қанчалар бор, олтин юзли офтоб?
Болаларнинг бошидан аямай зарингни соч,
Энди кулиш арғанун, қаҳқаҳалардир рубоб,
 Букун чин арафадир.

Шодлик кўшини босди саодат кўчасини,
Гўдаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини,
Келинчаклар ахтарар пардоз қутчасини,
Қирқ кокил бўлсин, дейди, қистайди янгасини,
 Букун чин арафадир.

Бўлган эдик интизор кўз-кўзга тушмак учун,
Ғолиблар қайтган кун, ёр орзуси қонган кун
Шеърый ўхшатиш билан қалбимиздир лолагун,
Айрилиқ унут бўлиб, бир-бирин кучмоқ учун,
 Букун чин арафадир.

Юзимизни эритди кечаги тўкилган ёш,
Бугун байрам келтирди кечаги ҳажру фироқ.

Бугун бўстон кезади кеча қон кечган қуёш,
Ҳар куннинг файзи бошқа, эрта яна яхшироқ,
Букун чин арафадир.

Йигитга от келишар, байроқ — ғолиб қўлига,
Қадри баланд инсонга шон керак, шараф керак,
Юз минг кўклам пойандоз арслон эрлар йўлига,
Менинг енгган элимга байрам куни муборақ,
Букун чин арафадир.

Эртага тонготардан ноғорада зилу бам,
Чалинг, Аҳмаджон ота, навони савги билан,
Сен ҳам шоҳ шеърингни ёз байрамга, Ғафур Ғулом,
Фоилотан фаалан, фоилотан фаалан,
Букун чин арафадир.

02.11.45



ҚОЗОҚ ЭЛИНИНГ УЛУҒ ТҮЙИ

Азамат халқ — улкан қозоқ,
Ўзбек элидан қутлов.
Бир умрга бирлаштирди
Қардошлик берган ялов.
Бир томирмиз, бир чорвамиз,
Бир қозонмиз, бир олов,
Ўртамизда неъмат тўла
Дастурхондай кенг яйлов.

“Ўзбек эли — ўз оғам”, деб
Ўтрик сўзламас қозоқ,
Жекам десам, жонга тутош,
Иним десам яқинроқ.

Минг йилларнинг дебочаси
Улуғ тўйинг муборак,
Йигирма беш ёшга кирган
Қўркам бўйинг муборак,
Нурга тўла, эркин — озод,
Кугли уйинг муборак,
Жондош қозоқ, шон-шарафинг,
Обрўйинг муборак...

Минг йилларга бар тутқазмас
Қондошлик тарихимиз,
Икки бошга бир манглайдай
Ярқироқ тақдиримиз,
Бир китобнинг икки бети
Туташгандир еримиз.
Бир-бировга кундай равшан
Аёнимиз, сиримиз.

Қариндошим, туғишқоним
Улкан қозоқсан ўзинг.

Тонготарда эгиз болқар
Ўзбек билан юлдузинг.

Олмаотанинг олмасидай
Қон талашган юзларинг,
Конибодом бодомидай
Қур-қуралай кўзларинг.
Олтой бўркин қинғир қўйган
Қошлари қундузларинг.
Саримойдай сўлқилтаған
Фоз ўмровли қизларинг.

Ойнабулоқ сувларидек
Бахти бўлсин ярқироқ,
Женгай десам йироқ бўлмас,
Синглим десам яхшироқ.

Кечаги дашт, ҳаттоки ўз
Исмидан шармандадир,
Жаҳон-жаҳон хазиналар
Сахий бу Вагандадир.
Манов олгин, манов уран,
Манов Қарағандадир,
Менделеев жадвалининг
Бариси шу кондадир.

Қозоқ боши маърифатнинг
Дурраси-ла бойланди,
Чексиз сахро жавоҳирлар
Сандуғига айланди.

Қуёш ўели, қуёшдан ҳам
Баракали улуғ халқ.
Миллиард тонна арпа-бугдой
Омборлари тўлиқ халқ,
Ёвқур, дадил, жанг кунлари
Оти чайнар сўлуғ халқ,
Аҳди маҳкам, бошлар бўлса
Ҳар ишни қилғулик халқ.

Қариндошим, туғишқоним
Улкан қозоқ, омон бўл,
Тиниқликда осмон бўлу
Доимликда жаҳон бўл.

Улуғ түйинг, қувонаман,
Йўлбарсдай гуркирайман,
Қорабайир ёлларини
Пойгаларда тарайман,
Мақганмайман, чин айтганда,
Бир чамалаб қарайман,
Айтисуда Собит билан
Тортишувга ярайман.

Ўзбек элнинг донг қозонган
Манадай оқиниман,
Жон қозоқнинг оқинларин
Дўстиман — яқиниман.

10.11.45



ЙИГИТЛАРГА

Йигитлар халқларнинг мақтови — курки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йуқ,
Қалқон бор: қалъа буг, кўрғон саломат,
Қизлар кулгусида авжу даромад,
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига
Бир бутун замонни алишсанг арзир.
Арзир, ўз йигитнинг қадами учун
Замонлар, кўкларлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўраш...
Расо қоматингиз бизга асодин,
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир ўлимни юртдан қочириб,
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.
Сиз ахир улуғ юрт иқболи учун
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Лаънати галалар ердан суприлди
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз,
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда
Ва сиздан кугади тақдирин жаҳон:
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат
Сизга таянади, сиздир посбон.

20.11.46

ТОШКЕНТ

(12 ноябрь, соат 6, тонготар)

Уфқнинг этагида майин қизиллик ўйнар,
Сўнги кулимсаш билан Зухра ҳам термулади.
Тарновда ўсмир чумчуқ қанотини тузатар,
Кампир ҳовли саҳнида ивирсилаб юради.

Майсаларнинг сочига
Қиров кўниб қолибдир,
Булоқнинг ҳоври кетиб,
Лаби тўнғиб қолибдир.

Расо бир соат бўлди Хадрадан йўлни бошлаб
Муъолишдан трамвай ғийқиллаб ўтганига,
Осмондаги тўлин ой шафақ аро ёнбошлаб,
Коинот минбаридан юмалаб кетганига.

Ўқирар Текстилнинг
Мағрур, вазмин гудоги,
Узоқ-узоқдан келар
Бўзсувнинг гулдураги.

Кўкда қора карвондек аста жилиб бормоқда
Н-нчи заводларнинг мазутланган дудлари,
Нон комбинат печидан буғланиб тарқалмоқда
Тўйинчилик йилларнинг иштаҳали ҳидлари.

Юз тоннали ханпада
Хамирлар гупуради,
Райпишчеторг қизлари
Дўконин супуради.

Аэродром майдонин чулғаган кумуш туман
Қиймаланиб ўтади қатор пропеллердан.
Ўнлаб оғир самолёт шарқу ғарб, шимол томон
Азму салобат билан ердан кўтариларкан —

Олис йўллар шунқори,
Ошноларга салом айт,
Масковданми, Урганчу
Кавказданми, омон қайт.

Ўзбек трассасида манглайи тонгни ёриб,
Пахтачи машиналар қатор кетар гувуллаб,
Пунктнинг хирмонлари қорли тоғдай оқариб,
Ўнгу сўлда қолади бири-бирисин қувлаб.

Шаҳарлик кўмакчилар
Терим учун йўл олар,
Мазгилгача кузатар
Куркилдак билан Салор.

Вокзалда соат учдир. Ҳарбийларча ингизом,
Терлаб-пишиб, ҳансираб, тўхтади паровоз ҳам,
Тез тушишга шошади йўловчилар беором:
Омон-эсон етдингиз, тўрт кўз тугал, хотиржам.

Бағри кенг ота шаҳар,
Кўноқларга чиқ пешвоз,
Салом бер, қўлга сув қуй,
Йўлнинг ҳордигини ёз.

Кўчанинг у юзида мутахассислар уйи,
Иккинчи қаватида инженер Попов яшар.
Не учундир ўчмади чароги туни буйи,
Балки ижод уйқунинг фурсатини талашар.

Рубобий пардаларнинг
Оҳангида тонг отур,
Ҳойнаҳой бир янги куй
Яратди композитор.

Қуёндай ҳуркак, бедор дояларнинг уйқуси,
Юракда доим зовга, ташвишли, аммо кўркам
Тонгнинг мушфиқ кўйнида чақалоқнинг йиғиси,
Қуёш билан баробар кўз очди янги одам:

Тинмағур шаҳримизнинг
Субҳида шунча овоз,
Ҳатто туғуруқхона
Бу овозга қўшди соз.

Кўчада қий-чув кўпди, “Нима гап?” деб қарадим,
Олмоснинг сиёҳини тўккан эмиш Хадича.
Мақтабга кетар эди болалар туркум-туркум,
Соат ҳам саккиз ярим, қаранг-а, ҳа, дегунча.

Тонг смена алмашиб,
Офтоб ҳам найза бўйи,
Ана энди бошланар
Кундузги меҳнат тўйи.

Бир умрлик севгининг майда жузьидир бўса,
Бир бўсаи субҳнинг қадридек кичик бу шеър.
Сени мақтамоқ учун умрим тонготар бўлса,
Субҳидамдек тотади жонимга сучук бу шеър.

Туганмас хазинангни
Тинмай қазганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин.

Бебаҳо Тошкентимиз, наҳоринг кундуздан шан,
Меҳнаткаш, мунис, ўртоқ, қадрдон, дўст, эмукдош.
Қиши — ёз, кузи — баҳор, туни — кунидан равшан,
Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош.

Муқаддас ўзбек элин
Кўркисену бахтисен,
Шарқда ёруғ дарича,
Ўзбек пойтахтисен.

12 ноябрь 1946 йил



БИРИНЧИ ШЕЪР

Ким эдингу ким бўлоднинг,
Не бор азиз жонингда,
Эй дил, бергил сарҳисоб!
Ошиқларга пешволик
Даъвоси бор қонингда
Қатрадаги офтоб,
Камалакнинг товланиши
Нур баҳсидан ҳикоят.

Муборакдир туз тотимча
Ширингина ҳаётнинг
Жаҳон-жаҳон мазмуни,
Шу бўлмаса, юлдуз-юлдуз
Умрли коинотнинг
Жамулжами – якуни
Бўлар эди, азизларим,
Афсонавий ривоят.

Қор тагида кўклам кутар
Таъзим билан бинафша,
Ер ухлайди ҳансираб.
Арпаларнинг намга тўйган
Ишгаҳаси ҳамиша
Қиёқ чўзар нур сўраб.
Зарраларнинг томирида
Яшамоқ намоёйиши.

Вулқонларнинг дағдағаси
Атомларда яширин.
Қалбинг билан тингласанг,
Электрик қилга қушар
Дарёларнинг ич сирин.

Аёвсиз ҳаётӣ жанг —
Қувватдан ранг, ҳаракатдан
Муаммо осойиши.

Сурур тўла ширин ҳаёл
Ўрталикда гангийди
Ярқираган бу оқшом.
Рентген каби мағзи-мағзи
Устухонга сингийди
Ҳоври чиқиб турган жом.
Эски йилдан боқий қолди
Беш минутли уч юз зарб.

Қатрадаги офтобу
Заррадаги вулқондек
Ҳар зарб умр билан тенг.
Биз яратган бу оламнинг
Ҳар гишти бизга жондек,
Жонимиз жаҳондан кенг,
Юрагимнинг ҳар бир зарби
Арзир бўлса унга сарф.

Янги йилни қаршилаймиз,
Ёр-жўралар, бу кеча,
Лаб бўсага интизор.
Эски йилнинг ижод, меҳнат
Дағдағасидан анча
Келар йилга ёдгор
Товус пари қўйилганча
Чала қолган китобдай.

Ҳаёл ўйнар чаманларда
Бу муҳаббат нотаом.
Кутади Фарҳодини,
Ҳаво бунда эритилган
Зумрад каби дилором,
Қўмсайди Беҳзодини,
Қайноғини тиндиришга
Уста талаб гулобдай...

Эҳромларнинг салобати,
Навоийнинг ғазали,
Арасту фалсафаси
Бўлолмағай етукликнинг
Намунаи азали.
Асрдошлар нафаси
Минг йилларнинг ҳавосини
Уфуришга етгулик.

Кечагина ғалабамиз
Нишонланган қаттол жанг
Тоқатларнинг синоғи,
Ҳалок бўлган бир солдатнинг
Кўйлагидек лола ранг
Битта полкнинг байроғи,
Минг “Шоҳнома” достонини
Қонлар билан битгулик.

Аждар кўзи каби порлар
Минг қиррали шарора —
Фарҳод ГЭС чароғлари.
Ўзбек эли меҳнат билан
Нур отига сувора,
Сирдарё қирғоқлари —
Куллиётдан бир жилд тарих
Ўқимоққа тап-тайёр.

Темур қурган “Оқ сарой”да
“Ишратхона” қизимас,
Бу қиссадан алҳазар.
Киприкдаги сурмача ҳам
Соф кўкраги кир эмас
Археолог Мўътабар:
— Бир кулолнинг қизиман! — деб
Қилолади ифтихор.

Асл бахтдир туғиб, ўсиб,
Яшаб, гуллатганинг ер —
Қариб ўлсанг мозоринг.
Она, бешик, боғу бўстон,
Дастгоҳу манглайда тер.

Еринг ва пахтазоринг —
Шону шараф, обрўйинг,
Маърифатинг шундадир.

Юрт саломат, халқ фаровон,
Оила тинч, бор ҳуқуқ —
Одамзодга хос ғурур.
Ўзбекман, деб кеккайганда,
Кенг пешананг ёп-ёруғ.
Толейингга ташаккур;
Бали, ойнинг ярқираши —
Нур булоғи кундандир.

Келинг, дўстлар, вақт ўтмасин,
Меҳнат, истироҳатнинг
Қадаҳини сипқоринг.
Бўса билан иштиёқу
Дилдаги ҳароратни
Хижолатдан қутқаринг.

Янги йилдан қудратимиз
Намойиши баҳона.
Муборакдир туз тотимча
Ширингина ҳаётнинг
Жаҳон-жаҳон мазмуни.
Шу замона бўлмасайди
Умрзоқ коинотнинг
Жамулжами — якуни,
Сизу бизга бўлар эди
Аттанг каби афсона.

1947



СИЁҲДОН

Алишер қаламга қилганда хитоб
Давоти ёдидан кўтарилдиму?
Сиёҳдон, азизим, қора кўзлигим,
Қора тунлар аро ёриган кўзгу.

Сендаги у сиёҳ – йўқ, сиёҳ эмас,
Қалбимда қайнаган қип-қизил қоним –
Донгимни оламга ўзинг ёйгансан.
Омон бўл, қолмади дилда армоним.

Йилларки, ухламай иккита шоир
(Сенинг ҳам шеъримга анча ҳаққинг бор)
Оқни қора қилдик – қогозу қалам,
Ҳар яхши фикримиз бўлди беғубор.

Улуғ жанг кунларин ёзар чоғида
Мардларнинг қонидек дафтарга томдинг.
Лаънати малъунлар номин ёзганда –
“Мен қора эмасман!” – дедингу тондинг.

Шеър тамом бўлди, раҳмат, азизим!
Не қатра сарф қилдинг куйиб қўяман.
Бугун биз икковлон ёзган китоб ҳам
Чиқармиш, табриклар, суйиб қўяман.

12.3.48



СИЗГА

*(Урта Осие Давлат университети филология
факультетида ўтказилган кечада ўқилган)*

Мажлисида муборак юзингиз кўриб,
Шоирнинг довдираб қолиши мумкин.
Қайсингиз Алишер, қайсингиз Пушкин,
Қайсингиз Нодира, Ломоносов ким?

Хато айтмоқдаман, доно авлодлар,
Бу мажлис эгаси сиз ўзингизсиз.
Эндиги оламнинг ҳар бир мушуқли
Ҳал бўлмас мўътабар бир сўзингизсиз.

Сиз, ахир, осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин.
Ақлу балоғатнинг шотуларидан
Юксала берингиз секундлар сайин.

Бир варақ қоғозга беш сўз ёзгунча,
Минг карра ўйлайман сизни, токи бу —
Сиздай доно бола, ўғил-қизларим,
Битта мўйсафидни қилмасин кулгу.

Сиз, ахир, қутлуғ уй эгаларисиз,
Сиз, ахир, гулханлар хўжаси ўтдек;
Сиз, ахир, гулшанлар яратолғувчи,
Найсон тонготари қутлуғ булутдек.

Ердаги барақа қадамингиздан,
Азиз феълингиз-ла олам мунаввар.
Сиз, ахир, бизлардан эндиги минг йил,
Яна минг йилларга бергувчи хабар.

Кимки ўз кўзини сийлаш истаса —
Бизнинг авлодларга бир назар солсин.

Ўқиб, ўрганингиз, ижод қилингиз,
Ҳамма душманамиз беҳабар қолсин.

Сиздай ўғил-қизни улғайтган Ватан
Ҳамиша ободу ҳамиша дилшод.
Бизнинг авлодларни туға олмаган
Ўзин танигандан буён одамзод.

Маърифат ярашган пешонангизда
Истиқбол бўсасин аниқ муҳри бор.
Ўз ота-оналар сиз шарпангизда
Гердаяр, ташаккур, яъни шукри бор.

1948



Мунча ҳам соғинтирдинг, азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан интизор таним,
Қанот қоққан жўжадай титраб баданим,
Иштиёқ ҳижронида қолдим, севганим,
Чаманлар, гулбоғлар ёдимга тушди.

Лоладан пойандоз ҳар бир қадамда,
Узлуксиз кулкуга доимо банда,
Олтин тупроғингни ўпганим дамда
Нафасинг сезилар эди баданда,
Ҳароратли кучоқлар ёдимга тушди.

Иссиқ қуёш бошимдан силаб ўстирган,
Оёғимга устингда кирмаган тикан,
Кипригимга қўнган зарринкор чангдан,
Алқисса, шаббода чопган оҳангдан
Муסיқавий жумбоқлар ёдимга тушди.

Баланд-баланд тоғларинг минг пиллапоя,
Арчалар ёнбағрига ташлайдир соя,
Мен ошиқ шаббодая, қуёша, оя,
Шеър ўқиб, шеър ўқиб билониҳоя
Чулдироқ ирмоқлар ёдимга тушди.



ҚОҒОЗ

Жонланиб ўзинг айт, қайси сўз билан
Сенинг мақтовингни қуйлайин, қоғоз!
Дўстим Муҳаррамга ошиқ кўз билан
Бир умр термудим, икковинг мумтоз.

Кўзимнинг оқидек мунча тозасан,
Яхши шеъримдаги нуқтам қорачиқ,
Баъзида кичкина ғазал ёзаман,
Мазмуни беғубор бағрингдай очиқ.

Нинанинг учи-ла қудуқ қазиган
Азамат ерларнинг кенг майдонисан.
Садафдай кўксингга инжулар тизган
Ошиқ шоирларнинг жон, жононисан.

1955, февраль





МЕНИНГ БИР САТРИМ

Қалбимда қимматли болаларимнинг
Капалак сингари шўхликлари кўп.
Уларнинг манглайи бахтимдай маҳбуб,
Ўпиб эркалайман ўз лабларимни...

Бирор тонг биттаси йўталиб қолса,
Жонимни ҳовучлаб дилим уради.
Ярим дам кўзимдан йўқолиб қолса,
Туғма чанқов каби тилим қуради.

Топмасдан қўймайман болаларимни,
Чаманим зийнати лоларимни.
Улар-ку шўхликда капалакдан зўр!
Аммо тополдимми, сезаман ҳузур.

Ҳар болам уфурган нафасин атри –
Шеъримнинг энг етук, энг яхши сатри.

1955, февраль



ОНАХОНЛАРГА

(Байрам гулдастаси)

Кутлуғ байрам тонгида бир даста гул кўтариб,
Қадрлироқ дўстимнинг кўлига бермоқчиман.
Ҳамма юз ойдай ёруғ, ҳамма чеҳралар таниш,
Диллар дилнинг нусхаси, бариси алвон чаман.

Шу қизга берсаммикан?
Йўқ, йигити ранжийди.
Шу йигитга берайми?
Қизи бир гулдан гўзал.
Кўзим тўйда адашган болалардай ганжийди,
Олам-жаҳон халойиқ бири биридан афзал.

Рўпарамдан келмоқда расмана — она хотин,
Намойишлар эгаси салобат билан босиб.
Меҳнаткаш, мушфиқ, лобар, ҳатто биламан, отин,
Ҳурмат ҳам, гулдаста ҳам кўйган каби муносиб.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи кўкламидир
Аёлманд умримизнинг умид тўла наҳори.
Гарчанд лирик кўшиқлар куйламаклик дамидир,
Ишга қистаб турибди меҳнаткашнинг баҳори.

Тол чивиклар япроғин товушсиз қарсагига
Ўйнамоққа қўймайди андишаю риоя.
Кўшиқни ёшлар айтсин, улар чалган чертмакка —
Сел бўлиб, бош ирғатиб қўя қолиш кифоя.

Эгачи-сингил эдик, амма-холалар бўлдик,
Одамлик талаб қилар — бизнинг ўрта ёшимиз.
Ақллар бисотига бўғча каби тугилдик,
Элу юрт сийлаб турган онахонлар бошимиз.

Яғринли ел қайтарган дуркун-дуркун ўғиллар,
Қўли гул барно-барно қизларнинг энасимиз.
Ўлжалар мазмун тўла яшалган ойлар, йиллар,
Она-Ватан тимсоли — саховат сийнасимиз.

Эртасини ўйлаган индин бўлмас пушаймон,
Фурсат касал эмаски, ўтганига суюнсанг.
Минутлар буғдой дона, ўтган умр тегирмон —
Меҳнатгина беролур бу ширмонга кўркам ранг...

Кўз илғамас далалар бизнинг кишту коримиз
Онахонлар қўли-ла ҳамиша гулшан бўлган.
Тенг меҳнат обод қилган барака рўзгоримиз
Сиз куйманиб шунчалик кўзгудай равшан бўлган...

Қадрдон онахонлар, кундалик ишимизнинг
Олтинқозиқ юлдузи, хамиртуруши сизсиз.
Ёш-яланглар қалбида меҳнатга завқ уйғотинг,
Киши бахтиёр бўлмас жамиятда юмушсиз.

Қутлуғ байрам тонгида боғлаганим гулдаста —
Хушбўй қилса бўлгани онахонлар димоғин.
Келажак билан қуёш арқоқ-эриш пайваста,
Атласларга буркади Ватанимнинг ҳар ёғин.

Апрель, 1956 йил



АНОР

Кўлимда Наманганнинг ер куррадек анори
Ўзбекистон боғидан дўстларимга башорат.
Дона-дона тотганда босар дилнинг хуморин,
Тубандаги шеъримга бўла олур ишорат.

Олтин билан ёзилсин айтадиган сўзларим!
Йироқдан келган бир дўст ўзбекнинг меҳмонидир.
Олмос пора сингари ярқирасин кўзларим,
Ойбегим, Авезовим — халқимизнинг жонидир.

Куёш ҳароратидан баҳраманд бўлган инсон
Куёшдай ижозатсиз ҳар уйга кира олур.
Китоб дегани нурдир, ҳар китобдан минг жаҳон
Меҳр-муҳаббатимиз сўнмас юлдуздай қолур.

Курилл оролларида тинч оқувчи Ганггача
Озодлик осмонининг варраклари учади.
Ҳеч қандай зулмат қолмас! Ахир сўнгги бу кеча
Бир хушxabар кутаман, қабоқларим учади.

Кошкийди халқим учун Ҳофиз ғазалларидек
Тинч-омонлик замоннинг лирикасин ёзолсам.
Кошкийди бир нафас мен бу хуршидий хонамда
Ота-бобом бошлаган дафтарин тўлғазолсам.

Кошкийди Бенавою Халилуллолар билан
Бир дастурхон устида “мўрча миён” чой ичсак,
Кошкийди виро айтиб жаҳоний кулфат билан,
Истикбол субҳидамин бирга-бирга кучишсак.

Мопассан романлари ҳаётин эмас эди,
Кўшханжар қошларини чимирди араб қизи —

Мен ўз давлатимнинг фикридан ўтолмайман,
Жазоир давлатини танийман! Шоир сўзи!

Ушбу сўзни айтади бир бугун инсоният,
Ҳар куни, ҳар соатда чарчагунча офтоб.
Ушбу сўзни такрорлар менинг азиз дўстларим,
Жигар қонлари билан ёзилган ҳар бир китоб.

Бибилар дуосидек, ёшлар муддаосидек,
Гўдаклар кулгусидек жонимизга хуш келинг!
Ўзбекларнинг қувончи Сир, Аму дарёсидек
Хонамизга хуш келинг, жонимизга хуш келинг!

Боғимга гул ўтқаздим чаккангизга таққудек
Ҳар гунча бу боғимда қон, қалбимдан нишона.
Гулшанлар тузиб қўйдим меҳмонлар ўтқизгудек
Сизни таклиф қилмоққа ушбу шеърим баҳона.

Хуш келибсиз, азизлар, Кобилдан Мисргача
Катта карвон йўлининг энг қадим меҳмонлари!
Ахир сизга-ку аён дилимдаги сиргача
Жаҳонимиз мазмуни, халқим қадрдонлари.

Жаҳон кугубхонасин варақ-варақ ахтариб,
Охири топа олдим инсоният мазмунин.
Саодат заминида пийри бадавлат қариб,
Кутмоқдаман, мўътабар сўзингизнинг якунин.

Қаламга алвон улаб айтадиган сўзим бор,
Аминман сўзларимиз топар жаҳон эътибор:
“Яшасин амну омон, яшасин биродарлик!”

1958, октябрь





БУЮК ОЛАМГА САЛОМ

Сурайё юлдузидек ялт этган тезлик билан
“ТУ”лар учиб келади қадимий Шош шаҳрига.
Искандар ололмаган ва Фирдавсий мақтаган,
Низомий келмак бўлган ўзбекнинг бош шаҳрига.

“У”лар учиб келади Ява, Мадагаскардан,
Йўлларига пойандоз ўзбекнинг азиз жони.
Кўзимиз йўлингизга мунтазир илк саҳардан,
Эй ҳаёт карвонининг нурлар минган меҳмони.

Бу қизнинг оти Тошхон, менинг қизим бўлади,
Қабрида субҳидам алвонларнинг акси бор.
Қўлидаги гулини тўкса жаҳон тўлади,
Ўзи жуда покиза, гулларидек бегубор.

Тошхондаги гул билан, оддий ўзбек тил билан
Меҳмонларни кутади мўйсафид Фафур Фулом.
Покиза виждон билан, кафтидаги дил билан
Азиз ўзбек халқимдан буюк оламга салом!

1958, октябрь



ОНА ҚИЗИМ ЖАМИЛАГА

Жазоир зиндонида бир қиз укубатдадир,
Рубобнинг торларидек жонинг жонимга пайванд.
Ҳасратингдан қон томиб, кўзларим қулфатдадир,
Халхол¹ таққан оёқлар букун кишан билан банд.

Ўз халқи озодлигин фидоси бўлган қизнинг
Париж сатангларидан ўзгача ахлоқи бор.
Нил уфқидан балқиган йирик, ёруғ юлдузнинг
Жамила деб номи бор, жамолидай бегубор.

Бир севган йигитига шахло кўзин сузмасдан,
Жуда қисқа умрли япроқда шабнам каби,
Келгусидан тонг отиб, қилиғи кўклам каби,
Ўз юртидан бемалол ҳали бир гул узмасдан

Жазоир зиндонининг мазлумаси бўлган қиз,
Биз бутун Осиёмиз, Африкамиз – ҳаммамиз.
Сенга келгувчи қилич менинг бошимни чопсин,
Золимларни қон бўғиб, мутлақ жазосин топсин.

Сен ўлмайсан, яшайсан, қотилнинг қўли қисқа,
Озодликнинг бошини зулмат қирқолмагандек.
Ўхшаш тарихларингиз, эмасдир бошқа-бошқа,
Зоя жаллодларидан тарих қасос олгандек.

Шарқдаги куёш билан, ўртадаги ош билан,
Кекса кўзда ёш билан, шу чимирилган қош билан
Қасам ичиб айтаман: сен ўлмайсан, Жамила!
Сен ўлмайсан, Жамила, сен яшайсан, Жамила!

1958, январь

¹ Х а л х о л – араб қизларининг оёқларига тақадиган олтин, кумуш узук-зийнатлар. (Муаллиф эскартиши.)

БИЗНИНГ УЙГА ҚЎНИБ ЎТИНГ, ДЎСТЛАРИМ...

Ўзбекистон юртига борган чоғи,
Гурр очилур қардошликнинг қучоғи,
Дилда қайнар неъматларинг ўчоғи,
Асфальт йўлда “Волга”нинг тўпичоғи,
Аввал бизга қўниб ўтинг, дўстларим!

Фафур Фулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз,
Қисталанг гап, бизникига келасиз,
Ташриф этиб мени хурсанд қиласиз,
Бахт уйида тунаб ўтинг, дўстларим!

Олам билар, Фурқат кўча йўли бор,
Беруний майдони, Ёшлар кўли бор,
Муқимий биносини худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер кўли бор,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Дўстлар учун дарвозамиз ланг очиқ.
Бошингизга гул япроғидан сочиқ.
Бу тоза сув, атирсовун, оқ сочиқ,
Сўлим айём, келишингиз ярашиқ,
Албат бизга қўниб ўтинг, дўстларим!

Келасиз деб жамбил, райҳон ўтқаздим,
Ким келибди даста-даста тутқаздим,
Заъфар битмай қолди — бир оз ютқаздим,
Қардошликда олтмиш баҳор ўтқаздим.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Жойни солиб гулзорнинг ўртасига,
Парқу болиш, атласдан кўрпасига,

Мушт тушириб қайғунинг калласига,
Жўр бўлишиб ўн беш тил ялласига,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Шукр айтаман толеимга, болам кўп,
Чаккаларга тақилгудек лолам кўп,
Келин-кеват, тоға, амма, холам кўп,
Кўк чой учун етгулик пиёлам кўп,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Ўртангизда ёзиглиқ шу дастурхон,
Сахийликка мисоли катта жаҳон,
Дастурхоннинг боши эрур тузу нон,
Юлдуз каби ярашиб сиздай меҳмон,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Дастурхонда меваларнинг тури кўп,
Бариси пок, шабнамдай тоза, маҳбуб,
Узум, анжир, шафтоли дер: мени ўп,
Шу қовунни сўйиб енг роҳат қилиб,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Бу қирғовул, бу тувалоқ, бедана,
Бу ширмой нон – юзларида седана.
Қази-қарта, сомса дегани мана.
Ҳасип, норин, сиз эмассиз бегона,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Мана будир гилос, олма, шакароб
Ва бу эса чаросдан тортган гулоб,
Ичганларни хушёр қилувчи шароб,
Бу қимизни сипқоринг кучга қараб.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Ҳар гуручи анор дона ош билан,
Муҳаррамой лаганмас, қуёш билан,
Қўл кўкракда, таъзим этиб бош билан,
Ёр-оғайни, қари-қартанг, ёш билан
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан,
Кейин қолмай замона айёмидан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан,
Бизнинг уйга қуниб ўтинг, дўстларим!

Ҳар китобдир оиламиз офтоби,
Тирсиллайди кутубхона шкафи,
Кимники деб сўрса меҳмон арбоби,
Ғафур деган бир Насриддин китоби,
Бизнинг уйга қуниб ўтинг, дўстларим!

Кекса шоир тилидан овозимиз,
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз.
Кўп кўринсин кўзингизга озимиз,
Дўстлар учун жонимиз, ниёзимиз.
Бизнинг уйга қуниб ўтинг, дўстларим!

*Москва,
1959, 15 февраль*



ЁНМА-ЁН КЕТАЙЛИК

Қирда лолалардан бахмал тўшалди,
Ипак сўзаналар қадри ушалди,
Адирлар гул камар билан қуршалди,
Яллангдан кўнглимининг қуши бўшалди,
 Бўиларинг самбитдай, чаккангда гунча.
Кўкламдай хушфеъл суюнчугинг бор,
Юзингда олмагул кулунчугинг бор.
Лабингда атир ҳид, бол сучугинг бор,
Қошларинг чимрилган, кимда ўчинг бор,
 Йўл бўлсин, қуралай кўзим отинча?
Юрагим уриши қайнар булоқдай,
Ёнма-ён кетайлик қўша ирмоқдай,
Ҳов анов қувлашган икки тойлоқдай,
Бу йўл кўринса ҳам анча йироқдай,
 Бирга одимлашсак йил ўтар кунча.
Бизга насиб бўлди бу улуғ манзил,
Йўллари чароғон, тоза, ям-яшил.
Йўлдошин топмасдан қўярмиди дил,
Бахтингга шерик қил, жонгинам қафил,
 Жуфт ҳаёт қурайлик дунё тургунча.
Таранг соз тортамыз қинғир-қийшиқдан,
Меҳнат енгил тортар қувноқ қўшиқдан,
Қийинлик қўрқади иши пишиқдан,
Илтимос қилади ошиқ-маъшуқдан,
 Ҳамдам бўл, умримиз давом этгунча.
Кўкламдир, муҳаббат жомини тут, Май!
Шўху шан дамларнинг қадрин унутмай,
Япроқдан офтоб шабнам қуритмай,
Унча зориқтирмай, унча куттирмай,
 Кела қол, қумрилар қу-қулагунча.

1959, апрель

МУҲАРРАМ

Дунё-дунё гуноҳимни кечирган,
Сув деганда менга шароб ичирган,
Қўлтиқ тутиб шоҳин қаби учирган
Азизимсан, жигарбандим Муҳаррам,
Саналганда жигар-бағринг бўлмас кам.

Азизимсан, дўстим, жоним, тозасан,
Тозаликда эл аро овозасан,
Мендан бошқа тушмаган бир созасан,
Меҳрибоним, ақду бандим Муҳаррам,
Охуларни қийғир кўзинг қилсин ром.

Райҳон, ялпиз, сунбул, жамбил – барисан,
Тола сочинг мазмуни анбарисан,
Ошиқ бўлган киши мендек қарисин,
Улуғ Мирзо онасисан Муҳаррам,
Фарзандларим сийнасисан Муҳаррам.

Юлдуз сонли болаларни сен туғдинг,
Баъзан ҳаво иссиқ келди, бўғилдинг,
Бир хамирдек Ғафур билан йўғрилдинг,
Бир ўт ичра пишган жоним Муҳаррам,
Гўзалликда Ширин номим Муҳаррам.

Саломат бўлғайсан хонадон бошимиз,
Куюш бўлган нон қаби йўлдошимиз,
Насибамиз сен пиширган ошимиз,
Мен қалб бўлай, қалбимда қон Муҳаррам,
Мен тан бўлай, танимда жон Муҳаррам.

БИР ДЎСТ ХОТИРАСИ

Самарқанд шаҳридаги Улугбек минорасин
Ёшликда кўрган эдик булутли осмон ичра...
Катта қардош халқларнинг меҳнаткаш иборасин
Бирга-бирга ёзгандик: мен энди ҳижрон ичра.

Қайдасан, азиз ўртоқ, шеърингни такрор ўқиб,
Набиранг тиззамдаю номингни қиламан ёд.
Маргилонда қуёшдай крепдешинлар тўқиб,
Хулқарингни ясатдик, оиланг бўлди обод.

Боғимда қирқ туп ўрик — ўзинг экиб кетгансан,
Ишхонам мактаб ёни — чуввослар қулоғимда.
Девор оша болалар — шуни ўзинг айтгансан,
Қачонки гул очилса — нафасинг димоғимда.

Бахшилар сўзи билан қўбиз чертиб юрганда,
Жиззах саҳроларида қабармаган оёгинг.
Нуқул баҳор яшайсан — минг йил умр кўрганда
Ҳазалларингни куйлар миллион-миллион ўртоғинг.

Оинада ўзимни кўриб ўксиниб кетдим,
Соч-соқолим пахтадай — қаторимда қанисан?
Навқирон ёшлигимиз дамин умсиниб кетдим,
Чертмак дуторимдаю алёримда қанисан?

Яхшиям бағрим аро шогирдларим — юпанчим,
Шеър мажлисларида тўполончи қувончим.
Хоразм тарихидай узун умр — таянчим,
Шу куйнинг давомидай миллион йиллик ишончим

Сенга раҳмат айтади, дўстим Ҳамид Олимжон,
Сенга раҳмат айтади, дўстим Ҳамид Олимжон!

1960, январь

УМИД КЎКЛАМИ

Бир саҳар файзини куйлаб беришга
Етти тонг кетма-кет бўлдим овора.
Ғўра кўксултондай тегмайин тишга,
Ўқувчим бол тоғиб қолар, деб, зора...

Олча, шафтолунинг буртақларида
Очилган гул излаб учар арилар.
Не-не яхшилик бор тилақларида,
Далада куйманар ёшлар, қарилар.

Томири шарбатга тўла ток учун,
Кеча поя ишлаб, валиш кўтардик.
Шабнам қатрасидай ҳаво пок учун,
Кўклам елларини майдек ютардик.

Манглайга қўл қўйиб қирга тикилсанг,
Йироқлар минг варақ жанговар дoston.
Малла ер, кўк осмон сидирға юз ранг,
Ям-яшил, қип-қизил, пуштигул бўстон.

Раста йигитлардек дўриллаб ўтар
Оғир тракторлар ер бағрин сузиб.
Уфқда ўйноқлар бир тўда қаптар,
Шоҳ ташлаб, қувлашиб, бир-бирдан ўзиб.

Аму бўйларида ер ёриб чиқди
Бир муддат илгари экилган чигит.
Табиат ҳукмини маърифат йиқди,
Агроном дипломли колхозчи йигит.

Ёзёвон чўлини жиловламакка
Сарсонда¹ тандакаш Солижон ота².
Йигитлар шай турар чолга кўмакка,
Иш катта, орзу офтобдан катта.

Ўнгу чап, юқори, қуйида баҳор,
Илганмас одими табиий, содда.
Нимтатир ҳавода атир ҳиди бор,
Қизлар елпуғичин эслатар худда.

Умид чимилдигин сирли кучоғи,
Фасллар ичида келинчаги бу.
Йигитлик бошининг чекка-қирғоғин
Безаги, ғурури, гулчечаги бу.

Бир кўклам файзини куйлаб беришга
Етти тонг кетма-кет бўлдим овора.
Ҳосил тўйларида қийғос айтишга,
Шеърим куйга тушиб қолар, деб, зора.

1960, апрель



¹ Сарсон — Марказий Фарғонада очилаётган қўриқнинг бир қисми.

² Солижон Охунбобоев — Маргилондаги колхоз раиси, Меҳнат Қаҳрамони. *(Муаллиф эскартишлари.)*



ҚОР

Катта паркув болишдек келгувси неъматларнинг
Ҳаммамизга сут берган онахон сийнаси бу.
Ўзбек шуҳрат қозонган офтоб маърифатнинг
Бугунги тонготарда суви, хазинаси бу.

Сингиб боради қорлар ернинг мағзи-мағзига,
Энг етук шоирларнинг халқ оғзида куйидек.
Ишонинг соҳибкорнинг умидига, лафзига,
Айтгани рост чиқади дилидаги ўйидек.

Миллион-миллион топшириб, қувонган эдик кеча,
Ҳунаримиз ошмоқда, ҳар кеча тонг отгунча.
Турсуной, сен гўзалсан, лабларинг мисли гунча,
Халқини яхши кўрган қизлар бўлар сенингча.

Катта парку болишдек келгувси неъматларнинг
Ҳаммамизга сут берган онахон сийнаси бу.
Ўзбек шуҳрат қозонган каттакон маърифатнинг
Нақ тўрт миллион пахтадек ўзбек хазинаси бу!

1959 йил, декабрь





БАҲОР ОҲАНГЛАРИ

Ўрик гулларини эмар болари,
Насрин япроғида титрайди шабнам,
Ипак қурт тухмида ҳаёт асари,
Олам никоҳ оқшом бир зебо санам.

Илк кўклам файзини совға солмоққа
Танбур косасида шароб керакдир.
Дамлар мазмунини қамраб олмоққа
Дунёдай каттакон китоб керакдир.

Атласдай товланган ёнбағир қирлар,
Бепоен гул гаштин сурса неча дўст,
Ўзлигин унутган ошиқ-маъшуқлар
Ялакат данакдай қўшмағиз бир пўст.

Наврўзи бедана ўрганчик сайрап
Янглиш чучутларда севги оҳанги.
Ёш ирмоқ соҳилга тилини қайрап,
Куёш нусхалидир муҳаббат ранги.

Тонготар уфқни лоладай йиртар
Тинмағур меҳнатнинг забардаст товши.
Ҳар ерда ҳукмрон танги ва лобар
Омонлик замоннинг энгувчи иши.

27/III—61



ГУЛХОНА

Ўртача гиламдек гулхона қилсанг
Кекса атиргуллар ёнига яна,
Бир бош садарайҳон оқу жигар ранг,
Бир тутам жамбилу қатма-қат хина,

Итоғиз, бўтакўз, гултожихўроз,
Гулбеор, чиннигул ва чўпкачизар
Экиб қўя олсанг бўлар жуда соз,
Четига чим боссанг чаманни безар.

Режа олмоқ учун ўткир дид лозим,
Ранглар танламоққа бўлгил капалак,
Чаманга қиз сочи майин ҳид лозим,
Буни боларидан ўрганмоқ керак.

Келин ўксимасин, ариқ лабига
Отқулоқ ўсмадан анча экиб бер,
Ош кўки соча бер ернинг намига,
Кўкламдай ҳимматинг яхлит тўкиб бер.

Чамандан уч қадам кўланка бурчак
Ўн киши сиққудай битта сўри қур,
Сўрига чирмашсанг гул ишқи — печак,
Ана ундан кейин гулзор гаштин сур.

Гулхонанг агар-чи, гиламдай кичик,
Аммо мазмунида Ватан яширин,
Гукраган ҳидлари ҳаётдай сучук,
Тинчлик замонида ҳар нафас ширин.

27/IV—1961

КУЛОЛ ВА ЗАРГАР

(Мирмуҳсинга)

Кулолнинг ўғлиман, дединг бир куни...
Хўш, нима қилибди, азизим, укам?
Меҳнатнинг якуни: ернинг мазмуни –
Тупроқнинг олтиндан қай хислати кам?

Олтиндир,
 темирдир,
 кўмирдир,
 кумуш,
Барчаси бу ернинг жавҳарларидир,
Ерга зийнат берар меҳнат ва юмуш,
Ҳар бошоқ шу океан гавҳарларидир.

Темир, бетонлардан биз қурган бино
Ерга оёқ тираб, кўкка чўзар қад.
Инсон юлдузларга учса ҳам, аммо
Она ер сатҳига қўнар оқибат.

Шу водий,
 шу ирмоқ,
 шу чаманни кўр.
Ҳар бир кафт тупроғи муқаддас, азиз.
Шу чинор ва шу тол ватандош, мағрур,
Биз ундан ёй ясаб ўқлар отганмиз.

Отанг ясар эди сопол пиёла,
Халқ учун хизмат бас,
 на шуҳрат,
 на ном.

У ясаб бермаган
 қон ёшга тўла
Искандар, Доролар учун олтин жом.

Отанг ўз чархида дўндирган товоқ
Минг-минг кишиларни сувга қондирган.
Ачитма гўжалар, қимиз, ширқовоқ
Чарчоқни енггану куч уйғонтирган.

Отанг умр бўйи бир чангал лойдан —
Бир бурда ватандан кўз узмай ўтди.
Илинжи йўқ эди “қодир худой”дан,
Ерга эътиқодни ҳеч бузмай ўтди.

Бу тупроқ чехраси — Ватан чехраси,
Ота-онамизнинг юзидай таниш.
Биз унинг миллиарддан бир ҳужайраси;
Ҳаромзодалиқдир туққандан тониш.

Шеърлар ёзайлик, майли бесайқал,
Аммо сатрлари нур — офтобдай.
Тарих ёзар экан Ашшурбанипал
Бобилдан топилган сопол китобдай:

Бирор археолог қазилмалардан
Тошиб ола қолса бир синиқ сопол,
Шунда иероглиф чизилмалардан
Минг йиллик тарихин ўқир бемалол.

Бу тепа қаеру бу қайси кўрғон,
Бу ерда ким яшаб, ким обод қилган,
Халқи кимлар эди ва қандай замон
Қай умид ўртаган, не ижод қилган?

Чуқур ўйлар ичра толиқар олим,
Ўртада гангийди минг шубҳа, савол.
Шунда жавоб берар гўё аллаким,
Сопол товоқ тутган бир кекса кулол.

Тенгсиз замонанинг гражданимиз,
Халқимиз зўр умид иштиёқида,
Ўзимиз келтирган тонгни таниймиз
Истиқбол кўкининг пештоқида.

Эртанги истикбол даврин яратмак
Ялт этган толеи, бу бизнинг шараф,
Ернинг манглайдан губорин артмак
То нурга кўмилса ҳар олти тараф.

Бир миллион,
 ўн миллион,
 юз миллион киши
Лой қориб, гишт қуйиб бино қуради,
Бу менинг халқимнинг жаҳоний иши,
Қуриб битказади, ўзи туради.

Бу Иван,
 бу Тошмат
 ва бу Сангинбой —
Бир-бирига биродар, қариндош, ўртоқ,
Эгнида жомакор, усти бўёқ, лой,
Дўст шоир бўлолсанг, шуни ёзиб боқ!

Сенинг ёзганларинг улуғ кунларнинг
Катта тарихидан бир варақ бўлсин.
Бағирлар қуёшга тўлиқ кунларнинг
Қалбидай рост бўлсин, ярқироқ бўлсин.

Хирмонлар елпиган оддий куракдай
Халқнинг зўр ишига хизмат қилса, бас.
Халқ билан нафаслош бўлган кўкракка
На тантиқ, манманлик, на шуҳрат ҳавас.

Мен шеърү шоирни ҳеч камситмайман,
Каттакон меҳнатта шерикмиз, укам!
Чин гапни билдирмак, билмак истайман.
Кулолнинг заргардан қайси ери кам?

1963, январь



ИККИ ШЕЪР

(Рафиқам Муҳаррамхонга атайман)

I. СОЧИНГ ОҚАРИБДИ

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?
Ишқингда кезганим тонготарларни
Ўриб олгандирсан, шу дурранг кўркам.

Қирқ йил қиргин бўлса, қопқа тубида
Бахтинг кўриғида ўзим посбон.
Ўзим қулоғинга шивирлаганда,
Бағримга очилган бағрингдек жаҳон.

Ёдимда ўша кун, талпинган юрак
Бузиб қочаларди кўкрак қафасин,
Агар сезмасайди тугашганини
Сенинг нафасингга ўзин нафасин.

Менинг Муҳаррагим, шеърлар ёзиб,
Кўнглингни овламоқ ниятим эмас.
Сочинг юлуғидан тузоқ боғлабон
Қалбим беданасин овлагансан, бас!

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?
Шарафлар қутбидек икки чаккангга
Бутун мазмунимни ҳады қилсам кам.





2. СЎРАНГ

Дилдаги севгу жилосини жамолидан сўранг,
Уйдаги ҳар маърифат нурин камолидан сўранг.

Боғимизда юз туман ранг офтоб кўзгусидек,
Бу чирой мазмунини рухсори олидан сўранг.

Бахту иқболу шарафнинг чашмаси меҳнатдадир,
Заҳматим қадрин, таманносиз висолидан сўранг.

Ерсизин яшнаб кўкармас боғ аро ҳеч бир ниҳол,
Она бағри лаззатин эрка гизолидан сўранг.

Боғбон қилсин ҳикоят гулпарастлар ишқидан,
Болариларнинг ҳужумин гунча ҳолидан сўранг.

Жамбулу райҳон ҳиди кўнгилни кўклам қилганин
Бир тутам қиз сочидек тонгнинг шамолидан сўранг.

Ўз аро элдан ниҳон ҳеч сиримиз йўқ, қирқ баҳор
Кўш вафо сиррин Фафур мирзо мақолидан сўранг.

1964






Шеърый лаҳзалар. 1953 йил.



Гафур Гулом ўзбек ва қорақалпоқ шоирлари даврасида. 1961 йил.



Ғафур Ғулом қаламсан дўстлари: Константи́н Симонов,
Ҳамид Ғулом ва қизи Олмос билан.



Гафур Гулом и жондор дўстлари билан.

МОҲГУЛ

(Афғонистон самолётидаги стюардесса қизга)

Халқинг каби жасур афғон қизисан,
Мукамалсан, яъни замон қизисан,
Қандаҳорлик кекса боғбон қизисан,
Шу соатда аммо осмон қизисан,
 Йўловчилар қарашади, Моҳгул,
 Кийган форманг ярашади, Моҳгул.

Талай қизни кўрдим Кобул, Ҳиротда,
Чодир ичра зулматда, пул-сиротда,
Сен учасан қўш қанотли Фиротда,
Олмос пора қадри ошар қиротда,
 Қорачигинг чақинсимон, Моҳгул,
 Умидларинг оқинсимон, Моҳгул.

Ташна эдим, бир қадаҳда сув бердинг,
Лиму эзиб шакарлаб кулгу бердинг,
Шифо бердинг, хўп қилдинг, эзгу бердинг,
Жамолингдан қалбимга кўзгу бердинг,
 Сувдай сероб бўлгил энди, Моҳгул,
 Ёвга сароб бўлгил энди, Моҳгул.

Кошки эди барча афғон қизлари,
Ўз халқининг кўк тўла юлдузлари,
Гард-ғуборсиз порласа юлдузлари,
Жаҳон сифган онгли қора кўзлари
 Сеникидай кулиб турса, Моҳгул,
 Дилни ўртаб, юлиб турса, Моҳгул.

1964, ноябрь

ҲАММА ЕРДАН СЕН ГҶЗАЛ¹

Жаҳонда нима кўп — гўзал жойлар кўп,
Товуснинг паридай ранго-ранг, сўлим.
Ўшқириб оқувчи ажиб сойлар кўп,
Бир ёғи ўрмону бир ёқ учурум.

Талай ўлкаларни кездим дарбадар,
Елкада хуржуну кўлимда таёқ.
Шундай заминлар бор, оддий куми — зар,
Бу ерда уч ҳосил бераркан тупроқ.

Писта, аргувон кўп афғон ерида,
Ножу арчаларга бурканган Ҳирот,
Бинафша дарахти ўру қирида,
Жўшқин ирмоқлари — бўй бермас бўз от.

Ажиб манзарага эга Қарачи,
Денгиз соҳиллари кўз илғамас кенг.
Бирор тепаликка чиқиб қара-чи,
Ер, денгаз, осмон туташ, теппа-тенг.

Деҳлида кирмаган кўчам қолмади,
Ажойиб-ғаройиб ҳар бир қадамда.
Тиззамда, кўзимда куч ҳам қолмади
Пайдарпай ҳайратлар чулғаган дамда.

Аграда учратдим киши ақлининг
Такрор бўлмайдиган мўъжизасини,
Тоҷмаҳал ерида кўргандай бўлдим
Гўзал Андижоним андозасини.

¹ Шу номли шеърнинг бир қисми. (Муаллиф эскартиши.)

Қаерда бўлмадим!

Нилнинг бўйида

Абулҳавл олдида ҳайронликда мот.
Беш минг йил намоён киши ўйида
Эҳромлар, эҳромлар, баҳайбат, ҳайҳот.

Румода муқаддас улуг Пётрнинг
Машхур жомесини қилдим зиёрат.
Колизей майдони хотиралар-ла,
Спартак қалбларга берди ҳарорат.

Эйфель миноридан Парижни кўрдим,
Зехн сифдиролмас эди хуснини.
Бир муддат Болқонда тентираб юрдим,
Қадамлаб ўлчадим эни-бўйини.

Ер ўгли эдим мен, шунинг учун ҳам
Бир пайт сайёҳликни қасд қилиб олдим.
Кўра-кўра чарчаб, ҳафсалам совиб,
Ниҳоят, Ватанга қайтиб йўл олдим.

Ҳамма кўрганимдан яхлит хулоса:
Туққан Ватан экан — жаҳонда гўзал!
Ўз юртим ерида унган ҳар майса
Бегона юртларнинг гулидан афзал.

Зумуррад ҳавонгни тўйганча ютдим,
Ажойиб Ватаним, жоним Фарғона,
Водил сувларида бетимни ювдим,
Эҳ-ҳе, қанчалик кенг бизнинг замона!

1964



ОЛМА ОТДИ

Хоразмлик қизлар қўшиғи

Ўрим-ўрим сочларим Аму тўлқини,
Кўзим қорачиғида севгим жўшқини.
Рулдаги барно йигит, бу томонга боқ,
Юрагимдан чўғ олиб, чароғингни ёқ.

Хоразмлик қизларнинг жамоли сулув,
Машинада теради, камоли сулув,
Таманноси тош ёғдирган, ҳей Жуманиёз,
Дилимиздан чўғ олиб, стартёрни бос.

Далада пахтамиздан тоғ каби хирмон,
Ҳеч бир кўнгил бўларми беишқу армон.
Кундуз қошли, кеккайма, ўғлон Матназар,
Басма-басга қизларга ташлаб ўт назар.

Мамашариф, севишган қизинг шу ерда,
Эсинг оғиб айланган изинг шу ерда.
Чала терган эгатдан яна қайтиб ўт,
Келар ҳафта тўйингмиш, бизни айтиб ўт.

Планимиз юз бўлди, юзимиз равшан,
Ўғил-қиз чиройидан юртимиз гулшан.
Олма отди ўйнаймиз тарафма-тараф,
Бизнинг азиз Ватанда севишмак шараф.

1965, октябрь



ТУН БИЛАН ТОНГ

(Навоий ғазалига мухаммас)

Менинг қароғиму онинг жамоли тун била тонг,
Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг,
Менинг куюк маҳим, онинг ҳилоли тун била тонг,
Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,
Бу нав даҳрда йўқ эҳтимоли тун билан тонг.

Нечук тушунтира олдим буни гумон элига,
Ҳамиша ишқни қилувчи имтиҳон элига,
Ки бирни икки дейиб бўлмағай замон элига,
Фариб, зулфу юз эрмас букун жаҳон элига:
Кўринмамиш бу иккининг мисоли тун била тонг.

Қачонки зулмату нур ўринни олмошадур,
Қора бошимдаги савдо дилимга тирмошадур,
Қоним куярда танимнинг алангаси ошадур,
Тонгим ёруғу туним тийрадурки чирмошадур,
Кўнгил аро зулфинг хаёли тун била тонг.

Не шомда васл умиди, не тонгда нурли хабар,
Не кечда райҳон исию не тонгда гунчада зар,
Не оқшомда қадах бор, не тонгда бир соғар,
Не тунда айш насими, не тонгда Меҳр магар:
Ки бўлди зулфу юзинг пойимоли тун била тонг.

Дилингнинг кўзгусидан умрга кетсин ғаш,
Ичар чоғингда шаробинггадир ҳаёт аралаш,
Кечанг чароғию кундуз қуёшидек дилкаш,
Тунинг ҳужаста, тонгинг қутлуғ ўлсун, эй маҳваш;
Бу икки банда сенинг бўлди, ҳоли тун била тонг.

Кимики қайғу қулидан яқони кутқорди,
Жаҳон ишини этак силкимак-ла битқорди,
Қаронғу кеча юриб субҳидам томон борди,
Бировки тонгу тунун бода бирла ўтқорди,
Яқинки бўлмағай андин малолли тун била тонг.

Қилолмадим қаро тун, нурли тонг заволин кашф,
Нафас-нафас ўтаётган умрнинг уволин кашф,
Сиёҳ ҳаққи бу Мирзо, қоғоз жамолин кашф,
Навоий этмади зулфу юзинг хаёлин кашф,
Валек эрур гамининг иттисоли тун била тонг.

1965, январь





HACP



ҚИССАЛАР

ЁДГОР

Ёзнинг қизиқ кунлари. Эгнимда елвайгина, кўкси очиқ, ёқасига пилта отган сурп ятак. Бошимда чувт дўппи, белимда шоҳи қийиқ, оёғимда нимпошна хром этик. Узун, тор боғқўчаларнинг бирида кетмоқдаман. Зериктирувчи тупроқли кўча – жимжит. Дарахтларнинг сояси ўз атрофидан бир қадам нарига силжимамай, тик туради. Баланд-баланд сўқир пахса деворлар оша кўча томонга шафтоли, олхирот, баъзан аймақи тоғузумлар осилиб тушган. Ҳар ўн-ўн беш қадамда кўчани чўрт кесиб – бир томондаги қўрғончадан чиқиб, иккинчи томондаги қўрғончанинг пахсаси тагига кириб кетаётган кўприксиз майда ариқлар учрайди. Пашша учмаган тилсиз кўчада кетиб бормоқдаман. Борадиган ерим ҳали узоқ. Майда яллалар куйлаб кўраман. Бироқ, ашуланинг айрим бандлари ҳавонинг иссиқлигида эриб кетгандай авжсиз, лаззатсиз.

Кўчанинг иккинчи бошида паранжили бир хотин кўринди. У менга қараб келади. Юзи очиқ, чачвонини дасталаб ушлаб олган, гўё елпиғичдай тебратиб, ўйнаб келади. У рўбарўсида йигит келаётганидан ҳайиқмайди. Лобар, бепарво. Мен ҳам жимжит кўчада ёлғиз бормоқдаман. Бир-икки оғиз гап билан тегишмоқчи, боятдан буён бўлган зерикувнинг ҳордиғини чиқармоқчи бўламан. Паранжили хотин менга яқинлашиб келмоқда... Бетма-бет йўлиқиб ўтишга ўн қадам ҳам қолмаган. Мен ундан кўзимни узмай бормоқдаман. У ҳам шундай.

Ана – унинг қип-қизил ва кичик лабларида мени ҳалигача мафтун қилган биринчи ярим табассумнинг ёввойи излари. У сипоҳгарчилик билан кулгисини яширмоқчи бўлди. Лекин лабда яширинган кулги энди қора кўзларда ўйноқлайди. Кун иссиғидан анор юзлари бўртганиб кетган. Бахт йўлларидай оқ ва кенг манглайида марварид доналаридай майда тер.

Яқинлашдик, яна бир секунд, мен унга, у менга йўл беради. Ҳар икковимиз ўз йўлимизга кетаверамиз. Йўқ, бу

шундай бўлмади. У тўхтади. Бир нафас менинг бошдан-оёғимгача кузатиб чиқди.

— Тўхтанг, мулла ака.

Унинг овози чертилган жонон косадай жаранглар эди.

— Хизмат, жоним?..

— Бировга холис хизмат қилиб ўрганганмисиз?

— Йигит кишининг кучи ҳалол. Ҳалигача холистан бошқа хизмат қилган эмасмиз. Бутун меҳнатимиз далага кетган. Агар хизматингизга муносиб бўлсам, кўзим устига.

— Бўлмаса, бирор овлоқроқ жой топинг, хизматимни айтаман.

Шу кўчанинг сал нарироғида бўйра-палоссиз бир хонақоҳ, бир пешайвон, ариқ ўтган кичик саҳнга эга бир бог мачити бор эди. Мачит жума кунидан бошқа ҳафтанинг олти кунида кўчиб кетган ҳовлидай бўш бўлар эди. Олдинма-кетин якка тавақа эшигидан кириб бордик...

Қиз бориб айвон даҳанасига ўтирди. Мен унинг рўбарўсида — ариқ лабига чўнқайдим... Қиз мармардай билакларигача шимариб кўйилган кўйлак энглари орасидан кичик шоҳи рўмолчасини олиб, бурун учлари, дудоқ устларига қўнган шабнамдай тоза терларни арта бошлади. Рўмолчадан сувга ивигилган қалампирмунчоқнинг ҳиди бурқиб кетди. Мачит бино бўлгандан буён бу ерга — муҳаббат ва балоғат ҳиди биринчи марта тарқалган бўлса керак. Қиз қошларини чимириб, мени бир марта текшириб, кузатиб чиқди.

— Уйланганмисиз?

— Йўқ.

— Жуда яхши, бўлмаса, мени олмайсизми?

Тўсатдан бўлган бу ногаҳон таклифдан жуда шошиб қолдим.

— Хизматингиз шумиди?

Қиз қаҳ-қаҳ солиб кулиб юборди...

— Ростдан ҳам, бировга холис хизмат қилиб ўрганганман денг?

— Агар буюрсангиз, қил билан фил боғлашга, тирноқ билан тоғ қўпоришга тайёрман.

— Бўлмасам, — деди-ю қиз яна ўйланиб қолди, — майли, ҳаммасини айтаман. Диққат билан қулоқ солинг.

Ёшлик китобининг зарҳал саҳифаларида юрак тепишлари қайд қилинган бу сатрларни умрдай майда тўлқинлар билан оқиб бораётган ариқчага термилиб тингладим. Гўё баракати

кетмаган субҳда “Алиф лайли ва лайлата”нинг Шаҳризод афсоналарини сўйлар эди.

— Ота-онам эски одамлар. Булар олдида ишқнинг пуч ёнғоқча қадри йўқ. Ўз раъйлари билан мени эрга бердилар. Эримнинг тайинли касби йўқ; яширинча майда савдогар. Бир йилдан ортди, унинг занжиридаман. Қайғули кечаларни ҳам тонгларига улайман. У бепарво. Унинг учун муҳаббат ёстиқдан бошқа нарса эмас. Менинг бўлса, у билан бир минут яшагим келмайди. Ажрашмоқчи бўламан. Яхши биласизки, оила эскича бўлганидан кейин, қиз ажратиб олиш жуда катта иснод. Эрим ҳам ажралишимга тиш-тирноғи билан қарши. Баъзида ўлгунча ичиб келади-да, мени уради. Шунда: “Агар мендан зериккан бўлсангиз, қўйиб юборинг”, десам, “Сенинг занжирларда сочингни оқартириб юбораман”, дейди. Мен ҳали ёшман. Ўз тенгқурларим сингари ўйнагим, кулгим келади. Бундан бир ҳафтача бурун яна ҳар галги жанжаллардан биттаси бўлди. Бу гал дазмол босилмаган шим баҳонаси билан етти отамнинг гўрига гишт қалаб ҳақорат қилди, урди. Бу галгиси жуда ҳам жонимдан ўтиб кетди. Бошимни олиб бирор ерга қочмоқчи ҳам бўлиб қолдим... — деди жувон, кўзларига филт-филт ёш олиб.

Ичимда: “Оббо! Энди мени олиб қочинг, деса, қаерга олиб бораман”, деган мужмал хаёл билан сўрадим:

— Хўш, энди нима қилмоқчи бўласиз?

Жувон яна бир марта мачит саҳнида қалампирмунчоқ ҳиди бурқитиб, рўмолчасини ёзди. Жингалак киприкларига илиниб қолган ёш доналарини артди. Ярим ўксик оҳанг билан:

— Бир неча кундан бери пойлаб юриб, эримнинг паспортини ўғирлаб чиқдим. Мана шуни олиб бирор соатга менинг эрим бўлиб турасиз, — деди.

— Яъни, қандай? Менинг бу ерда хизматим нимадан иборат бўлади?

Жувоннинг юзидаги қайғулар ўрнини ярим алдовчи муғамбир табассум эгаллади:

— Гўё менинг эрим бўласизу, ЗАГСга бориб, мени талоқ қўясиз...

Жуда алланечук бўлиб кетдим. Ҳалигина тўлқинлари билан овутирган ариқча терс оқаётгандай бўлди.

Сувга ивитилган қалампирмунчоқнинг ҳиди саримсоқ каби меъдага теккандай бўлди. Калакаланиб қолдим.

— Бу қандай мумкин?

Жувон менинг бу шубҳамни ўз латофати билан енгмоқчи, бу иккиланувимни такаббур кулгилари билан сеҳрламоқчи бўлар эди. Унинг энди мендан ҳеч кўз олмай тикилиб туришидан, гўё: “Мен сени енга оламан!” дегандай маъно англашлар эди.

— Юрагингиз дов бермаяптими, йигитча? Дўппи, қийиқ — савлат денг-чи бўлмаса?..

— Юрак-ку, дов беришга беради-я, ҳали олганимча йўқ, дарров кўяманми? Бу иш туғилмаган бузоққа қозиқ чопишга ўхшайди.

Жувон шарақлаб кулиб юборди. Бу кулгидан ҳалигача мачит томининг тарновида кукулашиб турган икки мусича чўчиб учиб кетди.

— Майли, сизники шунақа тескарисидан бўлсин. Аввал қозиқ чопамиз, кейин бузоқ топамиз. Аввал талоқ, кейин никоҳ қиламиз.

— Қайдам?

Жувон бирдан ўзини тундликка олди. Сўзидаги ҳалигача бўлган меҳрибонликни шиддат қоплади.

Пушаймон оҳанги билан:

— Эсиз, эсиз йигитлик. Зап одамидан холис хизмат сўраган эканман-ку, бўлди-ей, эсизгина сирларим. Келинг, ҳали ҳам бўлса паранжини тўнга айирбош қиламиз, — деди.

Бу гапдан кейин мен анча пўк бўлиб қолдим. Олдин берган ваъдамдан айнишни — йигитлик номига ор, деб билдим. Мени у ҳақиқатан енгган эди.

— Хўш, энди нима қил, дейсиз?..

Унинг кўзлари галабадан порлар эди.

— Шу лапашанглигингиз бўлса, ҳали мени ЗАГСда ҳам шармандамни чиқарадиган кўринасиз. Ҳа, майли, таваккалда, яхшилаб қулоқ солинг. Шу паспортни ёнга солиб қўйинг, ЗАГСга бирга борамиз. Эшикдан мен сизни, сиз мени койиб кирамиз. Сиз: “Кўйганим кўйган”, дейсиз, мен: “Чиққаним чиққан”, дейман. Агар ЗАГСдагилар ярашгирмоқчи бўлсалар, насиҳат қилсалар бўш келмайсиз. Бир гапда туриб оласиз... Мен сизни қарғайман, сўкаман, хафа бўлмайсиз. Сиз ҳам бир-икки марта сўкишингиз мумкин... Ишқилиб, талоқ паттани қўлимга олиб берсангиз бас...

Шундай қилиб, жувон тушмагур илоннинг ёғини ялагандай бидирлаб мени авради, бош-кўзимни айлантирди. Икковлашиб ЗАГСга қараб кетдик.

Ярим соатлардан кейин бир-биримизни куракда турмайдиган ҳақоратлар билан сўкиб, ЗАГСнинг тор идорасини бошга кутариб, шовқинлашмоқда эдик. У мени “чайқовчи”, деди. Мен уни “тантик, сатанг”, дейман. ЗАГСдагилар ҳар икковимизни босиб қўймоқчи, иложи бўлса битишувчилик билан яраштириб қўймоқчи бўладилар. Мен буй бермайман. У маҳмадоналик қилади. Хулласи, ЗАГСдагилар ҳам тангликда қолдилар. Тезроқ бизнинг талоқ паттамизни бериб, жанжалдан бошларини кутулпирмоқчи бўлдилар. Унчалик қийин-қистовга олиб, суриштириб ўтирмадилар ҳам. Паспортимни олиб, патта ёза бошладилар.

Ана энди маркаси ҳам ёпиштирилди. Копияси кўчирилди. Бир нусха унга, бир нусха менга бердилар.

Харажат пулини тўлаб туриб, бир хўрсиниб қўйдим:

– Худоё шукр! – дедим, – шундай лаззатсиз умрдан кутулдим! Энди ҳеч уйланмаганим бўлсин-а.

Жувон ҳам патгани олиб туриб:

– Уҳ, – деб қўйди, – ёруғлик жаҳонга чиқадиган кунлар ҳам бор экан-а. Эр шу бўладиган бўлса, қаро ер бўлсин...

ЗАГСдагилар бизнинг гапимизга ачиниш аралаш совуққонлик билан қарадилар.

Ҳеч ким бирор сўз демади.

Ишни битириб, бир-биримизга тўрсайишиб, кўчага чиқдик. Кўчада у менга ёндашиб, бир ўймалаб қўйди:

– Раҳмат. Мен ўйлагандан ҳам юқори қув бола экансиз. Лекин, ҳали ишимиз сал чалароқ бўлганга ўхшайди. Агар сизга бу ёғи малол келмаса, ўн минут мени ЗАГС эшигида кутинг. Мен ҳозир қайтиб келаман. Бир бўлган иш – пухта бўлсин. Ҳа, дарвоқе, паспортни менга беринг. Энди керак бўлмас.

Мен лакалов, гўлгина банда лаққа учдим:

– Хўп, фақат тезроқ келинг.

Жувон трамвайга тушиб кетди. Мен кутиб қолдим. Ҳақиқатан, айтганидан ҳам тез келди. Лекин қўлтиғида – паранжи остида бир нима бордай қўринар эди.

– Юринг, – деди у. – ЗАГСга кириб, ўша қолган чаласини битказамиз.

Кирдик. Яна ўша талоқ столига яқинлашдик.

Жувон қўлтиғидаги тугунчани олди. Кўзларим косасидан чиқиб кетгудай бўлди. У оппоқ қилиб йўрғакланган, маза қилиб, ҳамма ишдан бепарво эмизик эмиб ётган ёш бола – янги тугилган чақалоқ эди.

Мен савол кўзи билан унга қарадим. У худо урган ўжар дағдаға билан ЗАГС рўйхатчисига қараб:

— Мана, қўйишга қўйгандан кейин, боласини ҳам боқиб олсин. Ёш умримни бола боқиб хазон қилмайман. Керак бўлса ўзи боқсин. Итдан бўлган қурбонликка ярамас! — деди-да, болани менга тутқизиб, жаҳду жад билан кўчага чиқиб кетди. Мен болани кўтарганча ағрайиб қолдим. Нима қилиш керак? Агар: “Ҳой биродарлар, бу хотин менинг хотиним эмас. Мен ёлланиб уни қўйдим, боланинг ҳам ҳали қиз-ўғиллигини билмайман”, десам, балого қоламан. Балки жиной масъулиятга тортарлар. Гарангсиб қолдим. Йиғлагундай бўлиб:

— Ахир, мен энди қандоқ қиламан? Буни қаерга олиб бораман? — дедим-да, ўз гапимдан ўзим чўчиб кетдим. ЗАГСдагилар менга ҳақоратли назар билан қарадилар, ичларидан биттаси жеркиб:

— Шундай ёш хотиннинг умрига зомин бўлганингдан кейин жабрини ҳам торт-да. Ўз гуноҳинг, ука, — деб пичинг отиб қўйди.

Яна бириси юпатгандай бўлди:

— Хафа бўлманг, эмизикдаги болани қонун онасига буюради. Иннайкейин, хотинингиз сал тагпидан тушсин, барибир, оналик муҳаббати қўймайди, болани сиздан олиб кетади.

Жуда шалвираб тушган эдим. Оёқларимга ҳам ишонмай, судралиб қадам ташлардим. Ўша куни узун, кенг, серқатнов шаҳар кўчасида бола кўтариб, тентираб юрганимни кўп киши кўрган эди. Кўчанинг у бошидан бу бошига бир неча марта бориб келдим. Худди бирор нимасини йўқотган кишилардай, интизор, ҳушим кетган эди. Ора-сира чақалоққа қараб қўяман. Йўргаги юзини яширган бўлса, нафас олишга қийналмасин деб, қия қилиб очиб қўяман. Чақалоқ майда-майда чиройли нафас олиб ётади. Эмизиги оғзидан тушиб кетган. Ҳалигина эмган сўнгги она сутларининг лаззатини тамшаниб қўяди. Ана, у кичкина, қора мунчоқдай кўзларини очди. Қорачиқлар беқарор, бир нуқтада тўхталиб турмайди. Оппоқ момиқдай юзларида гивир-шивир ижирганиш бошланди. Қорни очдимикан ё таги ҳўл бўлиб қолдимми — йиғлай бошлади.

Энди нима қиламан? Ахир, бола улғайиб, ота-онасини топиб олгунча, очдан-оч кўчада кўтариб юриш мумкин эмас-ку! Бирор ошиғич чора топиш керак. Чақалоқнинг йиғиси

мени тезроқ бир қарорга келишга чақиради. Онасининг қилган бевафолиги орқасида тор-мор бўлган йигитлик заптани қайта бошдан тикладим. Бўлар иш бўлди. Энди қандай бўлса ҳам болани қутқариб қолиш керак. Ахир, бу гўдакда нима айб? Айб ота-онасида. Эс-ҳушимни йиғиштириб олдим. Қатъий қарорга келдим. Болани кучоқлаб трамвайга тушдим. Уйга қараб кетмоқдаман.

Бола трамвайда ўзини жуда нотинч тутди. Узликиб-узликиб йиғлайди. Искаб-искаб она бағрини қидиради. Кўксимга босаман. Лекин менда у қидирган ҳид йўқ. Яна йиғлайди. Йўловчилар безовта бўла бошладилар. Мен хижолат чекаман. Ораларидан биттаси:

— Оғайни, болани онасига беринг, жиңдек эмизиб берсин, — дейди.

— Онаси йўқ, — дейман. Яна биттаси гудунглаб:

— Онасини уйда қолдириб, ёш болани кўчада кездриш жуда бемаънилик-да, — дейди.

— Онаси бетоб эди, болани торттиргани олиб борган эдим, — деб чучмал жавоб бераман.

Трамвай жамоатчилигидай сермулоҳаза халқ камдан-кам бўлади. Биттаси олиб, биттаси қўйиб, ёш бола тўғрисида гап отадилар. Баъзилари мени аҳмоққа чиқариб қўйган, баъзилари танг аҳволимдан ачингандай бўлади. Ёнимда ўтирган биттаси зарда билан ўрнидан ҳам туриб кетди. Мен билан чақалоқ бу тарафда қолиб, икки киши жанжаллашиб ҳам кетди. Биттаси: “Ёш боланинг йиғлагани яхши, кўзи қора бўлади”, деса, иккинчиси: “Йўқ, йиғламагани яхши, кўп йиғласа, кўзига оқ тушади”, деди. Сўкишишгача бориб етганда, биз — янги ота-бола трамвайдан тушиб қолдик.

Мен эшикдан кириб борганимда ошхона билан айвоннинг устунига арқон тортилиб, укаларимнинг катта-кичик кўйлак-иштонлари ёйилган, кампир тоғора устида ўтирар эди. Кампир қўлимда бола билан кириб келганимни кўриб: “Ҳойнаҳой, опа-сингилларини етаклаб келаётган бўлса керак”, деб ўйлади шекилли:

— Тагин меҳмон бошлаб келдингми, ким келяпти. Савримми, Раҳбарми ё акангнинг болаларини етаклаб келяпсанми? Ўзинг ҳам, болам, худо урган қўли очиқ, меҳмондўстсан-да, мунча ака-ука, эгачи-сингилларингга меҳрибон бўлмасанг, бу кун ҳам укаларингнинг кири чала қоладиган бўлди-да, — деди.

Эндигина сал овунган чақалоқ яна йиғи бошлади. Кампир тоғора бошида туриб, чақалоқни овутмоқчи бўлди:

– Нинни, ниннигина неварагинамдан ўргулай, йиғламасин, йиғламасин, мана, ҳозир бувингиз қўлини артади, дўндиққина, ўзим бағригинамга босаман!

Кампир кўпикли қўлларини тоғорага силкиб, ўрнидан турди-да, “набира”ни қўлимдан олди. Менга қараб:

– Ҳой болам, намунча қовоғингдан қор ёғилиб турипти, айта қолсанг-чи, ким келяпти? – деди.

Индамадим.

Кампир ўз умрида унлаб бола ўстирган оналарга махсус меҳр-муҳаббатли, оила севгиси унинг асл касбига айланиб кетган. У ҳар замон-ҳар замон:

– Болам, куч деган ё суякдан, ё гўштдан бўлар экан. Худоё шукр, меники суякдан экан, гўштдан бўлганида эди, шу олти болани ўстириш осонмиди, онанг ўргулсин, – деб кўярди. Мен бу содда гапдан ҳеч нима англамасдим.

Эй, мени бағринг билан парвариш қилган она, эй, менга борлигингни берган она, эй, менинг тарбиям учун кўз юммасдан хулкарлар кўзларингга чўккан она. Эй, қора кечаларнинг зулмати бахтига чўккан она, эй, ёруғ кунларнинг саодати келажагингга қўнган она! Дунёда онадан ортиқ ким меҳрибон? Ҳалигача бешик тепасида куйлаган аллаларингга барабар шеър ёза олмадим. Ҳалигача мендан чиққан кичик иситма учун тортган қайғуларингга тенг қайғу ҳис қилолмадим.

Онам чақалоқни бирорта эгачи-синглимининг ёки акамнинг боласи, деб ўйлаган экан. Бечоранинг ҳозир олтмиш икки ёши бор. Унинг умрлари аллақайси менга қоронғу ўгмиш йилларнинг шох-бутоқларида олма терган қизларнинг этакларидай илиниб қолган. Унинг кўз нурлари биз олти боланинг кўзларига термулавериш тақсимланган. У чақалоқни дарров танийёлмади. Ўз тили билан айтганда, “пири бадавлат” бўлган онам, бу чақалоқни “бирорта набирам бўлса керак”, деб ўйлаган.

– Ойи, – дедим, – шу боланинг чакагини ўчиринг, онаси ҳали-бери келмайди.

Кампир мени койиб кетди:

– Тиниб-тинчимайсан-да, ўғлим, сенинг болажонлигинг тинкамни ҳам қуритди. Нега эмадиган болани онасидан ажратиш олиб келсан, мен энди бунга нима бераман, эгачинг тушмагур ҳам ўлгунча бепарво, боланинг қадрини билмайди. “Омон бўлсанг

пишарсан, бу таптингдан тушарсан”, улар ҳам ёшликнинг таху такосини йиғинтиргандан кейин, зора боланинг қадрига етса, “Онанинг кўнгли болада — боланинг кўнгли далада”.

Чақалоқ тинмай йиғлаб турар эди. Кампир мени ҳам, ювиб турган кирини ҳам унутиб юборди. Болани кўлига олиб, турли ҳаракатлар билан уни тебратиб овутмоқчи бўлар эди. Бола очикқан эди. Уни овқатсиз, хушмуомала билангина юпатиш анча машаққат эди.

— Оҳ, ёшлар, ёшлар, — дер эди кампир.

Болани менга бериб, ўзи ирвити қутисини очди. Ундан бир-иккита ғалвирак бодом олиб янчди. Уни қайноқ сувга ивигандан кейин, дока рўмолга ўраб, болага шимдира бошлади.

Тасодифан ўша кезларда акамнинг хотини ҳамда кичик синглим туққан бўлиб, кампир бу чақалоқнинг қайси бирисиники эканлигини билмас эди. Бола бир оз тинчланди. Бир оз туриб яна йиғлади. Орадан бир-икки соат вақт ўтиб қолишига қарамасдан, кампир кутган “меҳмон”дан дарак йўқ эди. Кампир мени койий бошлади:

— Тусингни ел емасин, ўғлим, ҳой, сен қанақа бола чиқдинг? Нега ахир бу ёшгина гўдакни онасидан ажратиб, тентиратиб юрибсан?

— Ойи, — дедим, — ростини айтайми, бу боланинг онаси йўқ. Кутганингиз билан келмайди ҳам. Бу — менинг болам!

— А?.. — деди кампир. — Нима деяпсан, бемаъни? Қандай қилиб бу сенинг боланг бўлади?!

— Киши қаригандан кейин эзма бўлиб қолар экан-да, менинг болам дегандан кейин, менинг болам. Суриштириб нима қиласиз, боқаверини!

— Ҳой, сен бола, нима деяпсан? Синни солим шу ерга келганда, келиб-келиб энди сенга майна бўлиб қолдимми, болам? Ахир, бу кимнинг боласи ўзи?

Кампирга бир оз баланд келиш керак эди:

— Менинг болам, дедим-ку, тамом! Менинг болам, шуни боқасиз. Мени, ака-укаларимни қандай тарбия қилган бўлсангиз, буни ҳам шундай тарбия қилиб ўстирасиз, бошқа гап йўқ.

Кампир аввал ишонмади. Кейин юзимдаги жиддийликни кўриб, гапларимнинг мазмунига бир оз тушуниб олгандай бўлди. Ўзини тиёлмасдан, хўнг-хўнг йиғлай бошлади.

— Ахир, — деди кампир, — мен энди қандай қиламан? Етти номусимни ерга букдинг, жувормак! Мен сени ким

кўрганга мақтаб, орқангдан кўрпача солдириб юрган бўлсам, аммангнинг қизига совчи юбориб, унаштириб қўйган бўлсам, сен жувормак охир чоғ уйимга онасининг тайини йўқ болани кўтариб келсанг. Мен бу хўрликка қандай чидайман?! Дўстим бор, душманим бор, маҳалла-кўй, гузарим бор, қариган чоғимда кенжагинамнинг хотини менга пушти-паноҳ, қўл-оёқ бўлармикан, деган эдим. Худоё, сени отангнинг арвоҳига солдим.

– Ҳадеб обидийда қилаверманг, ойи, мен ҳам сизни хурсанд қиламан, деб юрган эдим-у, лекин онаси шу болани туғди-ю, ўлди-да... Бўлмасам, келин десангиз арзигундай келин эди.

– Ахир, кимни олган эдинг? Кимнинг фарзанди эди? Боланинг онаси ўлган бўлса, азасига бораёй, уйи қаерда?

Чақалоқ яна йиғлаб қолди. Кампир мен билан пачакилашиб ўтирса, “набира”гина оч қоладиган, кўз ёшларини даканасининг учига артиб, чақалоқнинг ёнига борди. Уни йўрғагидан ечди:

– Болагинамнинг тағи ҳам бўкиб кетибди.

Ўрнимдан турдим, секин кўзимнинг қирини ташлаб қарадим. Болиш пар ёстиқдай момикқина оқ баданли, тўла ўғил бола экан.

Шу фурсатдан бошлаб менинг юрагимда ғазаб билан муҳаббатнинг, ўч билан ишқнинг кураши бошланди.

Гувоҳ бўлинг, ўртоқлар, шу – менинг ўғлим бўлади!

Аввалги бир неча кун кампир болага унчалик меҳрибонлик кўрсатмади. Укаларимнинг сут станциясидан ҳар кун келтирадиган сутини ҳам жуда ишончсизлик билан болага бериб юрди. Лекин кундан-кун болага бўлган меҳр-муҳаббати ошиб борганлиги сезилар эди. Ўнинчи кунларга борганда йиғлаб ётган болани кўриб, укаларимни койиётганлигини эшитиб қолдим:

“Ҳой, Кумри, ахир укангга қарасанг-чи, ичаги узилиб кетди-ку! Нонимни ёпиб олгунимча овутиб турги!.. Мен ҳозир бориб оламан”.

Ёинки: “Абдуғани, тура қол, оппоқ ўғлим, вақтлироқ бориб, укангнинг сутини олиб келиб бермасанг, кун қизиб кетса, олиб келгунча айниб қолади”, деяр эди.

Кампирнинг бу гаплари болага унинг муҳаббати ошиб бораётганлигини равшан кўрсатиб турар эди. Демак, мен тинчлансам бўлади. Боланинг тарбияси таъминланди. Ҳарчанд

кампир ҳалигача норғул-норғул азамат болалардан олтитасини ўстирган бўлса ҳам, унинг тарбияси бир оз эскича. Лекин нима қилиш мумкин? Бошқа хил тарбия беришга мен сингари дунё кўрмаган, бўйдоқ йигитнинг чораси йўқ. “Болали уйда гийбат йўқ”, дегандай, ўғлим келгандан буён уйимизда анчагина эрмак топилиб қолди. Укаларим мактабдан келгандан кейин ўйнайдиган нарсалари — чақалоқ. Ўзим ҳам ишдан қайтгандан кейин чақалоқни қўлимга олиб, жиндак овунтирган бўламан. “Нинни-нинни”, деб қўяман, “Кулиб беринг”, дейман.

Шунчалик ўзимиздан тиниб-тинчиб қолганимизга қарамасдан, мен бу чақалоқ тўғрисида анчагина гап-сўз бўлиб олдим. Анча таъна-маломатлар эшитдим. Аммам қизини менга бермайдиган бўлибди:

— Бо, худо кўтарсин унақа йигитни, — деяр эмиш, — ким кўрган билан юриб, бола кўтариб келадиган бебошвоққа берадиган қизим йўқ.

Маҳалла-кўй — гузардаги ким кўрган мени масхара қилиб:

— Ҳа, фарзанд катта бўлиб ётибдими? — деб сўраб қўйишади. Мен ҳам жуда ўжарлик билан қарайман-да:

— Шукур, — деб ўтавераман.

Акам-ку орқаворатдан:

— Бўлди, мен билан борди-келди қилмасин. Унақа укам йўқ! — деб юрган эмиш.

Опам бўлса кампирни койир эмиш. “Қариган чоғингизда, — деяр эмиш, — сизга нима зарур: боласини қўлига тугқазинг, хоҳлаган жойига олиб бориб боқтирсин, худо кўтарсин, “Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим ўғлон асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар”, дегандек, ҳали бу ўлимтик катта бўлиб, сизга бозордан бир чаким нос олиб келиб берди-ю, биров кўрмай қолди”.

Хулласи, қариндош-уруғ, маҳалла, таниш-билишлардан туртки еявериб хит бўлиб кетдим, номим ёмонликка ёйилди, ким кўрган таъна қилиб таъзир беради.

Шу кезларда менинг жонимга тасодиф ора кирди. Ёшим йигирма иккида бўлгани учун ҳарбий хизматга чақириқ бўлиб, маҳалла комиссияси ҳарбий комиссариатнинг чақириқ қоғозини топширди. Бу нарса менга жуда ёқиб тушди. Оғзим қулоғимда. Елиб-югуриб бориб доктордан ўтдим. Бутун аъзойи баданим пўлатдан қуйгандай соғ-саломат бўлгани учун биринчи даражада яроқли бўлиб қабул

қилиндим. Босар-тусаримни билмай хурсандман. Доктор мени кавалерия ҳам пехотага ярайди, деб ёзди. Ҳарбий комиссариат мени пехота қаторида Ашхободга юборадиган бўлди.

Бу иш кампирга маълум бўлгандан кейин жиндаккина кўз ёш қилиб олди. Мен Ашхободга кетгунимча қолган икки-уч кун ичида уйда жуда сийланиб яшадим. Ҳалигача жирканиб, хор тутилган ўғлимга ҳам ҳеч ким шамолни раво кўрмай, дийдасининг устида сақлаб, ҳурмат қиладиган бўлиб қолди.

Чақалоқ келгандан буён унга тайинли бир исм қўйилмаган эди. Менга ҳурматан кампир унга “Ёдгорвой, Ёдгорвой”, деб исм қўя бошлади. Кампирдан:

– Ойи, Ёдгорвойингиз нимаси, қаёқдаги қолиб кетган эски от-ку? – деб сўрасам, кампир ўпкасини тутиб ололмай:

– Оҳ, онагинанг ўргилсин, болам, сен энди саллотга кетаётибсан, худоё худовандо, ёмон кўздан сақласин... Худо душманингни хору зор қилсин. Ишқилиб, ўққа учиб кетмагин. Ўртоқларинг билан енгинлару енгилманглар. Мен ўғлингнинг отини эҳтиёт шартдан Ёдгор қўйдим. Сендан қоладиган туёққина. Яхши ҳам шу бола дунёга келиб қолган экан, сени кўргандек бўлиб юраман, ҳидинг димоғимдан кетмайди, – деб йиғлар эди.

Кампирнинг гаплари менга кулги туюлса ҳам, ҳурмат юзасидан ҳам болага яхши парвариш қилиш зарурлиги важдан, бир нима демасдан, унга тасалли берар эдим.

Шундай қилиб, ҳалигача юрак тепишлар билан кутган севимли янги оламга – ҳарбий қўшин кучоғига қараб жўнаб кетдим.

Мен, ўзим қатори чақирилган тенгқур йигитлар билан Ашхободга жўнадим. Ҳарбий хизматга чақирилганимда чаласавод, ҳисобдан тўрт амалнигина биладиган оддий бир йигитча, яна тўғриси, олди очиқ яқтак кийган ялла бедард ўспирин эдим.

Бизни қабул қилиб олдилар. Уйдан кийиб келган ҳалиги кийим-бошларим аллақачон ҳарбий форма билан айирбош қилинган. Бу кийим-бошларга бир неча кунлар кўниколмай юрдим.

Ҳарбий таълимларни жуда жон-дил билан ўрганаётганим, ҳарбий хизматларга жуда иштиёқ билан бўйин эгганим,

берилган яроқларни озода тутишим, ётоқларимнинг тартибли туриши — ҳаммасини кўрган ўртоқ командир ҳар замонда мени эркалаб:

— Шундай бўлиши керак, сиз яхши аскар бўласиз, — деб кўяди.

Умумий ҳарбий таълимдан ташқари, кечқурун ҳар ким ўз кучига қараб группаларга ажратилган — ўқиймиз. Муаллимлар мендан жуда хурсанд.

Аҳён-аҳёнда ҳовлидан — кампирдан хат келиб қолади. Унда ёзиладиган гаплар, албатта, маълум. “Сени соғиндик, ҳеч бандани ота-онасиз қилмасин экан. Ёдгорнинг ҳам тили чиқиб қолди, “дада-дада”ни оғзидан қўймайди. Юракларим эзилиб кетади”, ана шунга ўхшаган гаплар. Мен ҳам хат ёзиб қўяман. Отпускаи олсам бориб кўриб келишни ваъда қиламан. Шундай қилиб, умр ўтиб туради... Кундан-кун жуссам тўлишиб бормоқда, рангим қип-қизил, бакуватлашиб кетганман, теварак-атрофим ошна-оғайнилар билан тўлиб ётади. Зеркиш деган нарсани билмайман. Бизнинг полкда турли миллатдаги йигитлар бор, қозоқ дейсизми, ўзбек дейсизми, татар дейсизми, тожик, туркман дейсизми — ҳаммаси билан иноқман. Ҳаммасини ҳам қўяверинг, сўнгги олти ой ичида жуда ҳам қаттиқ ҳавас билан рус тилини анча ўрганиб олдим, ҳовлига юбориладиган хатларнинг манзилини ўзим ёзаман. Яқинда бутун ҳарбий кийим-бош билан сурат олдирдим, шу суратимни конвертга солиб кампирга юбордим. Орадан бир неча вақт ўтгандан кейин акамдан хат келди. Кампир суратни кўлидан қўймас эмиш. Бутун кўни-қўшниларга суратимни кўрсатиб чиққан эмиш. “Худоё шукур, — деяр эмиш, — шу тентаккина ўғлимга ҳам ақл кириб, ҳукуматнинг саллотбошиси бўлиб кетган”, деяр эмиш. Қувончлари оламга сизмас эмиш.

Бир йилдан кейин кампирни, қасал, деб эшитдим. Ариза бериб, ўн кунлик отпускаи олдим. Ўртоқлар билан хайрлашиб кампирни кўриб келмоқчи бўлдим. Мен келган куни ҳовлида тўй бўлиб кетди.

Мен билан аразлашиб қолган акам, опаларим, келинойим ҳам келган. Ўғлим бўлса алпон-талпон юрадиган, бақалоқ, оппоқ бола бўлиб қолибди. Тиззамдан тушмайди, мен ҳам кўлимдан қўймайман. Кўчага чиққанда ҳам кўтариб чиқаман. Аввалгидай, мени “Ҳа, куёв, ўғилча катта бўлиб юрибди-ми?” — деб мазах қилишмайди.

Аммам ҳам кўргани келди. Кетар олдида кампирни холи топиб: “Тақдирни бузиб бўлармиди, йигит деган не кўйларга тушмайди. Тентаккинангиз савлатликкина йигит бўлиб қайтди-я, саллотликдан. Кунига денг, айланай эгачи, совчилар эшигимнинг турмини бузади. Ҳаммасига ҳам: “Йўқ, айланайлар, ҳали қизим ёш, ундан кейин бунинг боши боғлиқ”, деб жавоб бераман. Тоғасининг ўғлига “бешик кетди”, дейман, бунинг йигити Ашхободда саллотбоши, деб мақтаниб қўяман, дебди даромад келтириб. Кампир буни менга оғзининг таноби қочиб, илжайиб гапирганда, мен:

-- Қизи ҳали ёш, шошмаса ҳам бўлади. Менга қараса, мен ҳали уч-тўрт йилсиз уйлана олмайман. Ҳали ҳарбий хизматим тамом бўлгани йўқ, ундан кейин яна бир-икки йил ўқимоқчиман, — деб жавоб бердим.

Кампир ҳам:

-- Ҳа, айланай болам, ҳали ҳам, эртага тўй бўлсин, деяётгани йўқ, айтганингдек, қизи ҳам ёш, шунчаки даромад қилиб қўйяпти-да, болам! — деди.

Тошкентда турган уч-тўрт кунда ўртоқларимни соғиниб, юрагим урар эди. Ўзимнинг севимли полкимни зориқиб-зориқиб соғинар эдим. Шунинг учун ҳам отпускани тамом қилмай тезда қайтиб кетдим.

Иккинчи йил — тактик ўқиш бўлсин, умумий маълумот бўлсин — жуда жиддий кетди. Мен, айниқса ҳарбий билимлар билан бирликда чала қолган ўрта мактабимни битиришга уринар эдим. Ҳатто йил ўртасига бориб, командир отделения қилиб кўтарилдим. Онамдан келган хатларнинг мазмунига қараганда, кампир ҳам энди мени “ўлимга кетган” саллот, деб ўйламас эди... У: “Айланай болам, яхши ўқигин, яхши машқ қилгин, саёқ бўлмагин, ёлғизгина ўғлингни ёдингдан чиқармагин”, деб насиҳатлар қилиб ёзар эди.

Албатта, ўғлим Ёдгорни ҳам у билан боғланган воқеаларни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Билмадим, тақдир унинг ва менинг пешонамга нималар ёзганикин?

Асосан ўйлаганда “тақдир” деган сўз кишиларни яратмайди, балки кишилар тақдирни яратади. Мен ўзимга ҳам, Ёдгорга ҳам жуда ёруғ келажак, порлоқ тақдир яратишга ҳаракат қилмоқдаман. Бу тўғридан кампир тинч бўлиши мумкин.

Иш билан ўтган умр жуда қисқа туюлади. Эрта билан вақтли машққа чиқамиз, ортиқча, турмушга алоқасиз

хаёлларни ўйлашга қўл ҳам тегмайди. Кеча билан ўзимни яна дарс тайёрлаб ўтирган ҳолда кўриб қоламан. Туриб-туриб ўзимга ишонмайман. Шу менми? Кечагина дунёнинг ишқини, завқини – сайроқи бедана, хром этик, беқасам тўн, яхши қўлбола мусалласдан иборат, деб юрган оддий чапани – шу менми? Аммо бугун менинг бутун завқим ўзгариб кетган. Менинг ишқим, муҳаббатим ўзининг мазмунини ўзгартган. Мен энди Ватанимнинг ишқи билан ёнаман. Шу Ватанимнинг ва мени тарбия қилаётган жамиятнинг яхши ўғли бўлгим келади ва бўламан ҳам.

Йигирма беш ёшимнинг кўклами. Олам чаманларга бурканган, дунё лолалардан, гунчалардан иборатга ўхшайди. Ҳамма жаҳон менга кулиб қарайди. Кўлимни пешонамга қўйиб, узоқларга қарайман. Оёқ остимда бахмалларга бурканиб ётган улуг Ватан; узоқ-узоқларда унинг бахт-саодатли қишлоқлари – шуларнинг ҳаммаси гўё менга ботирлик ишқи бахш этиб, мендан хизмат кутиб тургандай бўладилар. Йигирма беш ёшни нима деб атасам экан? Агар табиатнинг ихтиёри менинг кўлимда бўлса эди, яна бир неча йиллар шу ёшимда тўхтаб турар эдим.

Эй, мени тарбиялаб ўстирган, дунёга кулиб қарашга ўргатган, иккинчи онам бўлган ҳарбий қисм, нимага менинг йигит умрим шунча қисқа қўйилди? Икки йил иккита иссиқ ўпичдай тез ўтиб кетди?

Мана, тез орада давомли отпускага ҳам чиқамиз. Лекин мен яна кўнгилли бўлиб қолмоқчиман. Ўқишлар жуда қизгин бормоқда. Кўпчилик фанлардан “аъло” даражага эга бўлсам ҳам, нима учундир... она тилидан бўшроқман. Муаллимларим мени уялтириб қўядилар... Хайр, энди бир фан учун “паст” баҳо бермаслар.

Биз билан битирувчи йигитларнинг кўплари “аъло” даража олдилар. Командиримнинг менга меҳрибончилиги, айниқса, яхши. Баъзида:

– Ўртоқ командир, – дейман, – агар мумкин бўлса, мени яна кўнгиллилар қатори ҳарбий хизматга қолдирсангиз, – дейман. У илжайиб, елкамга қоқиб, эркалаб қўяди.

– Сенинг туғрингда менинг фикрим бошқачароқ, – дейди, – керакли жойлар билан сўзлашиб қўйдим. Сени мажбурий хизматинг тугагандан кейин, албатта, энди истасанг, Ленинградга юбормоқчимиз. Ҳарбий академия қошидаги медицина факультетига кириб ўқийсан. Агар у ерда ҳам ўзингни шу маҳалгача

туганингдек фаол, жиддий, ўз вазифасини англайдиган бўлиб тута олсанг, тўрт йилда яхши ҳарбий доктор бўлиб етишасан.

Бу гапларни эшитиб, жуда ҳам қувониб кетаман. Кўз олдимда яқин бахтли келажак порлагандай бўлади. Ўртоқ командирнинг қўлини маҳкам сиқиб, унга миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳақиқатан ҳам, ўртоқ командир менга берган сўзида турди. Ҳам ҳарбий таълимдан, ҳам бошқа фанлардан аъло даражада имтиҳон бердим. Отпускани олдим.

Махсус комиссиядан ўтиб, академияга йўлланма ҳам олдим. Қувончим оламга сиғмайди, икки йил бўйи ака-укадай бўлиб қолган ўртоқларим билан ажралиш жуда қийин.

Канцелярияга кириб карточкаларимни олдим. Отпускага кетувчилар учун махсус чақирилган кечада ўртоқлар билан, муаллимлар билан, бизни тарбия қилган командирлар билан иссиқ-иссиқ кучоқлашдик, ўпишдик, хайрлашдик. Мен, айниқса, муаллимим бўлиш билан бирликда энг яқин биродарим бўлган командиримга сўнги честимни бердим:

– Ўртоқ командир, сизнинг шогирдингиз бутун умрида ўз Ватанига содиқ қолади. Уни ҳар қандай ички ва ташқи душмандан мудофаа қилишда ботир аскар деб ўзини ҳис қилади. У жонажон Ватаннинг, мамлакатнинг ободонлигини ва ҳурматиини сақлашга постда турган рядовой аскардай доим тайёр!

Мени тарбиялаб ўстирган Ватаним мендан ҳарбий доктор бўлишликни талаб қилган экан, мен тез фурсатда бу вазифани “аъло” даражада бажараман.

Тошкентда дўстларим, ўртоқларим, ака-укаларим — ҳаммалари ҳам жуда ҳурмат билан қарши олдилар.

Ёдгор бўлса яқиндагина қизамиқдан қутулиб олибди, мени ташвишланмасин, деб бу тўғрида ёзмаган эканлар. Ярим-ёрти тили ҳам чиқиб қолибди. Чунончи, “пешона”, деб айтолмайди-да, “шепана”, дейди; “р”ни ҳеч ҳам айтолмайди. “Бораман”, деб айтгин десам, “бояман”, дейди; “патрон”, деб айтгин, десам, “патён”, дейди, “аэроплан”, дегин десам, “аюпян”, дейди. Кулишамиз. Менинг ҳарбий кийимим, айниқса шапкам Ёдгорни жуда қизиқтирди. Шапкамни кийиб олади-да, кўзига тушиб кетса ҳам бувисига чопиб боради.

– Буви-буви, мен дада бўлдим, — дейди.

Ишқилиб, болали уйда гийбат йўқ.

Менинг аскарний хизматни тамом қилиб келганимни эшитган кампир орқаворатдан тўйни тезлатиш ҳаракатига

тушиб қопти. “Ёш бўлса ҳам майли, ўзи дуркунгина, ўзим катта қилиб оларман, мен бундан ҳам ёш тушган эдим, никоҳ паттасини ола олса бас”, деяр эмиш.

Мен Ленинградга кетишимни ҳали онамга айтмаган эдим. Бу тўғрида опамга айтдим. “Кампирга айтиб қўйинг. тўйдан илгари ноғора қоқиб юрмасин. Мен аскарий хизматдан бўшаган бўлсам ҳам, ўқишим тамом бўлган эмас. Ҳали уч-тўрт йил ўқишим бор. Ўқишни тамом қилганимдан кейин бир гап бўлар, шуни тушунтириб қўйинг”, дедим. Шу билан бу масала ҳал бўлди.

Ўқиш биринчи сентябрдан бошланади. Икки ярим ойлик умрни бекорга ўтказиш маслаҳат эмас эди. Тошкент университетининг медицина факультетига бориб янги кирувчилардан талаб қилинадиган маълумот даражасини билиб олдим. Ҳам шунга қараб Ленинградга тайёрлана бошладим.

Кечки пайтлар бўлса Ёдгорни кўтариб оламан. Паркларга бориб циркларга кирамиз. Айланма от ўйинида Ёдгорни отга миндириб айлантираман. Қувноқ, бахтли, саодатли умр жуда секин ўтиб туради. Ёдгор янги келган кунларимда бир оз тортиниб турган бўлса ҳам, кейинги кунларда жуда иноқлашиб кетди. Мендан бир қарич ҳам ажралгиси келмайди. Бирор соат кўзига кўринмай қолсам: “Дадам ани?” деб жанжал қилар эмиш. Болани отага бунчалик ҳам ўргатиш яхши эмас. Чунки мен Ленинградга кетганимда ичкикиб қолиши мумкин. Кампирнинг фикри ҳам шу.

Минутлари соатдай, соатлари кундай узун кўринган, қачон ўша кунлар бўлар экан, деб соғинган, юрак уриб кутган вақтлар ҳам яқинлашди. Йигирманчи августда, албатта, Ленинградда бўлишим керак. Бугун бўлса ўнинчи август. Индинга, албатта, жўнайман. Эгачи-сингилларим, акам келди. Уларнинг бола-чақалари келишди.

Мен шундан билдим: агар кампирдан тарқалган болалари, набиралари ҳаммаси бир уйга йиғилса, ўзимиз ҳам салкам бир маҳалладек оила бўлар эканмиз. Уйимиз тундагидан бўлиб кетди. Кампир эгачи-синглим билан бирга куюниб-суюниб бўғир-соқларми, патирларми-е, чўзма-чалпақларми-е пиширмоқда, менга йул озиқлари тайёрламоқда эди. Ҳамматари мени кузатиш тарадудиди. Ёдгор бўлса, кампирнинг бошқа набиралари билан ўйнаб юради. Ҳаммалари ҳам озор бермасдан ўйнатадилар, эркалайдилар. Акам Ёдгорни эркалаб туриб:

— Ўғлинг ўзингдан ҳам утқир чиқади-да! Курмагурнинг кўкрагини қара, худди Ҳожимуқоннинг кўкрагига ўхшайди, болдирини қара! — деса, кампир:

— Ҳап кузингга, қуй, болам, унақа дема, бола деган гулдан ҳам нозик бўлади, — деб қуяди. Гапга келинойим аралашади:

— Ўзи ҳам худди қуйиб қуйгандек ўзингизга ўхшайди. Бир туки ўзга эмас, вой худоё, бола деган ҳам отасига шунчалик ўхшайдими? — дейди. Ичимда кулиб қуяман.

Бундан ортиқ оила муҳаббатига ижозат йўқ эди.

Мен кетишга мажбур эдим. Мени вокзалгача акам, ўртоқларим кузатиб чиқдилар. Акамнинг қўлида Ёдгор, ҳаммалари менга муваффақият тилайдилар. Борган замоним соғ-саломатлигим, имтиҳондан қандай ўтганлигим тўғрисида ёзиб юборишни сўрайдилар. Мен ҳам уларнинг хат ёзиб туришларини сўрайман. Акам ҳам жуда меҳрибон бўлиб кетган.

— Бир нарсага муҳтож бўлсанг, дарров хат ёз. Ўқувчилик, қийналишинг мумкин, қўлимдан келган ёрдамни аямайман. Ундан кейин, кампирлардан хотиржам бўл, — деди.

Мен поезд деразасидан қараб тураман. Ёдгор менга талпинади. Қўлимга олдим. Қўзғалишга звонок аллақачон бўлган. Ёдгорнинг ҳар икки юзидан ўпдим. Яна акамга қайтариб бердим. Ёдгор йиғлаб қолди. Поезд қўзғалиб кетди. Мен ҳам ҳалигача ўзимда тажриба қилиб кўрмаган, бир юрак эзилиш, бутун аъзони жимирлатиб келадиган қандайдир бир ички ҳиссиёт билан беихтиёр кўзимга ёш олдим.

— Хайр, хайр...

Поезд кетиб боради. “Имтиҳондан қандай ўтар эканман?” деган фикр билан юрагим уриб қуяди. Ҳалигача ўқиган дарсларимни ичдан такрорлаб, ўз-ўзимни имтиҳон қилиб кўраман.

Узундан-узоқ қозоқ чўлларини босиб ўтиб кетдик. Оренбург чегаралари ҳам босиб ўтилди. Мана энди Самара вилоятига қарашли ерлар, муттасил қуюқ яшил ўрмонлар, поёнсиз галлакорликлар, йўл-йўлакай катта-катта завод, фабрикалар тугун бурқитган ҳалқумларини чўзиб қоладилар. Мен ўз умримда бундай катта сафарга биринчи марта чиққаним. Ўҳ-хў, бизнинг Ватанимиз ҳали шунақа каттами?

Шулар ахир ҳаммаси улуғ Ватаннинг айрилмас бўлаклари. Мен эса — шу Ватаннинг битта ўғлиман... Кувончим ичимга сиғмайди. Дивизияда ўрганган ашулаларни димоғ билан ўзим эшитарлик қилиб куйлаб қуяман.

Мен билан ҳамроҳ бўлиб Москва авиация мактабининг студенти, бир қозоқ бола ҳам борар эди. У отпуска билан Қизил Ўрдага келган экан. Ватанимизнинг кенглиги, катталиги, ободлиги туғрисида сўзлаб кетди:

— Ўртоқ, — деди, — сиз аскарсиз. Агар менга ўхшаган авиациячи бўлсангиз эди, Ватанимизнинг қанчалик катталигини яна яхшироқ кўрган бўлар эдингиз. Ахир Тинч океандан тортиб Қора денгизгача, Шимолий кутбдан тортиб Афғонистон чегарасигача — ҳаммаси бизнинг бахтли Ватанимиз. Бизда нима йўқ дейсиз? Ҳамма нарса бор. Агар аэропланга тушиб, узоқларга учиб кетсангиз, Ватанимизнинг гўзал шаҳарлари, бахмал боғлари, ям-яшил ўрмонлари, пахтазор далалари, Донбасси, Урали, Сибири — ҳаммасини яққол кўрасиз, ана шунда биласиз?

Бу студент жуда очиқ кўнгилли йигит экан, у ўз турмушидан, ўқишларининг боришидан ва бошқалардан сўзлар эди. Ҳатто у мени доктор бўлишдан айнитиб, авиация мактабига киришга ундай бошлади. Мен унга жавоб бераман: “Тўғри, авиация ҳам жуда қизиқарли илм, лекин доктор бўлишга кўпроқ ҳавасим бор. Ундан ташқари, мен доктор бўлишни ўз командиримга, беш юзга яқин йигитлар олдида ваъда берганман, — дейман ва унинг елкасига қоқиб қўяман. — Эй ўртоқ, — дейман, — сен билан мен — ҳали ёш йигитлармиз, ўтгиз ёшгача бир эмас, икки факультетни тамом қилишми? Агар тўрт йил жиддий ўқисам, доктор бўламан. Яна бошқа факультетда, масалан, авиацион инженерликка яна тўрт йил ўқиш сен билан менга қийин деб ўйлайсанми?”

У билан ўтган тўрт кунлик умр жуда қувноқ ўтди. Бир-биримиз билан жуда эски биродарлардай суҳбатлашдик. У менга адрес берди. Мен унинг адресига хат ёзиб, ўзимнинг адресимни маълум қиладиган бўлдим. Москвада у билан ажралдик.

Ленинградга яқинлашган сари юрагим каптарбаччадай типирчилайди. Яна бир неча қуюқ узун ўрмонларни кесиб ўтгач, Ленинград шаҳри ҳам кўрина бошлади.

Ниҳоят, бир талай зориқишлардан кейин поездимиз келиб тўхтади. Юкларимни кўтариб вагондан тушдим. Қўлимдаги адресга кўра ҳарбий академияни қидириб топдим. У ерда мени жуда яхши қарши олдилар. Улуғ Ватанимизнинг турли мамлакатларидан келган менинг сингари имтиҳонга тайёрланмоқда бўлган студентлар билан таниша бошладим.

Имтиҳон кунлари етиб келди. Иш – ҳалигача менинг қурқиб юрганимдай бўлди. Асосий фанларнинг ҳаммасидан “аъло” ва “яхши” даражалар билан имтиҳон берган бўлсам ҳам русчадан бўшлигим яққол сезилиб турар эди. Лекин имтиҳон комиссияси таржимаи ҳолимда кўрсатилган асосий фактларни эътиборга олиб, биринчи йилдаёқ рус тилини асосан эгаллашимни шарт қилиб, ҳарбий академия қошидаги медицина факультетининг биринчи курсига қабул қилди. Қувончим ҳаддан зиёда.

Мана, дарслар ҳам бошланиб кетди.

Мен дунёда ҳарбий академиядан олган биринчи дарс соатимдай лаззатли, ширин умрни эслай олмайман. Ахир, ўртоқлар, ўзингиз ўйлангиз, бундан икки ярим йилгина илгари ҳамма нарсадан беҳабар, боғ кўчаларда ялласини тортиб юрган чапани йигит, бугун ҳарбий академиянинг медицина факультетида профессорлардан лекция тинглаб ўтиради!

Дарслар кундан-кун оғирлашиб, қизиқ бормоқда. Ҳаттоки, бултурдан бошлаб ёза бошлаган хотира дафтаримни ҳам ёзишга вақтим етмайди. Тошкентдан келадиган хат-хабарларнинг ҳам кўпига жавоб ёзолмайман.

Тўғри, энди ҳар қандай бўлмаганда ҳам сабр, қаноат, жиддият, сабот керак.

Бўш қолган вақтларимда кўпроқ рус тилини ўрганишга ҳаракат қиламан. Бизнинг ётоқхонамиздаги студентларнинг кўпчилиги турли миллатлардан бўлгани учун уларнинг ичида ҳам менинг сингари русчага нўноқлари кўп. Бир-биримизга ёрдамлашамиз. Ҳар ҳолда кўп умримни рус студентлари билан суҳбатда ўтказишга уринаман. Умуман айтганда, лексияларнинг ҳаммасини яхши тушуниб бораман, сўзлашда ҳам унчалик қийналмайдиган бўлиб қолдим. Лекин ёзувда имло хатоларим кўп.

Ярим йиллик имтиҳонни яхши топширдим. Имтиҳон сўнгидан келадиган ўн тўрт кунлик қишки каникул вақтида ҳалигача жавоб ёзилмаган бир неча хатларга жавоб ёздим. Бу хатларнинг ичида, айниқса, мени жуда ҳам таажжубга қўядиган – аммамнинг қизи Саодатнинг хати эди. Мен ҳайрон қоламан. Бу хатни ёзишга уни нима мажбур қилган экан? У билан мени: бир-биримизга оналаримиз унаштириб қўйишган, деб эшитганман, тўғри, лекин мен Ёдгорни кўтариб келгандан кейин аммам уни менга бермайдиган

бўлган эди. Буни ҳам биламан. Ҳалигача Саодат билан бетмабет учрашиб, ҳар иккимизнинг турмушимиз тўғрисида ёинки бир-бировимизга уйланиш тўғрисида бирор оғиз суҳбатимиз бўлган эмас. Хўш, у энди қандай журъат билан менга хат ёзади? Тўғри, у биз унаштирилган вақтда ёш эди. Мен Ёдгорни олиб келганда эндигина ўн уч ёшга кирган эди. Ҳозир у ўн олти ёшга тўлиб қолди. Бўйи етиб қолди, деб ҳисоблаш мумкин. Хўш, бу хат қандай хат бўлди? У мени севармикан-а? Мен бўлсам, унга оддий кўз билан, совуққонлик билан қарайман. Ҳали: “Уни яхши кўрасанми?” – деб ўз юрагимдан сўраб ҳам кўрганим йўқ.

Саодат шундай ёзган эди:

“Жўра ака! Салом.

Ўқишингизга муваффақият тилайман. Им ғиҳондан қандай ўтганингиз, дарсларингизнинг бориши, соғлигингиз тўғрисида билишга қизиқаман. Сизга бир янги хабар: ўзингизга маълум, мен бошланғич мактабни битиргандан кейин ота-онам ўқишимни давом эттиришимга розилик бермай, уйга беркитиб қўйган эдилар. Бу йил нима учундир, ё менга раҳмлари келдими, ё ўртоқларимнинг илтимосларини қабул қилдиларми, ўқишимга ижозат бердилар.

Педтехникумнинг биринчи курсига имтиҳон бериб кирдим. Ҳозир ўқимоқдаман. Дарсларим жуда қийин бўлишига қарамасдан (ўзимни мақтагандай бўлмасин), кўпчилик фанлардан “аъло” олиб ўқимоқдаман.

Тунов куни сиздан хат-хабар бормикан, бир билиб келай, деб холамларнинг олдиларига кирган эдим, ўғлингиз Ёдгор дўмбоққина бўлиб ўйнаб юрган экан, жуда ҳам севимли бўптида. Кўтариб, бағримга босиб, анча ўйнатиб юрдим. Агар қимматли вақтингизни аямасангиз, бир энлиқкина хат ёзсангиз, бошим осмонга етар эди.

Сизга ҳурмат билан: *Саодат*”.

Хўш, бу хатга нима деб жавоб ёзиш керак?

Саодатнинг ўзи ёмон қиз эмас. Ўқишга киргани яна яхши бўлибди. Бу галча мен уни синаб кўраман. Расмини сўрасаммикан? Йўқ, бу жуда кўп бўлиб кетади, уни чўчитиб қўйишим мумкин.

Мен ундан битта дўппи сўрайман. Хат ёздим.

“Саодат!

Мендан кўндан-кўп салом. Соғман, соғлиқларингизни тилайман. Ўқишга кирганингизни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим.

Келажакда бахтли бўлмоқни истаган ҳар бир қиз ўқиши керак. Мендан сўрасанг: имтиҳонни яхши топширдим. Мен ҳам (мақтанмай) бирдан олдин, бирдан кейин дарсимни олиб бораётирман.

Саодат! Билмадим, вақтинг бўлармикан, бизнинг ҳовлига борсанг-да, холангга айтсанг, агар мумкин бўлса, бирорта дўппи тикиб юборсалар, чунки баъзан, байрам кунларида миллий кийим кийиб юрган студентларни кўриб, ҳавасим келади. Мен ҳам ҳеч бўлмаса, баъзи-баъзида дўппи кийиб юрмоқчи бўламан.

Мендан ҳаммага салом айт!

Ҳурмат билан: *Жўра*”.

Мен шундан ортиқча бошқа хаёлларга боришим мумкин эмас эди. Чунки биринчи курсдаман. Ҳозирдан бошлаб Саодат ва бошқалар тўғрисида ўйлай бошласам, дарсимга халал етиши мумкин.

Яна ўқишлар бошланиб кетди. Яна ўша жиддий умр. Эрта билан туриб, кечки соат биргача студентлик ҳаёти.

Май ойлари келди. Бутун студентлар кечани кундузга улаб, йиллик имтиҳонга тайёрланмоқдалар. Мен ҳам шундай.

Шундай жиддий кунларнинг бирида почтадан кичкинагина посылка олдим. Очиб қарадим: қаватма-қават турли ипақлар билан боғланган қоғоз. Қоғоз ичини секин очиб қарасам, битта яхши ипақ тагдўзи дўппи, унинг орасидан битта кичкинагина шоҳи рўмолча чиқди. Шоҳи рўмолчанинг бир чеккасида турли ипақлардан нозик, жуда ҳам санъаткорона қилиб чиройли бир капалак ва қизил гул гунчасининг расми туширилган. Унинг орасида худди аспириин порошоги ўралган қоғоздай кичкина мактубча. Хатни очиб ўқидим. Яна Саодат ёзар эди:

“Қадрли Жўра ака!

Туганмас салом. Афв этингиз, холамдан сўраб юборган нарсангизни ўз вақтида юбора олмадим. Сиздан жиндек хафа ҳам бўлдим. Лекин билиб қўйингки, дўппини тикиш деган сўз у- ёшларнинг иши. Бечора холам қариган чоғида ҳамма иш қолиб, сизга дўппи тикиб юрсалар уят бўлар дедим-да, ўзим тика бошладим. Маълумингизки, мен ҳам студентман.

Ўқишлар жуда қизгин бораётганлигидан тезроқ тикиб битиришга вақт тополмадим. Отпускалар ҳам яқинлашиб қолди. Тунов кун холамларнинг олдиларига яна бориб, “Мен Жўра акамларга хат ёзмоқчиман, гап-мапингиз борми, қўшиб юборай”, дедим. Холам жуда севиндилар. Айниқса Ёдгорингиз жуда соғинган кўринади. “Даданг отпуска вақтида келадилар”, — деб уни юпатган бўлдим.

Айтгандек, сиз учун яна битта янгилик: яқинда мен ёшлар уюшмасига қабул қилиндим.

Сизга ҳаммадан салом.

Хатингизни кутиб: *Саодат*”.

Масала менга бир қадар равшан. Айниқса, шоҳи рўмолчанинг бир чеккасига тикилган ғунча билан капалакнинг сурати мени аллақандай хаёлларга олиб боради. Алланарсалардан хабар бергандай бўлади.

Ажабо, чиндан ҳам Саодат мени севадими? Мен-чи?

Йўқ, ҳали буни ўзимда ҳис қилиб кўра олганим йўқ. Яхшиси, бундай хаёлларни унутиш керак. Лекин қиз боланинг кўнглини чўктирмаслик ҳам лозим. Қандай бўлса ҳам бир жавоб ёзмоқчи бўлдим. Унинг дўпписига қарши мен ҳам бирор нарса совға қилиб юборишим мумкин. Унда яна уни алланарсалардан ишорат бергандай қилиб боғлаб қўймасмиканман? Юборганда ҳам нима юбориш керак? Яхшиси, ҳеч нима юбормайман. Яхшилаб битта хат ёзаман. Шунинг ўзи бас.

Хат ёздим. Хат ўтган галдаги сингари оддий. Бир аканинг сингилга ёзадиган хати эди. Дўппи учун раҳмат айтдим. Бу йил отпуска вақтида бора олмаслигимни билдирдим. Ўзим ҳам қариндош-уруғларни, айниқса, Ёдгорни соғинганлигимни айтдим. Сўз охирида тез-тез хат ёзиб туришини илтимос қилдим.

Имтиҳон кунлари етиб келди. Русчам бир қадар тузалиб қолган. Лекин бу ерда иккинчи дард чиқиб қолди. Мен ҳозир буни яширмасдан айтавераман. Анатомиядан қаноатланарлик имтиҳон беролмадим. Шунинг учун отпуска вақтида Тошкентга боришни йиғиштириб қўйиб, академиянинг дачасига чиқиб, ўртоқлар ёрдами билан тайёрлана бошладим.

Лекин чинини айтиш керак. Ёдгорни жуда-жуда соғинар эдим. Ҳеч кутмаганда июнь охирида акамдан юз сўм пул перевод келиб қолди. Перевод билан келган хатида, акам гўё мендан узр сўраган бўлибди. “Кечирасан, — депти, — бола-

чақам кўп, кўпроқ юбора олмадим. Ҳар ҳолда, студент ҳаёти, бирорта керак-ярогинга яраб қолар, оз бўлса ҳам кўпнинг ўрнида кўрасан”, депти. Ҳам хатида: “Аммаларинг ҳам шахтидан тушган, “бегонага берадиган қизимиз йўқ: “Саодат Жўраники”, дейдиган бўлиб қолишди. Бу томондан ҳам тинчланишинг мумкин”, депти. Хулласи калом, оилавий гаплар...

Демак, Саодатнинг дўпписи, рўмолчаси ва рўмолдаги гунча билан капалак сурати — ҳаммаси ҳам бекорчи нарсалар эмас. Масала менга ойдинлашди. Яхши ҳам бу отпусага бормаганим. Нима қилганда ҳамки — йигитчилик, ёшлик, бирор сабаб билан боғланиб қолишим мумкин. Йўқ, ҳар қанча оғир бўлса ҳам, гарчанд Саодат мени яхши кўриб, мен уни яхши кўрсам ҳам, чидайман? Ўқишни тугатгунимча чидайман.

Дачада вақтда бўш чиққан дарсим биргина анатомия бўлгани учун анчагина бўш вақтларим бўлар эди. Шунда шаҳарга тушиб айланиб, томоша қилиб юраман. Акамдан келган юз сўм менга тамом ортиқча бўлганлигидан унга Ёдгорга атаб кийим-бошлар олдим. Бу кийим-бошларни янги олдирган катта суратим билан кўшиб ҳовлига юбордим.

Ёдгорга юборган посилкам ҳам расмимдан кейин орадан бир ойлар ўтгач, Саодатдан хат олдим. Саодат бу сафар нима десам экан-а, юрак ютиб юборган бўлса керак, хати киноялар билан тўлиб ётар эди. У ёзар эди:

“Севимли Жўра ака!

Ёдгорга атаб юборган расмингизни холам уйда четларига гуллар тақиб деворга осиб қўйибдилар. Ёдгор ҳар кун “дадам” деб талпинганда, кўрсатар эканлар. Бир нафас термилиб ўтиргандан кейин соғингани қониб, яна олиб кўяр эканлар. Мен бориб: “Қани, Ёдгор, дадангнинг суратини мен ҳам кўрай”, десам, ширингина тилчаси билан: “Қўйиб қўйинг, тегманг, бу — менинг дадам”, деб мени бийлатмади. “Ахир, бу сенинг даданг бўлса, менинг Жўра акамлар-ку”, десам, “Ҳа, майлинг”, деб қўлимга берди. Шунда сизнинг суратингизга қараб туриб ўйладим. Бу суратни олган сураткаш бир нусха олган экан-да, таниш-билишларига ҳам берар, деб бир-иккита олмаган экан-да, бизга ҳам юборсангиз, ўзингиздан ҳам яхшироқ қилиб сақлар эдик. Арзимабмиз-

да. Мана, сиз юбормасангиз мен юборай, дедим-да, Ёдгор билан бирга олдирган расмимни юбордим.

Сураткашдан хафа бўлманг. “Қозонда бори чўмичга чиқади”, дегандай борини олибди.

Дарвоқе, дўппи бошингизга лойиқ келдими?

Жўра ака! Агар сизга малол келмаса, битта мовут беретка олиб юборсангиз, чунки Тошкент қизларининг ҳаммасига беретка кийиш расм бўлиб кетган. Сизга туганмас салом билан, сизни соғиниб: *Саодат*.

Айтгандай, сизга расм юборганимни Тошкентдагилар била кўрмасинлар”.

Хат, айниқса, расм юрагимга ўт ёқди. Ажабо, шу ўзимизнинг Саодатми? Қизи тушмагур анча етилиб қопти-я! Расмнинг ярим дийдор эканлигига энди ишондим. Саодатнинг қора кўзлари мени ишқ мусобақасига чақиргандай, ярим табассумда турган лаблари менга алланималар дегандай бўлар эди. Бўлиқ, тоза оқ юзларига тўзғиб тушган паришон сочлари менинг юрагимни ўз занжирларига боғлаб олмоқ учун тайёр тургандай сезиларди.

Ишон, Саодат, ишон! Мен сени севаман, шу қора жингалак киприқларингга бутун ҳаётимда ёш илинтирмайман.

Қиз ўз латофати билан мени ишққа чақирар эди. У голиб келди.

Менда Саодатга чин муҳаббат бошланди. Бироқ ўқиш мавсумлари борган сари яқинлашмоқда бўлгани учун муҳаббат можаролари билан боғланиб қолиш дарс учун анча хавфли бўлиши мумкин эди. Шунинг учун Саодатга бу мавсумнинг сўнгги хатини ёзмоқчи бўлдим. Ҳам бирдан-бир илтимоси бўлган береткани қўшиб юбормоқчи бўлдим. Шаҳар бориб сўнгги модадаги бир береткани олдим. Унга ўз ишқимдан хийлагина очиқ ишоратлар, ишончлар берадиган бир хат ёздим. Хат ичида расм билан, ўқиш яқинлашиб қолганидан жуда вақтим озлигини, бу хатдан сўнг яқин орада хат ёза олмаслигимни билдирдим. Бир чеккаси синоқ, бир чеккаси чиндан Ёдгордан ҳам, кампирдан ҳам хабар олиб туришини илтимос қилдим. Шу билан бизнинг янги бошланган “роман”имизнинг биринчи боби ўқилиб бўлди. Келажак бахтли бобига — келгуси йилнинг отпуска муддатигача “каникул” берилди.

Отпуска вақтида боролмаганим учун кампир бир оз ранжиган бўлибди. Ўғлим ҳам бир оз бетобланиб олган эмиш. Кумри тўқимачилик комбинатининг ФЗУсига ўқишга кирибди. Уни ётоқ ҳам стипендия билан таъминлабдилар. Абдуғани бўлса, ҳали бошланғич мактабни тугатмагани учун кампирнинг ёнида экан. Акамдан келган бир хатда: “Кампир, Абдуғани ва Ёдгорлардан хавотир олмасанг ҳам бўлади. Уларнинг маишатидан ўзим хабар олиб турибман. Бу тарафдан қийинчилик йўқ”, дейилган эди. Демак, мен жуда тинч, ҳеч қандай ортиқ ташвишни хаёлга олмасдан ўқишим мумкин. Бу шундай ҳам бўлди. Факультетнинг иккинчи курсида ҳам мен аълочи бўлиб ўқидим. Рус тилида кўрилган бултурги бўшлигим бу йил сезилмади. Анатомиyani ҳам етказиб олдим. Шунинг учун ҳам иккинчи йиллик имтиҳонда кўпчилик фанлардан “аъло”, “яхши” имтиҳон бериб, отпускани Тошкентда ўтказмоқчи бўлдим.

Йил бўйи турмушимда эсдалик дафтарига ёзиладиган катта ҳодисалар юз бермади. Шунинг учун ҳам иш билан, ўқиш билан ўтган умр майда тўлқинлар билан оққан текис ирмоқдай ўтиб кетди.

Мен отпускаи вақтида Тошкентга боришим тўғрисида уй ичиларга ёзган бўлсам ҳам, қай куни, қай вақтда боришим тўғрисида очиқ ёзмаган эдим. Чунки хат ёки телеграмма билан хабар берсам, ҳойнаҳой, Саодат кутиб олишга чиқади. У билан биринчи марта қариндош-уруғларнинг олдида учрашув менга жуда ноқулай туюлар эди. Тўғриси, ўнғайсизланар эдим. Шунинг учун ҳам стипендиядан орттириб юрган пулларимга кампирга, Кумри, Абдуғаниларга, Ёдгорга, шулар қатори Саодатга ҳам арзимаган майда-чуйда совға-салом қилган бўлдим-да, июль ўрталарида Тошкентга қараб жўнадим.

Ҳеч кутилмаганда эрта билан чойнинг устига кириб боришим кампир бечорани жуда довдиратиб қўйди. Шўрлик айвондан йўлакка қараб кучоғини очиб, ҳовлиқиб югуриб келиб, бўйнимдан кучоқлаб олди. Севинганидан йиғлаб кўриша бошлади. Юз-кўзимни ўпар эди. Алланималар демоқчи бўлар эди. Лекин тили галдираклаб, айтмоқчи бўлган гапини айтолмас эди. Шунча қарилитига қарамасдан, чамадонларимни ўзи кўтариб, айвонга олиб бормоқчи бўлар эди. Мен унга ижозат бермасдан, ўзим олиб бориб қўйдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Кўзим атрофга жовдир-жовдир қилар эди. Ёдгор кўринмас эди:

– Хўш, Ёдгор қани, ойи?

– Вой, дарвоқе, ҳозир олиб чиқаман болагинангни. Унинг катта йигитча бўлиб, боғчага қатнайдиغان бўлиб қолган. Эрта билан, азонлаб ўрнидан туради, иложи бўлса чойни ҳам ичмасдан боғчага қараб чопади. “Ҳой, кўчада бир нима босиб кетмасин, адашиб қолмагин”, деб кетидан жавраб қоламан. Орқасидан қидириб, каловлаб юраман. Шунинг учун ҳар куни эрта билан Абдугани мактабга кетишида ўзи кўйиб кетади. Қайтишда яна ўзи олиб келади.

– Қўйинг, кампир, ўзим олиб келаман, — деганимга ҳам қулоқ солмасдан, кампир чиқиб кетди. Орадан ўн минутлар ўтганда Ёдгорни қўлидан етаклаб кириб келди. Эғнида боғча берган кўк халат. Қўлтиғида ўйинчоқ автобусча, ишонар-ишонмас гилдиратиб келар эди. Айвонда мени кўриши билан ҳеч тортинмасдан ўйинчоқни ерга ташлаб, чопқиллаб келиб “дада!” деб қучоғимга отилди. Бағримга босиб, юз-кўзларидан ўпдим. Шундай маҳмадона, серсавол бўлибдики, ҳар нарса уни қизиқтиради. Бир нафаснинг ичида менинг келганимни, согинганлигини ҳам унутиб юборди-да, савол ёмғирларини ёдира бошлади:

– Дада, бу йимади?

– Тугма, ўғлим, тугма.

– Яга юлдузи бор?

– Ҳарбийларнинг тугмаси шунақа бўлади.

– Ҳарбий йима бўлади, дада?

– Ҳарбий кўшинни биласанми, ўғлим?

– Биззаям боғчада Ҳарбий кўшин ўйнаймиз.

– Ҳа, ана шуни билсанг, Ҳарбий кўшин шунақа тугма тақати.

Дарров бериб турган савол эсидан чиқди-да, бошқа саволларга тушиб кетди:

– Қачон келдингиз?

– Ҳозир келдим, ўғлим.

– Йимада келдингиз?

– Поезда, поездни биласанми?

– Шариппи дадаси аэропланда келади-ю?

Кампир Ёдгорни уришади:

– Жудаям эзмачурук бўлибсан-да. Бир нафас мен ҳам гапиришиб олай.

Кампирнинг гапига қулоқ солмайди.

– Дада-чи, дада, мен ашула айтишни биламан.

– Қани, айгиб кўр-чи?

У дарров тиззамдан тушиб, ўрнидан турди-да, ашуласини бошлаб кетди...

– Ана, биламиз, биз.

– Ҳа, яша ўғлим, оппоқ ўғлим, мулла бўлиб қолибсан-ку!

– Энди кетиб қолмайсизми?

– Йўқ, энди кетмайман.

– Хайр бўлмаса, мен боғчамга кетдим.

Орқасидан бувиси жавраб қолди:

– Кўзингга қараб, четдан юр. Ҳафтовуз келаётган бўлса, четга чиқиб тургин, тагин босиб кетмасин, болам!

Кампир билан ўтган-кетганларни гапиришиб ўтира бошладик... Гап орасида кампир:

– Саодат болагинам ҳам вафоликкина қиз: икки куннинг бирида, “хола-хола”, деб ҳолимдан хабар олиб туради. Нима учундир, уч кундан бери келмади. “Тиқ” этса эшикка қараб ўтирган эдим. Барака топкурнинг кўли гулгина. Бир нафаснинг ичида ҳамма ишларни саранжом қилиб бериб кетади. Анави кун келиб: “Хола, кирингизни ювиб берайми?” – деди. “Вой, холагинанг ўргилсин, омон бўлсанг, бир кун юварсан” дедим-да, унамадим. Ҳаммадан ҳам Ёдгорга меҳрибонлигини айтгин, нах устида парвона бўлиб ўлиб бўлади. Ёдгор ҳам унга жуда эл бўлиб қолган. Икки кун келмаса, “Опам келмади”, деб мактабдан қайтишини пойлаб ўтиради.

Менинг келаётганимни бир неча кишилар кўрган эди. Улар билан сўрашиб ўтган эдим. Ундан ташқари, бир нафас ичида маҳалла-кўй, гузарнинг ҳаммасига овоза бўлиб, бир соат ўтмасдан уйга қариндош-уруғлар тўлиб кетди. Ҳали униси билан кўришиш, ҳали буниси билан кўришиш, ростини айтсам, ўзим ҳам оиладан хийла узоқлашиб кетган эканман. Бу такаллуфлардан жуда ўнғайсизланардим. Нима учундир кўзим эшикда: шу келган қариндош-уруғларнинг ичида аллакимни қидиргандай бўламан. Мен кутган биров йўқ. Келинг, шуни яшириб ўтираманми: Саодатга мунтазирман... Бир чеккаси ҳозир келмаганига хурсанд бўлиб кўяман.

Нимага десангиз, шунча эл-уруғларнинг орасида у билан қай хилдагина кўришиш мумкин? Кичкина табассум, икки минутли кўз уриштириб олиш, қисқагина эсон-соғлиқ сўрашиш, вассалом...

Ўша кун кечгача умрим келган-кетганларни кузатиш билан ўтди. Абдуғани ҳам каттагина дастёр бўлиб қолибди.

У бу йил бешинчи синфда ўқир экан. Уни келган меҳмонлардан, кампирдан холи қилиб гапга солдим:

— Саодат опаларингникига менинг келганимни хабар қилдингми?

— Боя сиз меҳмонлар билан овора бўлиб турганингизда ойим қўярда-қўймай юборган эдилар. Бориб, айтиб келганман.

— Саодат опанг уйда бор эканми?

— Йўқ, мактабда экан. Аммамга айтиб келдим.

— Поччанг-чи?

— Поччам уйда эканлар.

Абдуғани билан суҳбатимиз тугамаган ҳам эдики, эшикдан сават кўтариб, терлаб-пишиб аммамнинг ўзи ҳам кириб келди. Эшикданоқ жавраб келар эди:

— Вой аммагинанг бўйинга қоқиндиқ бўлсин!

Аммам мен билан жуда иссиқ, бағриларига босиб кўришди. Пешоналаримдан ўпди. Мени ўртага олишиб, у ёқдан-бу ёқдан, кўрган-кечирганларимдан гапга солишди. Мен ўзимга жуда ҳам улуғворлик бериб, сўралган саволларга калта-калта қилиб, салобатли жавоб бермоқдаман. Лекин гап орасида Саодатдан сўз очилишини кутаман. Ҳеч бўлмаса, номини эшитиш билан тасалли топмоқчи бўламан. Хизмат вақтини тамомлаб, акам ҳам етиб келди. У билан суҳбатлашиб ўтирганимизда эшикдан йигитлар чақиритиб қолишди. Уйдагилар билан суҳбатни йиғиштириб, ўртоқлар олдига чиқишга мажбур бўлдим. Ёшлиқдан бирга ўсган Обид, Мансур, Йўлдош ва маҳалланинг бошқа ёш-яланглари эди. Улар билан кўришиб кетдик. Обид уйига таклиф қилиб, олиб кетди. Ўтган-кетганлардан суҳбатлашиб ўтирдик. Сўз орасида Обид менга тегажаклик қилиб Саодатдан гап очиб қаради. Бизнинг Саодат билан бўлган, ҳали барг ёзмаган — куртак ҳолидагина бўлган бу муҳаббатимиз дарров бунчалик эл оғзига тушиб кетганига ҳайрон бўлдим. Ҳойнаҳой бу “холис хизмат” каминанинг кампири ёки аммамнинг ичида гап ётмайдиган “девонаи ростгўй” лигидан бўлса керак. Ундан ташқари, Обид хотин-қизлар техникумининг директори бўлгани учун Саодат тўғрисида анча маълумотларни олиш мумкин эди. Суҳбатимиз ярим кечагача давом қилди. Улар билан хайрлашиб, ҳовлига кириб ётдим. Чарчаганим учун икки йилдан буён унутиб юборганим она қучоғидай иссиқ оила ўрнида чўзилиб қаттиқ уйкуга кетдим.

Саодат эрталаб ҳам келмади. Менинг юрагим жуда безовта бўлиб, ҳатто ундан шубҳага ҳам туша бошладим. Бир вақтда — сийрак хатлашиб турайлик, деган мазмунда имо-ишора билан ёзган хатимдан хафа бўлмаганмикан, деб ўйлардим. Келиб қолса, гина ҳам қилмоқчи бўлдим.

Тағин ўзимни юпатиб, балки келди-кетдиларнинг оёғи товсилишини кутар, балки онаси бу ерда бўлгани учун мени келиб кўришга ийманар, деб ўйлар эдим.

Эртанги чойдан кейин аммам кетди. Ортиқ битта-яримта келмайдиган бўлгандан, бирров шаҳарни айланиб келмоқчи бўлдим. Лекин юрагим, “ана Саодат келмади, мана Саодат келмади”, деб талпинар эди.

Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Мен кўрмаган янги бинолар, янги кўчалар, ҳатто, одамларнинг муомалалари ҳам анча ўзгариб қолибди. Айланиб томоша қилиб юриб соат икки-уч бўлиб қолганини ҳам билмай қолибман. Тезроқ ҳовлига қайтиш керак эди. Ўн-ўн бешта бодринг, иккита ҳандалак кўтариб ҳовлига қайтиб келдим. Кампирнинг қилиб қўйган шўрвасини ичиб, янги газеталарни ўқиб ўтирдим. Кўзим газетада, аммо кўнглим Саодатда: “тиқ” этса эшикка қарайман. Соат беш-олтиларда узоқ муддат юрак уришлари билан кутилган “меҳмон” ҳам кириб келди. У мен ҳалигача хаёлимда суратини чизиб юрган, кўкраги бурма атлас қўйлакли Саодат эмас. Қўлида кичкина амиркон портфелча, эгнида клёш қилиб тикилган крепдешин қўйлак, бошида мен юборган беретка, сочлари турмакланган, ўрта даражадаги европалик бир қиз эди. У эшикдан кириб келишда пастки лабини тишлаб, жуда уялгансимон келар эди.

Юзлари бўртиб кетган, иссиқ кунда узоқ йўл юрганиданми, ё уялганиданми, лаблари, бурун учлари, манглайи майда тер билан қопланган. У тер артиш баҳонаси билан кўзини яширмоқчи бўлар эди. Дарров ўрнимдан турдим. Кўкрагимни ҳарбийларча маҳсус савлат билан олдинга чиқариб, унинг истиқболига чиқдим. Маҳкам қўлини сиқиб, кўзда яширинган табассум билан саломлашдим. У жуда уялиб кетган эди. Шу пайтда, қалдирғочдай “пир” этиб учиб кетишга тайёрдай кўринар эди. Мендан қўлини бўшатиб, кампир билан сўрашди. Кампир дарров ўтқазиб, янги дастурхон қилган бўлди. Биз икков бир-биримизга рўбарў хонтахта олдида ўтирдик. Кампир нон ушатиб, чой қуймоқчи бўлган эди, Саодат ўрнидан ярим кўзғалиб:

– Овора бўлманг, хола, чойни мен қуя қолай, – деди. Кампир меҳрибонлик билан:

– Қўявер, холанг айлансин, ўзим қуйиб бераман. Сен ҳозир меҳмонсан, болам! Омон бўлсанг, ҳали қуярсан, – деди.

Кампирнинг бу соддагина гапидан орада ивир-шивир бир сир ўтгандай бўлди. Саодат ер остидан қия қилиб менга қараб қўйди. Мен ҳам худди шундай қилиб қарадим. Ҳар иккови-мизнинг кўз қарашимиз ярим секунд ичи дастурхондаги новвот устида тўқнашиб олди. Билинар-билинемас илжайишиб қўйдик. Саодат ерга қаради.

Саодат етилган қизларнинг бутун латофатини эгаллаб олган. Ҳар бир кичик имо-ишоратдан муҳаббатга тааллуқли маънолар англайдиган етуккина қиз бўлиб қолибди. Уйда кўзимга ҳамма нарса кулиб қарагандай кўринади. Ҳатто ҳовли саҳнларини бўйдоқ қизларнинг бош қўйган ёстиғининг ҳиди қоплаб кетгандай туюлади. Саодат кичкина қандни кўлига ушлаб, патнис четига секин-секин уриб, ерга қараб ўтирарди. Бу ҳол менинг ҳам тилимни боғлаб қўйгандай.

Охири бу қисқа муддатли жимжитликни кампир бузди:

– Сизлар бир нафас гаплашиб ўтиринглар, болаларим. Мен ошхонадан хабар олай.

Саодат:

– Қўйинг, хола, ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Овора бўлманг, мен ҳозир кетаман, – деса, кампир:

– Нега кетар экансан? Жўра аканг билан бир нафас гаплашиб ўтир, нима, мен сенга қўй сўямидим? Ҳар кунги ўзимизнинг қиладиган оби ёвғонимиз-да, холанг ўргилсин, – деди.

– Шундоқ-ку, – деди Саодат, – сизнинг ошхона ишларига қўймалашиб юрганингизни кўрсам жуда ачинаман, хола.

Гапга мен аралашдим:

– Ойи, бўлмаса, сиз майда-чуйдангизни тайёрланг, мен ўзим ҳам анча вақтдан буён ош қилганим йўқ. Ошни ўзим қилиб берай.

– Қўйинг, – деди Саодат, – шу кийим-бошингиз билан қозон-товоққа уринмай қўя қолинг, ҳа, мен-чи?

– Сен қуйдириб юборасан.

– Қуйдирсам ҳам сизча қуйдирмайман.

Яна бир-биримизга қарашиб олдик. Кампирнинг оши гап бошланишига баҳона бўлди. Кампир ошни важ қилиб, бизни ёлғиз қолдириб, ошхонага кетди. Узилиб қолган гапни қайтадан бошлаш учун сўз қидирар эдим:

– Таътил вақтида нима қилиб портфель кутариб юрибсан. Абдуганини юборсам, “мактабда”, дейишибди. Сизларда ўқиш тамом бўлгани йўқми ҳали?

– Ўқиш-ку тамом бўлган. Мени қўярда-қўймай хотин-қизлар клубида ташкилотчи қилиб қўйишди. Умримда шунақа ишларни қилганим йўқ эди. Бу, хотин-қизларнинг бошини бир жойга қовуштириш ҳам жуда қийин экан. Эртадан-кечгача шулар билан куйманаман.

– Ўҳ-ҳў, жуда активистка бўлиб кетибсан-ку! Мен бўлсам, икки бошни бир ерга қовиштиролмай ҳайронман.

Саодат яна киноя билан қараб қўйди.

– Ҳар бир гапни бошқа ёққа бураверар экансиз-да. Ленинградликлар муомалага уста бўлади, деб эшитар эдик. Сизни ҳам анча ўргатиб қўйишибди.

Жавоб ўрнига мен чўнтагимдан Саодатнинг ўзи тикиб юборган шоҳи рўмолчани олиб, кўзимни артмоқчи бўлдим, бу билан гўё, “ҳали ҳам ёнимда сақлаб юрибман”, деган ишоратни билдирмоқчи эдим. Саодат рўмолчани таниса ҳам, ўзини билмасликка солди.

Шу пайтда кўчада ўйнаб юрган Ёдгор аравасини етаклаб, алпон-талпон эшикдан кириб келиб қолди. Мен бу ёқда қолиб, тўғри бориб Саодатнинг кучоғига отилди. Бола гоят севинган эди:

– Опа, қачон келдингиз? Нега эртага келмадингиз? (Кеча демоқчи).

Саодат ҳам Ёдгорни бағрига босиб эркалар эди. Мен буларнинг ҳар икковининг қилиқларини томоша қилиб туриб, келажак тўғрисидаги анчагина хаёлларга ботиб кетдим: “Болага шу муҳаббат чинданми, биз уйлангандан кейин ҳам шу муҳаббатида давом қилармикан? Қачон бўлса ҳам Ёдгорнинг тарихи очилганда, Саодат бунга қандай қарар экан, нима деяро экан?” Ҳам ўша бир вақтдаги ҳикояларни устидагина бўлса ҳам ўйлаб чиқдим. Ёдгорнинг бевафо онаси билан Саодатни бир-бировларига ҳуснда таққослаб кўрмоқчи бўлдим. Саодат у бевафо хотиндан анчагина ўткир, ақл жиҳатидан ҳам ундан юқорилик қилади. Тасодифни қаранг-а, бир хотиннинг ташландиқ боласи бир гўзал қизнинг меҳрибон оғушида...

Менинг юзимда озгина бўлса ҳам бу хомуш хаёлкашликни кўрган Саодат бирданига ўзининг меҳрибонлигини тундликка айлантирди. Кинояли оҳанг билан:

— Жўра ака, — деди, — жуда хаёл суриб кетдингиз... Олам деган шунақа бўлар экан, ҳеч истамаган вақтда кишини бир-бировидан ажратади, хафа бўлманг.

Мен сесканиб тушдим, ҳамма хаёлни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, жиндак илжайдим. Сўзни бошқа ёққа бурмоқчи бўлдим. Унинг кўзларига завқ билан термилдим-да:

— Саодат, мунча ҳам яхшисан! — дедим.

Саодат бир чўчиб тушгандай бўлди.

— Мунча, жуда ҳам мақтагингиз келиб қолди? — мен қолиб Ёдгорга хитоб билан: — Ёдгор, дадангнинг сўзларини эшитяпсанми? — деди.

Ёдгор баҳонасида анча гап айлангириш мумкин эди. Лекин ошхонада куйманиб юрган кампир, ҳатто Ёдгорни ҳам бизга халақит бермасин дедими:

— Ёдгор, ҳой Ёдгор, ўғлим, бу ёққа қара, мана сенга жўхори кавоб қиляпман, — деб алдаб чақириб олди.

Сухбатимиз боягига қараганда анча очилиб қолган. Бошқа тарафлардан аста-секин сўз очиш мумкин бўлар даражага этиб қолган эди:

— Саодат, — дедим, — бугун кечқурун бўшмисан?

— Нима қилар эдингиз?

— Тошкентнинг парklarини томоша қилар эдик.

— Сиз билан-а, қизиқ бўпти-да?

— Ҳа, нима, уяласанми, кап-катта қиз-а?

— Дадамнинг табиатларини ўзингиз биласиз-ку, кўриб қолгундай бўлсалар, кўринг ҳангамани!

— Сен қизиқ экансан, бугун бўлмаса, барибир кейин юрамиз-да...

Саодат “ялт” этиб менга қаради-да, эркаланиброқ:

— Ростдан-а, сизга буни ким айтди? — деди.

— Кўзинг айгиб турибди.

— Айний-айний деяпсиз-а, Жўра ака. Холамга айтайми?

— Холанг нима қилар эди, қайтага хурсанд бўлади, кел, гапни четга бурма, кечқурун бўшмисан?

— Ҳа, бўшман, қўйинг, тагин гап-сўз бўлиб юрмайлик, уяламан.

Алдаб-сулдаб, унинг ноз-фироқларига қулоқ солмасдан кўндирдим. Демак, учрашувнинг биринчи боби, Ленинградда бошланган “роман”нинг иккинчи қисми ҳам муваффақиятли чиқди.

Кампир ошни сузиб келди. Биргалашиб ўтириб ея бошладик. Кампир сўз орасида ўзини соддаликка солиб, гап айлангирмоқчи бўлар эди:

— Жўравой, болагинам, кампирларнинг қилган оши сенга ёқадими, бизлар шунақа ўзимизга ўхшаган ланж, бўш қилиб кўямиз. Саодат қилганда эди, тасмадаккина қилиб пиширар эди.

— Йўқ, хола, — деди Саодат, — мен мунақа ширин қилиб пиширолмайман: сабзи-пиёзни хўп яхши қовураман-у, лекин тузини билолмайман.

Сўз навбати менга келиб қолди:

— Ошни ўзим қойил қиламан-да, лекин, шунда ҳам ўтти биров ёқиб бериб турса.

— Оҳ, болам, — деди кампир, — тўрт йилдан бери масалтуқли тайёр ошни пишира олмайсан-ку?..

Бу гапдан Саодат уялиб ерга қаради: мен ичимда: “Оббо кампир тушгур, эски зукколикдан биттасини ишлатдинг-а”, деб кўйдим. Яна кампирнинг ўзи гапни бошқа ёққа бурмоқ учун беш панжасини оғзи-бурни аралаш суркаб ўтирган Ёдгорни койиб кетди:

— Айланай болам, тўкмасдан егин. Кўлингни мана бундай қилиб чимчиб олгин!

Кампирнинг пичинги билинар-билинемас ўтиб кетди.

Ошдан сўнг кампир лаганни кўтариб ошхонага кетди. Саодат ўрнидан кўзғалиб кетмоқчи бўлди. Кечкурун паркка бориш тўғрисида қатъий ваъдасини олдим. Ҳовлидан бирга чиқиб кетиш унга ҳам, менга ҳам бир оз ўнғайсиз эди. Шунинг учун трамвай бекатида учрашмоқчи бўлдик.

Саодат билан кўпинча бирга юрамиз. Ҳатто бир ойнинг ичида икки-уч марта бирга паркка борувимиз ҳамма учун ҳам масаланинг очилиб қолишига сабаб бўлган эди. Саодатнинг ўртоқлари бир-икки марта унга тегажаклик қилиб кўрган бўлсалар ҳам, бу иш уларнинг олдида ҳам оддий саналиб, ҳеч ким бу тўғрида гапирмайдиган бўлиб қолган эди. Бизнинг кўпинча бирга юрувимиз Саодатнинг отасига ҳам эшитилибди. У акам билан учрашиб: “Энди бўлар ишнинг бўлгани яхши, қиз боланинг тупроғи жуда енгил бўлади. Жўравой бу йил ўқишдан қола қолиб, тўйни қилиб кетгани маъқул бўлар эди. “Тўй қачон?” деб сўрайверганларидан жуда зерикдим”, деган эмиш. Акам “Ҳа, хўп, гаплашиб кўрарман”, деб жавоб берибди. Мен ўқишим тамом бўлмагунча тўйни

қилмаслигимни бир талай узрлар билан айтиб, тушунтириб қўйишни сўрадим.

Бир кун Саодат менга келиб:

– Жўра ака, дадам сизга салом айтиб юбордилар. Дам олиш куни кечқурун бир-иккита ўртоқларингиз билан бизникига борар эмишсиз, мендан бошқа дастёрлари бўлмагани учун мен шўрлик хабар қилиб юрибман, – деди.

– Ҳа-ҳа, – деб кулдим, – тўйдан илгари чарларни ер эканмиз-да.

– Ҳеч ҳазилкашлигингизни қўймадингиз-да, сизга бир гапни айтишу қочиш.

Ваъда қилинган куни техникум мудирин Обид ўртоғимни олиб бордим. Қуюқ-суоқ зиёфат жуда яхши бўлди. Лекин Саодат ошхонадан чиқмас эди. Поччам, яъни Саодатнинг дадаси ўзи хизмат қилиб турар эди. Поччам, бу гап жуда ҳам ечилиб кетиб, аммамни чақириб қолди:

– Саодат! Саодат! Бу ёққа қара, мулла Обиддан қочмай қўя қол. Қизимизнинг домласидан ҳам қочасанми? Саодатингни ҳам чақир, ўзининг кунда кўриб юрган домласида! Уйда сенлар туриб, мен хизмат қилиб юрайми! Жўравой бўлса – ўзимизники.

Обид ҳазиллашиб қўйди:

– Умар ака, бундай, кампир билан бирга боғларга томошага ҳам тушмайсиз!

Кулишдик.

– Эй, ука, – деди поччам, – энди бизларнинг вақтимиз ўтиб қолди. Мана сизлар юрсангиз ярашади.

Дадасининг бу ҳиммати Саодатнинг кутганидай бўлса керак, шу гапдан кейин баъзи нарсаларни даҳлизга олиб келиб, ярим кўринишлар билан хизмат қилиб турди. Мен бўлсам, мумкин қадар эшик томонга қарамасликка ҳаракат қилар эдим. Сипоҳгарчиликни қўлдан бермас эдим. Анчагина у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтирдик.

Кетар олдимизда Ленинградга юборилган тагдўзи дўппининг иккинчи нусхаси аммам томонидан менга кийгизиблиб юборилган эди.

Шундай ширин турмуш жуда тез ўтиб бормоқда. Яқинда Ленинградга қайтиб кетаман. Саодат билан бирга ўтказилган соатларнинг қандай тез ўтиб кетганлигини билмайман. Менинг кетишга тайёрлана бошлаганлигимни кўрган Саодат:

— Кетманг ё мени ҳам ола кетинг, — деди.

Кетадиган кунларим жуда ҳам аниқланиб қолди. Августнинг ўн бешларида йўлга тушаман. Шунинг учун эртага Саодат билан сўнгги марта боғни томоша қилмоқчимиз. Ҳам ўша ерда мен унинг чинакам ваъдасини олмоқчи бўламан. Абдуғанидан Саодатга чумчуқ тилидай хат юбориб, “Хўп”, деган жавобни олдим. Эртасига кеч билан бизнинг ҳовлига келди. Кампир озгина овқат қилиб қўйган эди. Бизнинг ўзимизга айрим сузиб берди. Овқатдан кейин секин-аста Саодатнинг ёнига ўтдим. Қўлини кафтларим орасига олиб сиқдим, кўзларига термилдим-да:

— Жоним Саодат, — дедим, — бугун-эрта мен Ленинградга қайтиб кетаман. Сен ҳам ўқишингга кирасан, шунинг учун сени чақиртирган эдим. Сен билан бизнинг турмушимиз тўғрисида очиқ фикрингни эшитмоқчиман.

— Қанақа турмуш? Нима демоқчи бўласиз?

— Ке қўй, ўзингни соддаликка солма, биласанки, мен сени яхши кўраман, биламанки, сен ҳам мени яхши кўрасан.

— Буни сизга ким айтди?

— Ҳа, майли, қани жавоб бер-чи, турмушимиз тўғрисида сенинг қандай фикрларинг бор?

— Ленинградда ҳам педтехникум борми?

— Бор...

— Мен борсам олармикин?

— Олмайди, русчани билмайсан.

— Ўргатмайсизми?

— Сенга бир нима ўргатиб бўладими?..

— Ҳарбий одам бунақанги гап қилмайди, ундан кўра сиз менга команда беринг!

— Хўп, яхши, команда бераман. Ҳозир бўл! Икки йилдан кейин тўйимиз бўлади. Мен ўқишимни битириб келаман. Сен ҳам ўқишингни битириб қўйишга мажбурсан. Порлоқ турмуш учун, чин ҳаёт учун, яхши фарзандларнинг ота-онаси бўлиш учун илгарига қараб шагом марш!

Саодат бу гапдан, кампирнинг эшитиб қолишидан уялишни ҳам эсидан чиқариб, ўзини тўхтатолмасдан шарақлаб кулиб юборди... Сухбатимизнинг бу томони жиддий борди. Саодат бир нуқтада туриб олиб, Ёдгорнинг онаси ким эканлигини билгиси, шу тўғридаги ҳикоянинг нима бўлганлигини эшитгиси келар эди. Мен унга Ёдгорнинг бутун ҳикояларини тўйдан кейин айтишга ваъда бердим.

Ваъдамиз бир ерда қарор топди. Мен энг яхши доктор бўлиб келишни, у энг яхши педагог бўлишни ваъдалашдик.

Ленинградда яна икки йил қолдим. Йил ўртасидаги отпускарда Тошкентга келишни ўзимга маъқул кўрмадим, айниқса, охирги йилги ўқишлар жуда оғирлашиб кетган. “Икки куённи қувлаган бирисини ҳам тугулмас”, дегандек, шу қимматли вақтлардан озгина – бир қисмини бўлса ҳам муҳаббат можароларига сарф қилсам, дарсга халал етиши мумкин эди. Саодат билан бўлса ваъдалашиб қўйганмиз, бу тўғрида ҳеч қандай ташвиш тортмасам ҳам бўлади.

Шундай бўлишига қарамасдан, у менга ёзиб туради, мен унга ора-сира жавоб бериб тураман. Шунинг сингари оила билан бўладиган хат борди-келдиси ҳам ўрта даражада: “Соғиндик”, дейдилар, “Ўғлинг айниқса ичикмоқда”, дейдилар, кампир, “Касалман”, дейди. Шунга ўхшаган гаплар...

Сўнги йилнинг имтиҳонига жуда қизғин тайёргарлик бормоқда. Ишимизнинг кўп қисми амалий тажриба устида бўлгани учун кўпроқ вақт клиникаларда ўтади. Мен ички касалликлар врачлари бўлишни ҳавас қилганим учун кўпроқ ички касаллар билан қизиқаман.

Имтиҳон вақти етди. Деярли кўп дарслардан профессорлар билимимни яхши топдилар. Академиядаги бошлиқларнинг маслаҳатича мен ўзимнинг диплом ишимни бажариш учун яна бир йил Ленинградда қолишим керак. Лекин мен диплом ишини Тошкентда ёқлашни сўрамоқчиман. Бу тарафи ихтиёрий бўлгани учун ижозат бердилар. Керакли ҳужжатларимни олиб, муаллимларим, профессорлар ва ўртоқларим билан хайрлашиб, ҳарбий комиссариатдан учёгимни Тошкентга кўчиртирдим. Шу билан тўрт йил мени кучоғида сақлаган, тарбиялаган, оддий аскардан олий маълумотли

ҳарбий доктор тайёрлаб чиқарган шахар — Ленинград билан хайрлашдим.

Гоят шодман, гоят қувноқман. Йўл-йўлакай шу маҳалгача ўтган, айниқса, сўнгги олти-етти йиллик умримнинг яқунларини мулоҳаза қилиб кўраман.

Тошкентга яқинлашган сари юрагим уради. Ҳар галги одатча қачон боришим тўғрисида ҳовлидагиларга телеграмма берган эмасман. Фақат менинг қачон кириб боришимни Саодатгина билади.

Поезд секин-аста тийганиб келиб, Тошкент вокзалида тўхтади. Плашимни билагимга солиб, қўлимга чамадонимни ушлаб, вагон деразасидан платформага қарайман. Кишилар, хотинлар, болалар — кутиб олувчилар вагон бўйлаб чопадилар.

Деразалардан қараб, аллакимларнинг исмларини қичқириб чақирадилар. Шулар ичида Саодатни қидираман. Ана у!... Юрак уришлари билан зориқиб-зориқиб кутганим — Саодат! У аллакимнидир қидириб юради. Бизнинг вагон деразаси ёнига келганида, ойнани чертдим. У аланглаб юқорига қаради:

— Жўра ака! — Югуриб эшикка кела бошлади. Мен ҳам купедан чиқиб йўлакка юрдим. У аллақачон тамбурга етиб қолган эди.

У ҳеч қандай тортиниб ҳам турмади. Кела солиб менга отилди...

Гўё бизнинг ҳар икковимиз Ленинграддан бирга келгандай, бизнинг уйга кириб бордик.

Менинг кириб келувим ҳар икки уйда ҳам, яъни бизнинг уйда ҳам, Саодатларнинг уйида ҳам жуда катта қувончларга сабаб бўлди. Ўқишим тамом бўлганини билган онам терисига сиғмай севинар эди. Йиллар бўйи хаёлдан ҳақиқатга ўтмай юрган “кенжатоё келин” умиди ортиқ қўлга кирган эди. Ҳар икки уйда ҳам тўй тараддуди учун жаҳду жад билан тайёргарлик бораётгани қулоғимга етиб турар эди. Яна галга солишга қўлимда ҳеч қандай важ-қорсон бўлмагани учун мен ҳам бу ишга ўз розилигимни берган эдим.

Олти ёшни тўлдириб, еттинчининг икки-уч ойини яшаб қўйган Ёдгорнинг анчагина эси кириб қолган. Унга кимдир тушунтирибди. У келиб менинг тиззаларимни қучоқлайди-да:

— Дада, менга оппоқ ойи олиб берасиз-а? — дейди. Мен унинг бу гапидан ўқсиб кетаман. “Бечора Ёдгор, — дейман,

– қачон бўлса ҳам мен сенинг ҳақиқий отанг эмаслигимни, сен қандайдир бевафо, бироқ гўзал бир хотиннинг ташландиқ ва қандайдир бағри қаттиқ, мен танимаган саёқ йигитнинг кўзи кўрмаган фарзанди эканингни билиб қолсанг...” дейман, яна ўзимни юпатаман, ўзимга қаттиқ ишонч бераман: “Йўқ, Ёдгор – бу мутлақо менинг ўғлим, у Саодатнинг ҳам биринчи боласи”, дейман, уни гапга сола бошлайман:

– Сенга тағин қанақа ойи олиб бераман, ўғлим, катта ойимлар-чи, у сенга ҳам ойи бўлади, менга ҳам, Абдуғани аканга ҳам, Кумри опанга ҳам бўлади. Тағин кимни олиб бераман?

У яна суйканиб келади, эркаланиб:

– Ҳа, олинг-а, у киши бувим бўладилар-ку, менга Саодат опамларни олиб берасиз! Мен у кишини оппоқ ойим қилиб оламан ўзим...

– Оббо жинни-е, буни сенга ким айтди? Хўп-хўп, олиб бераман, – деб кулиб қўяман.

Муҳаббат қучоғидай иссиқ ёз, чарослар бахт чехрасидай хол отган, қизилуруғ қовунлар ишқдай ширин. Июль ойининг қизғин кунларидан бирида Саодат билан икков етаклашиб ЗАГСга бордик. Бу менинг ЗАГСга иккинчи борувим... Менга бу ердаги кўп нарсалар, ҳатто умрнинг айрим қоидаси, хунук қисми ҳам таниш. Худди кечагина шу ерга келгандай сезинаман. Тагин бу галги келувим ўша биринчининг ўзи бўлмасин, деб, секин ёнимга қараб қўяман. Йўқ, бу – менинг Саодатим! Вафоли Саодатим! Мен у билан умрли бахтнинг аҳди учун келганман.

Турмушда ҳар нарсанинг тарозудай икки палласи бўлади, дейдилар: ширинликнинг аччиғи, қоронгиликнинг нури, кечанинг кундузи, тиканнинг гули бўлади. Ёшлик ғурури билан қилинган бир талоқнинг жабрини тортиб келдим. Аччиқлиги билан ўртандим. Қоронгилиги билан тентирадим. Кечаси билан зулматда қолдим. Тикани билан алам тортидим. Энди буларнинг ҳаммасига ниҳоя.

Энди мен билан Саодат учун бахт даричасидай очилган қалин муқовали ЗАГС дафтари бошида кулган юзлар билан турмоқдамиз. Узун ва ойдин умр йўли. Бу йўл нурларга тўлган, ширинликларга мўл, муттасил кундуз, гуллар тўшалган йўл.

Менинг бу бир нафас хаёлга чўмувим Саодатни шубҳалан-тирдими, билмадим. Қўлимни маҳкам сиқиб қўйди-да:

– Менинг фамилиям нима бўлади? Жавоб берсангиз-чи, кутиб қолдилар... – деди. “Ялт” этиб унинг ишқ ва муҳаббат

тўла кўзларига қарадим. Бутун кечмиш хаёлларим бўронга йўлиққан тутундай тўзғиб кетди:

— Ихтиёр сенда, хоҳласанг менинг фамилиямни ёздиршинг мумкин.

ЗАГСдан чиқиб, кийим-бош магазинига қараб кетдик...

Ҳарбий комиссариат мени узоқ чегара туманига юборди. Мен бу ерда чегара соқчи отрядларининг доктори бўлиб тайинланган эдим.

Уйланганимдан кейин Саодат билан уйда бўлишим уч-тўрт ойдан нарига ўтмади. Саодатнинг яна бир йиллик ўқиши бор. Шунинг учун мен уни ўзим билан бирга олиб келишга андиша қилдим.

Умримнинг анчагина қисми ҳарбий ишларда ўтгани учун мен бу ерда ҳеч қандай қийинчилик тортмайман. Лекин соғинув ўз ҳукмини ўтказиб туради. Уйланмасдан илгари бу ҳисни ўзимда тажриба қилиб кўрмаган эдим. Узун кечалар, юлдузли осмонга қарайман. Жимирлаб оқиб турган Амударёнинг майда тўлқинларида ой нурунинг эрмак бўлганини кўраман. Дарё каби кенг кучоқ очиб, тўлқинли бағримда Саодатни кўргим келади...

Осмонда шимолдан жанубга қараб Сомон йўли бўйлаб турналар, фозлар қарвони учиб ўтади. Гўё улар менинг бу орзуларимнинг тездан рўёбга чиқишига башорат бергандай, “ҳақ-ҳақ”, деб ўтадилар...

Яна ўз уйимга қайтиб кираман. Саодатдан келган хатларни бир неча марта ўқиб кўрган бўлишимга қарамай, яна қайтадан ўқиб чиқаман. Хатлар Саодатланиб мен билан сўзлашгандай бўладилар, секин ўпиб қўяман.

Бизнинг чегара соқчилигидаги йигитларнинг ҳаммаси ҳам тоғни урса толқон қиладиган азамат, соғлом йигитлар, борганимга икки-уч ой бўлишига қарамасдан, буларнинг ичида бирорта жиддий касал учрата олганим йўқ. Ошиб боргани тумов ёки офтоб уриш. Ҳарбий поликлиникада иш оз бўлгани учун бошлиқларнинг ижозати билан граждандар поликлиникасида ҳам ишлайман. Кўп умрим теварак-атрофдан келадиган аҳолига ёрдам беришдан иборат. Айниқса, граждандар ўртасида номим яхшиликка ёйилган. Менинг ерлик тилни билишим уларнинг дардларига дармонлардан бигтаси бўлиб ҳисобланади.

Гражданлар ўртасида бўлганидек, маҳаллий ташкилотлар ўртасида ҳам дурустгина обрўйим бор. Ўзимга яраша ошна-ўртоқлар, ёр-дўстлар топганман. Дам олиш кунлари улар билан бирликда бир-биримизга борди-келди қиламиз, хуш-чақчақлик билан умр ўтказамиз.

Кунлардан бир кун шу ўртоқларимдан бириси – туманимизда масъул хизматлардан биттасини эгаллаб турган бир йигит – мени шахсан уйига таклиф қилди.

– Ўртоқ доктор, – деди, – бир неча вақтдан буён тузалмаётган бир беморим бор, кўп докторларга кўрсатдим, ҳар қайсиси ҳар хил фикр беради, лекин бирортасидан ҳам шифо топгани маълум эмас. Ростини айтсам, бемор – ўзимнинг хотиним. Сиздан илтимосим: бир бориб кўрсангиз.

Бу йигит кўринишда мендан бир-икки ёш катта, кўнглида кири йўқ, жуда хушчақчақ бир киши эди. Айниқса, тумандан орттирган ўртоқларим ичида мен ҳам унга, у ҳам менга кўнглимизни жуда яқин тугар эдик. Сўзини қайтармасдан, ваъдалашган кунни уйига бордим. Меҳмонхонасида бир оз сўзлашиб ўтиргандан сўнг, мени ётоқ уйига олиб кирди. Уйнинг тўрида пўлат каравотда кўзини шипга тикиб бир ёш хотин – бемор ётар эди. У мени кўриши билан ўрнидан қўзғалиб, каравотдан тушмоқни бўлди. Мен унга озор бермаслик учун қўзғалмаслигини таклиф қилдим. Хотин бир оз озиб, ранги сарғайинқираган бўлишига қарамай, юзларида ўткир хусннинг излари барқ уриб кўриниб турар эди. Ёши йигирма тўрт-йигирма бешларга кирган бир жувон. Мен уни докторларга хос бир эзмалик билан диққат қилиб текшириб кўрдим. Билмадим, бошқа докторлар қандай ҳукмга келган эканлар, менимча, хотинда ўткир асабийликдан бошқа ҳеч қандай жиддий касаллик кўринмас эди. Мен буни ўртоғимга айтдим. Ҳам хотинни саёҳатга юборишни маслаҳат бердим. Сўз ораси болалари бор-йўқлигидан, оилавий турмушларидан сўрадим. У бир хўрсиниб олди-да:

– Боламиз йўқ. Ростини айтсам, бу кишининг касаллари ҳам қисман шу боласизликдан, – деди.

Мен уйланганларига қанча вақт бўлганини, болалари бўлса ҳам турмаганми ёки ҳеч болалари бўлмаганми, ҳаммасини айлантириб сўрай бошладим. (Чунки докторларга баъзан шундай, турмушдаги майда фактлар кўп нарсаларни билишга ёрдам беради.) Менинг саволларимдан зерикдими ёки эзилдими:

— Ўртоқ доктор, — деди дўстим, — ҳаммасини билгингиз келадими? Хўп, айтиб берганим бўлсин. Сиз шу ерда бир нафас ўтириб туринг...

Нариги уйдан бир стул келтириб, беморнинг бош томонида мен, оёқ тарафида эри ўтирди. У ҳикоясини сўзлай бошлади:

— Ўртоқ доктор, мен сизга айтсам, бунинг касали бола важдан. Баъзи-баъзида мен ҳам ўйлаб кетиб, касал бўлгудай бўлиб қоламан-у, нима қилсангиз ҳамки, бир тарафи эркакчилик, иккинчи тарафи, иш билан овуниб, кўпда эсимга олмайман.

Ўртоғим сўзини бўлиб хотинига қаради:

— Айтаверайми, Меҳрихон?

Хотин уялгандай бўлиб, юзини терс ўтирди-да:

— Ўзингизга синашта ўртоғингиз бўлсалар, у кишидан сир яшириб ўтирасизми, бир бошлаган гапни ўлда-жўлда қўймай айтаверинг энди, — деди.

Ўртоғим яна бир хўрсиниб қўйди:

— Шундай қилиб десангиз, ўртоқ доктор, мен бундан олти-етти йил бурун қип-қизил чапани йигит эдим, — хотинини кўрсатиб, — бу бўлса паранжидаги оддий бир ўзбек қизи эди.

Мана энди ўзингиз кўриб турибсиз, биласиз: мен САКУга кириб ўқидим, масалага бошқача қарайдиган бўлдим. Ҳикоя-мизнинг бош йилларидаги оддий чапани эмасман. Менинг ҳозирги ҳикоямга бу кунги одамшаванда, маданийлигимнинг алоқаси йўқ. Бу ҳам ўқиб, туппа-тузук активистка бўлди. Мана, беш йилдан буён бир-биримизни севиб, кўрмасак соғинишиб, меҳрибончилик билан умр ўтказамиз, мени шу туманга тайин қилишди. Икки йилдан бери шу ерда ишламоқдаман. Албатта, бу гапларнинг сизга қизиги йўқ. Гапнинг қизиги мана қаерда, қулоқ солинг, ўртоқ доктор!

Бизнинг уйланишимизнинг тарихи жуда ҳам қизиқ. Ҳалиги айтганимдек, мен оддий бир чапани эдим. Бу бир мусулмоннинг иффат пардадаги қизи эди. Нима қилай, йигитлик ғурури дейсизми, ёшлик дейсизми, биз бир-биримизни севишдик — бу мендан бошқага тегмайдиган, мен бошқани олмайдиган бўлдим. Лекин бунинг отаси менга беришга розилик бермас эди. Шундай бўлса ҳам, ишқ дегандай, бир-биримиздан ажралмас эдик. Бирмунча вақт яширин юрдик. Биласизки, ўртоқ доктор, мен дунё кўрмаган чапани йигит бўлганимдан кейин, бу паранжи ичидаги ҳуркович куёндек, ота-боболарча айтганда, “қоғоздаги қантдек қиз” бўлгандан кейин, нима қилишимизни билмай

қолдик. Бу сирни икковимиз ва бунинг онаси билди. Нима қилиш керак, бу сир битта-яримтага ошкора бўлиб қолса, бунинг отасига бош кўтариб юриш ўлим билан барабар эди. Биз ҳар уч гўл кишилар мумкин қадар сирни яшириб, ой-қунини кутишдан бошқа чора топа олмас эдик.

Вой ўртоғ-эй, ўша кезларда мен билан Меҳрининг тортган жабру жафоларимизни қўяверинг. Ҳаммага шумшук кўрингандай. Ҳамма мени жиноятчи деб бармоқ ўқталиб кўрсатаётгандай сезинаман. Шахтимдан тушганман. Бўшашиб қолганман. Айниқса, Меҳрининг онаси менга кўз очирмайди. “Йигит ўлгур, жувонмарг, қизимнинг номини бир пул қилдинг”, деб қарғайди. Бироқ бу қарғишлар фойда бермас эди. Ё менга Меҳрини беришлари, ёки болани йўқотишлари керак эди. Отаси бу сирлардан хабарсиз бўлгани учун онасининг қилган қийин-қистовларига қулоқ солмас, сўзида туриб олган эди. Сўнгги икки-уч ой ичида, мана ўзининг юзи, кўзи, уйдан остона ҳатлаб кўчага чиққани йўқ. Узоқ кутилган “меҳмон” туғилишига бир неча кун қолганда Меҳрини “Далага, холасиникига кетди”, деган баҳона билан отасининг кўзидан бир овлоққа яширдик. У ерда бола туғилди. Икки-уч кундан сўнг Меҳри саломатланди. Энди қандай қилиб бўлса ҳам болани йўқотиш ҳаммамизнинг фикримиз бўлиб қолган эди.

Ҳикоя чуқурлашган сари бир қоронғиликдан — нурга, шубҳадан яқинга бораётган кишилардай кўзимнинг қорачиқлари кенгаймоқда, баданим аллақандай қўрқинчли учрашувдан дарак бергандай жимирлашмоқда эди. Хотин бўлса кўзини яшириб, пиқ-пиқ йигламоқда эди. Ўртоғим ҳаяжонланган... Бир неча секунд оралиқни жимжитлик босди. Гўё пашша учса, унинг қанотидан чиққан овоз жимжитликни бузар эди. Ўртоғим хотинига бир қараб қўйди. Ўзини тўхтатиб олиб, яна сўзида давом қилди:

— Шундай қилиб, ўртоқ доктор, огайни, мен сизга айтсам, болани нобуд қилишга ҳеч қайсимизнинг кўзимиз қиймади: оппоққина, лўмбиллаган ўғилгина бола эди. Минг томонни ўйлаб ҳийла ва чора ахтарар эдик. Бирорта бефарзанд одамга бериб юборайлик. десак, сир очилиб қолишидан қўрқар эдик. Ҳали ҳам маслаҳат Меҳрининг ўзидан чиқди. У менинг паспортимни сўраб олди, кўчага чиқиб кетди. Билмадим, болани нима қилди? Эртасига хабар олай деб учрашганимда — бола

йўқ. Ҳеч нимани кўрмагандай. Менга муомалалари совуқ. Меҳри менга паспортимни қайтариб берди. Паспорт ичида ЗАГСдан олинган, менинг номимга ёзилган талоқ хатининг копияси ётар эди. Жуда ҳайронликда қолдим. Биз илгари у билан никоҳдан ўтмаган эдик. Хўш, талоқ хати қаердан пайдо бўлди?..

Гапнинг қисқаси, бола нима бўлганини ҳали ҳам менга айтган эмас, ўртоқ доктор. Мана шу талоқ хатини ҳали ҳам сақлаб юраман.

У кўйин чўнтагидан паспортини олди. Паспорт ичидан тарихий талоқ хатини олиб менга узатди. Кўлларим қалтирар эди. Кўз олдимни йиллар бўйи тўсиб ётган қоронғи туман секин-секин тарқалгандай бўлар эди. Ағрайиб қолган эдим. Бу – ўша, мен қўл кўйиб олган ва мени қўлга туширган талоқ хати эди. Йигитлик забтини йиғиб олишга ожиз эдим. Менинг бунча ўзгариб кетувимдан шубҳаланган ўртоғим тўхталиб, менга ҳайронлик билан термилар эди.

Меҳрихонга қарадим. Бу – ўша алдамчи, бевафо кўзлар, бу – ўша бир кулгуси билан мачит тарновидан мусичаларни чўчитиб учирган ёқут лаблар...

Меҳрихон йиғидан бўртиниб кетган кўзини ипак дастрў-молчаси билан артиб олди. Уйнинг ичини сувга ивитилган қалампирмунчоқ ҳиди тутиб кетди. Мен ўзимни бундан етти йил илгари боғ мачитида, деб ҳис қилар эдим. Ниҳоят, ўзимни қўлга олдим.

Ўртоғим менинг тинчланганимни кўриб, хотинини қистай бошлади:

– Меҳрихон, ҳой, Меҳрихон! Кел, қўй энди, соғ-саломат бўлса ўйнаб-кулиб катта бўлиб қолгандир, ўлиб кетган бўлса, айб эски турмушнинг кишиларга кафан бичишида. Мана бу ўртоғим доктор – ўзимизнинг ҳамшаҳар. Бу кишининг феъл-атвори менга жуда ёқиб тушди. Жуда улфат йигит экан. Сен ўша етти йил ичингда сақлаб яшириб келган сиригни шу бугун очиб бер. Шу билан бу ҳикояга гўр қазийлик-да, юрагимиздан сидириб ташлайлик. Сен ҳам ўзингни диққат қилиб касал бўлиб юрма, мен ҳам сени кўриб ич-этимни еб юрмайин. Қани, қолганини ўзинг айтиб бер, болани нима қилгансан?

Оғир бир жимжитликнинг вазмин қўллари ҳар учовимизнинг елкамиздан босиб тургандай эди. Гўё қоронғи кечалар занжир ҳалқаларидай бир-бировига туташиб кетган, гўё улут бир тилсимот сандиғининг қулфига бир калитнинг туши-

шини кутгандай ҳар учовимиз шу мубҳамликда жаранглаган овоз кутар эдик. Мени эса умри етти йил, лекин мазмуни етмиш йилларга тенг бир ҳиссиёт чулғаб олган эди. Мени ўч билан шафқат, ғазаб билан марҳаматнинг кураши ўз домига тортган эди.

...Ана Ёдгор, ҳалигина эмган она сутининг лаззатини тамшаниб менинг қўлимда ухламоқда...

... Ана Ёдгор, менинг юлдузли шапкални кийиб ўйнамоқда...

...Ана Ёдгор, “Менга оппоқ ойи олиб беринг”, деб қистамоқда...

Ёдгор...

Энди Ёдгор йўқ. Ёдгор — у, бировнинг ўғли.

Эй ишқ, мунча ҳам қудратлисан!

Хотин кўзларини очди. Титраган қўллари билан каравот қирғоқларини ушлади-да, қаддини ростлади.

Титроқ ва ҳаяжонли овоз билан:

— Айтайми? Айтайми? Мен бир ўғил ва бир йигитнинг қонига жавобгарман! — деди.

У ярим телба эди. Ҳиссиёт агар муҳит бўлса, у шу муҳитнинг тўлқинига асир бўлган бир чўлоқ чумоли...

Менда шафқат — ўчни енгди, меҳр — ғазабни, гўё сўқир паҳса деворлардан шафтолилар мўралаган узун ва жимжит боғ кўчанинг ялла бедард чапаниси эдим. Ўрнимдан кўзгалдим: Меҳрихоннинг иккала қўлини ушладим. Бутун кучимни икки кўзимга йиғдим-да, унинг бевафо, бироқ ғамгин, шўх, лекин маъюс кўзларига тикилдим:

— Бировга ҳеч холис хизмат қилиб ўрганганмисиз?

Меҳрихон менга жуда қаттиқ термилди. Андиша оёқости бўлди, ору номус бир пул!

— Ўша сизмисиз? Тўғри, сизсиз...

У мени маҳкам қучоқлади ва ҳушидан кетди...

Ҳозир мен Тошкентдаман. Ёдгор ўз ёнимда, баъзан Меҳрихонлар оиласига ҳам бориб-келиб туради.

1936

ШУМ БОЛА

I БЎЛИМ

Расталар обод. Қаймоқ бозорининг бурилишида, маҳкаманинг бошида Илҳом самоварчининг каттакон чойхонаси бўлиб, унда граммофон чалинади. Турли-туман пластинкалар орқали Тўйчи ҳофиз, Ҳамрокул қори, Ҳожи Абдулазиз ва Фарғона яллаци хотинлари кетма-кет мақомлар, яллалар, ашулалар айтади. Чойхонада жой етишмайди. Узун раста, жуҳуд раста, атторлик ва бошқа расталарнинг бойваччалари савдодан бўш вақтларида бу чойхонага йигилиб, меҳмонхоналардек ўртада катта баркашларда қанд-қурс, писта-бодом, мураббо, нишолда, обинон, ширмой нонлар билан шамалоқ безатилган дартурхон атрофида чақчақлашиб ўтиришади. Баъзи бойваччаларнинг дастурхонида қорнига қалдирғоч сурати солинган, устига похолдан тўр тўқилган коньяклар ҳам кўринар эди.

Бу чойхонага бозор-ўчарга санғиб тушиб қолган деҳқон, камбағал косиб, қозоқ, қирғиз ва бошқа оддий фуқаро киролмас эди.

Самоварчи Асра кал деган хипчадан келган, қотма, эпчил йигит эди. Устида олди очик яктак, оёгида қала кавуш, зангори шоҳи қийиқ боғлаган, елкасига холпаранг рўмол ташлаган хушфеъл йигит эди. Чойхўр бойваччалардан бирортаси:

— Асра!

Ёки:

— Кал! — дейиши билан:

— Лаббай, мулла ака, чойми, чилимми? — деярли-да, дарров бир қўлида кичкина чойнак, иккита кичкина хитой пиёла ё бўлмаса ярқираб турган каттакон мис чилимнинг сархонасига тамаки босиб, устига чўғ қўйиб, бир-икки қулдиратиб тортиб, пишитиб, кашанданинг хизматига югурар эди.

Бу чойхонада мени маҳлиё қилган нарсаларнинг бири кираверишнинг шифтига илиб қўйилган катта, симларига зарҳал берилган, ҳар хил туморлар, байроқчалар билан безатилган қафас ва бу қафасдаги жонли тўти эди, ўлиб кетай

агар, тирик тўти эди. Патларининг ранг-баранглиги Ойша чеварнинг иш қутисидаги ипақлардай товланар эди. Кўк, қизил, зангори, сариқ, оқ, пушти, жигарранг, гўлос, пистоқи – боринг-чи, дунёда қанча ранг бўлса, шу тўтининг патида бор эди. Айниқса, бу тўти қурмагур шунақа ҳам бийрон эдики, эндигина тилга кираётган уч яшарлик қизларнинг овозига ўхшатиб:

“Асра, Асра! Меҳмонга қара, бир чой, бир чилим. Келинг, мулла акалар, келинг, бойваччалар”, дегани ҳали ҳам қулоғимдан кетмайди.

Биз яланг оёқ, бўз куйлак-иштонли, кир-чир болалар тўтига яқинлашиб:

– Тўти, тўти...

– Тўти, тўти... – деб қичқирар эдик. Асра кал бизни қувлар эди, кўлига тушсак урарди. Тўти бўлса орқамиздан:

– Бувингни... – деб сўкарди.

Бозорда санқиб юрган биз дайди болалар учун қувончли эрмаклардан бири бозор, маҳалла, кўча-кўй жиннилари эди. Ўша йилларда Тошкентда шунақа ҳам жинни кўп эдики, санаб саногига етолмайсиз: Малла жинни, Карим жинни, Майрамхон, Хол паранг жип-жинни, Тожихон, Жуфт каптар, Олим жинни, Эшон ойи, Овоз жинни ва бошқалар... Ҳар бир жиннининг ўзига хослиги, тантиқлиги, “ширин”-лиги бор эди. Карим жинни сўккани-сўккан эди. Унга на худо, на пайғамбар, на Шоҳидоят ҳожию Орифхўжа эшон ва на Олим қозию Шарифжон Дума – барибир сўкаверар эди. Етти пуштидан тортиб, астар-аврасини ағдариб сўкаверар эди. У илгари бўзчи экан, чит кўпайиб кетганидан кейин бўз ўтмай қолиб, бозори касодга учраб, бола-чақасини боқолмай, жинни бўлиб қолибди, деб эшитганман.

Эшон ойи деган хотин ҳам жинни эди. У қирқ-қирқ беш ёшлар чамасидаги қорачадан келган, хушқомат, қаламқош бир хотин эди. Бу хотин аслида қаландархоналик Миттихон тўрам деган эшоннинг хотини бўлиб, эшон шу хотиннинг синглиси билан ўйнашиб турганида устидан чиқиб қолиб, жинни бўлиб қолган экан.

“Жуфт каптар”га ҳукуматдан теккан эди: Николай борми, Кауфман борми, Мочалов борми, Наби ўғри деган миршаб борми – ҳаммасини бир қозон қилиб, мартабасининг пасти баландлигига қарамай сўкаверар эди.

Хол паранг таги кўқонлик экан, Кўқонда бахмал тўқир экан. Кейин дўкон-дастгоҳига ўт тушиб кетиб, жинни бўлиб қолибди. Аваз бўлса ҳаваскор жиннилардан эди.

Кунлардан бир кун Тожихон жинни битта кетмон даста билан ўтган-кетганни қувлаб, уриб, сўкиб: “Ҳамманг бир томонга юр, тарқалиб юрма! Тартиб керак, интизом керак”, деяр эди. Ҳеч ким унга бас келолмас эди. Шунда Олим жинни келиб қолиб:

— Ҳой, ҳой, нима деяпсан, жинни? — деб сўраб қолди.

— Нимага одамлар бир томонга юрмасдан, ҳар қаёққа тарқалиб юради? Николай пошшо замонида тартиб-интизом керак, бир томонга юрсин-да!

Бунга Олим жинни:

— Аҳмоқсан, Тожи, аҳмоқсан. Ер, ахир, тарозига ўхшаган нарса бўлади, ҳамма бир томонга юрса, ер баркашдай бир ёққа оғиб, ҳаммамиз Қурдум дарёга гарқ бўлиб кетамиз-ку, — деди.

Зирапчани нина билан олгандай, жиннининг гапи жиннига маъқул тушиб, одамларни уришдан тўхтади.

Жинниларнинг ичида ўзига хос тантиқларидан бири Майрамхон эди. Асли исми Маматраим бўлиб, халққа “эрка” бўлганидан “Майрамхон” деб атар эдилар. У эскидан чилангар экан. Кетмоннинг зўғотаси, эски тиш, оташкурак, тунука қайчи, шунга ўхшаган эски-туски темир-терсакларни бир симдан ўтказиб, бошига кийиб юрар эди. Ўз қўли билан овқат емас эди. Унинг бозордаги майда косиблардан ихлосмандлари кўп эди. Бешикчилар, тароқчилар, дугчилар Майрамхонни ўз қўллари билан овқатлантиришни “бахт” деб билар эдилар. Гўё Майрамхон бирор косибнинг дўконига бориб эгаси қўлидан овқатланса, шу дўконга қут, барака кирган ҳисобланар эди.

Темир-терсак асбоблар заводдан чиқа бошлагандан кейин Майрамхон “синиб”, жинни бўлиб қолган экан.

Хуллас, Тошкентда жинни кўп эди. Баъзи кунлар бир жиннига тош отиб, иккинчи жиннини ўйинга солиб, учинчи жиннидан калтак еб, кеч кириб қолганини ҳам сезмас эдик. Намозгар-намозшом ўртаси уйга қайтиб аталами, умочми, мошқовоқми, мошхўрдами, угра ошими, апир-шапир ичиб, яна кўчага чопар эдик.

Маҳалламизнинг бир томони Тиконли мазор, бир томони Кўргонтаги. Узун кўчанинг ўнг, чап томонидаги пасқам,

тор кўчаларда ўғил ва қиз болалар тўпланиб, ҳар хил ўйинлар ўйнаймиз. Кураш, “ботмон-ботмон”, “оқ теракми-кўк терак”, “қушимбоши”, “минди-минди”, “ўғри келди”, “бекинмачоқ” деган ўйинларимиз бор.

Булар ҳаммаси оқшом ўйинлари, кундузги ўйинлар бошқача: ҳар хил ошиқ ўйини, ёнғоқ ўйини, тўп ўйини, зумчиллак ўйини, ёв-ёв, ўқ камалак отиш, яланғоч пойга, от ўғриси ва ҳоказо. Хуллас, на кечаси, на кундузи ўйин вадан тахчиллик тортмас эдик.

Оталаримизнинг кўпчилиги майда косиблар, қоровул, ходимгар, мешкоб, отбоқар, ҳаммол, сўфи, фолбин, арқон товлайдиган, ноғора-чилдирма қоғлайдиган, тўқимдўз, чегачи ва ҳоказо бўлганликлари учун уларнинг қўлидан ҳунарларини олиб ёки уларнинг ёнига кўмакчи бўлиб тушиш бизга тўғри келмас эди. Оталаримизнинг ўзига иш топилмаганда, бизга иш қаяқда дейсиз. Эртадан-кеч кўча чангитиб, ҳамманинг жонига тегиб, кампирлардан қарғиш эшитиб, ўспиринлардан калтак еб, сандироқлаб юрадиган увингўда бекорчи болалармиз. Битта қўлом-кўрғошин кўйилган рангдор ошиқ ёки дугчилар қириб берган мўгуз соққа ёки ёнғоқ соққа, ҳеч бўлмаганда, бирорта соатнинг қопқоғи бизнинг катта давлатимиз ҳисобланади.

Рамазон ойида ўйинимизнинг турлари яна кўпайиб кетади. Оқшомлари маҳаллада эшикма-эшик юриб, рамазон айтамыз. Намозшумдан саҳарлик ошгача мачитма-мачит юриб қориларнинг қироатини эшигамыз.

Айниқса, ойдин оқшомлар маза қилиб ўйнаймиз. Ёз, куз, баҳор вақтларида-ку, кўчаларимиз тупроқ бўлганлиги учун юмшоққина, маза бўлар эди, аммо қиш кунлари белгача лой, ботқоқ бўлганидан ўйинларни катта майдонларга ёки бос тирма йўлкаларга кўчирамыз. Ҳар маҳаллага биттадан шаҳар думахонаси ўтказган хира фонусларнинг ичида еттинчи пиликли керосин чироқ ёнар эди. Бу чироқларни ҳар куни кечқурун нарвон кўтарган чироғбон керосинидан, пилигидан хабар олиб, шишасини артиб, ўзи ёқиб, азонда ўзи ўчириб кетади. Бу кўча фонусларининг ёруғи унча бўлмайди. Узоқдан қараган кишига қоронғидаги мушукнинг бир кўзига ўхшаб йилтираб кўринади. Четига харсанг терилган тор кўчалардан кетувчи йўловчиларга узоқдан “мен бор” дегандек, қизгиш шуъла кўрсатса ҳам ёруғ бермайди. Бу чироқларнинг тагида ўйнаб бўлармиди? Катта кишилар ҳам хуф-

тонни ўқир-ўқимас, соат етти-саккизлардаёқ уйга кириб кетишади. Кўчада зог учмайди. Фақатгина бекинмачоқ ўйнаб юрган бизлар қоламиз. Хулласи калом, ўйинимиз кўп.

“Қушим боши” шунақа ўйин: болалар икки тўдага ажралишади, улар ичидан иккитаси “онабоши” бўлади. Улар битта латтани қушга ўхшатиб тугади. Ҳар икки бола бир-бирига шивирлашиб, бир қушнинг отини яширишади. Суттими, баликчим, читтакми, қумрими, итолгими, қирғийми, миққийми – бирор қушнинг номини яширишади. Кейин болаларга латтадан қилинган қушни кўрсатиб:

– Қушим боши шунча, тана-манаси билан мана шунча, топинг нима? – деб савол беради.

Болалар жавобга ошиқиб чуввос билан:

– Қалхат! – дейишади.

– Йўқ, тополмадинг. – деб жавоб қайтаришади онабошилар.

– Товуқ.

– Йўқ, тополмадинг.

– Зарғалдоқ.

– Йўқ, тополмадинг.

– Укки.

– Топдинг, топдинг! – деб тан беришади онабошилар.

Ўша замон топган томон топмаган томонни битта-битта миниб олади. Ҳаммаси баравар “хиҳ, эшагим”, деб маълум белгиланган жойгача опичиб боради. Ўша ерга борганда онабошиларга болалардан биттаси: “Отлиқми, яёв?” – деб савол беради, агар онабоши:

– Ост-устига, – дегудай бўлса, минганлар тушиб, миндирганлар унга опичиб олади.

Шунда ашулаларимиз ҳам бўлади:

Хум-хум ҳазрати хум,
Умарали хону Мадалибек,
Мадалибекнинг замонида
Тарала гижбангу
Тарала гижбанг.

“Яланғоч пойга” деган ўйинимиз яхши ўйин. Иккита дўппини чаккаларимизга боғлаб, отнинг қулоғига ўхшатиб орқа этақларимизни тугиб дум қилиб, турли масофага ким

ўзарга югуришамиз. Бизники Тиконли мазор, Қоратош, Яланқари, Олмазор, Девонбеги, Қўрғонтаги, яна Тиконли мазор маҳаллалари бўйлаб ўтган масофада — тахминан, уч чақиримча келадиган бир доирада ўтказилади. Олдин келган болаларга чапак чалиб, баракалла айтиб, хурмат кўрсатамиз. Иккинчи пойгагача у зўр ҳисобланиб юраверади.

Кураш ўйинимиз бўлса, ўзингизга маълум.

Ўйинларимизнинг ҳаммасини бир чеккадан таъриф қилаверсам, гап чўзилиб кетади.

Бизнинг маҳалламиз кичкинагина бўлса ҳам гавжум. Карим қори деган газламафуруш, Ёқуб қовоқ деган мумфуруш, Абдуллаҳўжа деган бўёқфуруш бойларни ҳисобга олганда, қолганлари босмахона ва қандолатхона (кондитерский) ишчилари эди. Маҳалламизда иккита мачит, битта чойхона, иккита баққоллик бор. Самоварчи — Қодир ака деган ялангтўш киши. Мачитнинг биттаси — Тиконли мазорда, иккинчиси — Еттимачит, Қўрғонтагида. Ҳар икки мачитнинг ҳам ёнида мактаб бор. Маҳалла имомлари ўз навбатида ўқитувчи. Тиконли мазор мачитида Шамси домла муаллим, Қўрғонтагида Ҳасанбой домла ўқитади.

Мен Ҳасанбой домлада ўқидим. У бизларни “Ҳафтияк”дан эмас, “Устои аввал” китобидан ўқитиб, тез саводимизни чиқарди.

Маҳалладаги менинг ўртоқларим: Омон, Ит Обид, Бит Обид, Туроббой, Йўлдош, Ҳусни, Солиҳ, Абдулла, Пўлатхўжа, Миразиз ва бошқалар.

Омоннинг отаси Турсунбой ота қаламтарош-пичоқ қилади. Хотини ўлиб кетиб, бева яшайди. Омон ёлғиз ўғил.

Ит Обиднинг отаси Зоҳид ака яқанчи (эски-туски йиғувчи) эди.

Бит Обиднинг отаси Расулқўзи ака қин тикар эди. Туроббойнинг отаси Зиямат ака гўзафуруш эди.

Йўлдошнинг отаси Бувака бўлса кўн этик тикар эди, лекин ёшлигида ўлиб кетиб, Йўлдош ота-онасиз шум етим эди. Бизларнинг кўп маслаҳатимиз Йўлдошнинг уйида бўлар эди.

Ҳуснибийнинг дадаси Омонбой бўйинча тикар эди.

Солиҳнинг отаси Юнус ака ҳофиз эди.

Абдулланинг отаси Азиз ака керосинфуруш эди. От-арава билан кўчама-кўча юриб “Нобель” ширкатининг керосинини сотар эди.

Пўлатхўжанинг отаси қалъа савдогари бўлиб, беш-олти йиллаб Қашқарда, Ирбитда савдогарчилик билан юрган йилларида онасининг қорнида “олти ойлик ёпишиб қолиб”, дадаси келган йили уч ойдан кейин туғилган экан.

Уста Миразиз этикдўзликда менинг устам. Отаси Салимбой сўфи қушхонадан сўнгак олиб келиб қайнатиб, ёғини олиб тирикчилик қилар эди. Сўфи ота ўз вақтида — 1860 йилларда Ёқуббекнинг аскарари бўлиб, Қашқар қўзғолонида битта хитой қизини ўлжа қилиб от орқасига мингаштириб олиб келиб, мусулмон қилиб никоҳлаб олган экан. Унинг хитойча отини Бахтибуви деб ўзгартирган. Миразиз ака Бахтибувининг уч ўғлидан энг кенжаси.

Маҳалламиздаги мен танийдиган кўни-кўшниларимиз мана шулар, эсимдан чиққанлари бўлса, эсимга тушганда йўл-йўлакай айтарман.

Шундай қилиб, бу фалокатли ишни Йўлдош бошлади. Маҳалланинг бир тўда ўспирин болалари Лайлакмачитнинг жиловхонасига йигилиб, ошиқ ўйнамоқда эдик. Мен бутун жуда кўп ютган эдим. Олача яктагимнинг чўнтаги, энгим, липпам ошиққа тўлиб кетган эди.

— Болалар қанда, ошиқлар манда, — деб севинч билан қичқирмоқда эдим. Худди шу орага Йўлдош шилқим суқилди-ю, ишнинг пачавасини чиқарди. У бари моғорлаб кетган сурп яктагининг этаги билан бурнини арта-арта гапира бошлади:

- Болалар, халфана қиламизми?
- Бўпти, қиламиз.
- Қарда?
- Ризқи халфанинг кўчиб кетган ҳовлисида.
- Бўпти.

Халфанага палов қилмоқчи бўлдик. Масавур оталиқнинг набираси Омонбойнинг ўғли Хуснибий ошпаз бўладиган бўлди. Қозон, чўмич, туз, қалампир, сув — ундан қолган масаллиқларини шу йўсинда тақсим қилдик: гуруч билан сабзи — Йўлдошдан. Гўшт — Абдулла дўлвордан. Ёғ — мендан. Қолган-қутган нарсалар — Пўлатхўжа муғамбирдан. Ҳамма ҳар тарафга қараб кетди. Мен ҳам ёғ келтиргани уйга кетдим. Онам ошхонада ертандирга ўт қалаб, қовоқ сомса ёпиш тараддуида эди. Бизнинг рўзғор майда-чуйдалари зах уйнинг орқасидаги узун ҳужрада бўлар эди. Айвонда ўртан-

ча синглим кичик укамни овутиб ўтирган экан. Унинг ёнидан хужрага киришнинг эвини тополмадим, бирорта ҳийла ишлатиш керак эди.

– Шапаг, – дедим унга, – катта тўпинг қаерда?

– Қўғирчоқларимнинг олдида, нима қилди?

– У ерда йўқ-ку!

– Ҳа... ўлгур, сен олгандирсан, ҳозир берасан, бер.

Мен илжайиб туравердим. У овутиб турган укамни қўйди-да, қўғирчоқларининг олдига югуриб кетди. Мен ҳам “лип” этиб хужрага кириб, хўқачадан ёғ ўйиб олдим. Ёғни бир қоғозга турмушлаб, липамга қистирдим. У ердан чиқиб ўтинхонага кирдим. Кулранг товугим пиёздан қилинган мойк устида туғиб ўтирар эди. Секин бориб, қанотини кўтариб қарасам, аллақачон туғиб бўлган экан, лекин оналик меҳри билан тухум устида босиб ётар экан. Тухумни олдим. Товуқ қақалаб қочди.

Ўртоқларимга яхши кўриниш учун, расамалда кўрсатилмаган бўлса ҳам, ёғ ёнига тухумни ҳам қўшиб олиб боришни ўзимга маъқул қилган эдим. Зингиллаб кўчага чиқиб кета бошладим. Ошхонамиз йўл устида бўлганидан онам кўриб қолди.

– Ҳой, жувонмарг зумраша, тагин кўчагами? Бу ёққа кел, оловни жўнаштириб кет, тутайбериб кўзимни кўр қилаёзди.

Ноилож қолдим, тухумни қалпоқчамга солиб кийиб олдим-да, ошхонага кирдим. Онам мени тергай бошлади. Мен жимгина кулоқ солиб, ўчоқнинг ёнига чўққайиб, ўт қалаштирмоққа бошладим.

Мен билмаган эканман. Ўтнинг тафтига липпамдаги ёғ эриб, почамдан оқмоқда экан. Ойим кўлидаги хамир ёйиб ўтирган ўқлов билан бошимга астагина урди.

– Жувонмарг, кап-катта бола, уйлансанг боланг бўлади, шу ерда, шундай Фотимаи Заҳронинг дастгоҳлари бўлган қутлуғ ерда сийиб ўтирибсанми?

Ойим бошимга ўқлов билан урганда қалпоқ тагида бўлган тухум пачақланган эди. Унинг сариғи оққа араллашиб, чаккамдан сирқиб, юзимга оқмоқда эди. Ойим: “Бола бечоранинг бошини ёриб, қатигини чиқариб юбордимми”, деб эси чиқиб кетган экан. Мен бўлсам, халфана қиламиз, деб ўмарган ўғирлигим очилиб қолганидан, бир чеккаси кўрқиш ва бир чеккаси уй ичидагилардан уялганимдан, ошхонадан чиқиб, кўчага қочган эдим. Ёғ эриб оққан, тухум синган бўлганидан, халфаначи ўртоқларимнинг олдига боришдан маъно

чиқмас эди. Кечкурун уйга қайтиб келиш ҳам мушкул, нима қилиш керак, қаерга бориш керак?!

Ўйлаб-ўйлаб топдим. Саъвонда битта аммам бор. Шуникига бораман. Ўзи бефарзанд. Ўзи ҳам, эри ҳам мени жуда яхши кўришади, буларнинг уйида киши зерикмайди ҳам. Аммамнинг эри мўйнадўз — косиб. Бола-чақалари бўлмаганидан, уйлари бизникига ўхшаш тўс-тўполон эмас — йиғинчоқ, иннайкеин, буларнинг уйи салкам ажойибхона. Унда дунёдаги ҳамма нарса бор.

Овга киришадиган соҳибчангал қушлардан — қарчиғай, миққий, қирғий, уришадиган қушлардан — дакангхўроз, олдий хўроз, амиркон хўроз, каклик, бедана (бу сўнгги иккиси сайраш учун ҳам боқилиб, чўп қафасда, тўрқовоқда сақланади).

Сайрайдиганлардан: кумри, саъва, булбул, майна ва бошқалар. Булардан ташқари, фақат уйнинг зийнати учун боқиладиган битта ов тозиси, битта кўппак, битта лайча кучук, беш-олтита болалари билан кўппак, битта Бухоро бароқ мушуги бор эди.

Уларнинг уйидаги гулларнинг-ку сон-санови йўқ: гулбеор, гулраъно, гулсафсар, гулҳамишабахор, кўқонгул, қалампиргул, намозшомгул, самбитгул, атиргул, картошкагул, қашқаргул — ишқилиб, санаб тутатиб бўлмайди.

Поччам билан аммам бу гул, бу ҳайвонотларнинг ҳар биттасини нуридийдаларидай парвариш қиладилар. Ҳар ҳолда, менга ўхшаган ўйинқароқ болалар учун бу ерда эрмак топилади. Зерикиб қолмайман.

Аммам ва поччам мени эркалаб қарши олдилар.

— Кел-а, бўйингдан гиргиттон бўлиб кетай, сени қайси шамол учирди, акам тирилиб келдими, ҳалигина қовоғим учиб турган эди, — деди аммам.

— Ҳа, балли, азамат, неча кундан буён кўзим учиб, йўлпашша айланиб юрган эди, ҳайтовур яхшиликка кўринди. Сен келар экансан, балли-балли, — деди поччам.

Мен бу эркалатишлардан жуда талтайиб кетдим.

Поччам ҳар куни тўққиз пул чойчақа беради. Мен пулни олиб, кўчага шаталоқ отаман. Бу маҳалладан ҳам янги оғайнилар орттирганман. Камалак отамиз, ошиқ ўйнаймиз, ит уриштирамиз.

Бир кун поччамнинг кўппагини яшириб олиб чиқиб, уриштирдим. Олдинги бир оёғи синиб қайтди ва бир умр чўлоқланиб қолди.

Ёз пайти поччамнинг уртоқлари қовун сайилга чақирган. Бир тарафи ҳайитлашиб ҳам келаман-ку, деган ният билан ёнига тозисини ҳам қарчигаини олиб, матраб кўтариб уч-тўрт кунга далага чиқиб кетди, кетар олдида менга учта бухор танга¹ бериб:

— Қушларнинг овқатидан хабар олиб тур, очиқиб қолмасин, — деб тайинлади. Мен жуда қувондим — мана энди ўсиб ҳам қолдим, ёшим ўн тўртга кирди, одамлар менга ишонадиган бўлиб қолди, деб ич-ичимдан севиндим: кимсан миққий, кимсан қиргий, дегандай соҳибчангал қушларнинг ихтиёри менинг қўлимда.

Қушхонага кирдим, уйнинг бир бурчагида миққий, бир бурчагида қиргий — бошларини ерга тикиб, кўндоқда ўтирар эдилар.

Ов қушларининг тезаги оппоқ бўлар экан. Қатиқ ичармикан-а? Албатта, қатиқ ичади, бўлмаса тезаги оқ бўлмаса керак, деб ўйладим.

Аммамдан яшириб, ошхонага кирдим-да, катта хурмачани кўтариб бозорга кетдим. Бир тангани майдалаб, бир пақирга (икки тийин) бир хурмача қатиқ олиб, уйга келдим. Икки косани қатиқ билан тўлдириб, ҳар икки қушнинг олдига қўйдим. Ҳар икки қуш ҳам овқатга қўноқдан туриб сипоҳгарчилик билан бир қўзлаб қаради-да, юзини чиртга тескари ўгириб олди.

Нима ҳам қилса зотдор, таги кўрган қушлар-да, киши олдида оч бўлса ҳам овқатга қарамайди. Товуқ бўлганда эди, пастлик билан уялмасдан ўзини овқатга урар эди, деб ўйладим. Қушхонадан чиқиб кетдим.

Орадан икки-уч соат ўтказиб, яна қайтиб қушхонага кирдим, сипоҳи қушлар ҳали ҳам ўтирган кўндоғидан тушмай, овқатга терс қараб ўтирар эди. “Чумчуқдай жони билан буларга сипоҳгарчиликни ким қўйган экан, иззат-обрў бўлса қилдим, биров овқат еяётганда қараб туриш яхши эмас”, деб чиқиб ҳам кетдим. Тагин нимаси қолди! Жаҳлим чиқди. Қушхонанинг қирмагул қозигида поччамнинг қуш кўндирадиган ов қўлқопи илиғлик турган экан. Қўлимга кийиб олдим-да, миққийни кўтардим. Бутимга қисиб, оғзини йириб, кумуш қошиқ билан қатиқ ичира бошладим. Обдан тўйди, бошқа қушларни ҳам шундай қилдим: “Ана энди

¹ Бухоро амирлари замонасидаги кумуш танга. Бизнинг ун беш тийинга баравар.

тўйдиларинг. Киши бир ерга қадалиб ўтира берса ҳам чарчайди, қорин тўқ бўлгандан кейин киши толмайди. Мана энди ўтира беринглар, қорниларинг тўқ – қайгуларинг йўқ”.

Шу хилда икки-уч кун аммамдан яшириб, ўз билгимча қушларни қатиқ билан сийлаб юрдим. Қушларнинг ичида ўзим яхши кўрадиган биттаси бор эди, унга бошқалардан яшириб қатиқнинг юзини берар эдим.

Учинчи кунга борганда эрта билан қушхонага кириб қарасам, ҳамма қушлар кўндоқдан пастда – ҳаммаси хурпайган, бошини ичига олган, айниқса миққий кўндоқ тагида бир қанотини остига солиб, оёғини баралла узатиб, ёнбошлаб ётган эди.

– Ҳа, мана, бу киройи иш бўпти, – деб ўйладим. – Ярим қоронги уйда ҳадеб кўниб ўтира бериш ҳам кишини зериктиради. Шунақа ўтириш-туришни ҳам қилиб турган яхши, ёнбош қил, ёт, кериш.

Наҳорликка қушлар яна қатиқ ичишди, тушлик нонуштаси учун сузма бермоқчи эдим, чунки бечора қушлар жуда ҳам ёвғонсираб кетди.

Қушхонага кириб, не кўзим билан кўрай? Миққийнинг қулоғи остида қолган, яъни ўлган эди. Қарчиғай ҳам жон берай деб турибди. Масала менга равшан бўла бошлади. Энди поччамга нима дейман! Бу қушларнинг ҳар биттасини у кўзининг қорачиғидай кўрар эди-ку. Бу ердан ҳам насибам узилгандай кўриниб кетди. Поччам қушларга овқат олиш учун берган пулдан икки тангаю бир мириси ҳали ёнимда. Катта дарвозанинг рўпарасидаги йўлакнинг тепасига қафасда осиб қўйилган бир жуфт кумрини жуда ҳам яхши кўрар эдим. Аста бориб, қафасни илгагидан чиқардим. Бошимга қўйиб, катта сафар учун йўлга тушдим, аммам мушукларга шовла пишириш билан овора бўлгани учун менинг чиқиб кетганимни пайқамай қолди. Белимда пул, бошимда савағичдан тўқилган катта қафасда кукулаб турган бир жуфт кумри. Этакни турмақлаб, сағримга бир муштлаб, “ҳайё, ҳу” деб, шаҳардан ташқарига қараб йўлга равона бўлдим.

Мен кетарман йўлда йиғлаб, сен қолурсан зор-зор,
Кумри қушнинг боласидек иккаламиз интизор.
Интизорлик торта-торта танда тоқат қолмади,
Йўл чивиндек сарғайиб, юрарга ҳолат қолмади.
Йўл чивиннинг ҳолини йўлда йўловчидан сўранг,
Биз ғарибнинг ҳолини ақли расолардан сўранг.

Бир талай манзил-мароҳил йўл босиб, кўп юриб, кўп юрсам ҳам мўл юриб, Аччабод деган “шаҳри азим”га борганимда, бир тўда катта-кичик қора-қура ўспиринлар атрофимни ўраб олишди. Ораларида жуссаси менга бир яримта келадиганлари бўлгани каби тўрттасини бир мушт билан кулатадиганлари ҳам бор эди. Аввалига яхшиликча қумрини сотишни сўрашди, кўнмасам, зўрлик билан олиб қолишлари менга маълум бўлган эди, чор-ночор сотишга кўндим, олғирлар қумрини молга алмаштиришни зўрлаб илтимос қилдилар. Қумрини молга мовоза қилдим, молнинг турлари қуйидагилардан иборат:

Уч дона ғалвир гардиш, битта ёғоч шақилдоқ, икки дона болалар ўйнайдиган ёғоч бешикча, битта териси ва гардиши қизилга бўялган чирмандача, битта туташ дасталик курак, икки чайнам сақич ва бошқалар...

Мендан кетдими, улардан кетдими — худога аён. Таваккал, ё остидан, ё устидан.

Бу юклар қумрига қараганда икки баравар кўпроқ оғир эди. Ҳаммасини елкамга қўйиб, бу шаҳардан ҳам чиқиб кетдим. Олдимда катта бир чўли азим пайдо бўлган эди, “куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган” бу чўлда елкамда бояги юклар билан кетиб борар эдим. Узоқдан бир кишининг қораси кўрина бошлади. Мен унга, у менга қараб келар эдик. Ниҳоят, тўқнашдик, бу тўқнашиш менинг беҳад ва бепоён хурсандчилигимга сабаб бўлди. Чунки бу киши ўз шаҳримдан, бир маҳаллалик, мендан бир-икки ёш каттароқ Омонбой — Турсун пичоқчининг ўғли, ўз ўртоғим эди. Елкасида етти ярим қадоқлик кетмон — мардикор ишлаб юрган экан. У менинг устимдаги юкларни кўриб ҳайрон қолди. Айниқса, гардишни кўриб мени чалма қуйиш учун қишлоққа чиқиб кетяпти, деб ўйлаган экан. Йўлнинг чеккасига чиқиб, бу чўл-биёбонда бўлган яккагина жийданинг салқинида ўтириб ҳасратлаша кетдик.

Якка жийдада мева кўринмас эди. Мен Омонга жуда биладиганлардай маънодор қараб:

— Жийда солкаш¹ кўринади, бу йил мева қилмапти, — дедим. Омон менга қараб кулди.

¹ Бир йил ҳосил қилиб, бир йил ҳосил қилмайдиган мева дарахтлари солкаш деб аталади.

— Вой, аҳмоқ. Ҳозир саратон. Саратонда жийда мевалари данагига алиф ёздириш учун Маккага кетади. Бир ойдан кейин мевалар қайтиб келади, — деди. — Мен эсимдан чиқарган эканман.

Ҳар икковимизнинг ҳам дунё қидириб, бахт излаб юрган ўспиринлигимиз маълум бўлди. Мола жонни бир қилиб, аҳду паймон қилишдик-да, катта, улуғ сафарни мўлжал олдик. У ҳам келган изи билан орқага қайтди, биргалашиб, “чўли малик” билан кетар эдик. Кечга яқин жуда ҳам катта бир “шаҳар”га кириб бордик. Бу шаҳарнинг оти Кўктерак экан. Ўртоғимнинг ёнида мардикорлик билан топган пули — миркам икки танга, менда бўлса қатикдан қолган икки танга бир мири пул бор. Самоварга тушдик. Бозорни кутиб, икки-уч кун шу пуллар билан самоварда тунадик. Жума куни бозор эди. Эрта билан бозорга чиқдик.

Ҳай-ҳай, бозор бўлганда ҳам қандай бозор, денг? Бу томони Эронун Турон, Маккаю Мадина, Майманаю Майсара, Хитою Чин, Истамбули Мозандарон — на қуйи, на паст, на ўнгу на чап. Бундай катта бозорни одам боласи кўрмаган бўлса керак. Бозордаги расталарни айтинг, молларнинг шигал тўлиб кетганлигини айтинг, бозор аҳлининг турланганини айтинг. Савдогарларнинг маккор башараларини, рангоранг кийим-бошларини айтинг. Бай-бай, бундай бозор “Қиссас ул-анбиё”да ҳам, “Ҳурилиқо” деган китобда ҳам ёзилмаган, ҳеч қаерда — тарихда йўқ.

Мана, бир чеккадан томоша қилинг! Мана бу атторлик. Бир қатор атторлар эски қоп, яғир шолча, йиртиқ бўз парчалардан қизил, оқ, кўк, яшил лахтак қуроқлардан турли-туман соябонлар ясаб, молларни бевосита ернинг ўзига ёйиб қўйибдилар. Бу моллар ичида жаҳондаги атторликнинг ҳамма жиҳози топилади. Бит, бургага қарши ишлатиладиган ўлдирилган симоб дейсизми, қутирга қарши индов ёғи, ёмон ярага қарши хуни дори, мози, занжабил, санойи макка, кучала, кўзмунчоқ, думалоқ упа, кўрпа игна, соқол тароқ, ҳалилаи занг деган қувват дори, иштонбоғ, иштон поча, бухор сақич, қора сақич, ҳар қандай ярага дори бўлган бальзаммой, қалампирмунчоқ, томир дори — қўйинг-чи, ҳамма нарса бор. Ирвит дейсиз, Ирвит!

Бу молларни саралаб турлаганга, бир ерга жам қилишга ақли етган кишига қойил қолавериш керак.

Ана, иккинчи раста! Бир томонда кулоллик моллари, бир томонда совунгарлик. Сопол тоғора дейсизми, тоғорача дейсизми, хумдондан янги чиққан хум дейсизми, хурмача, хўқача дейсизми? Чертиб кўришга махтал: жаранглаб кетади.

Бир томонда кулча совун, яхнак совун, мум шам. Совунгарлар олдида қопда, хуржунда ҳаром ўлган молларнинг жиззаси, ичак-човоқлари. Минг-минг зангори пашшалар ғувиллаб турибди. Булардан бир қадоқ совун олмоқ учун ё димоғни рўмол билан боғлаш керак, ёки бурунни енг ичига олиб туриш керак. Баъзи хушмуомала совунгарлар харидорни алаҳситиб, ўзига жалб қилиш учун бир пиёла чой, бир бурда нон ҳам таклиф қилиб кўядилар. Дунёдаги ҳидлар ичида совунбозорнинг ҳидидай “хушбўйлик” жаҳонда бўлмаса керак. Кимга нима ёқади? Омонга совун бозор ёқар эди.

Бу бозорлар ичида, менимча, таъриф-тавсифи етти иқлимга кетгани “бит бозор” деб номланган раста бўлса керак. Бу ерда жонингизга ором берадиган ҳамма нарса топилади: салдоти шим дейсизми, пойма-пой сағри кавуш дейсизми, бирор етти йилгина кийилган, асли матои нима эканлиги маълум бўлмаган гуппи дейсизми, Маллахон замонидан қолган мурсак дейсизми, чевар қизлар учун ранго-ранг куроқлар дейсизми, от бўктаргиси, ёлпўш, гулчин билан тагчарм кўйилса ҳали кийса бўладиган нимдошгина саҳтиён маҳси дейсизми, пайтавабоп молларнинг ва лунгибоп матоларнинг сон-саноғи йўқ.

Бу молларни ёйиб ўтирган чайқовчиларнинг афт-башарасини айтмайсизми. Бетларига бу ҳафта ичи сув тегмаган, соқоллари устарадан озод, башараларидан “нур” ёғилиб туради. Бирор молни сўраб қолсангиз, энг аввал худди аммасининг ўгли тирилиб келгандек, албатта, қўл олиб сўрашадди, кейин нарх айтади. “Амиркон-амиркон” деган жой бор, деб эшитиб юрар эдик, амиркони шудир-да!

Худди ана шу бозорда ўз маҳаллам, ўртоғим, бўйинчадўз Омонбийнинг ўгли Ҳуснибийни учратиб қолдим. У ота касбини ўзгартириб, лахтакфурушлик қилиб юрар эди. Лахтак, деб ҳар бир тўп молнинг тагида қолганини айтилади. Чунончи, бир туп читни газлаб-газлаб сотиб бўлгандан кейин охирида тўп таги бўлиб, ярим газ, чорак кам бир газ лахтак қолади. Бу лахтакларни катта читфуруш газламачилар арзонроқ баҳо билан кўтармачиларга сотадилар. Улар бу ранг-баранг, гули гулига тўғри келмайдиган турли-туман лахтаклар-

ни хуржунга солиб, елкага ташлаб, бозорма-бозор сотиб юрадилар. Энг катгаси бир ярим газдан ошмаган бу лахтакларнинг харидори кўп бўлар эди. Чунки бир газ арзон чит саккиз ярим пақир (бир пақир — икки тийин) бўлгани учун бош-оёқ кўйлак-иштонни нуқул читдан қилиш кўп камбағалларга муяссар бўлмас эди. Шунинг учун улар кўйлак-иштонни бўздан қилиб, кўйлакнинг енг учини, иштоннинг почаларини — кўринадиган жойларини читдан қилишар эди.

Хуснибий бир хуржуннинг икки кўзи тўла лахтак, қўлида газчўп:

— Поплин дейсизми, хушвоқ дейсизми, чидаганга чиқарган дейсизми, бурга чит дейсизми, роҳатбадан дейсизми, мади-полом дейсизми, сурп, тик, шайтон тери дейсизми, кеп қолинг, харидор!— деб бозорни бошига кўтариб, бақриб юрар эди.

Бирданига мен билан Омонга кўзи тушиб қолди. Худди Имом Ҳасан билан Имом Ҳусанни тирик кўргандек қувониб кетди.

— Ия, ўзларингми? — деди-да, менга қараб: — Сен лўлига шогирд тушингми? Сен-чи, Омон? Мен ота касбимдан барака топмайдиган кўриндим. Лахтакфурушликка ўтдим. Дастмоям уч ярим сўмга етди. Мана бу молларни қара, Юсуф Давидовнинг магазинида ҳам йўқ.

Сўнгра менга қараб жаврай кетди:

— Ўзинг бир ҳафта-ўн кундан буён қаерларда санқиб юрибсан? Онанг бечоранинг қидирмаган жойи қолмади-ку. Бир оғиз хабар бериб қўйсанг ўлармидинг! Ҳайтовур поччанг келиб онангни тинчигиб кетибди. Беш кунча бизникида турди, ундан кейин Қоплонбекка амакилариникига чиқиб кетди. Кузгача деҳқончилигига қарашиб, бирор нима орттириб келмоқчи экан, дебди. Ундан кейин ойинг йиғламай қўйди. Бирров тушиб чиқ, аҳмоқ.

— Унча-мунча пул қилай, кийим-бошимни тузатай.

— Вой, аблаҳ-эй, поччангнинг қумрисини нима қилдинг?

— Нима қилибман?

— Лўлиларга сотган экансан-ку!

— Сотмаганман, молга айирбош қилганман.

— Молларинг шуми. бой бўлиб қолибсан, эй лўливачча. Қўрқма, поччанг Наби миршабни етаклаб бориб, икки сўм тўлаб қумрисини ажратиб олибди.

— Ажаб бўпти, бундан кейин хушёр бўлади, ким кўринганга “бойвачча” қушларини ишониб топширавермайдиган

бўлади. Ҳа, майли. Энди буни қўй, маҳаллада нима гап, қизикроқ гап борми?

— Нима ҳам бўлар эди. Жалил баққол мачит тобугхонасининг тепасига беда босиб қўйган экан, ўт тушиб кетди. Ўт ўчирувчилар келиб, роса томоша бўлди.

Пўлатхўжа акасининг тўппончасини ўғирлаб, қоровулнинг итини отиб қўйган эди, миршаб бир кун қамаб қўйди. Текширгани иккита миршаб билан Мочаловнинг ўзи келди. Ҳамма ин-инига уриб кетган дегин, мен билан Солиҳ Мирриз аканинг болохонасидан мўралаб роса томоша қилдик.

— Ай-ай, сарт. — деди Мочалов, — жаман, савсем жаман, тувая Сибирь пойдешь, эй кизимни...

— Жуда ҳам даҳшат. Пўлатхўжанинг акаси “пожалиска, пожалиска”, деб анча пул бериб зўрга ажратиб олди.

Шундан буён Пўлатхўжа ўртоқларимиз ичида Наби миршабингдан ҳам, Мочаловингдан ҳам, Кўр Раҳим қоровулингдан ҳам қўрқмайман, деб кеккайиб юрибди. “Кўй-қўй”, десак, “Ҳаммангни отиб ташлайман”, деб дўқ қилади.

— Ўзим борганда танбеҳини бериб қўяман, — дедим.

Омон пичинг аралаш: “Шундай қилиб қўй”, — деди.

— Ойимга, укаларимга салом айтиб қўй, хавотир олишмасин. Тўхта, мана шу бир мирини Йўлдошга бериб қўй, тунов куни ошиқда ютқазган эдим. Фирромлик қилди, деб юрмасин. Хайр!

Икковимиз икки томонга кетдик. Омоннинг кетмони билан менинг кумрига мовоза қилган молларимни бозорга солдик. Харидор жуда кўп бўлди. Молларимизнинг бозори чаққон. Харидорлардан ҳам кўра сўраб ўтувчилар кўп эди. Бу кишилар, айниқса, менинг молларимнинг баҳосидан кўра, бу моллар турмушда нималарга керак бўлишини сўрар эдилар.

Бирор соат санқиганимиздан кейин, Омоннинг кетмони билан менинг ёгоч курагимни сотишга улгурдик. Шунда ҳам ўртага даллолар тушди.

— Қани, ҳа, ука, барака де, — деб ярим соатча қўл силтаб савдолашгандан кейин кетмонни ярим сўмга, куракни бир ярим тангага “бор барака топ” қилдик. (Ёз бўлгани учун курақнинг бозори касод эди, аттанг, арзон кетди.)

Пулнинг ҳаммасини Омон белбоғига тугди. Энди қолган молларни пул қилиш керак эди. Бола бешик билан шақилдоқни Омонга бердим. Гардишлар билан чилдирма менда эди. Мен

чилдирмани, Омон шақилдоқни бозорга солиб чала кетдик. Бу текин сайёр концертнинг ногаҳон овозини эшитган, теварак-атрофда саланглаб юрган ўзимиз сингари бир талай увинтўда болалар бизни қуршаб олган эдилар. Айниқса, бир дўлворгина болага шақилдоқ ёқиб қолди. Деҳқон бола экан. Қўярда-қўймай бир қовун, икки тарвузга алишиб олди. Мен Омонга: “Қойилман, кўлинг енгил экан”, дегандек кўзимни қисиб қўйдим.

Чилдирмани нақд пулга, биттангайи ашрафга саман от минган хушмўйлов йигитга пуладик. Тез орада гардишлар билан бола бешикнинг ҳам “кўр харидори” топилди. Бозорга товук, тухум, сўк, қурт олиб тушган қозоқ кампир:

— Вой-бўй, қарақларим, ўси бешикти маган берағўй. Болдаримға бозорлиқ олиб бориб қувонтирайин, — деди.

— Бешик гардишдан ажратиб сотилмайди, — деди Омон Хўтан савдогарларга хос сипойигарчилик билан.

— Вой-бўй, қарағим, тўри жўқ, ғалбирингни не қилайин. Кейтайин, олсам олайин. Болдар ўйнаб жураб. Не берайин, не сўрайсинлар?

Узоқ савдолашдик. Кейин йигирмата тухум, бир дўппи сўк, ўнта туя қуртга биз ҳам рози бўлдик, кампир ҳам кўнди. Молларни тамоман сотиб, қушдай енгил торгдик.

— Чарчадик, озгина овқатланайлик, — деди Омон.

— Юр бўлмаса, нима еймиз?

— Ўзи арзону тўқ тугадиган овқат бўлсин, — деди Омон.

— Бўлмаса тариқ гўжа ичамиз.

— Бўпти.

Бир пақирга иккита қовоқ солган зоғорани олиб, овқат бозорга кетдик. Бу ердаги неъматларни кўринг. Ҳай, ҳай, ҳай! Бир оз ҳиди бўлса ҳам жигар кабоб дейсизми, картошка сомса, оқшоқ бўтқа, умоч, бугдой гўжа, тариқ гўжа дейсизми — ҳаммаси ҳам челақ-челақ, хўрандага мунтазир. Хўрандалар сотувчининг атрофини ўраб, ерга чўққайиб ўтирибдилар. Ошпазлар чўмичлаб сузиб бериб турибди. Бир товоқ увра ошдан бир нима чиқди шекилли, хўранда:

— Бунинг нимаси? Пашшами? — деб сўраб қолган эди, ошпаз:

— Ошда пашша нима қилади! Пиёзнинг куйгани, — деб косага қўл тиқиб “куйган пиёз”ни олиб оғзига солиб юбордп.

Арзонгинаси, ҳалолгинаси шу деб биз ҳам бир товоқдан куйдирдик. Бир товоғи тўққиз пул — уч тийин экан. Биз

савдолашиб икки товоғини бир мири — беш тийинга кўндирдик. Бай-бай, маза бўпти-да. Қирсиллаб турган зоғора билан сал ачинқираган увра ош оғзимизга қаймоқдай татиб кетди. Товоқни бошига кўтариб, ҳузур қилиб хўриллатиб ичаётган Омон пешонасидаги маржон-маржон терларини чап қўлининг бармоғи билан дам-бадам сидираб эди.

Овқатдан сўнг, маза қилиб керишиб олдик. Тухум, сўк, қуртларни менинг белбоғимга тугиб олдик. Омон:

— Озиқлик от ҳоримас, қолган зоғорани ҳам рўмолга тугиб қўй, — деди.

Ковун билан тугунчани мен, тарвузни Омон кўтариб олди. “Семизликни қўй кўтарар”, деганларидек, Омонга бадавлатлик ёқмас эди. Ўртадаги ҳамма пулимиз аллақачон уч сўмдан ошиб кетгани учун Омон янги қилиқ — бойвачча қилиқ чиқара бошлади.

— Юр, — деди у менга, — қўй бозорга кирамиз.

— Нима қиламиз?

— Мен ўзимга тегишли ақчага бирорта тўқли олиб шаҳарга ҳайдаб кетаман.

— Нима-нима? — дедим мен. — Дарров пул қутуртирдими? Ўзинг сўққа жонингни боқолмайсану тўқлини қандай қилиб боқасан. Ёки даданг Турсунбой аканинг тўқлига кўзи учиб турибдими?

Барибир, гап кор қилмади. Мени судраб мол бозорга олиб кирди. Тугунни-ку, ишонмас эдик. Бозор дарвозаси олдида турган паттачининг олдига қовун билан тарвузни омонат қўйиб ичкари кирдик.

Маҳшар деганнинг худди ўзгинаси шу ерда экан. Бир томонда бир арқонга боғланган қўшоқ-қўшоқ қўйлар, бир томонда эчкию улоқлар тинмай маърашиб турибди. Бир чеккада қорамол бозори: сигирлар, бузоқлар, ғунажинлар, буқалар, ҳўкизлар. Нариги томонда от бозори. Жаллоблар қирчангиларни Золариқ сувига солиб, қамчилаб, аргимоқдай дингиллатиб харидорларга кўз-кўз қилиб юрибди. Сотувчи кўп, ундан олувчи кўп, ҳаммасидан ҳам даллол кўп.

Кун — тиғида, жазирама, чанг. Ҳаммаёқни тезак, тер, жун ҳиди босиб кетган. Бир мешкоб орқасида бир меш сув, қўлида иккита сопол товоқ;

— Оби худойи, оби худойи, — деб чанқаганларга сув улашиб юрибди.

Берган бирор чақани сопол товоққа ташлайди, бермаган билан иши йўқ.

Бир чеккада яланг оёқ иккита бола “муздек айрон”, деб қичқиради. Челакнинг ичида бир бурда кир муз. Музни қаердан олди экан?

Бозорнинг бир чеккасида — бешёғочлик қўйчи бойлардан Сойибназар қўйчи билан Илёс бўрдоқи. Кийиз чакмонли, наMAT қалпоғини бостириб кийган қозоқ қўйчилари қўл силташиб савдолашяпти. Даллоллар: “Олинг, олинг”, “сотинг, сотинг, бой ота”, деб жавраб турибди. Буларнинг савдоси оз деганда юзлаб қўйнинг тепасида.

Биз ҳали бирор туянинг тишини кўрмасдан, бирор отнинг йўриғини билмасдан, бирор буқага “бор, барака топ” демасдан, қўй бозорнинг кунчиқар томонидан ғала-ғовур жанжал кўтарилиб қолди.

— Ур, шешангди!..

— Кисабир, кисабир!

— Бозорга ури аралабди!

“Чур-чур” ҳуштакбозлик. Бир қўли билан қиличини кўтариб, кўк мовут шимини эплай олмай, алпонг-талпонг бир қозоқ ва бир ўзбек миршаби ўша томонга қараб югурди. Ҳамма ўша ёққа қараб чопди. Биз ҳам уларнинг кетидан югурдик.

Не кўзим билан кўрай, мана, ишонмасангиз, Омон ҳам гувоҳ. Ўртада бизга қўшни бўлган Кўғурмоч маҳаллалик машҳур Султон ўғри турар эди. Бу гал у кисавур сифатида эмас, балки пул ўғирлатган жабрдийда бечора сифатида косибсимон ювошгина бир йигитнинг ёқасидан ушлаган ҳолда кўзига ёш олиб турар эди.

— Мусулмонлар! — дер эди у. — Пулимни олдириб қўйдим. Ёнимда мана шу йигит илашиб юрган эди, гумоним шундан.

Йигит бечоранинг ранги қув ўчиб кетган, лаблари пир-пир учади.

— Эй худо, қуруқ туҳматингдан асра, қандай балога йўлиқдим, ўзинг сақла! — деб жавоб берар эди у.

— Қанча ақчанг бор эди? — деб сўради қозоқ миршаб Султон кисавурдан.

— Саккиз сўму мирикам тўрт танга. Ола тик ҳамёнда эди. Ичида “Ё Али” деган тамғалик кумуш узугим ҳам бор.

Ўзим камбағал косиб одамман, бирорта ориқ-туриқ кўй олиб кузгача семиртириб юраман, деб келган эдим.

Шу тобда Султоннинг кўзи мен билан Омонга тушиб қолди.

— Мана бу болалар ҳам гувоҳ!

Ҳанг-манг бўлиб қолган Омон: “Ие, ие”, — деганича дадасига тўқли олиб боришни ҳам эсидан чиқариб орқасига қараб қочди. Мен безрайиб туравердим.

— Сени қанча ақчанг бор эди? — деб сўради миршаб шўрлик косиб йигитдан.

— Меники ҳам олача тик ҳамён. Мен ҳам кўй олгани келган эдим. Пулим саккиз сўму мирикам икки танга (мирикам икки танга — ўттиз беш тийин).

— Гувоҳ-пувоҳнинг ҳожати йўқ. Қани, икковинг оқсоқолнинг олдига юр-чи, ўша ерда ечамиз. Оломон тарқалсин, — деди ўзбек миршаб.

Икковини етаклаб бир томонга олиб кетдилар. Биз орқаларидан бормадик.

Султон ўғри гувоҳликка тортгандан кейин кўрқиб қочган Омонни кечгача қидириб, бозор тарқалганда Туя саройидан топиб олдим. Ҳали ҳам кўрққанидан ўзига келмаган эди.

— Охири нима бўлди? — деб сўради Омон мендан.

— Кисавурга сен шерик экансан. Миршаблар қидириб юрибди, — дедим мен.

— Ростингми? Энди нима қиламиз?

— Нима қилар эдик. Сени жатингга қовун билан тарвуз паттачининг кўлида қолиб кетди.

— Энди қаерда ётамиз?

Бир-иккита самоварга бориб кўрдик. Ҳаммасини савдогарлар, лагтафуруш чайқовчилар эгаллаб олибди, ётар жой йўқ.

— Энди қаёққа борамиз? — деди Омон.

— Кўрқма, бултур тоғам билан шу яқин орада бир бўзагар кампирнинг уйида ётиб қолганмиз. Яхшиқиз деган кампир мени танийди. Ўшанинг ўтовиди тунаб қоламиз.

Ит қувган тулкидай олазарақ Омон менга эргашди. Тугунни кўтартирдим. Яхшиқиз деган бўзагар кампирнинг ўтовига қараб кетдик.

Кампирнинг ўтови Золариқнинг чап қирғоғида эди. Атрофи озодагина қилиб супурилган. Тупроқдан каттагина супача кўтарилиб, устига бир кир шолча ташлаб қўйилган. Ўтовнинг

ёнбошида лой ўчоққа ўртача катталиқдаги бир қозон ўрнатилган. Ўчоқдан нарироқда иккита айрига ип арқон тортиб, унга чамбаракларда уч-тўртга сопол товоқ осиб қўйилган. Сут-қаймоқ бўлса керак. Иккита қовоқ идиш осиглиқ турибди. Уларда қатиқ бўлса керак. Қозон туюқсиз, унинг ёнида бир ўғир, битта кув турибди. Битта ечиқ бузоқ шаталоқ отиб ўйноқлаб юрибди. Чала қуриган бир толга боғлаб қўйилган қари ола қўппак жуда ҳафсаласизлик билан кўксовларнинг йўталига ўхшаган овоз билан ҳуриб бизларни кутиб олди. Итнинг овозига ўтов ичидан кампир — Яхшиқиз чиқиб келди. Олтмишлардан ошган бир хотин, оқ оралаган сочлари таралмаган бошида дакана, белида шол белбоқ, Аёлнинг орқа сочига беш-олтита бир сўмлик, ярим сўмлик сўлкавойлардан сақина¹ осилган.

— Салом, шеше.

Кампир алик олишдан аввал итга “шпчт адрағовур” деганга ўхшаган овоз чиқарди. Ит ҳуришдан тинди.

— Келинглр, жигиттар, ўси жерга ўтириб турунглр, — супадан ўрин кўрсатди у.

Мен имлаб қўйдим. Омон қўлидаги тугунни кампирга тутқизди.

— Озғинтой бозорлиқ, — дедим мен.

— Кереги жўқғўй. Не қилиб алек бўлиб журибсендар, — деган бўлса ҳам тугунни олиб ўтовга кириб кетди.

Бир нафасдан кейин чиқиб:

— Қани, жигиттар, бўза ичасингдарми? Эт осайми? — деди.

— Жўқ, шеше, бўза ҳам ичмаймиз, эт ҳам османг, ўнтача тухум пишириб берсангиз бўлади. Жой берсангиз тунаб кетамиз.

— Жақси, — деди кампир, — худойнинг осмони ҳам, ери ҳам кенг. Жоз куни. Қалаган ерларингда жота берасиндар. Икковинг бир танга берасин.

— Жўқ, шеше, — дедим, — икковимиз ярим танга берамиз.

— Сарттинг боласи қув бўлади, жота қолларинг. Бу кеча бозор кеч, қўноқлар келеди, бойвашшалар келеди, ангиме зўр бўлади.

Кампир бизга тухум қовуриб бергани қозоннинг тагига ўт қўйиб, таппи тутата кетди. Омон билан икковимиз эндиги сафаримизнинг режасини тузиб, маслаҳатлашиб ўтирдик. Ярим соатлардан кейин битта сопол лаганда тухум қовурдоқ билан

¹ С а қ и н а — сочлопуқ ўрнига тақилади.

қозонга ёпган иккита чап-чап нон келтирди. Бир косадан совуқ сувни олдимишга қўйиб, моҳазарни тушира кетдик.

Омон лаганнинг тагини нон суркаб ялаб турганда кўча-кўйни тўлдириб, айқириб-чайқириб беш киши кириб келди. Новча бир йигитнинг елкасида бир нимта гўшт, қўлда тугун, унда нон, картошка, пиёз бўлса керак. Яна бир йигит мулла-ваччаларга ўхшаш қулф соқол қўйган, бошида гирдак кир салласи бор, хуштавозе. Ич яктагининг устидан белбоғ боғлаб, унинг устидан яна битта яктак кийиб олган. Олдинда кимсан, Султон кисавур. Шимининг почаси шимарилган, белбоғи бураб-бураб арқон қилиб боғланган. Эғнида ёқаси очиқ тик яктак, исқирт дўпписининг бир чеккаси қайтарилган. Боши сал орқага мойил, башараси беҳаё. Қўлида тўртта хирпа ошиқни ўйнаб келар эди. Қолган икки йигитни ҳам Султоннинг нусхаси деса бўлади. Фақат биттасининг бир кўзида ғўлакдек оқи бор. Биттасининг ўнг елкаси чап елкасидан баланд. Шунинг учун ҳам чап қўли ўнг қўлидан узун кўринади.

Буларни кўриш биланоқ Омоннинг чайнагани оғзида, ютгани бўғзида қолиб, менга бақрайиб қаради. Мен унга “супани бўшатамиз” дегандек имо қилдим. Ўрнимиздан турдик. Золариқ ёқасида ит боғланган толнинг тагидаги майсага бориб ўтирдик. Султон кисавур:

— Шеше, омонмисан? — деди. — Бу кеч бизни кўноқ қиласан. Яхши чиққан бўзалардан борми?

Кейин бизга кўзи тушиб қолиб:

— Ҳой, сен ҳаромилар, бу ерда нима қилиб юрибсанлар? Қани бу ёққа кел! — деди.

Ўзи ва улфатлари супага чиқиб ўтириб, бизни ҳам ёнларига чақирдилар. Ноилож келиб ўтирдик. Кампир кир дастурхонга бир даста нон ўраб олиб келиб ўртага ташлади. Кейин катта қуруқ ёғоч чора ҳам олиб чиқиб ўртага қўйди. Султонга қараб сўради:

— Оқшоқ бўза ичасиндерми, тари бўза ичасиндерми?

— Зўр чиққанидан олиб келавер, — деди Султон. Кампир ўтовга кириб кетди. Султон бизларга қараб:

— Ҳали мол бозорда нима қилиб юрувдиларинг? — деди.

— Ўйнаб юрувдик.

— Ҳа-ҳа. У ерда нима ўйин бор экан? Ё ўзимга шогирд қилиб олайми? — Омонни кўрсатиб: — Мана бундан томте-шар чиқади. Кисавур бўлолмайди, қўпол, — деди.

Шу ҳазил-мазах пайтдан фойдаланиб, ундан сўрадим:

– Султон ака, ҳалиги жанжалнинг охири нима бўлди?

– Воқеа аслида бундай бўлган эди, ука, – деб Султон кисавур гапириб кетди. – Кўктеракнинг самоварида бир неча кисавурлар ўзининг эпчиллиги, қўрқмаслиги, айёрлиги билан мақтанишар эдик. Шунда мен ўғирлаган пулимни ҳалол қилиб, эгасини рози қилиб ололаман, деб юборган эдим. Улфатни бўзага тўйдиришдан баҳс бойлашган эдик. Қўй бозорга кирдим. Кўзимга ўша кўрганинг баёв косиб йигит учраб қолди. “Шилт” этиб ҳамёнини олдим, пулини санаб кўрсам, саккиз сўму мирикам икки танга экан, ёнимдан унга икки танга қўшдим. Узугимни ҳам ҳамёнга солиб, ҳамённи қайтадан йигитнинг чўнтагига жойлаб қўйдим. Кейин ўша кўрганинг майнабозлик, ёлғондакам айюҳанносни солдим. Миршаблар оқсоқолга олиб боришди. Оқсоқол менинг даъвомни, унинг раддини эшитиб, пулни текширишга тушди. Косибнинг чўнтагидан ҳамённи олиб, ичидагиларни хонтахтанинг устига қўйди. Менинг даъвом тўғрилиги учун йигит “кисавур” бўлиб чиқди.

Ҳамённи, пулни, узукни менга олиб бердилар. Лекин бир ярим танга чўтал олиб қолдилар. Шундай қилиб, ўртоқларим билан қилинган гаровни ютдим.

– Ие, шўрлик бегуноҳ косиб йигит қулоғини ушлаб кетавердимми?– дедим.

– Йўқ, бирпас қамалиб ётди, кейин бечорага раҳмим келиб, миршабга бир сўм пора бериб, йигитни кутказиб юбордим, даъвом йўқ, дедим. Йигит бечора хурсанд бўлганидан бўйнимдан кучоқлаб ўпиб:

– Раҳмат, ака, бу яхшилигингизни ўлгунимча унутмайман, қиёматли ака-ука тутиндик, уйим Тўқли жаллоб маҳалласида, отим Абдурайим, – деб миннатдор бўлиб кетди.

– Балли, йигитлик шундай бўпти-да, ака, – дедим.

Султон кисавур мийиғида кулиб, “шундай”, дегандек қилиб қўйди.

Ҳаммамиз қаҳ-қаҳ уриб кулишдик. Султон кисавур ёнбошлаб, тирсагига таянган, новча киши супанинг ёнида тикка турибди. Муллонамо киши тиз чўкиб, икки қўлини қовуштириб Султоннинг гапларига мийиғида одоб билан табассум қилиб ўтирар эди. Қолган икки йигит бир-бирига рўпара чордана куриб, гугурт отишиб “эрмак қимор” ўйнаб ўтиришганди.

Кампир эт осиб юборди. Ўчоқдан чиққан зангори тутун осмонга ўрлаб, теварак-атрофга кўрпадек ёйилар эди.

Шом чўкиб, қуёш ботиб борар эди... Ўчоқда ўт туташиб кетгандан кейин кампир ўтовга кириб иккита қовоқ манак (бўза қуйиладиган идиш)да бўза келтириб қўйди. Бир неча заранг коса олиб келди. Новча йигит дарров белбоғини ечди, уни қоққан бўлиб, чоранинг устига таранг қилиб ёйди, бўзани суза бошлади. (Бўза одатда илитиб ичилади. Кампир олиб чиққан бўза куни бўйи офтобда тургани учун илитишга ҳожат йўқ эди.) Бўза сузишнинг ўз қоидаси бор. У сиқиб сузилмайди, балки рўмолни сидириб сузилади.

Новча йигит сузган бўзадан озгина татиб кўриб, биринчи оёқни Султонга узатди.

— Ҳаммага қуй!— деди Султон.

Новча йигит иккинчи-учинчи оёқни ҳалиги иккита йигитга узатиб, сўрагандай Султоннинг ўзига қаради.

— Болаларни қўя тур, домлага узат,— деди Султон.

— Йўғ-э, йўғ-э, ўзларидан бўлаверсин. Биз ичмаймиз. Яъни худо каломида айтганки...

— Калом-паломингни йиғиштириб қўй, қачондан буён ичмайдиган бўлиб қолдинг, — деб ўшқирди Султон, — исловатда сарқитимизга маст бўлиб юрар эдинг-ку.

— Яъни, яъни... тавба қилганмиз.

— Кисавур билан ўғрининг тавбаси тавба эмас. Эсингдами, кисавурликни ҳам удласидан чиққан қилади. Бултур кузақда Салор бўйидаги Каппонда орага мен тушмасам, оломон сени ўлдириб юборар эди. “Ўғри қариса сўфи, фар қариса парихон бўлади”, деб бекорга айтилмаган-да. Тавба қилдим, дейди-я! Ҳа-ҳа, энди эшон бўлиб, қишлоқма-қишлоқ мурид овлаб юрибсанми? Ол буни!

Домла жуда қимтиниб, ўнғайсизланиб заранг косани қўлига олди.

— Дурвазанг қизигандан кейин алёр ҳам айтиб берасан ҳали. Ич-эй, пайғамбарнинг меросхўри.

Ортиқча гап ўтмаслигини сезган домла кўзини чирт юмиб, бўзани шимириб юборди.

Бизни ичишга кўп зўрламади. “Ҳали обдан ичарсанлар”, — деди Султон.

Манак устига манак келди. Чала пишган шўрва келди, ичавердилар, домла бўлса аллақачон саллани чуватиб, белига

боглаб олган. Худонинг бирлигини ўртага солиб, тилаб олиб ичмоқда эди. Алмойи-алжойи алёрлар:

Бу тоғларнинг ёнбошида отим юрган,
Куюшқони сағрисига ботиб юрган.
Сендек-сендек номардларни мен кўп кўрган,
Оқ томоғим, йўрғаланг, алёр бўлсин.
Онасини бойваччага сотиб юрган,
Алёр-ей-алёр, алёр бўлсин-эй.
Тоғдан қуён қочирдим, ияги йўқ,
Қизлар кўйлак кияди жияги йўқ.
Жияги йўқ жойларига қўлим солсам,
Кўш каптари ҳуркиб қочар, суяги йўқ.
Алёр-ей-алёр, алёр бўлсин.
Оқ томоғим, йўрғаланг-эй, алёр бўлсин.

Ўтириш секин-секин бемаъни томонга қараб қизиб борар эди. Секин ўрнимдан туриб, Омонни имладим. Ялиниб-ёлвориб Яхшиқиз кампирдан битта кичик шолча билан битта хушвақтдан тикилган кир лўлаболиш сўраб олдик. Ўтовнинг орқасига ўтиб, жой қилиб ётдик. Мастлар пайқагани ҳам йўқ. Тун ярим кечадан оққан бўлишига қарамасдан мастбозлик, шовқин-сурон, тўполон тобора авжига чиқар эди. Яна кимлардир келиб қўшилди, таниш бўлмаган овоз кўпайиб кетди. Кимдир кулар эди. Кимнидир тутиб олиб урардилар шекилли, додлаб, худони ўртага солиб йиғлар эди.

— Азбаройи худо, борим шу, бошқа пулим бўлса, имом Аъзам урсин.

— Липпасини ахтар, даюсни!

Домлани тунамоқда эдилар. Бундай тўполонларни кўра бериб кўникаб кетган Яхшиқиз кампир бемалол ўчоқбоши билан ўтов ўртасида хизмат қилиб юрар эди.

Кейин ухлаб қолибмиз. Қанча ухлаганимизни билмайман. Ғира-ширада кимдир биқинимга туртганидан уйғониб кўзимни очдим. Тепамда кечаги домла турар эди. Бошида шошиб-пишиб ўралган кир салла, бир чаккаси кўкарган, қовоғи шишган, бир кўзи қонталашган.

— Тур, ука, туринглар, ҳаммаси данг учиб ётибди. Қочмасак бўлмайди. Менинг бўладиганим бўлди, расво қилишди. Нос пули ҳам қолмай, бор-йўғимни шилиб олишди. Яна бир балога йўлиқмайлик. Бошим ёрилгудай чарсиллаб турибди.

Омонни уйғотдим, дик этиб туриб, Золариқнинг муздек сувига апир-шапир юз-қулимизни ювган бўлдик, ўз этагимизга артиндик.

— Хўш, қаёққа қочамиз, тақсир?

— Худой таолонинг даргоҳи кенг, тўрт томонимиз қибла. Юқорига, Қинғироқ тепа томонга қочамиз.

Учовлон “шилт” этиб чиқиб кетаётганимизда Яхшиқиз кампир йўлимизни тўсди:

— Қаёққа қочясанлар, ақчамни бериб кетларинг!

Омон чўнтак ковлаб битта ўн беш тийинлик Бухор танга берди.

— Мана, шеше, ярим танга ҳаққингизга, бир мири нон билан тухум қовурган ёғнинг пули.

— Хўш,— деди пулни олиб кампир, — келиб-кетиб туринглар.

Шундай қилиб, каллайи саҳарлаб йўлга равона бўлдик.

II БЎЛИМ

Уч соатча йўл юргандан кейин Тепагузар деган бир мавзегача етдик. У ерда бир чол баққол эндигина дўконини очган экан. Ундан йўл харажатларини, сафар анжомларини олдик. Чунончи: бир қадоқ туз, икки қадоқ туршак, олтита зоғора нон, ип, нина, иккита ичи тушган босволди. Ҳаммаси етти пақир бўлди. Тўрт пақирни домла уст яктагининг бахясига яширган жойидан олиб тўлади. Уч пақирни биз тўладик.

Яна йўлга тушиб ярим соатча юргач, Ойнабулоқ деган ерда бир толнинг тагида, чашма лабида зоғорани ўртага қўйиб, қовунларни ёриб нонуштага ўтирдик. Нонушта орасида домла ўзини бизга таништириб кетди:

— Бизнинг асимиз Бухоройи шарифдан бўлар экан. Ҳозир Тошкентнинг Пуштихаммомида турамиз. Бобойи-бобокалонларимиз жуда забардаст эшонлар ўтган. Дадам раҳматлик ҳам “куф” десалар сувни тескари оқизиб, “суф” десалар кўрнинг кўзини очиб юборадиган улуғ зот эдилар. У кишига ихлос қўймаган одам камдан-кам эди. Она томонидан ҳам жуда ҳаққа етишган одамлармиз. Ўз онам ҳозир ҳам чилдирма билан фол очиб, хипчин билан саваб, янги сопол идишга тилсим ёзиб таңдирга қўйиб, ошиқ-маъшукларни бири-бирига иссиқ-совуқ қиладиган катта отиндир. Мен бир неча

йил аввал ота касбимнинг ҳадеганда жўнига тушиб ололмай, анчагина шалоқликлар ҳам қилганман. Аввалига йигит-ялангларнинг базмида бачча бўлиб ўйнаб пул топдим. Наша-пашалар ҳам чекиб юрдим. Кейин унча-мунча кисавурлик ҳам қилиб кўрдим. Аммо бу ҳунар биздай зотдор кишиларга тўғри келмас экан. Бир кун Каппонда оломонда қолиб кетай дедим. Йўқ, худога шукр, мана энди йўлимни топиб, ота касбимни бошлаб юбордим. Далайи даштларда одамларни куфсуф қилиб, эзибички ёзиб бериб, иссиқ-совуқ қилиб бинойидек тирикчилик қилиб юрибман. Ота касбида гап кўп экан, бирим икки бўлиб боряпти.

Ўзим мадраса кўрмаган бўлсам ҳам, саводимни чиқарганман. Ўқимасам ҳам уққанман. Заъфар билан дуойи тумор, исми аъзам ёзиш қўлимдан келади. Кўпчилик қишлоқлар менга ихлосманд. Баъзилари “эшон почча” дейди, баъзилари “қори ака” дейди, баъзилари “мулла ака” дейди. Асли исмим Мулламуҳаммад Шариф бинни Мулламуҳаммад Латиф ибни Ғавсил аъзам.

Мана энди учаламиз бир ёқадан бош чиқарсак, ҳамма ишни бамаслаҳат қилсак, эл-юрт олдида сизлар менинг ҳурматимни бажо келтириб “ҳазрат”, “ҳазрат” десаларингиз, мен сизларни “пирбаччалар” десам, шариятга хос таъзим-тавозеларни ўргатсам, кузгача биримиз ўн бўлиб, бисоти бағал ортириб, қўйин-қўнжимиз тўлиб, сен же-мен же — шаҳарга иззат-обрў билан тушиб борсак, ёмон бўлмайди.

Шундай бўлсин, ҳеч ким йўқ вақтда мулла ака ёки Шарифжон ака, деб чақирсаларинг ҳам бўлаверади. Нимаики топсак — ўртада, тўртга бўламиз. Икки ҳисса меники, бир ҳиссадан сенларники. Ким шу ваъдадан қайтса, бети қибладан қайтсин, омин облоҳу акбар, — деди.

Биз ҳам қўшилишиб қиблага қараб фотиҳа ўқидик.

Яна бир оз салангланиб ўтирган эдик, қаршимиздан чанг кўтарилди. Чанг борган сари бизга яқинлашар эди. Кейин қорасини танидик. Бир отлик қишлоқ ўзбеги эди. От чопа бериб кўпириб кетган. Чавандознинг чопонининг икки бари тақимидан чиқиб елда учиб келар эди. Бизнинг тепамизга келиб, отни аранг тўхтатди.

— Салому алайкум, мўлдакалар, жўл бўлсин?

Биз ҳам унинг саломига жавоб қайтариб: “Алай бўлсин, олгани”, — дедик.

– Йигитлар, – деди ўзбек, – ичларингда имон шариятни биладиган, ўлик жувотурганларинг борми?

Домла бизга қаради, биз таъзим билан унга қарадик. Домла томогини бир қириб қўйиб, савлат тўкиб:

– Топилиб қолар, нима хизмат эди? Ўзимиз тошкентлик бўламиз, эшонзодаларданмиз. Мадраса кўрган муллаи забардастлардан бўламиз. Ҳозир таътил вақти бўлгани учун қишлоқларда табдили ҳаво қилиб юрибмиз. Бу икковлари ҳам пирбаччалардан, – деди.

Бу муқаддима гаплардан ўзбек данак топган тентакдек жуда кувониб кетди.

– Вой-бўй, тақсирлар, вой-бўй, тақсирлар! Сизларни худонинг ўзи жетказди. Қани журиглар, айтпасам. Ўзи жақинда бизнинг кўчкин чорва элет бор. Бир жигитимиз новқасланиб қаза қилган эди. Уни жувиб жаноза ўқийдиган киши жўқ. Вой-бўй, тақсирларим, сизларни худой жетказди. Қани кетдик!

Омон дастурхонларни йиғиштирди. Ўзбек отдан тушиб, отга домлани миндирди. Учов пиёда, домла отлиқ кета бошладик. Анчагина олис йўл экан. Бир-икки ерда дам ҳам олдик. Бир қирнинг тепасига чиққанимиздан кейин узоқда бир кўрғон ва бир-икки ўтов кўринди. Ўзбек ўша томон қўлини чўзиб кўрсатди:

– Ҳов, ўша кўринган кўрғон – бизнинг қўналға. Ҳадемай етамиз.

Кун қиёмдан оққанда етиб бордик. Бу кўчманчи элатнинг асли турар жойи бу ердан юзлаб чақирим нарида, даштнинг ички томонида қолган экан. Мол-қора, бола-чақа, хотин-халажлари ҳам ўша ерда қолган экан. Орада ўлим рўй бериб қолгани учун у ерда ювиб, жаноза ўқийдиган домла топилмаганидан йигирма чоқли йигит-яланг, бир-икки қариқартаг ўликни олиб келиб, шу ерга қўнган экан.

Ҳамма “гурр” этиб ўрнидан туриб, бизга қўл қовуштириб салом берди. Ҳазрат: “Ўлик қаерда?” – деб сўрадилар. Ўлик кўрғоннинг ичида экан. Кўрғон ички тузилиши жиҳатидан қайсидир бир чорвачи бойнинг қўй қамайдиган саройини эслатар эди. Унда-бунда туйнукли деворлари мустаҳкам, қўш тавақа дарвозаси ҳам бор. Лекин вақт ўтиб, тахталари чириган, ҳўкиз сузса бузилай деб турибди. Кўрғоннинг ўрта бир ерида сизот сувлардан тўпланган, ўртаси ковланиб чуқурроқ қилинган бир ҳовузча ҳам бор эди. Ҳовузнинг четларини ҳар

хил пўпанак ўтлар босиб кетган. Лабида бир-икки кўндак тол ҳам бор эди. Ўлик қўрғоннинг оғилхонасида экан.

Ростини айтиш керакки, на мен, на Омон, на ҳазрат умримизда ўлик юлмаган эдик. Айниқса, мен бўлсам, одам ўлиги у ёқда турсин, мушукнинг ўлигидан ҳам чўчир эдим. Ҳазрат бўлса, ўзини умр бўйи ўликдан бошқа нарсани юлмаган кишидай қилиб кўрсатишга ҳаракат қилар эди. Қадам-қадамда пичирлаб бир балоларни ўқиб, атрофга куф-суф қилиб, фотиҳа ўқигандай қўлларини юзига суртиб кўяр эди. Аммо биз билар эдикки, буларнинг ҳаммаси жўн гап. “Пул – дарди кабоб” учун қилинаётган найрангбозлик.

Домланинг ишораси билан Омон бошқаларни қўрғондан чиқариб, кафанликни сўради. Олти газ келар-келмас эски бўз парчасини келтириб бердилар. Сўнгра бутун йиғилганларга: ўлик ювилиб тайёр бўлгунча қўрғонга яқинлашмасликлари, бу томонга мўраламасликларини тушунтирди. Чунки қараса гуноҳкори азим бўлар экан. Одам офатга йўлиқар экан.

Ҳамма чиқиб кетди. Дарвозани бекитдик, орқасига бир катта харсангни олиб келиб тамба қилдик.

Ҳазрат бизга қаради. Биз ҳазратга қарадик.

– Энди нима қиламиз? Икковингдан биринг ўлик ювиб кўрганмисанлар? – деди ҳазрат.

– Йўқ, – дедик биз.

– Мен ҳам юлмаганман. Лекин бу ўзбеклар билан ўн сўлкавойга гаплашиб қўйдим. Ювмасак, пул увол бўлади. Беш сўмни мен оламаң, икки ярим сўмдан сенларга.

– Хўп, бўлмаса, ўзингиз ювасиз, – дедим мен.

Қўрқа-писа ўлик ётқизиб қўйилган хўжрага кирдик. Мурда узала тушиб ётган экан. Оёқ томони очиқ. Бетига бир эски яктак ёпилган. Чамаси, ювғувчи топилмай бир неча кун туриб қолган бўлса керак, анча ҳидланиб кетган эди.

Олдинда ҳазрат, кейин Омон, унинг орқасидан мен, орқамизга тисарила-тисарила бир-бировимизни олдинга қараб итаришар эдик. Хўжранинг ичида ўликнинг арвоҳи айланиб юргандай чўчиб-чўчиб, юрак ютиб, оёқ учи билан юриб ўликка яқинлашдик.

Менинг олдимда кетаётган Омон тўсатдан ўзини орқага ташлаб “ғийқ” деган овоз чиқарди-ю, ўзидан кетиб қолди. Домла орқага бир сапчиб, хўжра эшиги олдида қотиб қолди. Ўликка бир қарашдаёқ Омоннинг ўзидан кетиб қолишининг

сабабини тушундим. Қайси кўзим билан қарай, биз ювмоқчи бўлган ўлик тирилган эди. Оёқлари қимирламагани ҳолда бетига ёпилган ятакни қимирлатиб бошини кўтармоқчи бўлар эди.

Юрагим ёрилгудай бўлди. Орқага қайтиб қочаман деб, ерда йиқилиб ётган Омонга қоқилиб, думалоқ ошиб тушдим. Кўзим ҳазратга тушди. Унинг ҳам ранги ўчиб кетган. Алланималарни ўқиб, ўзига ва атрофга дам солар эди. Нафасим оғзимга тиқилиб, жонҳолатда ўрнимдан турдим. Югурганимча кўрғоннинг саҳнига чиқдим. Орқамдан ўлик қуллаб келаётгандек орқамга қайрилиб боқар эдим. Ҳовлига чиқиб бўғиқ ва ҳаяжонли овоз билан додлай бошладим.

Менинг бу кўрқинчли овозимни эшитган ўлик эгалари ҳовлиқишиб, эшикни очишга уринсалар ҳам эшик очилмади. Чунки харсангни тираб жуда ҳам маҳкам тамбалаган эдик. Бориб, харсангни олиб, эшикни очишга менда мажол йўқ эди.

Домла ҳазрат бўлса, сассиқ ҳовуз лабига ўтириб, ҳадеб таҳорат қилар эди. Ўлик эгаларидан бир-иккитаси девордан ошиб тушиб, эшикни очди. Қолганлари ҳам кирдилар. Мен нафасим оғзимга тиқилган ҳолда уларга воқеани айтдим. Улар ўликка биздан кўра жонкуярроқ бўлганликлари учун кўзлари қинидан чиқиб, ҳовлиқиб кетган эдилар.

Энди Омоннинг аҳволидан хабар олиш зарур эди. Кўпчиликнинг далдаси билан ҳужра томон юра бошладим. Юрак олдириб қўйган эканман. Ҳар нафас орқамга қараб қочадиган йўлни мўлжаллар эдим.

Шовқин-сурон билан ҳужрага кириб борар эканмиз, ятак судраган бир олғир қир мушуги сапчиб, Омоннинг устидан сакраб, бизнинг оёқ ораларимиздан ўтиб ҳужрадан чиқиб кетди. Ҳаммамизнинг ҳам қутимиз учиб, серрайиб қолдик. Шу пайтда Омон ҳам ўзига келган эди. Ўликнинг “тирилганлиги” сабаби бизга энди англашилди.

Ўлик бизнинг кўзимизга бош кўтаргандай бўлиб кўринганлиги шундай экан: қир мушуги ятакнинг тагига кириб олиб, ўликнинг кўкрагига ўтириб, ҳадеб бурнини кемирмоқда экан...

Ўлик эгалари ўликнинг бурунсиз қолганидан қанчалик қайғурган бўлсалар, биздек ёш, нўноқ, уч ўғлон ғассолнинг “довюраклиги”дан шунчалик маза қилиб кулар эдилар.

Мушук ятакни судраганича кетди. Ўлик эгалари бизни қолдириб ташқарига чиқдилар. Эшик орқасига яна харсанг

тамбаланди. Омонни ҳовуз бўйига ўтқазиб, юзига сув сепган бўлсак ҳам ҳадеганда ўзига келмай, афтида “бир қари бўз битгандай” бўлиб хомуш ўтирар эди.

— Тўхтанг, укам, тўхтанг, ўзим бир дам солиб қўяй, кўрмагандай бўлиб кетади, — деди ҳазрат. Алланима балоларни ўқиб, Омонга куф-суф қила бошлади.

— Ана холос, ўзингизга келиб қолдингиз. Иншоолло, дуога шак йўқ.

— Тур энди, уят иш қилиб қўйган боладай серрайиб ўтирма, — дедим мен койиб.

— Йўқ, меники бўлди, ўзларинг бир бало қилиб амаллаб қўя қолларинг, — деди Омон.

— Ювиш шариятда уч кишини талаб қилади, — дедим мен.

Ялиниб-ёлвориб Омонни турғаздик. Учовлашиб “сен олдин бор, мен кейин борайин” дегандай хужранинг эшигига бориб, икки кулоқ беридан мўралай бошладик. Омон домла билан менга қараб зўрма-зўраки бир илжайди-да:

— Хўш, энди иш бошлайлик. Қандай қилиб ювамиз. Халқ маътал бўлиб қолмасин, — деди.

— Ғассолбоши ҳазратим бўладилар. Икковимиз сув қуйиб турамыз. Яхшилаб баданларини ишқалаб ювсалар, мурда озор топмаса, бурнига эҳтиёт бўлсалар — ҳамма савоб ҳазратимга. Бизга йиртиш кифоя, — дедим.

— Эй, — деди домла, — ёшлар хизматда, катталар роҳатда, деганлар. Сизлар ювасизлар, мен сув қуйиб тураман. Дуо ҳам қиламан.

— Дуо ўзингизга керак бўлади. Эҳтиёт қилинг, тақсир, яхшиликча ювсангиз ювганингиз, бўлмаса ўлик эгаларини чақириб шармандангизни чиқараман.

— Шундай, — деди Омон.

— Ия, ия, — деди ҳазрат. — Шу ҳам шерикчилик бўлди-ми? Қани юринглар, мен оёғидан кўтараман, сизлар бошидан.

— Йўқ, тақсир, сиз бошидан, бизлар оёғидан.

Жанжалимиз ташқаридагиларга билиниб қолмасин деб, эшикнинг тирқишидан мўралаб-мўралаб секин-секин гапиришар эдик. Ташқаридагилар бўлса ўликни солиш учун тол новладан замбар тўқимоқда эдилар. Бир оз жанжалдан кейин Омон менга деди:

— Икки кулоч арқон бўлганда яхши бўлар эди.

— Нима қиласан?

— Ҳийласини топдим, — деди қувониб. — Қани, юр, қидирамиз.

Иккаламиз биргалашиб қўрғоннинг бутун оғилларини ахтариб чиқдик. Бахтимизга, бир бурчақда эски охур ёнидаги қозикқа икки қулочдан мўлроқ жун арқон боғланиб ётар эди. Ечиб олдик. Яна ўлик ётган хужрага кирдик. Икки қўлларини бир-бирига ишқаган домла йўлакда шивирлаб юрар эди.

Бу гал энди Омон ўз ақлига қойил қолгани учунми, дадилланиб кетган эди. Домлани ёнига чақириб ўликни кўтаришга буюрди. Домла аввалига бир оз тихирлик қилиб турган бўлса ҳам, орқаси билан ўликка юз ўгириб, минг жирканчлардан кейин ўликнинг оёғини кўтариб берди. Омон бояги арқонни ўликнинг ҳар икки оёғига тўпигидан юқори маҳкам сиртмоқ солиб боғлади. Учаламиз арқонни тортиб, ўликни ҳовуз бўйига қараб судрай бошладик. Тескари судрашдан ҳар иккала қўли очилиб, қулочи ёзилиб кетган эди. Бечора агар тирик бўлса орқаси шилинганидан бизга шикоят қилган бўлар эди.

Ҳовуз лабига келиб тўхтадик. Омон гапириб кетди:

— Яхшиси шуки, ўртоқлар, бош томондан сувга тушириб, уч-тўрт марта яхшилаб чайқаб оламиз, ҳаппа-ҳалол бўлади қолади.

— Иншоолло, — деди ҳазрат, — албатта, ҳалол бўлади. Худо ўз каломида ҳам шунга ишора қилган. “Иннамал ҳавзатўн таҳоратўп ҳаллолун”, деган.

— Ўлганингиз яхши, — дедим мен унга.

Ҳаммамиз кулишдик. Бу маслаҳат ҳаммамизга ҳам ёққан эди. Арқондан ушлаб, ўликни сувга шўнғитдик. Ҳовузнинг у бошидан бу бошига судраб чайқата бошладик. Учовимиз ҳам янги ҳаваскор ғассол бўлганимиз учун қизиқиб кетиб уч мартагина эмас, ўн-ўн беш марта чайқаб, жуда ҳам оқ ем қилиб юбордик. Ҳар қанча варзиш етказган ғассол бўлса ҳам бир ўликни шунчалик ювар-да!

Кейин, секин-секин ҳовуз қирғоғига торта бошладик, лекин ўлик қимирламай қўйди, ўрнидан жилмайди. У худди ҳовузнинг тагига жипслашиб қолгандай эди. Омоннинг ранти яна қув ўчиб кетди. Домла бўлса “ё мадад, ё мадад”, деб арқонни силтаб тортар эди. Мен яна бир додлаб кўрай дедиму бу ишнинг бизга нафи тегмаслигини билиб, хап қолдим. Омон буни фаҳмлади шекилли:

— Тўхта, аҳмоқ, — деди, — нима қилмоқчисан?

– Додласаммикин?

– Додлашга берадиган кучингни арқон тортишга бер!

У овозини чиқармасдан тишини гижирлатиб мени жеркиб ташлади.

Учовимиз бор кучимиз билан тўнгак толга оёқ тираб арқонни торта бошладик. Анча уриндик. Ўлик бечоранинг беллари қирсиллаб, тахминан, ярим газча чўзилиб кетди.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Домла югуриб бориб жавоб берди.

– Ҳали тура туринглар, раҳматликнинг ҳали белигача ҳам ювиб бўлганимиз йўқ. Ўзимиз чақирамиз.

Қайтиб келди. Яна торта бошладик. Бултур ёздан бери офилхонада куя тушиб чириб ётган арқон ўлгур шартта узилиб кетди-ю, учаламиз чалқанчасига тушдик.

Вақт кечикиб борар эди. Ҳаяллаш хавфли эди. Учовимизга ҳам ўлик ўзимизникидай бўлиб кўникиб қолган эдик. Паҳлавонларча жасоратланиб кетган Омон шартта кўйлакиштонини ечиб, ўзини ҳовузга ташлади-да, шўнғиб кетган ўликни қидира бошлади.

– Қани, тақсир, сиз ҳам ечининг, беш сўмни жўнликча олавермайсиз, – дедим мен.

– Яъни масалан, ечмасам нима бўлади?

– Ўлик эгаларига айтиб, оломон қилдириб юбораман.

Домла ғазаб билан менга қараб “хинзир”, деди-да, кўйлагини ечиб, оқ иштони билан ҳовузга тушди. “Бу хинзир дегани нима дегани экан? Сўкканимикан? Қойилман деганимикан?” Омон билан икковлон қидириб кетдилар. Бир вақтда ўликнинг оёғини осмонга қилиб, белидан маҳкам кучоқлаган Омон уни ҳовуздан олиб чиқишга уринар эди. Домлага узилган арқоннинг учини тутқаздим. Ўликнинг оёғида қолган ерига улаб берди. Лекин ўликнинг боши толнинг айри илдизига кириб қолган экан. Мен ҳовуз лабидан туриб тортар эдим. Омон билан домла белидан олиб суғуришга ҳаракат қилар эдилар. Ниҳоят, зўр бериб ўликни ҳовузнинг четига чиқардик. Бироқ бурунсиз бош йўқ эди. Буни кўрган Омон яна ҳовузга шўнғиб кетиб толнинг илдизидан каллани ажратиб олиб, домлага узатди. Икковлари четга чиқдилар. Шошиб-пишиб дарров сафар халтадан йўл учун олинган ипни олти қаватлаб пишитиб кўрпа қавиқ нина билан каллани ўз жойига қўйиб тика бошладик.

Қойил, ҳазрат кўп ҳунарни биламан деганича бор экан, чокка уста экан.

Иш жўнашиб кетди. Ҳаш-паш дегунча кафанни ҳам кўкладик. Ўликнинг очиқ бадани мумкин қадар кўздан яширинган эди. Лекин кафан учун берилган бўз парчаси тўпигидан нарига ўтмай, оёғи очилиб қолган эди. Оёғида бўлса ҳалигина чамбарчас қилиб боғланган жун арқоннинг шилиб юборган ўрни кўрга кўмган лавлагидай кўриниб турар эди.

Сафар халтани бўшатиб, ичидагини белбоққа тугдик. Халтани ўликнинг оёғига кийгазиб, кафанга қўшиб кўкладик.

Омон кўйлак-иштонини кийиб олди. Домла ҳам иштонини, салла, тўнларини намозжумадагидай савлат қилиб кийиб, қўл қовуштириб, башарасига пайғамбар нусха бериб, лабларида бир нималарни шивирлаб ўқиб, ўлик тепасида турар эди.

Мен бориб эшикдан харсангни кўтардим. Жанозага йиғилган таъзиячиларни чақириб келдим. Ташқарида бўлса, тол новдадан тўқилган узун дастали замбил аллақачон тайёр бўлган эди. Замбилнинг икки томонидаги араванинг шотисига ўхшаш узун дасталари ўртасига олдинма-кетин икки от кўшилган эди. Ўликнинг эгалари атрофни қуршашиб, баъзилари унинг бетларини силаб йиғлай бошладилар. Шунда бирисининг қўли ўликнинг бош тарафига тегиб, чалқанчасига ётган ўликнинг боши чаппа бўлиб қолганини сизди.

Маълум бўлишига қараганда, биз шошилиб, узилган каллани тескари ўрнатиб қўйган эканмиз.

— Бунинг бети нега терс бўлиб қолди? — деб сўради ўша киши.

Бир оз шошиб қолган, аммо сипоҳгарчиликни кўлдан бермаган ҳазрат:

— Тириклигида кўп гуноҳ қилиб қўйган бўлса керак, худо юзини терс қилиб қўйди, — деб жавоб берди.

Мен бу ерда домланинг шунча зийрак, ҳозиржавоблигига қойил қолиб, ичимда “ўқиган илминг шу ерда иш берди”, деб қўйдим.

Бироқ бу билан сир яшириниб қолмади. Ўликнинг боши узилганлиги, каллани гавдага терс ўрнатиб чашиб қўйилганлиги маълум бўлиб қолди.

Ўлик бир ёқда қолиб, оломон учовимизни қуршаб олди. Ҳазрат ҳам ишбоши, ҳам ёш жиҳатидан бизлардан катта бўлганлиги учун ҳамма унга тикилган эди. Омон билан ик-

ковимиз оломоннинг орасидан бир амаллаб сирғалиб чиқиб, кўчага томон қочдик. Орқамиздан кўпроқ умри отда юриб, пиеда қувлашга унча ҳам эпчил бўлмаган бир-иккита ўзбек келар эди. Ана шундай вақтларда тарқалиб қочган яхши. Омонга бақириб, “Чапга қоч”, дедим. Ўзим ўннга қараб қоча бошладим. Домла оломоннинг орасида қолиб кетди. Нима бўлди, билмайман. Тирик бўлса бирор гўрдан чиқиб қолар, ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин.

Омон қочиб қайга борди билмадим, мен бир зумдаёқ кўздан ғойиб бўлиб борар эдим. Олдимда бир тўқайлик пайдо бўлиб қолди. Тўқайнинг ичида ёлғиз йўл бор экан. Шў йўлдан чошиб кетавериб бир сизот зовурга учрадим. Зовур менга бирдан-бир бошпана бўлди. Ўзимни зовурга ташладим. Орқамдан қувиб келганлар мени бир муддат қидириб боргач, изимни йўқотиб, қайтиб кетдилар.

Вақт кечикиб бормоқда, ўрталик қоронғилашмоқда эди. Кўрқа-писа зовурдан чиқиб, тўқайдаги сўқмоқ йўл билан кета бошладим. Лекин кўнглим Омон сўлтидан ва ҳазрати домла жиҳатидан анча ташвишда эди. Бечораларнинг бошига қандай кунлар келди экан. Нима бўлди экан, уриб ўлдирмадилармикан?

Хуфтонга яқин яна катта бир “шаҳри азим”га кириб бордим. Кичкина хонақо ва жиловхонадан иборат бўлган деворлари пахса қилиб урилган мачитнинг эшигида уч-тўртта чол кишилар хуфтон намозини пойлаб ўтирар эдилар. Мен ҳам салом бериб, секингина уларнинг ёнига бориб ўтирдим. Сўфи азон айтди, гарчанд, таҳоратим бўлмаса ҳам, шу ўтирганларнинг раҳм-шафқатини келтириш учун кириб, жамоат билан намоз ўқидим. Намоздан кейин ҳамма уй-уйига тарқалди. Мен мачитдан кўзгалмадим.

Бу мачитда бундан илгари бир неча марта жойнамоз, на-мат ўғирлангани учун сўфи ҳам, домла-имом ҳам мендан шубҳаланиб, бир неча марта ер остидан кўз қирини ташлаб, хўмрайиб қарашди-да, сўфи сўради:

— Ҳа, ўғлим, жуда ўтириб қолдингиз? Намоз тамом бўлди.
— Отажон, мусофирман, — дедим. — Агар рухсат берсангиз, эрталабгача мачитда қолсам, йўлимдан адашдим.

Гапта имом аралашди:

— Ўзинг қаерлик бўласан, ўғлим?

— Тақсир, тошкентликман.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

Омондан ўрганган гапларни ишга солдим.

— Ўзим мадрасада ўқир эдим, ҳозир таътил вақти бўлгани учун бир оз пул топиш мақсадида мардикор ишлаш учун сафарни ихтиёр қилган эдим. (Яна ичимда, бу ерда ҳам фасоллик хизмати чиқиб қолмаса яхши эди, деб ўйлар эдим.)

— Қайси мадрасада ўқир эдинг, мударрисинг ким?

Қўлга тушдим. Тошкентда нима кўп — мадраса, нима кўп — мударрис.

— Тақсир, ўша катта мадраса-да, домламинг ҳам ўша катта домла бўладилар.

Домла кулди:

— Ҳа, ҳа, муллаваччаман дегин, дарсхона эмас, хирсхона-да таълим олганман, дегин. Яхши, бўлмаса, мен билан ҳовлига кетасан. Қорнинг қалай?

Уялиб жойнамозга қарадим.

— Қани, юр бўлмаса. Бизга ҳам жиндак хизмат қилиб кўй, овқатинг ҳам ўтиб қолар.

— Домлага эргашиб, ҳовлисига бордим. Домла иккита кўрга кўмилган жўхори билан битта сопол товоқда мошхўр-да чиқариб берди. Бу лаззатли таомни ҳузур қилиб ичиб олдим. Домла ичкарига кириб кетди-да, бир оздан кейин кўлида битта катта пичоқ, бир болта ва бир оз чийратма арқон билан тўппа-тўғри менинг олдимга келди. Мен бўлсам, домланинг нима ниятда эканлигини тушунмасдан, ҳуркович кийикдек оёғимни бир ерга ғуж қилиб, қочишга ҳозирланган, оғзимни бўлса, доллашга жуфтлаган эдим.

Домла менинг ҳаракатимдан бир нарса сездими, ҳайтовур кулимсираб, мени юпатиб, деди:

— Қўрқма, сени сўймайман, мен ём-ём эмас. Сенга бир хизмат бор, ўғлим, бир пой ҳўкизим бир неча кундан буён бўкиб, новқасланиб ётибди. Мана шу асбобларни бошингга қўйиб ҳўшёр-роқ ётасан. Мабодо, ҳўкиз ёмонлаб қолгундай бўлса, бориб, дарров бўғзига пичоқ тортиб юборасан-да, мени чақирасан. Эҳтиёт бўл, лекин тагин ухлаб қолиб, ҳаром ўлдириб қўйма.

— Хўп, тақсир, — дедим. — Чой-пой йўқми?

— Нима-нима, нимчорак чой бир мири-ку, сен чой ичасанми, сув ариқда оқиб ётибди, эринсанг, ана, обдастада ҳам бор, ичавер...

Домла буюрган ишнинг осон кўчганлигини билиб севиндим, домла ичкарига кириб кетди. Домла чиқариб берган кўрпачага чўзилдим. Аллавақтларгача кўкка қараб, термилиб ётдим. Қўрғончанинг атрофида ҳар бир қорайган кўланка ҳовузда боши қолган ўликдай ваҳималаниб, олдимга келгандай бўлар эди. Ухлай олмадим. Ярим кечадан оғиб, тонг яқинлашиб қолганда кўзимни ғира-шира уйқу босган бўлса ҳам хаёлим уйғоқ эди. Оғилхона тарафда бир ниманинг “гурс” этиб ерга йиқилиб, хириллаб бошлагани эшитилди.

“Оббо, ҳаром ўлгур ҳўкиз ёмонлаб қолди-ёв”, деб ўйладимда, арқон билан пичоқ-болгани кўтариб, оғилхонага қараб югурдим. Қоронғида қандайдир бир ҳайвон ерда ётиб, типирчиламоқда эди. Тикка олдига бориб, девкор саллоҳлардай “шоҳидан” ушлаб, “бисмиллоҳу оллоҳу акбар”, деб бўғзига пичоқ тортиб юбордим. Қон деганингиз тизиллаб отилиб кетди. Оёғимдан тортиб башарамгача қонга бўялдим. Жон бермоқчи бўлган ҳайвон энг сўнгги нафасида маъраб қолмоқчи бўлдими, ичидан бутун ўпканинг сиқилиб ёйилишидан пайдо бўлган ҳансираш билан катта ҳаммомнинг дудбуронидай пишқириб юборди.

Ҳайвон жон бериб бўлди. Гарчанд домла: “Мени чақир ёки ҳафсаланг келса терисини шилиб, нимга қилиб қўйгин”, деган бўлса ҳам, қоронғи бўлгани, ҳам бир чеккаси — ўзим чарчаганим учун ҳамда гўшт қон-қушга тегиб ҳаром бўлмасин, деб бу ишларни эрта тонгга қолдирдим. Катта бир ташвишдан қутулган кишилардай осойишталик билан тинчланиб, яна кўрпачага чўзилиб, уйқуга кетдим.

Азонга яқин ширин уйқуда эканман, оч биқинимга тумшуғи қайрилиб кетган баланд пошнали сағри кавушнинг берган аччиқ тепкисидан чўчиб уйғондим. Тепамда халта кўйлакли, бир кўли билан истибро кесагини ушлаган, ҳар бир кўзи ғайин олхўридек қинидан чиқиб кетган домлапоччам турар эди. Аланглаб ўрнимдан туришим билан домланинг қўлидаги тескари ушланган болтанинг муҳраси елкамга келиб тушди. Аламланиб кетдим.

— Ҳа, тақсир, бир етимни ҳадеб ура беришми, хизматга туҳматми, тақсир? — деб йиғлаб юбордим.

— Ҳа, хизматинг бошингни есин! — деди домла. — Эшакни сўйиб қўйибсан-ку, падарлаънат! Мен бу эшакни Бухоройи шарифдан уч тиллога олган эдим. Ўзи ҳам қандай эшак эди-я, бай-бай... эшагим...

Эшакка мотамзада бўлган домла мени ҳеч имкон бермай савар эди.

Маълум бўлишига қараганда, мен кечаси қоронғида янглишиб, кулга ағанаб ётган эшакни — новқас ҳўкиз гумон қилиб, бўғзига пичоқ тортиб юборган эканман. Ҳўкиз бўлса, аллақачон ёмонлаб ҳаром қотган экан. Сирланган хумчага тушган сичқондай тўрт томонга аланглаб, ўзимга бир нажот йўли қидирар эдим. Кўзим офилхонанинг томига қўйилган нарвонга тушиб қолди. Томнинг лабида бўлса, марҳум эшакнинг қуюшқонлик палангини қуритиш учун офтобга тўнкариб қўйилган экан. Зинадан чиққан итдек тўрт оёқлаб нарвонга тирмашиб томга чиқдим. Энг сўнгги дамда домладан бир марта бўлса ҳам ўч олиб қолмоқчи эдим. Палангни азот кўтариб, домлани мўлжаллаб отдим. Лекин кўп афсуслар бўлсинки, эгасини сўйиб қўйганим учун мендан ўч олишни кутиб ётган салмоқли паланг қуюшқони бўйнимга илиниб, ўзи билан бирлаштириб, икки қўллаб домлапоччанинг олдига мени судраб тушган эди. Бир чеккаси — палангнинг устига тушганим, иккинчидан, баданим калтакнинг зарбидан шишиб кетгани учун томдан йиқилиш у даражада менга зарарли бўлмади. Мен томдан йиқилишимнинг илмини сарҳисоб қилишга ҳам улгура олмаган эдим.

Менинг шаккоклигимдан яна ғазаби алангаланиб кетган домла беҳол ҳўкизнинг оёғини боғлаш учун кечаси етиб келган ва бир неча марта уришга ҳам улгурган эди. Мен яна туриб қочдим. Яна ўша нарвонга тирмашиб томга аранг чиқиб олдим. Томга чиқиш билан орқамга қарай-қарай томма-том қочиб кетмоқда эдим.

Бахтимга, анчагина томлар бир-бирига тугаш эди. Орачорада тор кўчалар йўлимни тўсиб қолса ҳам, тулки қувлаган товукдай сакраб ўтиб кетар эдим. Қаллайи саҳарлаб бошдан-оёқ қонга беланиб, томма-том қочиб келаётганимни баъзи уйқуси зийрак, сўфитабиат қари-қартанглар ҳам кўриб қолган эдилар. Домла эса бир неча том нарида ҳарсиллаб-гурсиллаб, қутурган нортуюдай кўпириб, қувлаб келар эди. Ҳайтовур домла иштонбогини маҳкам боғламагани учун чопиш вақтида оёғига тушиб, кишан бўлиб пайпоқдор товукдай калавлаб қолди-да, мен қочиб қутулдим.

Бироқ бизнинг бу ваҳимамиздан кўп хонадонлар томга чиққан эди. Мен ҳали ҳам қочмоқда давом этар эдим. Бир орқамга айланиб қараганимни биламан, беҳосдан “ишўп” этиб қамиш-

тупроқ аралаш пастга йиқилиб тушдим. Мен йиқилиб тушган ер ошхонанинг мўриси эди. Мўри ерга қўндирилган тандирнинг рўпарасида бўлганлиги учун мен томдан тикка тандирнинг ичига тушган эдим. Оёғим қўксимда бўлиб, гужанак ҳолимда тандирнинг ичига тиқилиб қолган эдим. Чап қўлим ҳам ёнимга жипслашиб тушган, бироқ ўнг қўлимгина эркин ҳаракат қила олар эди. Анча уриниб кўрдим, тоза ҳам типирчиладим. Орқамдан қувлаб келганлар менинг бирданига ғойиб бўлганлигимни кўриб, қўрқиб кетган, инсми-жинсми деб ўйлаб, кўплари “астағфирулло” айтиб, ноумид орқаларига қайтиб кетган эдилар. Бечоралар нима деб ўйладилар экан. Ҳазрат Исо деб ўйладиларми ёки Кўҳиқофдан келган Абдурахмон парининг лашкарларидан биттаси деб ўйладиларми, ишқилиб, мен йўқ эдим. Кечгача туз тотмай, ўгирган жойимдан қимирлолмай, тандир ўчоқнинг ичида ётдим. Қош қорайгач, ошхонанинг эшиги очилиб, бир хотин келиб кирди. Менинг ёнимдаги кичкина ўчоққа ўт қалай бошлади. Хотиннинг шарпаси келган замоно мен эркин қолган ўнг қўлим билан тандирнинг лабида турган лойтувоқни олиб, устимга ёпган эдим.

Хотин мошкичири қилмоқда эди. Пиёздоғининг ҳидлари димоғимга кириб, иштаҳа ҳам намозшомгулнинг карнайидай очилиб кетган. Қозонда бўлган масаллиеларнинг ёғ билан аралашиб чиқазган “жаз-буз” овози юрагимнинг энг нозик жойларига бориб қадаларди. Бу мамлакат — дала шаҳри бўлгани учун ўтин сероб экан. Бундан ташқари, мош қургур, билмадим, қайси тошлоқда битган эканки, ҳадеганда очила бермади. Хотин ҳам аямасдан ўтинни қалаштирмоқда эди. Бора-бора қўшни ўчоққа ёқилган ўтнинг тапти секин-секин мен ётган тандирнинг деворига ўта бошлади. Ёнбошим секин-секин қизиб бормоқда эди. Агар у бадбахт имилдоқ хотин ўт ёқишда яна давом этаверса, тандирда кабобдай жизғанак бўлар эдим. Қозонда ҳар бир мошнинг кўз очиши менинг кўз очишим билан барабар эди. Энг охири узоқ мунтазирлик ва азоблардан кейин ҳурматли мошкичири тайёр бўлди. Ошпаз хотин ўчоқнинг оловини тортди, бироқ қозондагини икки лаганга сузиб, бир лагандагисини қайтариб қозонга қўйди-да, иккинчи лаганни кўтариб чиқиб кетди. Ўчоқда ўт ҳам ўчди. Лекин менинг оч юрагимга ўт ёқиб кетди. Мен бечора мошкичирининг азобини бекаму кўст тортганим ҳолда хўрсинардим. Хотин чиқиб кетгандан кейин тандирнинг сарпўшини

олиб, бир оз эркинроқ нафас олдим. Гўё бу “хитой беклари”-нинг қийноғидан қутулиш учун турлича режалар тузар эдим. Намозшом бўлди. Намозшомдан кейин қонуний равишда, албатта, хуфтон ҳам бўлди. Мен бечора қинга солинган паккидай, зиндонда ётар эдим. Хуфтондан анча ўтиб қолганда, менга бирдан-биргина кенг оламнинг даричаси бўлган муриддан осмонга қараб ётиш муяссар бўлди.

Ана у — Мезон юлдузининг думи, мана бу юлдуз — Етти қароқчининг бошлиғи, мана бу — Хулкар, кеча шу тикка келганда эшак сўйилган эди. Мана бу — Сомончининг йўли, кеча шу кунботарга яқинлашиб қолганда домла биқинимга тепган эди.

Мен шу хаёлларда эканман, “ғийқ” этиб эшик очилдида, бир киши оёқ учи билан юриб келди. Мен секин-секин гўё дарчанинг пардасини тортгандай, лойтувоқни устимга ёпдим. Келувчи киши мен ётган тандирнинг устига ўтирдида, хуштак билан музика чала бошлади.

Тўғри, музика яхши нарса, мен қарши эмасман. Тинчлик вақтда ҳар қаерда эшитишим мумкин. Лекин ўзингиз ўйланг, бировни тандирга қамаб, устига ўтириб музика чалсин, деб қайси қонунда ёзилган экан? Мумкинми шу?

Орадан яна бир оз ўтиб, эшикдан мошкичирипаз хотин кириб келди. У ҳам секингина келиб, бояги хуштакчи йигитга яқинлашди. Менинг бошимдан бир газча баланд жойда “чўлп” этган овоз эшитилди. Балки ўпишгандирлар, қулогимга хумга тушган арининг овозидай гўнғир-гўнғир гапиришганлари эшитилар эди.

— Кутиб қолмадингизми? — деди хотин. — Эрим ўлгур бошқа вақт қуриб қолгандай, шу бугун насиё дафтарларини очиб, олдига чўтни қўйиб, ҳисобга тушиб кетди, эндигина ухлатдим-да...

— Ҳа, майли, жоним, — деди йигит. — Нима бало бўлди, эринг икковимизнинг ишимизни сезиб қолганми, дейманов ёки пук бериб қўйдингми? Бугун дўконидан тўққиз пулга нос олгани борсам, жуда ит хўмрайиши билан қараб, берган носига носқовоғим ярим ҳам бўлмади. Ҳар қаерда тўққиз пулга носқовоғимни тўлдириб нос оламан.

— Ўзлариям ўлгунча кўзи тор, зикна, мурдор одам, пул бўлса бўлгани, — деди хотан. — Менга қайрилиб қарамайдилар ҳам, хотиним борми, йўқми демайдилар ҳам...

— Кел, гапингни қўй-чи, овқат-повқатинг борми?

“Ҳа, бу кирови иш бўпти”, деб ўйладим. Йигит тушмагур, нима қилса-да, далатоб, азамат йигит-да. Иштаҳаси ҳам карнайдаккина экан. Хотин қозоннинг қопқоғини очди – балиқдай бўлиб, оппоқ лаганда мошкичири чиқди, ўртага қўйдилар. Йигит қуллуқ қилди-да, менга озор беришдан чекиниб, тандирнинг устидан турди. Ўчоқнинг олдига тиз чўкиб ўтириб, мошкичирини иштаҳа билан ея бошлади. Азамат олиб турибди, хотин бўлса аҳён-аҳёнда ошдан чўқиган бўлиб, ўзининг олди-дан чиққан гўштларни ҳам унга териб бермоқда эди.

Мошкичирининг тамом жабр-жафосини тортган биздай ёнбоши куйган бечоралар тандирнинг ичида азоб-уқубатда. Мен тоқат қилиб туrolмадим. Тувоқни секин қия қилдим-да, эркинликда бўлган ўнг қўл билан мен ҳам лаганга чўзилиб қолдим. Икки-уч олишдаёқ лаган бўшай деб қолди. Қоронғилик. Ошиқмаъшуқ суҳбатта машғул. Йигит курғур сезиб қолди, пойлаб туриб шартта билагимдан ушлади-да, маъшуқасига қаради.

– Ҳой, тўхта! Бу кимнинг қўли, мана шу менинг қўлим, мана бу сеники, энди мана бу қўл кимники?

Хотин “ҳа-ҳа”, деб кўрқиб кетди. Агар ўзларининг хавотир ишлари бўлмаса эди, бугун менинг умримга фотиҳа ўқилса ҳам бўлаверар эди. Йигит лойтувоқни олди-да, билагимдан азот кўтариб, тандирдан суғуриб чиқарди. Белларим қисирлаб, уюшган жойларим роҳатланиб кетди. Қани ўша йигит бир уқалаб қўйса, деб ўйладим.

– Говуртинг борми?

Хотин енгсиз нимчасини пайпаслаб, гугуртни олиб чақди, бир чеккаси кўйлак-иштоним эшакнинг қони, иккинчидан, мўрининг қоракуяси башарага урган. Сурра тўн кийган эшондай бўлиб кетган эдим. Хотин дағ-дағ қалтирар эди. Йигит ҳайтовур довурак экан.

– Ҳўш, сен кимсан?

Мен ҳам худди шу гапни такрор қилдим.

– Сен ўзинг кимсан?

– Сендан сўраяпман!

– Ўзингдан сўраяпман!

– Жонингдан умидинг борми, ҳой йигит?

-- Ўзингни жонингдан умидинг борми?

– Тавба!

– Астафидулло!

Орага хотин кўшилди.

– Ҳой, айланай, ука, – деди, – менга қарагин, кимсан узинг, ўчоқнинг ичида нима қилиб куйманиб юрибсан? Жинмисан, шайтонмисан ёки жиннимисан? Қоронғи кечада нега бировнинг ўчоғига беижозат кирасан?!

– Бу нима қилиб бировнинг ўчоғига суқилиб юрибди?

Йигитни кўрсатиб тўнғилладим.

– Бунинг нима ҳаққи бор?

Қарасам, йигит саллоҳларча ҳаракатланмоқчи, янглиш-лик қурбони бўлган эшакнинг қасосини оладиган кўринади.

Мен ҳам эски ҳунарни ишга солмоқчи бўла бошладим.

– До...д!!!

Хотин шаппа оғзимни ушлади.

– Ҳой, сен нима қилмоқчисан?

– Нима қилар эдим, доллайман.

Икковлари уриниб, мени енга олмагач, сулҳ-салоҳга келишди.

– Қани, тур бўлмаса, чиқиб кет! Яхшиликча жойингни топ!

– Қорин оч.

– Тирик товонга қолдим-ов, – деди хотин.

Уй томонга оёқ учи билан бориб, супрадай иккита жиззали нон келтириб берди. Қўлтиққа қисиб олдим. Лекин ҳали ҳам кўзғалишга раъйим йўқ эди.

Йигит:

– Қани, энди бир жўнаб қол-чи, – деди.

– Жиндай пулдан чўз!

Йигит бўғилди, тишларини гижирлатди. Яхшилаб, қурт-даккина сўкишни ҳам эшитдим. Ноилож, чақа-танга аралаш икки танга пул берди.

Шунинг билан “ёпиқлик қозон – ёпиқлик”, мени чиқариб, чиқишимда “туя кўрдингми – йўқ” қилиб менга қасам ҳам ичирдилар.

Қоронғи кечада қўлтиқда нон, белда пул, яна сафарга чиқиб кетдим. Вақт жуда ҳам кеч, бора-бора катта бир бозор майдонидан чиқдим. Бу ер тағин ўша, наҳс босган Калас бозорининг ўрни эди. Борарга жойим, кўнарга маконим бўлмагани учун бир бурчакка бориб, иккита гиштни бошга қўйиб уйкуга кетдим...

Бу гал олағовур уйғотиб юборди. Кўзимни очиб қараганимда, атрофим оқ калтақ, қора калтақ оломон билан давра қилиб ўраб олинган эди.

– Худди шунинг ўзи, – деярд эди биттаси.

– Нима, ким? – Мен ҳайрон эдим.

Мени турғизиб қўлимни орқага боғладилар. Бозорма-бозор айлантриб, бошимга қамчи билан уриб, “сазойи киши одам ўлдирсин”, деган сўзни баланд овоз билан такрор қилишга мажбур қилар эдилар.

Воқеа бундай экан: Мен келиб кўчада ётиб қолганда, кечаси самоварга тушган аллақайси чорвачи бойни ўғрилар тунаб, ўзини ўлдириб кетибдилар. Менинг кийимларимдаги қон-қушни куриб ўша ўғриларнинг биттаси бўлса керак, деб ушлаган эканлар.

Мени сазойи қилиб бўлганларидан кейин оломон тошбўрон қилиб ўлдирмоқчи бўлди.

Оломон яна кўпроқ йиғилсин учун иккита ўғил бола ирғай новдаси билан кепчик қоқар эди. Ўша ерда мен жуда ҳам беҳуд бўлиб, “ғийқ” этиб ўзимдан кетдим.

Бир неча фурсатдан кейин дилим уйғонди. Қўлоғимга ҳали ҳам ўша кепчикнинг овози келиб турибди, кўрқа-писа кўзимнинг бир тоқасини очдим. Ҳеч ким йўқ, икки кўзимни рўйирост очдим, ҳеч ким йўқ...

Бундай бўлибди. Йиғилганлардан бири:

— Биродар, — дебди, — аввало шуки, одам ўлдириб босқинчилик қилишга бу бола ҳали ёш, иккинчидан, мабодо, бу ўша ўғри босмачиларга шерик бўлганда эди, буни шу аҳволда ташлаб кетишган бўлишмас эди, учинчидан, бу бола соғ эмас, тутқаноғи бор кўринади. Ўғри деган баччага ўзига эсипаст — тентакни шерик қилиб олмайди, ахир, ўғрининг ҳам сири бор, ўзидан кўрқади, биродарлар, — дебди.

— Бўлмаса нега уст-боши қон? — деб, шубҳа билдирибди биттаси.

— Ия, ия, мен болани танийман, бу бола юқори қорасувлик Ашур қассобнинг ўғли-ку, кеча бозор куни Ашур қассоб ўғлим уйдан қочди, қидириб юрибман, жарчи ҳам солдирдим, деган эди. Бу ўша бола... — дебди.

— Ҳа, ҳа, тўғри, бозорда жарчи, ўн беш ёшли увил бола жўғолди, топганга бир тўқли... деб юрганини эшитган эдим, — дебди яна бир “гувоҳ”. Шу билан мендан қўлларини тортиб, ҳамма ўз йўлига тарқабди. Мен ёлғиз қолибман.

III БЎЛИМ

Ўзим соғ-саломатман. Қўлим ихтиёримда. Оёғим раъйим билан юради. Кўзим ихтиёримда. Хунук нарсаларга истама-сам қарамайман. Оғзим, жағим, тишим жодидек, истаган ха-

шакни қирқиб чиқаришга ярайди. Аммо баданда бир саркаш аъзо бор, у менинг ихтиёримдан ташқари, ўзбошимчароқ. Унга менинг ҳукмим ўтмайди. Билмаганлар билсин ва огоҳ бўлсинки, у аъзо камдан-кам кишиларга вафо қилган — қорин. У бадан мулкининг ҳокимлигини баъзан қўлимдан олиб кўяди. Бошқа аъзолар ҳам унинг исёнчи талабларига қўшила бошлайди. Кўзим ношаръий, ҳаром луқмаларга туша бошлайди. Қўл қорин ҳукми билан баъзида энг паст кишиларга тама капгиридай чўзилади. Оёқ кутмаган жойларга олиб боради.

Шунда зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, эсимда қолган ушбу ғазални айтаман, ғазал бу туруп:

Бу қаро кўзлар мудом йиғлар, чотиқ қош остида,
Кўзга олам терс кўрингай, мижжалар ёш остида.

Дарбадарман, меҳрибон, иссиқ кучоққа интизор,
Тонггача ер — кўрпаю бир парча ғишт бош остида.

Эй юрак, тирпинма, бахтнинг тонги балки тез отар,
Лаълу гавҳар бир умр яшринмагай тош остида.

Чарх тегирмон тошидай айланди бошим устида,
Парчаи нондур насибам шунча бардош остида.

Навоий айтибдирки: “Бахтли ул кишидирким, у дунёни тарк қилади, дунё уни тарк қилмасдан”. Ўзимни ўлдирайми, йўқ қилайми? Йўқ, ҳали ёшман, менга аталганининг қаймоғи бузилгани йўқ. Саъдий айтибдирки: “Бир мамлакатда ғариб бўлсанг, ҳурматсизлансанг, сафарни ихтиёр қил”, деб. Кўктерақдай шаҳри азимда бошимга теккан тошларнинг сони кўзимдан оққан ёшлардан кўпроқ.

Ўз-ўзимга: “Бу гурбат фикрларни бир чеккага қўйиб тур, энг олдин сой бўйига бор, ўзингга жиндек оро бер”, дедим. Сой бўйига бориб, бир ҳоли жой топиб қўйлак-иштоним, белбоғ боғланган рўмолни ишқор ўт билан тозалаб, неча мартабадан ишқалаб ювиб, қуритгани толга илдим, кейин ўзим сойга тушиб, кирим кетгунча ўз-ўзимни ишқалаб чўмилдим. Бу озодгарчилик учун кам деганда бир ош пишим вақт кетди. Кийимларимни кийиб, ўзимни силаб-сийпаб бинойидай бўлиб, бозор томон жўнадим. Ризқаст — фискаст, деганларидай, бир амаллаб қорнимни тўйғиздим. Ёнимда ҳов анов ошиқ йиғит берган икки танга борлиги дўстларимизнинг ёдларида бўлса керак.

Жума куни, қўйлар маъраган, туялар бўкирган, отлар кишнаган, бозорчилар сўкишган, толе осмонини бозорнинг чанги қоплаган, даллолларнинг билаклари “бор барака топ!” да чарчаган. Мен ўша олаговур ичида; селда қолган чумолидай беихтиёр эдим, гангиб юрар ва ноилож бўғилардим...

Шаҳар томондан бозорга қараб еттита қаландар жўш, хуруш, сочлари патила-патила гирди камарига тушган, эгниларида жандаи Муҳаммадий, бошларида кулоҳи Аҳмадий, елкаларида ридойи Мустафо, маст бўлган туядек оғизларидан кўпиклар сочиб, жазаваи том билан талқин айтиб келар эдилар:

Бугун бозорга ўхшайди,
Етимлар зор қақшайди,
Ё олло дўст, ё олло.
Ҳақ дўст, ё олло.
Етимнинг ҳолини сўрсанг,
Отаси йўққа ўхшайди.
Ё олло дўст, ё олло.
Ҳақ дўст, ё олло.

Энг олдинда бир нуроний қаландар, елкасида каттакон қора қўнғизни эслатадиган качкил, белига анвои ранг-баранг латталар боғлаган, қўлида боши қайнаб битган бужғун таёқ (Назар отанинг таърифига қараганда, бу таёқ ҳазрати Мусо асосининг амакиваччаси бўлар экан). Ихлосманд кишилар бу таёқни кўз ёшлари билан ўпадилар, ихлос билан бир қарич латта боғлаб кетадилар. Таёқ кўтарган қаландари барҳақ нуроний, кетмон соқол кишига пул, нон (Баҳоваддинники бўлса еттита, Ғавсул Аъзамники бўлса ўн битта), эчки, товук, қўй, ҳатто туягача назр-ниёз қиладилар. Етти қаландарнинг орқасида бир неча яловкаш тушган назр-ниёзларни йиғиштириб, бит бозорнинг нариги ёғида бир четан аравага босмоқда. Кўктеракка гўлгула тушиб кетган. Бугун бозорга Эт эмас эшонбуванинг занжирбанд қаландарлари келибдилар. Овозаларга қараганда, жаноб эшоннинг бу етти қаландар турадиган қаландархонасига кечалари жаброил осмондан ваҳий олиб келиб турар экан, ҳазрат эшоннинг ишлари бир чеккаси худо билан шерикчиликдай экан (топган-тутган ўртада). Қаландарлардан олдинда отлиқ, мўйловлари арқон тишлаган итдай, катта қиличи отнинг белидан пастга тушиб турган бир городовой қамчи ўйнатиб, оломоннинг орасини ёриб, қаландарларга йўл бўшаттириб келар эди.

Чидаб туролмадим. Гўё юрагимга осмондан бир нур тушди, баданим эриган қўрғошиндек изтиробга келди. Бейхтиёр бориб етти қаландар бошлигининг қўлини олдим, ўпиб йиғлай бошладим. Қаландар менга меҳрибонлик қилиб бошимни силади, ўрнимдан турғизди ва айтдики: “Эй бўтам, нима муродинг бор, худодан сўраб берай?” Мен бечоранинг тилим гулдураб, арз-ҳол қилдимки, мени ҳам шу ҳалқаи илоҳийга бир кўзойнак занжирдай тиркаб, қаландар-баччаликка қабул қилсалар экан. Менинг бу сўзимни эшитган, атрофни ҳалқа қилиб олган деҳқонлар, хотин-халажлар ўртасида олашовур қиёматдай нолайи фиғон кўтарилди. Қаландарлар бошлиғи икки қўлини кўтариб, мени дуо қилди.

Демак, мен шу соатдан бошлаб ер кишиси эмас, “худо” маҳкамасининг масъул ўринларидан биттасига қоровуллик вазифасига тайинландим. Бу касб менга кўп маъқул тушди. Егулик-ичгулик истагандан мўл, ёмғирдек ёғилиб келиб турарди. “Ё олло дўст, ё олло”ни яхши ёдлаб олсанг бас. “Ашулага ош-нон беради”, деган мақол шу ерда тўғри келади. Қаландарлар ҳалқасига қабул қилинган соатдан бошлаб ҳушимни йўқотган эдим. Етти қаландардан ўн қадамча олдинда юриб, бош яланг, кийим-бошлар йиртиқ, оғзимдан тупук сачратиб, ғазаллар ўқиб, талқин қилмоқда эдим:

Дукур-дукур от келар,
Ё олло дўст, ё олло.
Чиқиб қаранг ким келар,
Ё олло дўст, ё олло.
Бизни ёрни сўрасанг,
Ё олло дўст, ё олло.
Хипча белли Зебихон.
Ё олло дўст, ё олло.
Ҳақ дўст, ё олло.

Бозор халқи мендай таркидунё девонабаччани кўриб қаландарларга бўлган ихлослари ҳаддан зиёда ошмоқда, назр-ниёз ёмғирдек ёғмоқда эди.

Кеч билан бозорни олиб, сомон сотиб қайтган туячининг туясига иккита-иккита мингашиб Эшонбозорга қараб йўл солдик. Чунки Эшонбозор шаҳри жаноб эшоннинг маконлари эди. Шунинг учун ҳам бу ер Тошкент, Чимкент ва Сайрам музофотларининг чоракам бир каъбаси ҳисобланар

эди. Ҳамма шаҳарларга осмондан нур ёғилганда, бу ердан осмонга нур чиқар эди.

Эшонбозорга етиб бордик, туялардан юкларни туширдик. Туякашларга туя ҳақи учун қаландарбоши дуо қилиб қўйди. Маълум бўлишига қараганда, бу дуога бошқа ерларда битта от берар экан, шундай йўғон дуо экан.

Эшоннинг уйлари зикр тушадиган хонақоҳга туташган эди. Қаландархона ҳам шу ерда эди. Биз аввал хонақоҳга кириб бордик. Қаландарбоши эшикдан майда талқин бошлаб кирди. Тоинки жаноб эшонга бизнинг келганлигимиз маълум бўлсин. Қаландарлар айвонда давра олиб ўтирдилар. Камина қаландарвачча кавшандозда қўл қовуштириб, тавозе билан хизматларига интизор бўлиб турдим. Талқин давом қилар эди. Хонақоҳ яловкашлари — сўфилар бизнинг назр-ниёз ва ноз-неъматларни ҳужрага жойлаштирдилар. Хужранинг икки тарафидан эшиги бор эди. Бир томони хонақоҳ тарафдан, иккинчи томони эшоннинг ҳовлиси — ҳарами хослари томонидан.

Орадан бир муддат ўтгандан кейин талқин тўхтади. Ичкари томондан узун малла тўн, оқ салла, сағри кавуш кийган, қўлларида минг доналик тасбеҳ, кўзларига сурма тортган, узун мош-гуруч соқолли, хушмўйлов, мош еган хўроздай қизил юзларидан “нур ёғилиб” турган, Муҳаммад алайҳиссаломнинг тўққизинчи хотинлари Биби Ойишаи Кубронинг томдан итарар набиралари (ўз даъволарича) ҳаст эшон таманнолик билан ерни “миннатдор бўлсанг босаман”, деб чиқиб келдилар.

Ана шунда, билмадим, бошқа ғофил бандалар кўрдими, йўқми, ёнбошларида бир ярим мингта малойика эргашиб келаётганлигини ўз кўзим билан кўргандай бўлдим. Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик, таъзим-тавозе билан салом бердик. Ҳаст эшон қаландарбошидан бутунги амри маъруф: наҳий мункарнинг даромадини сўраган бўлсалар керак, қаландарбоши качкил ичидан танга-чақа, қоғоз аралаш бир талай пулни жаноб кибриёнинг этақларига тўкди. Жаноб эшон пулнинг қоғозини, сўлкавойларини малла тўннинг енгидан ичкари қилиб, қолган майда танга-чақаларни:

— Ҳай, ҳай, ҳай, мен пул ушламагайман, дунё ҳаром. “ад-дунё жийфатун ва толибуҳо килуб” (дунё аҳлат, уни қидирувчилар итлардир), — деб қаландарнинг олдига итариб қўйдилар.

Ана шу пайтда у жанобнинг назарлари камина қулбаччаларига тушиб, жуда ҳам меҳрибонлик билан:

— Бу бачча ким? — деб илтифот қилдилар.

Қаландарбоши мени таъриф-тавсифлаб кетди. Жазаваларимнинг зўрлигидан гапирди. Бир чойнак чой ичгунча олами фанодан олами бақога ўтиб кетган, беҳуд Машраби девона, дили жазавам илоҳи билан тўла қаландарбачча, ўрта қўлдек эканимни тушунтирди. Ана шунда хаст эшон менга шафқат кўрсатиб, шаҳодат бармоқлари билан ўз олдиларига имладилар. Тавозе билан олдиларига бордим. “Муборак” қўллари билан пешонамни силаб:

— Бай, бай, бай, бўтам, жуда “худо” назар қилган бачча экансан, осмонга қара, ўғлим! — дедилар.

Шунда беш панжаларининг орасидан етмиш битта жаннат кўрибман.

Маросим тугади. Увинтўдаларнинг орасида хонақоҳнинг бурчагида тонг оттирдим. Қорин важи унча мақтарли эмас. Бир нав қаноатланурли. Ҳар хил жаннатий хаёлларга бориб келмоқдаман. Чунончи, назр-ниёз ҳужрасининг учинчи эшиги йўқмикан, хаст эшон бугун манти еганмикинлар, палов еганмикинлар ҳам қайси хотинлари билан ётган эканлар, бошларига кўк чойнинг яхнаси қўйилганмикин ёки чанқаб қолганмикинлар ва ҳоказо...

Кечаси ўзимни на жаннатда, на дўзахда кўрдим. Хонақоҳ муздек, жимжит эди. Мен жунжимоқда эдим. Чала туш кўрдим, рўпарамдан бир ит чиқиб, совуқда қалтираб гингшир эмиш. Бир ривоятда шу гингшиётган каминанинг ўзлари эмишман.

Эрта билан мени сўфи уйғотди. Хонақоҳда аврод бўлар экан. Аста-секин одамлар йиғила бошлади. Мен ҳам чалачулпа таҳорат олган бўлдим. Каттакон давра қурилди. Одамлар даврага йиғилишиб тасбеҳ ўгира бошладилар. Хотинхалаж, бола-чақа, кўр, шол, бефарзанд, қарздор, заҳм касалига учраган, иши қозига тушган одамлар келиб эшонга сиғиниб, ҳожат талаб қила бошладилар. Эшон ҳалигиларнинг обдаста, чойнак, кумғон ва бошқа идишлардаги сувларига дам уриб бера бошлади.

Намоздан кейин қаландарлар билан бирга енгил-елпи нонушта қилган бўлдик. Эшон қаландарларни Назарбек бозорига жўнашга буюрди. Мен ҳам қаландарлар билан бирга жўнашга ҳозирланиб турган эдим, эшон:

— Сен қолгин, болам, оёқ-қўлинг чаққонгина кўринади, бу ерда ички-ташқининг хизматини қилиб турасан, — деди.

Эшоннинг сўзини қайтара олмасдан қаландарлардан ажраб қолишга мажбур бўлдим. Лекин жуда ўқиндим. Аттанг, бебилиска пул топадиган касб қўлдан кетадиган бўлди-да! Чиндан ҳам бўзчининг моксидек эшоннинг ичкари-ташқариси ўрта-сида бепул оёқдан ҳориб, қатнаб юришдан кўра, ҳавойитина бозорда ашула айтиб, ўйнаб юриб пул топишга не етсин!

Қаландарлар кетгач, хаст эшон меҳрибонлик билан лутф қилиб, мени ҳужраи хосларига чақирдилар. “Лаббай, пири комил”, деб югуриб бориб хизматларига ҳозир бўлиб турдим. Қўлимдан тутиб ҳужрага олиб кирдилар. Оқ бўйрага чўкка тушиб ўтирдим. Лекин ҳайрон эдим. Токчадан қалин муқовали Қуръонни олиб қўлимга тутқаздилар. Уч марта ўпиб, бошимга текказиб Қуръонни олдим. Эшон кўз юмиб пичирлаб бир нарсаларни ўқигандан кейин менга қараб қўйидаги сўзларни айтишга буюрди: “Мен фалончи-фалончи ўғли хаст эшоннинг ихлосманд муридларидурман, пиримнинг буюрган хизматларини ҳеч сўз қайтармасдан бажараман. Бошимга қилич келганда ҳам эшоннинг буйруқларидан ташқарига чиқмайман. Ҳеч бир хиёнат қилмайман. Айниқса, пиримнинг ҳар тўртала хотинларини онамдан ҳам зиёда кўраман, кўз олайтирмайман. Шу даргоҳда кўрган “сир”ларнинг ҳеч бирини кишига изҳор қилмайман. Агар ошкор қилиб қўйсам, кўр бўлай, шол бўлай, тил тортмай ўлай. Омин оллоҳу акбар”.

Шу сўзларни айтиб бўлгандан кейин, ўйлаб қарасам, оқ бўйрада ўтириб қип-қизил қасам ичиб қўйибман. Хайр, бўлар иш бўлди. Шу кундан бошлаб ичкари-ташқарига мокидай қатнай бошладим.

Хаст эшоннинг кичик хотинлари ўн еттига етар-етмас, жуда ҳам қўлинг ўргилсин. Худди “нўғой қошиқ”дай. Баъзида кўнглим аллақандай бадхаёлларга бориб қўяди-ю, қандай қилайки, оқ бўйрада чўкка тушиб Қуръон ўпганларим эсимга тушиб кетиб, шайтонга “ҳай” бериб, зўрға ўзимни тўхтатиб қоламан. Ичкари-ташқарига қатнаб юрганда, оғзимдан талқин тушмайди:

— Хипча белли Зебихон,
Ё олло дўст, ё олло.

Бир кун эшон мени яна ҳужраи хосларига чақириб:

— Уғлим, — дедилар, — мана энди бизга анча хизматинг сингди. Ички-ташқининг рафт-омадини олдинг. Ўзинг кўриб

турибсанки, хотин-халаж, бола-чақа, кўшчи-кулончи, сўфи фаррош дегандай, бизнинг қўлимизга қараб қолганлар кўп. Уларни боқиш керак, кийдириш керак. Фақатгина қаландарларга ва бевосита ўзимизга келадиган назр ва ниёзларга тикилиб ўтираверсак, ҳаммаси очдан ўлади. Мана, мен сени синадим. Сен ҳам сирлардан бохабар бўлдинг. Оёқ-қўлинг чаққонгина, эпчил йигитсан. Сен ҳам ахир қараб турмасдан, бошқачароқ йўл билан бўлса ҳам тирикчиликнинг пайидан бўлсанг эди, ўғлим... – Мен аввал турли хаёлларга бордим: Яъни “бошқачароқ йўл” нима бўлди экан?! Эшон у ёқдан-бу ёқдан айлантириб, шама қилиб тушунтирди. Шундан кейингина мен бу “бошқача йўл”нинг фаҳмига етдим.

– Хўп, тақсир! Битта жонимиз пири комилга қурбон бўлсин, – дедим. Эшон менинг елкамга қоқиб, дуо қилди ва муғамбир кўзларини қисиб, илжайди. Мен жуда ботирланиб, илҳомланиб кетдим.

Шу топда эшон “дик” этиб ўрнидан турди. “Бир оз мени кут!” – деб ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг бир рўмолча тугуғлик сарпо кўтариб чиқди. Бунда эшоннинг бултур тутқаноқда ҳовузга чўкиб ўлган ўғлининг эски кўйлак-иштони, дўппи, босма читдан қийиғи бор эди.

– Мана, бўтам, мана буларни кийиб ол. Худо раҳмати ўғлим Миёнқудратнинг арвоҳига дуо қил, омин.

– Омин, жойлари жаннатда бўлсин...

– Иншоолло...

Бу гапдан уч кун ўтганда кеч пайти бир ердан қайтиб келар эдим. Бизнинг даргоҳга яқин жойда икки яшар чамали бир ола танача бебошбоқ ўтлаб юрар эди. Подадан адашиб қолганми, уйини тополмаганми – ишқилиб, теваракатроф кузатувчисиз эди. Секин белбоғимни ечиб, шохига боғладим, даргоҳга етаклаб келдим.

Эшон бу ишдан чандон-чандон хурсанд бўлдилар. “Бўладиган бола экансан. Худо назар қилган экан. Ишқилиб, ҳеч ким кўрмадими, балли, ўғлим, балли, бўтам! Бир гапни ана шундай зийраклик билан англаб олсанг, хор бўлмайсан, ҳар икки дунёнинг обод бўлади...”, деб кўп мақгади. Кеч билан ўзим бош бўлиб таначани сўйиб, ёғ-тўшпини хумга урдик. Терисини эшон, вақти келганда маҳси қиларман, деб ошлашга буюрди.

Танача эгаси шу қишлоқлик чорбозорчи аттор экан. У из қидириб, эшон дарвозасигача келса ҳам, эшондан шубҳа қилиш гуноҳ бўлганидан истиғфор айтиб, қайтиб кетган.

Шундан кейин эшоннинг ихлоси менга жуда баланд бўлиб кетди. У жаноб ҳоли ерда мени учратгудай бўлса:

— Ўғлим, энди бозор-ўчарнинг ҳам пайдидан бўлинг. Ахир, кисса-кармон деган гаплар ҳам бўлади. Нақдина пул — ҳам енгил, ҳам қиммат, ҳам яширишга осон булади. Нақдина бўлсин, болам, нақдина бўлсин, — деяре эди.

Агар бир воқеа билан мени эшон оқ қилмаганида эди, келаси ҳафтадан бошлаб чорбозорларга қатнаб, “нақдина”нинг — киссанинг пайдидан бўлмоқчи эдим. Бу воқеа шундай юз берди:

Хизматни қойил қилиб юборганман, эшон жуда хурсанд. Кунлардан бир кун хаст эшон мени чақириб:

— Ўғлим, қаердан бўлса ҳам бир эшак топиб кел, — деб буюриб қолди. Ҳайрон бўлиб кўзларига тикилдим. Эшон даргазаб бўлиб:

— Нимага бақраясан, эшак топиб келиб, қўрғончадаги тутга бойлаб қўй! — деди.

Эшак нимага керак бўлди экан, эшонойиларимнинг битта-яримтасига “эшак еми” тошдимикан, деган хаёллар билан бориб, қишлоқнинг чорбозорчи аттори “ўсма кет, сурма кет, иштонбоғ кет”, деб қишлоқма-қишлоқ дайдиб юрадиган бир кишининг эшагини бир соатга иккита оймқовоққа ижарага олиб келтирдим. Олиб кириб ҳовлининг ўртасидаги тутга боғладим. Ўртанча эшонойим эшакни кўриб жуда ҳам севишиб кетдилар ва менга жуда очиқ юз билан эшак боғланган тутнинг салқин ерига сув сепиб, супуриб, палос солишга буюрдилар. Мен бўлсам, жой солишнинг ҳаракатида юриб одми хотинлар орасида Биби Фотимаи Заҳронинг набиралари деб таърифланадиган эшонойим томонидан эшакка қилинган бу даражадаги ҳурматдан чандон-чандон ҳайрон эдим. Жой солиб бўлгандан кейин мени ташқарига чиқариб юбориб, дарвозани ичкарасидан занжирлаб олдилар.

Эшак тўғрисидаги хаёлот бошимдан ҳеч чиқмаганлик ва-жидан мен ҳам секингина хонақоҳга кириб эшикни юзига ёпдим. Мачитнинг ҳовли тарафидаги девордан бир гул қозикни суғуриб олиб, қозик ўрнидаги тешикдан ичкарига қараб эшак билан бўлаётган самимий муомалани томоша қила бошладим.

Эшонойим қайчи билан эшакнинг ҳар иккала қулоғининг учидан қирқиб қон чиқардилар. Ўзлари мен ёзиб берган палосга шойи кўрпачаларни, ёстиқларни солиб, ёнбошлаб эшакка тикила бошладилар. Бир оздан кейин эшакнинг

қон чиққан қулоғига пашшалар кўниб, эшакнинг тинчлигини кетказа бошлади. Пашшалар жабридан аламзада бўлган эшак бечора бошини чайқатиб, ҳар иккала қулоғини бири-бирига уриб, шалвиратиб хира пашшаларни кўримоққа киришди. Эшонойим эшакнинг бу ҳаракатидан жуда ҳам завқ билан лаззатланиб, худди эшакнинг бўйнидан қучоқлаб олгундай бўлиб унга хушомад қилар ва ширин сўзлар билан уни олқишлаб, ер ва кўкда йўқ севинар эди:

— Вой, опагинанг ўргулсин! Вой, қулоқларингнинг қимирлашига ўзгинам гиргиттон бўлай! Уни қаранг, ойимчахон, қулоқлари бирам чиройли қимирлайдики... Вой, эшакжонга жонгинамни қоқай!

Нима учундир, бошқа эшонойимлар эшакдан ҳеч қандай лаззат олмасдан, ўртанча ойимнинг ҳаракатига қулишар эдилар.

Мен ҳам эшонойимнинг бу қувончли ҳаракатларини кўриб, ичагим узилгундай бўлиб қулар эдим. Бир чеккаси ич-ичимдан ўкиниб ҳам кўяр эдим. Кейин билсам, тантиқ эшонойим эшакнинг қулоқ қимирлашига бошқоронғи бўлган эканлар. Умрда сийрак учрайдиган бу ишни кўзимни тешикка тиқиб томоша қилар эдим.

Бирданига елкамга қаттиқ бир мушт келиб тушди. Чалқанча ағдарилиб тушдим.

— Падар лаънат, нима қилипсан!

Бир-икки тепки биқинга ҳам келиб тушди. Мени ураётган жаноб эшон эканлар. Меҳробнинг деворидаги қозик ўрнидан менинг мўралаб турганимни кўрган эшон ҳар хил бўлмагур хаёлларга борган экан. Ҳақиқатда бўлса менинг бошқоронғи хотиннинг ҳаракатини томоша қилишдан бошқа гуноҳим йўқ эди.

Менга энди бу даргоҳ ҳам ҳаром бўлди.

Эшон мени оқ қилди.

Аттанг-аттанг, қўлга кирай деб қолган нақдина жаннатдан ажралдим. Шу ондаёқ хайр-хўшни насия қилиб биёбонга йўл солдим. Осмон узоқ, ер қаттиқ эди. Қаерга кетиб бораётганимни ўзим билмас эдим. Олдинда бирор мўлжаллаган ниятим ҳам йўқ эди. Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор саёқлигимдан жуда ўкинар эдим. Салгина босиқ, салгина ўйинқароқ бўлмасам, ҳамманинг ҳам нонини туя қилиб бера олар эдим. Уст-бошим бут, қорним тўқ, қайғум йўқ бўлар эди. Хайр, майли, энди афсуснинг фойдаси йўқ.

Аср билан шом ўртасида рўпарамдан катта бир дарё чиқиб қолди. Мен бу ерлар билан таниш бўлмаганим учун бу дарёнинг қайси дарё эканини ва исмини ҳам билмас эдим. Дарёдан кечиб ўтиб бўлмаганидай, сузиб ўтиш ундан ҳам машаққат эди. Орқага қайтиш мумкин эмас. Дарё қирғоғида бирорта уловли йўловчини кутар эдим. Олдидан катта дарё чиқиб қолган машхур сайёҳларнинг ашулаларини сувнинг шарқироқ оқинларига куйлар эдим:

Дарё тошқин, сувлар тўлқин,
Ўтолмайман-а, ёр-ёр.
Отим ориқ, манзил узоқ,
Етолмайман-а, ёр-ёр.
Отгинамни ориқ қилган
Шу майда тош-а, ёр-ёр.
Рангинамни сариқ қилган
У қаламқош-а, ёр-ёр.
Оппоқ уринг-а,
Ҳеч томмасин-а,
Жоним ёрим-а, ёр-ёр.
Дарёларнинг ул юзида
Уйларингиз-а, ёр-ёр.
Оқаришиб кўринади
Бўйларингиз-а, ёр-ёр.
Ипданмиди, ипакмиди
Кийганингиз-а, ёр-ёр.
Бизлардан ҳам ортиқмиди
Севганингиз-а, ёр-ёр.
Оппоқ уринг-а,
Жоним кўзим-а,
Алёр бўлсин-эй, ёр-ёр.
Дарёларнинг ул юзида
Олтин кўза-я, ёр-ёр.
Олтин кўза кўтармакка
Билак керак-а, ёр-ёр.
Бу дарёдан кечиш учун
Юрак керак-а, ёр-ёр.
Оппоқ уринг-а,
Жон мусофир-а,
Чанқов кетсин-эй, ёр-ёр, —

деб бир ҳовуч сувни лаззат билан шимириб турган эдим, гард намоён бўлди. Гард орасидан ориқ байталга минган бир узумчи чол пайдо бўлди. Мен унинг барига ёпишиб, мени ҳам ўтказиб қўйишини илтимос қилдим. Узумчи: “Отим ориқ, янги қулунлаган, юким кўп, иккита девдай киши битта байталга мингашса уят бўлади”, деб баҳона қилса ҳам хиралик қила бердим. Ноилож қолиб ўтказиб қўйишга мажбур бўлди.

Бу дарёнинг исми Калас деб аталар экан. Ҳозир чиққан ўримиз дарёга нисбатан Қури Калас қишлоғи деб номланган экан. Борарга маконим, таниш-билишим йўқ эди. Узумчи ғайрибуддийёр эканимни фаҳмлаб, баъзи маслаҳатларни берди. Бу қишлоқда Сарибой бўлис деган катта ер эгаси бор экан. Унинг минг таноблаб ҳисобланган олмазорига эпчил қўлли хизматкор доим зарур бўлиб турар экан. Айниқса, ҳозир олмалар пишган вақти бўлгани учун менга ўхшаш ош-томоғига юрадиган арзонқўл кишиларни эшигидан қувламас экан. Бу кеча унинг хизматкорлари ётадиган қўшхонада ётишга қарор бердим. Узумчи менга йўлбошловчи бўлиб кўрсатиб қўйди. Бойнинг қари-қартанг аралаш йигирма чоқ хизматкорлари кечки жувари гўжа устида эдилар.

— Ассалому алайкум, — деб кириб бордим. Жуда меҳрибонлик билан ўз ўрталарига қабул қилдилар. Арз-додимни уларга айтдим. Улардан битта кексароғи:

— Асил умринг Сарибойда бекорга ўтиб кетади, ука, ёш экансан. Биронта бошқа касбнинг пайидан бўлганингда яхши бўлар эди. Ҳа, майли, сал ўзингни тутиб олгунингча ўн-ўн беш кун ишлаб тур. Кейин йўлингни топиб оларсан... — деган дудмал маслаҳат берди. Битта бўш сопол товоққа бир чўмич гўжа куйиб бердилар. Икки бурда жайдари нон билан шу ошни маза қилиб ичиб олдим.

Ётишда ҳам шулар ўртасида қолдим. Яхши олмаларни жойлаб, узоқ шаҳарларга юборадиган яшиклардан иккитасини ёнма-ён каравот қилдим. Бошимга олма ўрайдиган ёғоч қириндисидан ёстиқ қилиб роҳат-роҳат уйқуга кетдим.

Бу уйқу эшон хонақоҳига қараганда жуда шоҳона эди. Ҳеч бўлмаса, бу ерда, тонг азонда авродчи сўфиларнинг қич-қириб гўлдирайдиган ҳар хил дуолари кишини уйқудан безовта қилмас эди. Эрта билан бўлисининг олдига бордим. Бир қанча силкиллашишлардан кейин бой менга хизмат ҳақи учун ойига хом-пишиқ аралаш, она сугидан ҳалол икки пуд

ўн етти қадоқдан олма берадиган бўлди. Шу пайтда бойнинг авзойини кўриб, менинг ҳам ҳаромзода томирим уриб қолди. “Мендан нима кетди, бир шарт кўйиб қўяй, бир кун бошимга бирор иш тушиб қолса, шу баҳона қутулиб кетарман”, деган хаёл билан: “Бой бува, — дедим, — энди-ку, савдомиз пишди. Шариат юзасидан мол сотганда ҳамма айбини айтиб сотса ҳалол бўлар экан. Менинг ҳам бир айбим бор, шуни бошдан айтиб қўйганим яхши”.

— Хўш, нима айбинг бор? Сийғоқмисан, тутқаноқмисан?

— Йўқ, айбим бу эмас, айбим шуки, ёшлигимдан одат бўлиб қолган, ҳар замон-ҳар замонда беихтиёр ёлгон гапириб қўяман, шунда койимасангиз бас. Хизмат ҳаққи майли, сиз айтганча бўлсин.

— Оббо баччағар-эй, қув кўринасан-а, ҳа, майли-майли. Лекин кўп ёлгонламагин!

Қиладиган ишларим унча ҳам қийин эмас. Олмаларга тиргович қўяман, тўкилган олмаларни териб, қоқи қиламан. Боғ кўрийман. Баъзида хўжайинга пул зарур бўлиб қолса хом-хатала олмаларни аравага ортиб, Дарвоза, Сарироғоч атрофлардаги буғдойкор қишлоқларга олиб бориб сотиб келаман. Молга тўғраб берса мол емайдиган олмаларни чўлда, буғдой ўриб турган деҳқонларга бир қадоғини икки қадоқдан буғдойга алишаман.

Сарибой бўлис ҳалигача хўжайинларимнинг ичида энг худо урган бадбахти, зикнаси эди.

Унинг олдига бир иш билан борсангиз, бўлар-бўлмас ерда “иннайкейин” деб сўрайдиган одати бор эди. Ана шу “иннайкейин”га жавоб топиб бера олмасангиз, онангизни Учкўрғонда кўрасиз. Қамчи билан елкага тушириб қолгувчи эди. Чунончи, борсангиз-да, унга “қандил олма пишибди”, деб айтсангиз, у сизга “иннайкейин”, деб савол беради. Сиз албатта: “Шу пишган олмани териш керак”, дейсиз. Яна худо қарғаган “иннайкейин”, дейди. Хайр, “Сотиш керак”, дейсиз. Яна “иннайкейин”, деб сўраб қолади. Ваҳоланки, шу ерда гапнинг ўзи тамом. “Иннайкейин” деган саволга ҳеч ҳожат йўқ. Ана шунақа ўринда жавоб топиб бера олмайсиз-да, бойдан калтак ейсиз.

Сарибой Чувалачидаги Юсуф контор билан қимор ўйнаб, унинг мевазорлари, ички-ташқи кўрғончаси, бутун дов-дастгоҳининг ҳаммасини ютиб олибди. Юсуф конторнинг боғи, айниқса, унинг баҳаво шийпони бизнинг хўжайинга маъқул

тушиб қолиб, дарров ўша ердан битта дўндиққина қирғиз хотинни олиб, бир борганча ўн-ўн беш кунлаб Каласга қайтмайдиган бўлиб қолди. Олмалар пишиб, тўкилиб кетаётибди, хўжайиндан рухсатсиз теришга ҳеч ким ботина олмайди. Отларга ем-хашак йўқ. Хизматкорлар оч, лекин бойнинг олдига боришга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Ҳар гапдан кейин бериладиган “иннайкейин” саволидан ҳамма қўрқади.

Бир кун кечқурун хизматкорлар билан ўтириб қандай қилиб бойни ўз жойига чақириб келиш тўғрисида маслаҳатлашдик ҳам ким боришини ўйлашдик, нима деб чақириб келишни фикрлашдик. Тоинки “иннайкейин” дардидан кейин бойнинг ўзини тинкаси қурийдиган бўлсин.

Чек менга чиқди.

Эрта билан бир отга миниб, бойнинг олдига қараб йўл солдим. Йўл-йўлакай минг хил хаёлларга ботиб ўйлайман. Қандай қилиб “иннайкейин”га жавоб топиш керак?

Етиб бориб отдан тушдим. Бой шийпонда калла гўшти билан нонушта қилиб ўтирган экан. Салом бериб, секингина пойгакка тушиб ўтирдим.

— Хўш?!

— Шундай ўзим, сизни соғиниб, бир кўриб келай деб келган эдим.

— Яхши, яхши, баракалла, жуда ҳам қуруқ келмагандурсан, бирор ишинг бордур, хўш, нимага келдинг?

Шу пайтда бойга хизматкор юришда қўйган шартим эсимга тушиб қолди. “Шарт қилган ёлғонни энди гапирмасанг, қачон гапирасан”, дедим-да, гап бошладим:

— Анави, ҳалиги, дандон сопли пичоғингиз синиб қолиб эди, шунинг хабарини бергани келдим.

Ана шу сўздан кейин менга “иннайкейин” саволи ёғила бошлади.

— Хўш, иннайкейин, қандай қилиб синди? Рўзғорда менинг пичоғимдан бошқа пичоқ қуриб кетган эканми?

— Този итингизнинг терисини шилаётган эдим, суякка тегиб синиб қолди.

— Ийя?! — деди бой. — Тозининг терисини менинг дандон сопли пичоғимда шиласанларми, ўзинг айт-чи, нимага шилдиларинг?

— Шошиб қолдик-да, ўлиб қолгандан кейин, бекор кетмасин, деб терисини шилиб олдик.

- Нима қилиб ўлди?
- Ҳаром ўлган отнинг гўштидан кўп еб қўйган экан, бўкиб ўлди.
- Ҳаром ўлган от гўшти қаёқда экан?
- Ҳа, ўзимизнинг тўриқ қашқанинг гўштини еб ўлди-да, бегона от эмас.
- Бой аланглаб қолди.
- Ҳай-ҳай, бола, оғзингга қараб гапир, тўриқ қашқа ўлди дедингми? Хўш, тўриқ қашқа нима қилиб ўлди?
- Хомлик қилиб ўлди.
- Нимага хомлик қилади?
- Ҳеч аравага қўшилмаган экан, биз уни аравага қўшиб, сув ташиган эдик, зўриқиб ўлди.
- Нима деяпсан, ҳароми, бошқа шунча аравакаш отлар туриб, келиб-келиб менинг бирдан-бир боқиб қўйган улоқчи отим билан сув ташийсанларми, падарлаънатилар?
- Ҳа, ўт тушгандан кейин унинг улоқчилигига қараб ўтирадимми, дуч келганини қўшиб, ишқилиб, бир челақ бўлса ҳам сув таший беради-да!
- Бойнинг чайнаб турган яхна тилни ютишга ҳам дармони қолмади. Оғзидан олиб қўйди-да, бақрайганча менга тикилиб:
- Ўзинг жинни-пинни бўлдингми? Ўт тушди деганинг нима деганинг, қаерга ўт тушди, нимага тушади?
- Соғман, хўжайин, ўт аввало оғилхонага тушди. От шўрликларнинг ҳаммаси нобуд бўлиб кетди-да, хўжайин.
- Ийя, оғилхонада ўт нима қилади?
- Менинг ҳам фикрим шу, бошқа хизматкорларингизнинг ҳам фикри шуки, ўт омбордан ўтган бўлса керак.
- Ахир омборда ўт чиқадиган нарса йўқ-ку? Бугдой бор эди, тўғри, гуруч бор эди, тўғри, ёғ бор эди, газмол бор эди, тўғри, шулардан ўт чиқадими?
- Бердисини айтгунча шошманг, хўжайин, омборга қўрғондан ўтибди. Оғилхонага омбордан ўтган бўлса керак. Шунақа қилиб бир-бирига туташиб кетган-да.
- Ийя, ҳали қўрғон ҳам ёнди, дегин!
- Қўрғон ҳам ёнди, омбор ҳам ёнди, оғилхона ҳам ёнди, отлар ҳам ўлди, итингиз ҳам ўлди, пичоғингиз ҳам синди.
- Қўрғонга қаердан ўт кетибди?
- Шамдан туташиб кетибди, шамдан.
- Ҳой, ўзинг жинни бўлиб қолибсан, ўғлим! Ахир, менинг даргоҳимда шамга кун қолдими? Қатор-қатор лампалар, ўзим

Тошкентдан атай сотиб олиб келган қирқинчи фанорлар қаёққа кетибди, керосинни бўлса бир йилга етарлигини бочка-бочка запас қилиб қўйган эдим. Нимага шам ёқасанлар!

— Хўжайин, — дейман, — ўзингиз ҳам одамни жуда хит қилиб юборар экансиз-да! Бутун бошлик ўликнинг арвоҳига шам ёқмай, лампа ёқиладими? Келган арвоҳ ниманинг шуъласи билан ўйнашади. Ахир, косага сув қуйиб, устига олма шохи қўйилади. Келган арвоҳ аввал шохга қўниб ўтиради. Бир нафас дамани ростлагандан кейин ҳалиги шамнинг пир-пираб турган шуъласи билан ўйнашади.

Менинг энтак-тентак сўзларимдан бой талмовсираб қолди. Гуё шу гапларни эшитгиси келмагандай, секин, қўрқа-писа сўради:

— Ким ўлди?

Шу ерда мен юзимга қалбаки қайғулар чиқариб, хўнграб йиғлаб юбордим.

— Кенжатоё ўғлингиз Бўрибойвачча, теракка чиқиб, чумчуқ боласини оламан деб йиқилиб тушиб, бир марта “дада”, деди-ю, “ғийқ...” этиб жон берди.

Бой гапларимнинг кейинги жумлаларини эшитдим, эшитмадим — билмайман, чой ичиб турган пиёласини бошига уриб, чаккасини ёрди-ю, соқолини юлиб, додлаб йиғламоққа бошлади. Мен ҳам қўшилишиб йиғлар эдим.

Бир нафас айюҳаннос солиб йиғлагандан кейин мен тўхтадим, бой ҳам тўхтади. Бойнинг жуда ҳам ўпкасини узиб юборганимдан энди уни юпатиш учун ўзимдан бир гап тўқимоқчи эдим.

— Хўжайин, — дедим, — худо берардан қисмасин, хафа бўлманг, борди-ю, ўғлингиз ўлиб, уйингизга ўт тушган бўлса, отлар ўлган бўлса, ит нобуд бўлган бўлса, пичоқ синган бўлса, ҳаммасининг ўрнини босадиган битта хушхабар ҳам топиб келганман.

Бой ғиқиллаб туриб сўради:

— Хушхабаринг курсин, падарлаънат, қанақа хушхабар?

— Уртанча қизингиз Адол опам дунёга арзийдиган битта ўғилча туғдилар.

— Ийя! — деди бой кўзларининг шох соққаси чиққудай, — Адол опанг ҳали эрга чиқмаган-ку!

— Биз ҳам шунисига ҳайронмиз-да, хўжайин. Худо берман деса, эрга тегмаса ҳам берар экан. Болани айтинг-а,

болани, набирагинангизни айтинг-а, хўжайин. Бадал арава-кашингиз бор-ку, куйиб кўйгандай ўшанинг ўзгинаси.

Бой ортиқ чидаб туролмади. Ҳушидан кетиб йиқилди. Мен ҳам қамчи ўримидан ейдиган калтакни насия қилиб жўнаб қолдим. Мендан бирор соатлардан кейин тулпор саман отда барлари осилиб кетган, алпанг-талпанг, бир кўзи ерда, бир кўзи осмонда, эгар қошига қамчи дастанни тираб, йиғлаб бой келиб қолди.

“Яна бирор фалокат юз бериб қолмасин”, деб ўзимни четга олдим. Бойнинг йиғлаб келишини уй ичлари эшитиб, улар ҳам “бир бало бўлипти шекилли”, деб уйдан йиғлаб чиқа бошладилар. Бир-бирларини кучоқлаб аросат бошланиб кетди.

Йиғи тамом бўлгандан кейин, бир-бирларини англашиб, суриштира бошладилар. Кейин маълум бўлишига қараганда, на от, на ит ўлган, на қўрғончага ўт тушган, на пичоқ синган. Бўрибойвачча бўлса сўлакайини оқизиб ўзи чиқиб қолди.

Ўша куни мен кўринмай юрдим. Эртасига бой мени қидириб, чалпак қилиб кўтартириб олиб келди. Аввал қуртаккина қилиб йигирма қамчини бош-кўз аралаш едик. Сўнгра сўради:

– Ҳой итдан туққан, бу қилиғинг нимаси?!

– Ахир, бошида бай қилишган эдик-ку, айланай хўжайин, ҳар замонда бир ёлғон гапираман, деб.

– Бу ўша ёлғонингми?

– Лекин ҳаммаси эмас эди.

– Агар ҳаммаси бўлмаса, бутун ёлғон қилсанг, мен хонавайрон бўлар эканман-да, тур-эй, падарингга лаънат сени, қорнинг ошга тўймасин, жувонмарг бўл! Ҳайданг бу каззобни!

Ҳайдаб чиқармоқчи бўлдилар. Кетиш олдида бойдан ҳақ талаб қилдим. Чунки бойнинг эшигида бир ою ўн тўққиз кун ишлаган эканман. Ҳалигача берган йигирма икки тийин чойчақани босиб қолиб, қаёқдаги сасиган, қурт тушган олмалардан икки пуд олмани битта чипта қопга солиб берди. Мен шунга ҳам шукр қилиб, намозшом йўлга тушдим.

Яна ўша дарбадарлик, яна ўша маконсизлик балоси. Кўндоқдан ажраган какку боласидай, кўнарга шох-бутоқсиз. Каласдан юқорироқ томон ўрлаб кетар эдим.

Қирга чиққандан кейин узоқда бир ўтов кўринди. Шунга қараб бордим. Ўтовнинг эшигини қоқиб, “худойи кўноқ”, дедим. Бу кеча тунаб кетишга ижозат сўрадим. Аввал менга бир сидра шубҳа билан қараб чиққанларидан кейин, қабул

қилдилар. Орқамдаги юкни кўриб, ўғри деб хаёл қилган бўлсалар керак. Қопнинг оғзини очиб, болаларига иккита-иккитадан олма олиб бердим. Бошлари кўкка етиб кетди. Улар мени туя сути — қимрон билан меҳмон қилдилар. Қозонга ёпилган нондан яримтасини олдимга ушатиб қўйдилар. Қорин тўйгандан кейин, қопни бошга қўйиб уйқуга кетдим.

Тонг азонда туриб, ўтов эгалари, эр-хотин билан хайрлашиб, “Сариоғоч қайдасан?” деб йўлга тушдим. Ўша кезларда менинг толеим жуда ҳам шўр эди. Қайси қишлоққа борсам, бозорнинг устидан чиқар эдим. Аксига юриб бугун Сариоғочнинг бозор куни эди.

Мендан бошқа ҳам бозорга олма келтирганлар кўп эди.

— Кеп қолинг, армонда қоласиз, сотаману кетаман! Буни еганлар нон емайди, шинаванлага сотаман, — деб жавраб, мақтаб, пешинда аранг сотиб тугатдим. Фалладонни ҳисоблаб кўрсам, олти танга бир мири бўпти. Кейинги бир неча ой мобайнида белбоққа тугилган нақдина шундан иборат эди.

Пул кўп, қайғу йўқ. Бозорни айланиб юриб ҳамма нарасага харидор бўлиб кўраман. Ҳамма нарсанинг нархини билгим келади. Бир кишининг ту누ка ваннасига харидор бўлиб, кам сўраганим учун ундан яхшигина сўкиш ҳам эшитиб олдим. Кийим бозорга кириб қундуз ёқалик бобрик пальтоларга харидор бўлиб кўраман.

Қўй бозорига кириб, шоҳлари муллаваччаларнинг салласидай буралиб-буралиб кетган дўнг пешоналик, катта бир кўчқорга харидор бўлиб турганимда кўзим таниш бир башарага учради. У қўшоқланган бир кўра қўй устида кузатиб турар эди. Бу ким, қаерда кўрган эканман?

Чанг босган киприклар тагидаги қўй кўзлар менга жуда таниш.

Йўлнинг гард-ғубори қоқилмаган наमतдек қилиб юборган бу башара кўзимга иссиқ-иссиқ кўринади. Лекин эғнидаги қозоқи чакмон билан бошидаги тескари ағдарилган телпак, қўлидаги боши чўқмор калтаги менга таниш эмас. Ундан кўзимни узмай тикилиб тураман. У ҳам менга ғилт-ғилт этиб тикилиб турарди.

Бирдан қичқириб юбордим:

— Омон!!

Бир-бировимизнинг кучоғимизга отилдик, ялаб-юлқашдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Ўз бошимдан кечирганларимни

бир четдан ҳикоя қилиб бердим. Саргузаштимнинг охири ёнимдаги танга-чақа аралаш олти танга бир мири пулни жарақлатиб қўйиш билан тамом бўлди.

У ҳам бошидан ўтганларини сўзлаб кетди:

Ўлик ювдирган кўчманчиларнинг қўлидан аранг қочиб қутулибди. “Улардан битта-яримтасига учраб қолиб, тагин бир балога йўлиқмай”, деган хаёл билан қишлоқма-қишлоқ гадоёлик қилиб юриб, адашиб-улоқиб ўн етти кун деганда Чимкентга етиб борибди. Чимкентга бир амакисини қора тортиб борган экан. Лекин бу бечоранинг толеига амакиси ҳам аллақачонлар ўлиб кетган экан. Шу билан дард қолиб, чор-ночор тошкентлик қўйчи бойлардан биттасига бир йилга икки тўқли-ю, бир эчкига чўпонликка ёлланибди. “Худо бериб, ҳар қайсиси иккитадан эгиз туғиб берса, зора хўжайинимдек катта қўйчи бой бўлиб кетсам”, деб мўлжал қилибди. Ҳозир шу бойнинг қўйларини ҳайдашиб Тошкент бозорига келтирмоқда эканлар. Бугун Саригочнинг бозорида, “нархи келса сотамиз”, деган умид билан қўйларни бозорга солиб турган эканлар.

Омоннинг бу топган хизмати менга жуда маъқул тушди. Омоннинг толеига кунлаша бошладим.

— Жон ўртоқ, хўжайинингга айтиб, мени ҳам бир амаллаб, қўйчивонликка олдирсанг-чи, астойдил холис хизмат қилиб берар эдим, — деб Омонга ялиндим. У ҳам маъқул кўриб:

— Кўктеракка борганда хўжайинимга айтиб кўраман, — деди.

Кечгача Омоннинг қўйларини қайтаришиб юрдим. Саригочда бу бозор эчкининг сўрови чаққон экан. Ҳамма эчкилар сотилиб кетди-ю, лекин қўйлардан кўпи — етмиш учта қўй бозордан қайтди. Кечга яқин хўжайин ўзининг йўрғасига минди-да:

— Ўртоғинг яхши бола кўринади, унчалик кўп ҳам қўй қолгани йўқ. Омон ука, ўртоғинг билан икковинг кечалаб қўйларни ҳайдашиб, эрталаб Кўктеракнинг бозорига етказиб бора қолларинг. Мен олдинроқ бориб турай, — деб отига қамчи бериб жўнаб кетди.

Биз қўйларни бир саройга қамаб, овқатланган бўлдик. Бир оз ёнбошлаб дам олдик.

Ярим кечада ой кўтарилгандан кейин, олдинма-кетин хуштак чалишиб, “қурей-қурей”лашиб, Кўктеракка қараб кета бошладик.

Куй деган ҳаром ўлгур жуда аҳмоқ, асов ҳайвон бўлар экан. Уни эчки эплаб юрар эди. Эчки бўлмагандан кейин боши оққан ёққа санқиб кета берар экан. Эчки бўлмаганида, эшакка миниб, олдинга тушиб маъраб бориш керак бўлади. Бизда на эчки бор, на эшак бор. Мен янги, ҳаваскор чўпон бўлганим учун маърашни унча ўринлата олмас эдим.

Кетиб борамиз. Ойдин кеча, салқин ҳаволи қир.

Аҳён-аҳён қўйлар маъраб қўяди. Бир ёнбошимизда темир йўл ёқасидаги телеграф симлари ғувуллаб туради. Жуда гашт-ли умр, авжини баланд қилиб, ашулани қўйиб юбордим.

— Айт, ука, — деди Омон. — Анча вақтдан буён шунақа бир роҳат, таниш овоз эшитганим йўқ, — деди.

Унга сари мен завқланиб кетганман, авжига авж қўшиб бораман, осмоннинг четларини титратиб юборгим келади. Темир йўлни ёқалаган узун йўлда қўйлар жуда тихирлик билан илгариламоқда. Эчкининг қадри гоят ўтмоқда.

Қандайдир кичкина қишлоққа ҳам яқинлашиб қолдик. Унинг пастак-пастак паҳса деворлари кўриниб қолди. Темир йўлга туташиб кетган қишлоқ кўчасида қўйларни ғуж қилиб ҳайдаб кетмоқдамиз. Омон темир йўлни кўрсатиб:

— Поездда юрган одамлар хўпам мазза қилади-да, — деб қўяди. — Поездга тушиб узоқ жойларга кетсанг, — дейди.

— Шуни айт-а, оғайни, — дейман. — Қани энди одоқ бўлмас пулинг бўлса-ю, юраверсанг. Қовунчига борсанг, Туркистонга борсанг, Чинозга борсанг, Маскопга борсанг, ҳеч ким чурқ этмаса, кета берсанг, яна кета берсанг, мазза... — дейман.

Поездни таъриф-тавсифлаб келамиз.

— Рост, қани энди, — дейди Омон.

Шу пайт узоқда икки олов кўзлари ёниб, поезд кўриниб қолди. Ҳар икковимиз ҳам қувонишиб кетдик. “Маза қилиб томоша қиладиган бўлдик”, деб ўйладик. Поезд яқинлашиб келар эди. Омон мумкин қадар қўйларни темир йўлга яқинлаштирамасликка уринар ва кўчанинг девор томонига сиқиштириб олиб борар эди. Шунда поезд етиб келиб қолди. Узундан-узоқ қизил вагонларни тиркаган, бир эмас, иккита катта паровоз юк состави экан. Паровозлар нимагадир ишорат қилгандек, жонининг борица навбатма-навбат уч мартадан олти марта қичқириб юборди.

Шу пайтда бораётган қўйларимиз худди бўри теккандай ҳуркиб, тумтарақай бўлиб кетди. Мен ҳам қўйлар қатори бу

баҳайбат овоздан юрагим ёрилгудай бўлиб қурқиб кетган эдим. Поезд даҳшат билан илгарилар эди. Ана, энг кейинги вагон ҳам ўтди. Унинг орқасида бир тоқа шайтон кўздай қизил чироғи ҳам кўриниб қолди. Қўйларнинг бу ёппа ҳаракатидан қишлоқ кўчасининг чанги хумдон тутунидай осмонга кўгарилиб кетган эди. Чангдан ҳеч нима илғаб бўлмас эди. Чанг орасида битта-яримта кўксов қўйларнинг йўлгалгани эшитилар эди. Чанг орасидан Омоннинг йиғламсираб:

– Қур-ей, эй ҳаром ўлгурлар, қур-ей, – деган мунгли овозини эшитдим.

– Омон, қаердасан? – дедим.

Омон менга жавоб бермасдан ўзининг “қурейи...” билан овора эди. Орадан ўн-ўн беш минут ўтгандан кейин, чанг босилиб, битта-яримта нарсанинг қораси кўринадиган бўлди.

– Қўйлар қани? – деди Омон.

– Қўйлар қани? – деб сўрадим мен.

Бир бурчакда пахса ёнига қисилиб “ҳайт” деса резинка коптокдек сапчиб кетишга ҳозирланиб турган беш-олтита чўлоқ бўғоз қўйлардан бошқа саломат қолган қўйлардан ном-нишон йўқ эди. Поезд овозидан ҳурккан, ҳаром ўлгур асов қўйлар жон талвасасида паст-баланд пахса деворлардан такадай сакраб тарқалиб кетган эди. Омон белидан қўшоқ арқонини ечди. Қолган қўйларни қўшоқладик-да, навбатма-навбат пахса ошиб қўй қидира бошладик. Бу ишимиз худди қоронғи кечада қора палос устидан қора чумолининг қора кўзини қидиришдай қийин кўчган эди. Уч соатга яқин қўй қидирдик. Бештасини у қўрғондан, учтасини бу чолдевордан, экин ораларидан топиб, ит азобида судраб келиб қўшоққа тиркардик.

Охири кучдан қолдик. Тўплаган қўйларни бир чеккадан санаб чиқдик. Асл дастмоёга ҳали еттита етмас эди. Омон менга қаради, мен унга қарадим. Унинг кўзлари чангдан пахса деворга мунчоқ қадагандай йилтирар эди.

– Энди нима қиламиз? – деди Омон.

Мен йиғлаб юбордим.

– Еттита қўйга иккаламиз икки йил хизмат қилсак ҳам қутула олмаймиз-ку!

– Юр, тағин қидирамиз.

Яна қидириш кетди...

Кун ёришиб қолган эди. Темир йўлнинг бир чеккасидан онда-сонда сочилиб қолган қўй қумалоғини кўриб, шу ор-

қали ис қидириб юра бошладик. Темир йўл этагидаги сойдан яна икки қўйни топдик. Уни ҳам олиб келиб қўшоққа тиркадик. Қолган беш қўйни қидириш қудуққа тушган нозик мунчоқни қидириш билан барабар эди. Умидимиз узилди. Саломат топилган қўйларни жуда эҳтиётлик билан ҳайдаб йўлга тушдик. Нима учундур бир қўй тўдадан орқага силганиб қолиб, қалта-қалта йўтал аралаш маъраб, кўзларини жавдиратар эди. Тўдага етказиш учун қилинган ҳаракат унинг қулоғига кирмас эди. Чатаноғини кериб ерга ўтирмақчидай бўлар эди. Рўпарадан бир отлик қозоқ чиқиб қолди.

— Ҳой, жигиттар, ўси совлуқ туватун кўринади, кўп қис-таб айдаманглар! — деб ўтиб кетди.

Дарҳақиқат, синчиклаб қарасак, боя поезд даҳшатидан қўй бечора бевақт қочган ҳаромзода боласини чала ташлаш учун кучанар эди. Қўйларни четга буриб, Омон икковимиз доялик қилиб кетдик. Қўй бечоранинг кўзлари айланиб, инграб, ўқтин-ўқтин кучанарди. Қўйнинг азобланишига раҳми келган Омон ҳам қўй билан қўшилишиб кучанар эди.

Бирмунча катта-кичик тўлғоқлардан кейин қўй бечорани кўзи ёриди. Она қўй, бола муҳаббати билан, биздан қизгана-қизгана кўзичоқни бошдан-оёқ ялаб чиқди.

Тезроқ бозорга бориш керак бўлганлигидан бундан ортиқ оила муҳаббатига ижозат йўқ эди. Белбоғимни ечиб, кўзичоқни йўрғаклаб, кўтариб олдим. Туққан қўй янги бўшанганлигига қарамасдан бола иштиёқда менинг орқамдан жуда эпчиллик билан эргашар эди. Баъзан кўзичоқдан кўзи олиниб янглишиб қолса, кўзи ўрнига ўзим маъраб қўяр эдим. Чала туғилган кўзичоқ ҳали маърашни билмас эди.

Қўй туққандан кейин, бизга қадрини ўтказиб келаётган эчкининг ҳам кераги бўлмай қолди. Қўй бир-бирининг кетидан эргашадиган жонивор. Туққан қўйнинг кетидан бошқа қўйлар ҳам бизни қийнамасдан эргаша бошлади. Кечадан бери Омон “эчкисиз қандай ўтамиз”, деб ташвиш тортиб келаётган Калас сувига ҳам келиб етдик. Омон-эсон сувдан ўтиб олсак, нариги ёғи ҳеч гап эмас. Кўктеракка сал қолади-ку!

— Ҳўш, қандай қилиб ўтамиз?

Биринчи ўтишга калласини кесса ҳам ҳеч қайси қўй кўнмайди. Она муҳаббатидан фойдаланишга тўғри келди. Омон қўлимдан кўзичоқни олди-да, яланғоч бўлиб сувга тушди. Бош тарафини қўйлар турган томонга кўрсатиб, маъраб, се-

кин-секин кечиб ўта бошлади. Она қўй бир нафас сув қирғоғида олазарак бўлиб, қўрқиб турган бўлса ҳам. лекин бола муҳаббати қўймади. Ўзини сувга иргитди. Омон кўтарган кўзичоққа эргашиб, сузиб ўта бошлади. Буни кўрган бошқа қўйлар ҳам бирин-кетин ўзларини сувга ташлай бошладилар, мен юраги дов бермаган кўрқоқ қўйларнинг орқасидан итариб сувга туширар эдим. Қўйлар худди сугга тушган сичқондай бошларини кўтариб сузар эдилар. Сув оқими билан баъзан уларни анчагина пастга қараб оқизиб борар эди. Қанчалик кўрқиш ва ташвиш бўлишига қарамасдан, бу гал бизга толе кулиб қаради-ю, омон-эсон сувдан ўтиб олдик.

Кун тиф уриб қолган эди. Ўрталиқ аллақачон ёришган. Бир томондан Кўктерақнинг қораси кўринар эди. Қўйлар чарчаган, очиқиб, қорни ич-ичига қапишиб кетган, биз ҳам ундан зиёда азобланган эдик. Шу аҳволда қўйларни бозорга киргизиб бўлмас эди. Озгина бўлса ҳам ёйиб, сал қорнини чиқариб, харидоргир қилиб бозорга етказиш керак эди. Ҳар икковимиз маслаҳатлашиб, қўйларни ўша ердаги чимзорликка ёйдик. Ўзимиз ҳам андак-андак тақия қилиб олмоқчи бўлдик. Тўнларни ёнбошга солиб, маза қилиб ўтлаётган қўйларни кузатиб ётдик. Лекин ҳар икковимиз, “йўқолган қўйлар учун нима жавоб берамиз”, деган хаёлни суриб ётар эдик. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, жуда қаттиқ ҳақорат овозидан уйғониб кетдим. Тепамизда саман отга минган, мошкичири соқолли, бурни худди пахтали тўнга қадалган тугмадай ичига ботиб кетган пучуқ бир киши қамчи ўйнатаб сиёсат қилар эди. Пайдар-пай Омон бечоранинг елкасига бешолти қамчи келиб тушди. Кўзимизни очиб қарасак, аллақачон қўйлар очилиб турган пахталарни оралаб кетган экан. Бизни ҳақорат қилиб савалаётган киши шу ерларнинг эгаси — машҳур Азим пучуқ деган бой экан. У от билан пахталарни кўриб юриб, шу фалокатнинг устидан чиқиб қолибди.

Омон икковимиз қўйларни қайтаришга югурдик. Қўйлар анчагина жойнинг пахтасини пайҳонлаган экан. Қайтариб олиб чиқдик. Шу пайтда бой корандаларини чақириб, қўйларни кўрғонга ҳайдашга буюрди. Биз узангига ёпишиб, ялиниб-ёлвора бошладик:

— Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, бой ота, бизлар бир ғариб-етим болалармиз, сизнинг давлатингизда, дуойи жонингизни қилиб, нон топиб юрайлик!

Бой бизнинг ялиниб-ёлворишларимизга қарамай, ҳеч аямасдан ҳақорат қилар эди. Омоннинг қўлтигида қўзичоқ, биз ҳам қўйларнинг кетидан эргашиб борамиз. Қўрғонга яқинлашганда Омон етиб бориб:

— Ахир, бой ота, бугун бозор куни, бизни бозордан қўйманг, хўжайинимиз ўзингизга таниш бўлса керак, бозорга етиб бормасак, худди бизнинг теримизга сомон тикади, — деб ялина бошлади.

— Хўжайининг ким? — деди бой.

— Хўжайинимиз — бешёгочлик Қорахўжабой бўладилар, — деди Омон. Бой бир оз бўшашгандай бўлди.

— Ундай бўлса, яхши, мен хўжайинларинг билан гапиришаман, сенлар ҳали бировнинг қўйига шундай бепарво қарайсанларми? Сен аблаҳларни яхшилаб адабларингни бериш керак. Бир мўминнинг не-не машаққатлар билан топган моли сендай бадбахтларнинг қўлида шундай талон-торож бўлиб юрибдими, ўзим ҳам бугун бозор тушаман, саломат бўлсам Қорахўжани кўриб, сенларни яхшилаб танбеҳингни бердириб қўяман. Ҳайда, қўйларингни тезроқ бозорга етказ! Кун чошка бўлиб кетди-ю, қўйларни бозордан қолдириб, сенлар салқинда ухлаб ётибсан, итдан туққанлар!

Худога минг қатла шукрлар қилиб, секингина қўйларни ҳайдаб бозорга кетдик.

Биз бозорга яқинлашганимизда хўжайин чиқиб қарши олди. Кечга қолганимиз учун яхшигина сўкиш эшитдик. Қўйни қистов билан ҳайдаб бозорга етказдик. Бой кўшоқлашга буюрди. Ҳар икковимизнинг юрагимиз дард теккан терак япроғидай қалтираб турибди. Тўртинчи ўнни кўшоқлаганимизда қўйларнинг атрофини харидорлар ўраб қолди. Бугун Кўктерақ бозорида қўйнинг бозори чаққон экан. Қолган қўйларни кўшоқласак, саноғи маълум бўлиб қолар эди. Нима қилиш керак? Қўйни кўшоқлаб туриб Омоннинг биқинига бир туртиб қўйдим:

— Нима қиламиз, Омон?

— Дамингни чиқарма, бойнинг кўзини шамғалат қилиб қочамиз.

Хўжайин харидорлар билан қўл силташиб қўй сотиш билан овора эди. Чегга қочган бир қўйни тутиб келиш баҳонаси билан Омон ўзини тўдага урди. Мен ҳам бойнинг кўзини четга қоқиб, Омоннинг кетидан югуриб қолдим. Бозор-ўчар

деган жойда ўзингни тўдага урдинг, қутулдинг кетдинг-да!
Кисавурлар ҳам тўдага уриб, қутулиб кетади-ку!

Омон бозорнинг бир чеккасига чиқиб, телпак билан чакмонни ечиб қўлтиққа урди. Бирпасда бозорнинг чеккасига чиқиб ит қувлаган соқовдай нафасимиз оғзимизга тиқилган, орқамизга қараб-қараб кета бошладик. “Ҳайт-ҳуйт” дегунча ўзимизни шаҳарга кетадиган катта йўл устида кўрдик. Катта йўлдан кетиш бизлар учун бир оз хавfli бўлганидан торбоғ кўчалар, сўқмоқ йўллар билан девор оша қочар эдик. Энди ўзимизни хўжайин таъқибидан қутқаздик, деган мўлжалга келиб бир бузук кўрғончада дам олиб ётдик. Қорин оч эди. Яқин ўртадаги боғ гузарларига чиқиб нон-пон олиб келишга ҳар иккимизда ҳам юрак йўқ эди. Билмадим, бир соат ётдикми, кўпроқ ётдикми, ҳикоя бошида айтгандай, “бўш қоп тик турмас”, саркаш иштаҳа, бедаво қорин ўз хукмини юргизар эди. Ўриндан туриб қут-лоямут қидиришга мажбур эдик. Ўрнимиздан турдик. Бир-икки марта керишиб ҳам олдик. Бешта қўйни йўқотганимиз, хўжайиндан қочоқ бўлишимизга қарамасдан, Омонни-ку, билмайман, менинг жуда руҳим енгил эди. Ўзимни ҳар қандай банд-бўғовдан озоддай ҳис қилар эдим. Омон уйқудан чап ёнбоши билан турди. Қовоғининг пешайвони тушиб кетган, тўғри гапга ҳам терсайиб жавоб берар, мечкай касалга учраган болалардай инжиқ эди. Гап орасида мени жеркиб ташлар эди.

— Сенинг касрингга қолиб шунақа бўлди. Бўлмаса туппа-тузук ишим юришиб кетган эди. Бу замонда бировга битта бузоқни ким беради. Икки тўқлию бир эчкидан ажрадим. Сен ўзинг наҳс босган йигит экансан, — деяр эди.

Мен ҳам хуноб бўлар эдим:

— Сенинг совуқ дийдорингни кўришга унча ҳам зор эмас эдим. Мен бўлмасам, қўйингнинг ярми йўқолар эди. Кўрғонма-кўрғон, деворма-девор ошиб, қидиришиб берган, қўйингни туғдиришга доялик қилган ким, хизматга туҳмат экан-да, оғайни, — дер эдим.

Хайр, бу аччиқ-тизиқлар ҳам узоққа чўзилмади. Яна юриб кетдик. Лекин Омоннинг баъзи ҳаракатларидан унинг менга жиддий кек сақлагаплиги сезилиб турар эди. Кун оғиб, пешин бўлди. Уват ёқалаб йўлга чиқиб олишни мўлжаллар эканмиз, бир пайкалда уч-тўртта одам уймалашиб юрган экан.

— Ҳорманглар-ов!

Ёнларига бордик. Йўл сўрамоқчи бўлдик. Бу кишилар сабзи кавлаб, қопламоқда эдилар. Улардан Қорасаройнинг йўлини сўрадик. Улар бизнинг уст-бош, ғариб вазиятимизни кўрдилар. Ораларидан бир мўйсафид киши:

— Болаларим, бозор-ўчаринг бўлмагандан кейин шаҳарда пишириб қўйибдими, бизга кўмаклашинглар, сабзи кавлашинглар, бир-икки кун ишлаб бирор қоп сабзи қилиб кетсаларинг чойчақа бўлади, — деди.

Бизнинг кўзимизга чол худди каромати бордай кўринди. “Ёпирай, бу чол бизнинг санқиб юрган дарбадарлигимизни қаердан билдийкин?” деб ўйладик. Омон:

— Шаҳарда ҳам унча ишимиз йўқ. Шунчаки иш-пиш қидириб келаётибмиз-да, — деди.

— Эй болаларим-эй, ишни қидириб юрмайдилар, иш деганнинг ўзи оёқнинг тагидан ўрмалаб чиқади. Бу ердаги чўпни бу ерга олиб қўйсанг ҳам иш-да, келинлар, сабзи кавлашинглар, иншоолло, сизларга ҳам бўлади, бизга ҳам бўлади, — деди чол.

Бу гап икковимизга ҳам маъқул тушди. Тўн-телпакни пуштага қўйиб, сабзи кавлашга тушиб кетдик. Сабзиси қурғур жуда ҳам битган экан, энг кичкинаси қайроқтошдай. Бир оз кавлагандан кейин битга-иккитадан сабзини этакка артиб, тозалаб, карсиллатиб, маза қилиб еб олдик. Қорин очлигиданми, билмадим, жуда мазали татиб кетди. Беш-олти кетмон уриб, бир сабзини чўтал қилиб турар эдик. Шу хилда қилиб сабзи кавлаб, деҳқоннинг қопларидан бир нечтасини тикладик. Шу қаторда ўзимизнинг “қоп”ларимиз ҳам хийла тикланди.

Кечга яқин отга миниб хўжайин келиб қолди. Хўжайиннинг қорасини кўргандан кейин биз яна ғайратга миғиб кетдик. Хўжайин келиб “ҳорма, бор бўл” қилишгандан кейин, ишбоши чолдан бизнинг ким эканлигимизни сўради. Чол бизни таъриф-тавсифлаб кетди:

— Бу барака топгурларни бизга худо етказди. Йўл кетиб турган, жуда ҳам қобил йигитлар экан. Бир оғиз гапимни сийлаб, иккови ҳам пешиндан буён талай сабзи кавлаб ташлади.

Бой бизга меҳрибончилик билан қаради:

— Ундай бўлса, бу йигитларни кўрғонга олиб боринглар, овқат қилишсин. Бундай ҳалол йигитларга ҳар ким ҳам нон бераверади, — деди.

Бой кетгандан кейин яна бир нафас ишладик. Сабзиларни аравага юклаб, кўрғонга кетдик. Омоннинг ранги сал бўзариброқ турибди, ора-чора қорнини силаб кўяр эди.

Кечки овқатга хўжайинникида мошхўрда қилинган экан. Бойнинг ҳиммати тутиб кетиб, мошхўрдани беўлчов тоғорада олиб чиқиб ўртага қўйди. Омон билан менинг қўлимга узун дастали, баракалигина, нўғой қошиққа қараганда икки баравар “юк” кўтарадиган, қўлбола ёғоч қошиқ тўғри келиб қолибди. Мошхўрда биз учун жуда ҳам тансиқ эди. Бошқаларга гал бермасдан ҳаш-паш дегунча тоғорани бўшатдик. Биз билан сабзи кавлаганлар ҳашарчи қўни-қушнилари экан. Улар овқатдан кейин фотиҳа ўқишиб, ўз уйларига тарқалишиб кетдилар. Биз бойникида қўнадиган бўлдик. Оғилхонага кирадиган йўлак ёнидаги гулом гардишдан ётишга жой кўрсатди. Биз ётадиган жойда битта эски арқон каравот турар эди. Кўп вақтдан бери каравотда ётишни орзу қилиб юрган Омон тагига бир пўстак солиб, чакмонини устига ёпиб, каравотга чўзилди. Менинг ёшим ундан кичикроқ бўлгани учун ерда ётдим. Лекин Омоннинг каравот ғижирлатиши менга уйқу бермас эди. Дам ўтмай ўрнидан туриб, инграб, ташқарига чопиб чиқиб келар эди. Чамаси, овқатлар ичида “хушҳазм” бўлган мушак сабзи хунарини кўрсатмоқда эди. Мен бўлсам, эшик санаб юриб, ҳар хил хашаки овқатларга ўрганиб қолганим учун мошхўрда менинг қорнимда ўз уйида ётгандай тинч, роҳатда эди. Омон тонг отгунча шу хилда югур-югур билан гингшиб чиқди.

Эрта билан вақтли, ҳовуздан юз-қўлимизни ювиб, хўжайиннинг хизматига ҳозир бўлиб турдик. Лекин Омон бечоранинг анча ранги олинган эди.

Хўжайин бир кумғонда жийда пўстлоқ солинган чой дамлаб, иккита нон билан олиб чиқди. Чой ўртасида хўжайин бизни гапга солди:

– Хўш, йигитлар, энди нима қилмоқчи бўласизлар? Мана шу кўрғончада сизлардан бошқа яна бир-иккита хизматкорларим бор, улар кеча қирга сомонга кетишган эди. Агар қоламан, десаларинг, олди қиш, овқат-озикларинг бемалол, қишда унчалик иш ҳам бўлмайди, мол-ҳолга қараб, мана шу ерда гулхан ёқиб, маза қилиб ётасизлар, кийим-бошларингни чақмоқдай қилиб кўяман. Борингки, ҳафтада чойчақангизни ҳам бериб турай, илло бошқа пул важдан узр...

– Хўп, хўжайин, ўйлашиб кўрамиз, – деди Омон. Хўжайин ичкарига кириб кетгандан кейин Омон икковимиз маслаҳатлашдик. Дарвоқе, хўжайиннинг айтгани тўғри, олди

қиш, борадиган, ётадиган маконимиз йўқ. Бундан кўра ду-
руст жойнинг топилиши ҳам гумон. Мендаги олти танга бир
мири билан қиш чиқариш қийин.

Шу ерда қолишга рози бўлдик.

— Булмаса, — деди хўжайин, — чўзилиб чой ичишиб ўтир-
манглар, укалар. Биттанг бу ерда қол, биттанг, отамерос,
бошинг тошдан бўлгур сигирим бор, шуни олиб чиқиб, экин-
дан бўшаган ернинг уватларида етаклаб юриб боқиб келасан,
бу ерда қолганинг битта-ярымта меҳмон-излом келса, чой-
пойга қараб турасан, — деди.

Омон уйда қолишни ёқтириб қолди. Чунки самоварнинг
жағиллаганига қулоқ солиб, меҳмонларнинг гапини тинглаб
ўтиришни яхши кўрар эди. Ундан ташқари, бугун кечаси
бечора беш-олги марта “қатнаганидан” далага чиқиб, сигир
ўтлатиб юриш унга хийла жабр бўлар эди.

Шундай қилиб, сигирни мен боқадиган бўлдим. У уйда
қоладиган бўлди. Хўжайин оғилхонадаги ола сигирни кўрса-
тиб, олиб чиқишни буюрди. Сигир жонивор оғилхонадан
олиб чиқишда жуда ювош кўринди. Етаклаб олиб кетдим.
Сигир орқамдан эргашиб келарди. Бир оз йўл юриб, тўқайга
яқинлашганда сигирнинг қадами сустлашиб қолди. Орқага
тортилди. Жонивор чарчаб қолди шекилли, деб ўйлаб, орқа-
сига қўлимдаги хипчин билан бир урарманми, сигир ўзини
ерга кўтариб урди. Кўзлари олайиб кетган, оғзидан кўпик
чиқариб дағ-дағ титраб, оёқларини силкитар эди. Жуда ҳам
кайфим учиб кетган, нима қилишимни билмасдан сигир-
нинг атрофида парвона бўлиб айланар эдим. Ёрдамга чақи-
рай десам, ҳеч ким йўқ...

Шу аҳволда типирчилаб ётган, теринг сангопта чиригур
сигир бирдан ирғиб ўрнидан туриб, думини хода қилиб бир
қочиб берди. Қани энди бу ҳаром ўлгур ўзига етказса. Хўжа-
йиннинг отамерос, қадрдон сигири бўлгани учун кўздан
йўқолмасин деб, мен ҳам оёқ-поёқларимга тикан-чўкиртак
кирганига қарамасдан, жонимнинг борича уни қувлар эдим.
Гўштинг олақарғага хомталаш бўлгур, мен етиб боргунимча
ўт чимдиб туради, етиб борганимдан кейин, менга бир қараб
кўяди-да, худди сағрисига бўка тушгандак яна ўйноқлаб қоча-
ди. Кечгача шу зайлда сигир қувлаб умрим ўтди. Кун бўйи
унинг бошбоғини қўлга киргиза олмадим. Ит қувлаган тул-
кадай ҳолдан тойган эдим. Кун ботишга оққанда бугун ку-

чимни оёғимга тўплаб, астойдил чопиб бошбоғини қўлга киргиздим. Минг силташига қарамасдан маҳкам ушлаб судрай бошладим. Минг машаққатлар билан кўргонга етказиб оғилхонага боғладим.

Рангим ўчиб кетган бир ҳолатда Омоннинг ёнига келдим, Омон ўзининг муҳаббат қўйган арқон каравотида ёнбошлаб ётар эди. Ҳол-аҳвол сўрадим:

- Ҳа, ишинг қалай, Омон оғайни?
- Э, сўрама, ўртоқ, — деди, — бўкиб қолдим.
- Ие, нимага бўкасан?

— Сен кетганингдан кейин хўжайиннинг бир-икки кур ошналари меҳмон бўлиб келишди, уйда десанг, янгаларим тушмагур жуда ҳам пазанда экан, минг турли ноз-неъматларни пишириб чиқариб турибди, ҳали манти, ҳали тандир кабоб, ҳали лағмон, ҳали ҳолвайтар дейсанми, ишқилиб ноз-неъматларнинг ичига кўмилиб кетдим. Битта-битта чўқилаб, қорним ёрилгундай бўлиб кетди. Кечаги сабзихўрликнинг бугун ҳиссаси чиқди. Ундан кейин меҳмонлар тарқалишди. Хўжайиннинг уч-тўртта кўшни деҳқонлардан олеси бор экан, менга чўтни қўлтиқлатиб олдилар, орқаларидан эргашиб юрдим. У қарздор деҳқонникига борамиз, бу қарздор деҳқонникига борамиз. Ҳаммаси ҳам: “Қани, бу ёққа, бу ёққа”, деб таклиф қилишади. Чўт кўтарганимни кўриб, “бойнинг мирзаси”, деб бечоралар мени ҳам сийлашади. Палов дейсанми, шўрва дейсанми, кўй-чи, оғайни, мени гапга солма, жуда оғир бир аҳволда бўлиб, бўкиб ётибман, овқат босди, овқат!

Бу ноз-неъматларнинг кўпини мен фақат отинигина эшитган эдим. Жуда ҳам Омоннинг бахтидан кунлашар эдим. Энди қандай бўлса ҳам Омонни лақиллатиш керак эди. Чунки, эртага эганг ўлгур, тутқалоқлик сигирни у ўтлатгани олиб борса, чўт қўлтиқлаб меҳмондорчиликда юрсам, деган фикр бошимдан кетмас эди.

- Хўш, сенинг ишинг қандай? — деб сўради Омон.

— Э, меники ҳам, кўявер, тозиям маза қилдим-да, бу жонивор сигир шундай ёввош, шундай бир барака топгур эканки, етаклаб олиб юриб, бир уватга кўяман, худди қозиққа боғлаб қўйгандай ўша ердан бир қарич қимирламасдан ўглайди, ўтлаб турган жойида ўт соб бўлиб қолса, “нарёққа ўтсам мумкинми”, дегандай қилиб менга секин қия қараб кўяди.

“Ҳа, жониворгина”, деб етаклаб нарироққа жилдириб қўяман. Шундай қилиб, қарасам, сигир эмас, жоннинг роҳати экан, кейин бир серўтроқ уватга етаклаб олиб бориб қўйдим-да, ариқ бўйидаги толнинг салқинида маза қилиб уйқуни урдим. Икки-уч кундан буён бўлган ҳамма ҳордиқларим чиқиб кетди. Яхши ҳам бу ерда қолмаганим, меҳмонларга хизмат қилавериш, тоза ҳам чарчаган бўлар эканман.

Омон ҳам менинг галимга “пук” учган бўлса керак, икки галнинг бирида “ҳаҳа-ҳаҳа” деб қўяр эди.

Кечқурунги овқатга хўжайинниқидан айрон-атала чиқди. Овқатнинг сал “хашаки” роқлигидан таажжубланиб Омонга қарадим, Омон фаҳмлади шекилли:

— Бу овқат, лекин менга тўғри келади, — деди. — Бу кунги еган овқатларимнинг ҳаммаси ҳам зўр, иссиқ мижоз овқатлар эди, энди шуни ичиб олсам, бас, шу билан ичимда қалашиб қолган ҳалиги овқатларни ҳамм қилиб юбораман, — деб ича бошлади.

Мен ҳам:

— Хайр, бизнинг насибамиз ҳам шу экан, қуни бўйи ухлагандан кейин зўр овқатни ҳам кўтармайди, — дедим-да, ичавердим.

Эрта билан уйқудан туриб хизматга қоим турганимизда, хўжайин яна кечагидай икки нон, бир чойдиш жийда пўстлоқ чой кўтариб чиқди.

— Хўш, йигитлар, — деди у, — бугун нима қиламиз? Ким нима иш қилади?

— Хўжайин, бир маслаҳати бўлар, — деди Омон.

Хўжайин ичкарига кириб кетгандан кейин Омон:

— Инсоф ҳам керак, — деди, — бугун сен зиёфатда қол. Мен сигир боқишга бора қолай, лекин сенга айтиб қўядиган бир насиҳатим бор, ука. Хўжайин ҳали меҳмондорчиликка бориш олдидан яримта нонга сузма суртиб чиқариб беради. Сен уни ема. Бунинг маъноси шуки: “Агар меҳмонга олиб боришда тўйдириб олиб бормасам, суқлик қилиб, мени уялтириб қўяди, не қилса тагипаст, баднафс очкўз-да”, дегани бўлади. Сен хўжайинга раҳмат дегину сузма нонни емагин, — деди.

Мен ҳам унга сигир боқиш тўғрисида баъзи маслаҳатларни бердим.

— Омон, — дедим, — менинг фикримча, арқон каравоннинг ола кет. Кеча захда ётавериш, менинг белим оғриб

қопти. Ҳозир куз тушиб қолган вақт, айниқса, тўқай ер, захкаш, сигирни ўтлатиб қўясан-да, ўзинг каравотни бир салқин жойга қўйиб, маза қилиб ухлайверасан.

Менинг маслаҳатимга Омон, Омоннинг маслаҳатига мен унадим. Омон бориб оғилхонадан сигирни ечди. Фулом гардишдан арқон каравотни орқалаб олиб чиқиб кетди. Бир нафасдан кейин ичкаридан хўжайин чиқди.

— Омонбой қани?

— Хўжайин, бугун сигирни у боққани олиб кетди.

— Яхши, яхши, — деди хўжайин, — чойни маза қилиб ичиб олдингизми, қани бўлмаса туринг!

Ўрнимдан турдим, қўлимга кетмон билан болта-тешани берди. Қўрғоннинг орқасига олиб чиқиб, тепаси ер баравар кесилган иккита терак тўнкасини кўрсатиб:

— Қани, бир ғайрат қилиб, мана шу тўнкаларни кавлаб чиқариб беринг, қишда ўзларингиз маза қилиб гулхан қиласизлар. Кеча Омонбой барака топкур ҳам тоза ғайрат кўрсатди-да, бундан ҳам катта икки тўнкани кавлаб чиқарди. Ҳалол йигит экансизлар, барака топкурлар, — деди.

Мен дилимда: “Меҳмонлар келгунча биттасини кавлар эканман-да”, деб ўйладим. Тамом ғайрат билан ишга тушиб кетдим. Кун қиёмдан оққанда қўлида яримта ноннинг юзига сузма суртиб хўжайин чиқиб қолди.

— Ҳа, баракалла, азамат, баракалла! Қани, мана буни бир маза қилиб еб олинг.

“Бугун хўжайинникига меҳмонлар келишмайдиганга ўхшайди. Энди чўт қўлтиқлаб қарз қистагани борар эканмиз-да”, деб ўйладим.

— Йўқ, хўжайин, қорин тўқ. Ҳеч нима егим келмай турибди, — деб сузма суртилган нонни олмадим.

Хўжайин кўп қистаб ҳам ўтирмади:

— Майлинг бўлмаса, сизлар ҳали ёш, ичларингизда мой қайнайдингиз йигитларсиз, — деб нонни қайтариб қўрғонга олиб кириб кетди.

“Ё қарз қисташга борамиз, ё меҳмондорчиликка борамиз”, деб умидвор эдим. Ҳали кутаман-ҳали кутаман, ҳеч гапнинг дарағи йўқ. Меҳмондорчиликка боришнинг ширин хаёлида очлигимга ҳам қарамасдан биринчи тўнкани кавлаб чиқариб, иккинчисининг ҳам бир тарафини очиб қўйдим.

Тўнқалар жуда ҳам чатоқ, серилдиз экан. “Энди бўлди”, деганингизда тагидан яна битта йўғон илдиз чиқиб қолади.

Кун ботишга яқин иккинчи тўнкани ҳам қулатдим. Жуда тинкадан толган эдим: “Уҳ”, деб бориб, ўрнимга чўзилдим. Шу пайтда Омон ҳам келиб қолди. Елкасида каравот, ранги бўздай оқариб кетган, сигирни маҳкам ушлаган, “ҳорма-бор бўл” ҳам қилмасдан каравотни ерга қўйиб, сигирни олиб бориб оғилхонага боғлади.

Ҳар икковимиз бир-биримизни алдаганимиз учун андиша қилар эдик. Омон мени эски кеки юзасидан алдаган экан, мен уни шунчалик қизиқчилик қилиб алдаган эдим. Чамаси, девона сигир кечаги менга қилган “хунари”ни икки баравар ошириб Омонга ҳам кўрсатибди. Каравотни қўйиб сигирга қарай деса, биров ўғирлаб кетиши мумкин, сигирни қўйиб каравотга қарай деса, сигир бир зумда кўздан йўқолади. Хуллас, бечора Омон каравотни орқалаб олиб, кун бўйи сигир қувлабди. Елкалари шилиниб кетибди. Оёқларига тиканлар қадалиб тўлибди.

У менга гапирмас эди. Мен бийронлик қилиб, уни юпатдим:

— Шукр қил, оғайни, яхши ҳам каравотинг темир каравот эмас экан.

Бир нафас терсайишиб ўтирдик.

— Кўздак оғайнимиз, Омон! — дедим. — Бундай бир-биримизни алдаб юришимиз яхши эмас. Кел, ҳали ҳам кекни ташлайлик. “Маслаҳатли тўн тор келмас”, деганлар. Бир иш бўлса маслаҳат билан қилайлик. Мен ҳам бугун “зиёфат” еявериб, жуда ҳам сассиқкекирдак бўлиб кетдим. Ростини айтсам, хўжайинга “мирза”лик қилишдан ҳам бўларим бўлди.

— Дуруст, — деди Омон. — Кел, ука, шаҳарга тушиб кетайлик, ахир очдан ўлмасмиз. Бу хўжайининг жуда худо урган одам кўринади... Бугун кечаси бир амаллаб қочамиз.

— Қуруқдан-қуруғ-а!

— Ҳа, бўлмаса нима қилар эдинг, том тешиб, тим урармидик.

— Муздини чиқариб кетсак бўлар эди.

Бояги, мен домланикида, эшонникида юравериб хийла қўли эгриликка ўрганиб қолганман. Эгаси йўқ мол афандиники, деган маъқул гапга кўникиб кетганман. Омонни йўлдан чиқариб, бойнинг бирорта молини ўлжа қилиб кетиш пайида эдим.

Узоқ тортишувлардан кейин Омон ҳам кўнди. Бизни икки кундан буён саргардон қилган тентак сигирни сўйиб, унинг

гўштини кутарганимизча олиб, шуни сотиб тирикчилик қилмоқчи бўлдик.

Кечки овқатга хўжайин ширқовоқ қилдирган экан, олиб чиқиб олдимизга кўйди ва қовоқнинг мўъжиза эканини мақтаб-мақтаб, буни ичган киши дўзах бетини кўрмаслиги тўғрисида гапириб кетди.

Овқатдан кейин хўжайин дарвозани кулфлаб ичкарига кириб кетди. Биз яна жойимизда ётиб уйқуга кетдик...

Ярим кечадан ўтганда Омон уйғотди. Икковлашиб оёқ учи билан оғилхонага кирдик. Мен не қилса ҳам эшак сўйиб корафта бўлиб қолган саллоҳ. Жинни сигирни йиқитиб оёғини бойладик. Омон ёнидан пичоқни олиб берди. Пичоқни бир-икки ёнимга қайрадим-да, “бисмилло оллоҳу акбар”, деб сигирнинг бўғзига пичоқ тортиб юбордим.

Наридан-бери ичак-човогини ағдариб ташлаб, терисини шилиб, энг яхши жойларидан, суяксиз қилиб, уч пудча гўштни оғилхонадаги кунжара солиб қўйилган қопни бўшатиб, ўша қопга тўлдирдик. Мен тўнка бўлиб турдим. Омон томга чиқди. Аввал қопдаги гўштни, ундан кейин арқон билан мени тортиб олмоқчи бўлди.

Ой ботиб, кеча қоронғилашиб қолган. Жуда авайлаб, тусмол билан ҳаракат қиламиз. Омон томда. Лекин менинг кўнглимга сал шубҳа келиб қолди. “Балки бу гал ростакам қилиб мендан ўчини олар, ўзи кетиб қолар-да, мен бу ерда хумчага тушган сичқондай қамалиб қоларман”, деб ўйладим-да, дарров қопдаги гўштни бўшатиб ичига ўзим тушиб олдим. Қопнинг лабига битта кесак ўраб, арқонни маҳкам қилиб боғлаб, “торт”, дедим. Омон зўр билан тортиб олди. Мен ўша пайтларда уч пуддан ортиқ келмас эдим. Омон мени гўшт деб ўйлади. Дарҳақиқат, менинг фикрим тўғри чиқди. Қопни тортиб олгандан кейин пастга қараб:

– Қўлга тушдинг-ку, қани энди хўжайинга жавоб бериб кўр, ҳа, номард! – деди-да, инқиллаб-синқиллаб, секин, авайлаб, қопни арқон билан кўчага туширди. Ўзи томнинг пастроқ жойини мўлжаллаб сақраб тушди-да, қопни кўтара жўнаб қолди.

Шундай қилиб, бир бутун сигир гўшtidан бир чайнам ҳам бизга насиб бўлмади. Шунча оворагарчилик бошимизга юк бўлди.

Омоннинг орқасида жуда секинлик билан нафас олиб борар эдим. Йўлда “ух” деб қопни ерга кўйиб, бир-икки жойда дам ҳам олди. Билмайман, қайси қишлоққадир кириб борар

эдик. Мен қопнинг ичида бўлсам ҳам кун ёришаётганлигини сездим. Йўлдан бир ит чиқиб қолди. Омонни талади, қишлоқнинг ҳар томонидан вовиллашиб бошқа итлар етиб келди. Омонни ўраб олиб атрофида турар эдилар. Итлардан бири келиб қопни тишлади. Итнинг тиши қоп, кийим-бош аралаш бўксамга ханжар ургандай ботган эди. Чидаб туrolмадим:

— Войдод, Омон, юқорироқ кўтариб ол! — деб қичқариб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Омон сигир гўшти тилга кирганигидан қўрқиб кетиб, қопни ташлаб юборди. Ана шунда бир қоп гўштдай ерга шилқиллаб тушдим.

— Бу сенмисан, гўштмисан? Гўшт бўлсанг, ўзинг қани, ўзинг бўлсанг гўшт қани?

Омон доврираб, нима деяётганини ҳам билмас эди. Қопдан чиқдим. Икки киши бўлиб қолганимизни кўрган итлар аста-секин чекина бошладилар.

— Қани юравер, бердисини кейин айтаман.

Омон хомуш эди. Бир-биримизга қарамай, тонг азонда қишлоқ йўлида кетиб борар эдик.

IV БЎЛИМ

Омон шунчалик дарғазаб эдики, жон огритгани жондор қидирар эди. Кўча четида ўсиб ётган олчалардан қамчи дастасидай биттасини шартга синдириб, даласи ясаб берган пичоқча билан новданинг учини, тагини кесиб, таёқча ясаб олди. “Тагин шу таёқча билан мени савалаб қолмасин”, деган хавотирда мен ҳам ўзимга уникадан йўғонроқ таёқ тайёрламоқчи бўлдим. Битта ўрик кўчатини синдириб:

— Оғайни, пичоқчангни бериб тур, шуни текислаб олай, — дедим.

— Пичоқни ҳаром қиласан, нас босган, — деди Омон.


— Мен нас босган бўлдимми? Сен билан шунча юрдим, бирор марта чўмилганингни кўрганим йўқ! Юз-кўлингни ҳам ўлгунча эринчоқлик билан гиёвандлардек сесканиб аранг ювасан. Қўлтиғингга қўл урсанг, бир кафт бит чиқади. Мана мен ўтган ҳафта Каласда ярим соатча чўмилдим. Кўйлак-иштонларимни ҳам отқулоқ ўтдан совун қилиб тозалаб ювдим. Сен нас бўлмай, мен насми?

— Бўпти, — деди Омон. — Нас бўлмасанг педирсан, орқа этагингда намоз ўқиса ҳам бўлаверадиган педлардан.


— Сенчалик шумқадам болани умримда кўрмаганман.



Қизин сұхбат.



Гафур Гулом ва А.Тврдовский.



Гафур Гулом ўзбек санъаткорлари билан.



Ғафур Ғулом хитойлик ижодкорлар даврасида. Тошкент, 1958 йил.

Орамиздаги жанжал кучайиб борар эди. Омон мендан гина қилганча бор эди. Чунки у гўштни сотиб, гуппи тиктирмоқчи, чақмоқи телпак олмоқчи экан.

— Куруқдан-куруқ шўппайиб шаҳарга тушиб кетаверамизми, кўрган-билган не дейди, шунча вақт санқиб юриб, икки бармоғимни бурнимга тиқиб бораманми, ўзинг ўлгунча нас босган пес деганимча бор бола экансан, сен билан бирлашганимдан буён ишим ўнғалганини билмайман. Сен йўлиқмаганингда ҳов анов пулга тўқли олган бўлардим, ҳалигача тўқлим — қўй, қўйим — бия, биям — туя бўларди, — деб мени койирди.

— Бунинг маслаҳати ҳали ҳам осон, — дедим. — Дорбозга шогирд тушсанг, духобадан шим қилиб беради. Ҳаммомга ўт қаловчи — гўлохликни ўргансанг, эртаю кеч ўт олдидан жилмайсан, гуппи билан чақмоқи телпакнинг ҳам кераги бўлмайди. Қўй, бия, туя, бу гаплар энди ортиқча зийнат, бекорчи ташвиш, ем-хашакни қаердан топасан? Унинг устига ҳовлинг кичик. Бу ҳайвонлар учун катта сарой қуришинг керак. Ҳали ҳам бу машмашаларни хаёлингдан чиқар-да, ҳар шанба кuni билан чоршанба мол бозорга бор. Ҳимматингни баланд тут. Бозорни ўз офилхонанг деб ўйла, бутун шу ҳайвонлар ўзимники деб дилингдан ўтказ. Буларга ҳам қаноат қилмай, кўнглинг фил истаб қолгудай бўлса, Юпатовнинг от ўйинхонаси қочиб кетгани йўқ. Билет олиб кўришга, албатта, сенда нақд ақча бўлмайди. Ўзингни эҳтиёт қилиб ташқаридан, тахта тирқишидан ёки ўша атрофдаги биронта дарахтга чиқиб кўришинг мумкин. Аммо ҳали айтгандай, қоровулнинг илон қамчисидан эҳтиёт бўл. Қани, юр, узун гапга фурсат йўқ, шаҳарга тушиб сени кутиб ётган бунча довдастгоҳ, иззат-давлатларни томоша қил, — дедим.

Омон отаси ҳам қилиши мумкин бўлмаган бу маъқул ва жўяли маслаҳатни палағда тухум ютгандай ўқчиб, ижирғаниб тинглади. Энг охирида зардаси қайнаб кетди:

— Сендай оғайнидан менга ҳаром ўлган сигирнинг елини яхши эди, нима қилса ҳам совунгар пул тўлаб олар эди-ку. Хайр. Совуқ дийдорингни қиёматда ҳам кўрмай, — деди-да, келган йўлига қараб қайтиб кета бошлади.

Қаерга ҳам борар эди? Йўл қайтса, сигири сўйилган бойнинг одамлари уни тутиб олиб, миршабга топширади, умри Сибирда ўтиб кетади. Барибир, тентираб, ҳалаканинг итидай

санқиб шаҳарга қайтади. Бу жиҳатдан кўнглим тинч, қорним тўқ эди. Орқасидан қичқирдим:

— Мулла Омонбой, шаҳардаги қўшчи-кулончи, сайис, мирохўр, бою боёнлар, ошна-оғайнилариингизга хат-патингиз йўқми, Орифхўжа эшон, Мақсудхон дума, Фуломхон қозиларга¹ номингиздан салом айтиб қўяйми?

Омон чурқ этмай борар эди. Орамиздаги жанжал пуч ёнғоққа арзимайдиган бўлса ҳам ҳар иккаламиздаги ўжарлик ўзимизга етарли эди: қайтиб келишга у ор қилар эди, мен бўлсам, отдан тушсам ҳам эгардан тушмас эдим. Мен кимман, ахир. Омон кўсқига бўйсуниб кетавераманми!

Хўш, энди ўзимизга навбат, ўзгинамиз, яъни мен нима қиламан, қаерга бораман?

Бу вилоятлардан умидим узилган, кимсан, Кўктерақ, Эшонбозор, Қоплонбек, Шаробхона каби шаҳри азимларда (кўп воқеаларни ушбу саргузаштда ёзганим йўқ) қилмаган ишим қолмаган, етти иқлимда номим ёмонликка ёйилган, мазкур мамлакат ва вилоятларга қайтишим мумкин эмас. Оиламизга — онамнинг олдига борай, десам, уст-бошим юпун, оёғим яланг, ҳаммом тушган бўталоқдай шир яланғочман. Онам шўрликнинг бева-камбағал рўзғорига жодидай жағ билан боришим ўзимга ҳам ўнғайсиз, уларнинг ҳам менга кўзлари учиб турмаган бўлса керак. Аммо, барибир, менинг олдимда битта йўл бор эди, холос, у ҳам бўлса шаҳар. Ундан ташқари, ҳали баён қилганимдай, саёҳат қилинган ерлардан ҳалигим зўр.

Омон билан тотувчилик вақтларда менга бир иш ўргатган эди. У ҳам бўлса, “тўдага ур” фалсафаси. Қишлоқдан-ку бадарғаман, чумчуқдек жоним билан шаҳарга тушиб кетсам, “қора пўстакдан бурга қидириш қийин”, дегандай, шаҳардан мени ким ҳам топиб ола қолади?

Шаҳар.

Шаҳар. Савдогарлар, миршаблар, гадойлар шаҳари. Селдан сўнг лойқаланиб оққан дарё. Шу дарёнинг мурдор тўлқинлари ичида мен шўрлик нима, битта хас-чўпдек ютилиб кетишим мумкин. Аммо мен ўзим эса шаҳарни астойдил ёмон кўраман. Кўкнорининг исиріқ солган декчасидай бадбўй шаҳарда мен димиқиб кетаман. Яна ўша мустаҳаб қилмаган, ёғ босган башаралар, узун-узун расталарнинг дўкончаларида газчўп ушлаб, харидор кутган ялқов бойваччалар, чарви еган

¹ XX аср бошларидаги Тошкентнинг кузга қуринган бойлари.

мушукдек кўзи ялтироқ ханнотлар, оқсоқ лайлакнинг соясидай аранг-аранг судралувчи бир тўда тиланчилар, улар-булар, хулласи, мен шаҳарни ёмон кўраман.

Агторликни айланиб чиққандан кейин бир қозоқнинг боласи:

– Дада, бу дўкандорлар нима иш қиладилар? – деб дадасидан сўраган экан:

– Эй, ўғлим, булар бозор куни халқни алдайдилар, бегим куни бир-бирларини алдайдилар, – деб жавоб берган экан дадаси. Бир оз камситиб айтибди. Булар ҳар куни, ҳар соат халқни алдайдилар.

Нима қиламан, осмон узоқ, ер қаттиқ. Қиличини кўтариб қиш келаётир. Мен ахир кўчиб кетган қишлоқнинг тандири эмасман-ку, қишин-ёзин оғзимни очиб, эснаб ўтирсам. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак. Ёз кунлари жазиллатиб товондан узадиган қизгин йўлларга кеч кузакнинг салқин ивишиғи тушган. Тупроқ оғирлашган, чанг кўтарилмайди, сувлар тип-тиниқ. Баъзи совуқроқ тонгларда шабнам ҳам тушади, ариқларнинг чети кўкка теккан сигирнинг қаймоғидай юпқа ширава боғлайди. Бева онамни, етимча сингилларимни кўп ўйлайман, ичим ачишади.

Нега мен бундай ношуд бола бўлдим, кимга бўлса ҳам шогирдми, югурдакми бўлиш керак, бирор нима топиб онамга қарашиб юборишим керак-ку, дейман. Ўкинаман, ўзимни ўзим койийман, баъзан-баъзан йиғлаб қўяман. Аммо шу ҳолда уйга қайтиш қийин.

Омоннинг ўчиб кетган қораси орқасидан термилиб, ўзимнинг юқоридаги гўдак фалсафаларимни мулоҳаза қилар эдим. Ер совуқ, оёғимни обжувознинг пойкўпидай бирисини олиб, бирисини қўймоқдаман. Кечаси билан Омон бечора икковимиз ўз ташвишимиз билан овора бўлиб кетиб, совуқни унча сезмаган эканмиз.

Узоқдан карвон кўнғироғининг овози эшитилди. Кўнғироқ жаранги, кимсасиз қоронғиликда меҳрибон оҳанг билан дилга далда бериб, уфқда эриб кетар эди.

Нили саҳролардан карвон ўтган чоғ

Унга пешвоз чиқар ҳаттоки саҳар.

“Гул тонг”, деб, “Гул тонг” деб урган кўнғироқ

Бахтли келажакдан беради хабар.

Карвон яқинлашиб етиб келди. Ўн беш чоғлик туя, уларни бешта-бешта тиркаб, етаклаб эшак минган чол, бир ёш йигит келарди. Туяларга ортилган хашаклар, туяларнинг тумшуғи, чолларнинг соқол-мўйловлари ғира-шира қиров боғлаган. Мен бирданига карвонга яқинлашиб:

— Йўл бўлсин, акалар? — дедим. Тўсатдан, томдан тараша тушгандай бу сўрашиш карвонни чўчитиб юборди.

“Алай бўлсин!” деб берилиши лозим бўлган одатдаги жавоб ўрнига олдинда эшак минган чол етаклаган ит менга ташланди. Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итни адашиб кетишидан кўрқиб, эшакнинг қанжигасига боғлаб олган экан, бўлмаса пок титиғимни чиқарар экан. Маълумки, итдан юрак олдириб қўйганман. Ярим соатгина илгари қоп ичида туриб итлар билан учрашган эдим. Сағримдаги тишнинг алами ҳали тарқалгани йўқ.

— Нима қилиб бу ерда турибсан, чироғим, яхшиликка бўлсин эди, — деди чол.

— Шаҳарга тушмоқчи эдим, янглишиб қишлоқдан барвақт чиқиб қолибман, йўлдош кутиб турган эдим, бахтимга сизлар келиб қолдингиз, — дедим.

— Ҳов анави қирнинг устида ҳам бировинг кетаётибди, ўзларинг неча киши, айтақўй, чироғим, итни ешайми, йўқми? — деди чол.

— Қизик одам экансиз, мен итни ёқтирмайман. Қирда кетаётган кишини бўлса танимайман. Қўй оғзидан чўп олмаган худонинг бандасиман. Йўлдош бўлишдан ҳазар қилсангиз, нима ҳам қилардим. Зорим бор, зўрим йўқ, ўзим орқангиздан сизни қора тортиб кетавераман, — дедим.

— Вой-вой, — деди чол, — чакакликкина мол қўринадан, қирдаги киши нега сени сўкиб кетаётибди бўлмаса?

— Сўкса сўкаверсин, мен эшитмагандан кейин оғзига келганини ўтласин.

— Танимайман, дегин?

Ичимдан зил кетдим. Нима дейишимни билмай қолдим. Индамасдан эргаша бердим. Кейиндаги туя етаклаганлар ҳам менга шубҳа билан қарай бошладилар. Ўртага тушган бу совуқчиликни устимдан кўтариш учун гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб, чолга гап оддим:

— Мана шу ёруғ юлдузнинг оти нима, отахон?

— Ҳи, хи, қув бола кўринасан, юлдуз отини билиб яда-чилик¹ қилармидинг? — деди-да, бошини осмонга кўтариб шарқ томондан ярқираб чиққан юлдузга қаради:

— Мана буми? Бу юлдузни “Зухро” дейдилар, асли бир камбағал кишининг қизи экан. Ота-онаси ўлгандан сўнг, подшо бунга совчи қўйдирибди. Зухро қиз: “Ўзимнинг севганим бор, шунга тегаман”, дебди. Подшоҳ қизнинг севганини топтириб дорга осибди. Дорнинг ёғочи узун, жуда-жуда баланд экан. Қиз кечаси келиб севган йигити осилган дор ёғочига тирмашиб чиқаверибди, чиқаверибди, бошига етибди, ундан у ёғи осмонга бир қадам йўл экан. “Бир кунмас-бир кун, ерда зўравон подшолар йўқолса қайтиб тушарман”, дебди-ю, кўкка чиқиб кетибди. Ана ўшандан буён ҳар куни тонготарда кўкдан ерга мўралаб қўяркан. Бу юлдуз тонг қидирганларнинг манглайига чиқади, ухлаб ётганлар буни кўролмайдилар...

Чол қўли билан осмонда турли шакллар чиза бошлади:

— Ҳув анов, шимолдагиси, Олтинқозиқ юлдузи. У юлдуз осмоннинг ўқи бўлади. Шунга қараб юрган киши йўлдан адашмайди. Мана бу тўкилган тутдай чўзилиб кетган ёруғлик Сомончининг йўли. Мана шу йўлнинг остида ота-боболаримиз минг-минг йилдан бери қатнаб келган. Мана мен ҳам шу йўлдан қатнайвериб қартайдим. Тушундингми, ядачи бола?

Гаплашиб кетсанг йўл қисқаради, дегандай, шаҳарнинг Чиғатой дарвозасига келганимизни сезмай қолибмиз. Олдиндаги нортуя бўйнига осилган кўнғироқ данғир-дунғир чалиниб борар эди. Шаҳарнинг тор кўчаларида янграган кўнғироқ овози деворларга урилиб майдаланар, ерга тўкилар эди.

Тўхтажонбойнинг масжидига яқинлашганда, кудуқнинг қолипи сингари мезанадан ярим белини чиқариб кучанаётган манқа сўфининг:

— Ҳайна хананхола... Ҳайна хананхола... — деган овози эшитилди. Беш кунлик бевафо умрида бундай хушқироат овозни ҳатто ўз жинслари ўртасида ҳам эшитмаган чолнинг ити чўчиб кетди, сўфига жўровоз бўлиб увламоққа бошлади. Чол қўлидаги таёқ билан итни бир туртиб тўхтатди.

— Бунинг нима деб бақираётибди, ўғлим?

— Шўрликка худо икки дардни бирдан берган экан, ҳам манқа, ҳам сўфи, ҳозир мезанадан тушолмай бақариб ётибди, — деб ҳазиллашдим.

¹ Гўё юлдузга қараб ёмғир ёғдира оладиган сеҳргар киши.

Оёқ кийимлар сотиладиган вофурушлик растасига келганда чол билан хушлашиб ажрашдик. Чолнинг ити ҳам менга ўхшаш растадан қўрқар экан. У думини чотига қисиб, эшакнинг пинжига суқилиб, олазарак бўлиб кетар эди. Жуда раҳимим келди. Бу раста ичида ҳар қадамда эснаб, керишиб, нос чекиб турган қоровулларнинг “кимсан?” деяверишидан зеркиб, қассобликка бурилдим. Қассоб бозорида бир катта қора қўпак бир қанча итларни эргаштириб изғиб юрар эди. Мени кўриши билан ириллай бошлади. Узр айтиб, совунгарчиликка бурилдим. Бу ернинг итларида ҳам худди шундай муомала — чопсам қувлайди, тўхтасам — теваракка давра қуради. Қадамни илдамроқ ташлаб эски Хотин ҳаммомнинг ёнидан Кулоллик орқали Каптонга қараб йўл солдим. Қаерга кетаётибман — ўзим ҳам билмайман, мени кўр тақдир етаклар эди.

Бу йил ит йили эканми, билмайман. Кулолликда ҳам мени итлар тинчитмади.

Дуруст, қассоб бозорининг итлари-ку, мени без тергани келган, деб қизғаниши мумкин эди. Совун бозоридагилар қириндилардан иборат ризқларига шерик бўлади, деб ўйлагандирлар. Хўш, Кулолликнинг итлари нимани қизғанади? Мен қуруқ, бўш хумни, ошсиз сопол товоқни ёки сув тегман қувурни еб қўяманми?

Энсам қотиб йўлимдан кетиб боравердим. Маҳкама бозорининг бошига, Хаста Уккоша деган мачит рўпарасига чиқдим. Уккоша дегани бир одамнинг исми экан. Бу одам араблар бизнинг Ўрта Осиёни босиб олганларида лашкарбоши бўлиб келиб, шу ерда ота-боболаримизнинг ўқига учиб ўлган экан. Кейин араб ҳокимлари унинг қабри устига мачит кўтариб, нишонлаган эканлар. “Отангни ўлдирганга онангни бер”, деган мурасасоз мақол юзасидан шаҳарларимизни вайрон қилган, ота-боболаримизни ўлдирган, халқимизни ёппасига қул қилувчилардан бири бўлган Уккошанинг мозори бу замонга келиб зиёратгоҳ бўлиб қолган эди. Мозор тагидан чиқадиган сизот сувлардан пайдо бўлган бир булоқ ҳам бор эди.

Бу мозорга ва булоққа халқнинг ихлоси жуда баланд эди. “Бу мозорга сифинган, бу булоқ сувидан ичган ёки чўмилган киши пес бўлса тузалади, шол бўлса юради. Кўр бўлса кўзи очилади”, деб ишонар эдилар.

Хаста Уккошадан кунботар томонга кетаверсангиз, чала новвойликка чиқар эдингиз.

“Оғзи қаро аломат, ичи қизил қиёмат — уни топинг дилбарим”, бу ҳамма биладиган оддий топишмоқ, яъни тандир.

Катта-катта тандирларда алангаланиб ўт ёнмоқда эди. Кўкси очиқ бўз яктақ кийган, чаккасини боғлаган кишилар, тез-тез лахча чўғли тандирларнинг ичига кириб-чиқиб, иссиқ нон узмоқда эдилар. Гўё қуёш корхонасида тўлин ой ясалмоқда эди. Қизил мағиз, лоларанг бўлиб пишган нонларнинг юзи офтобдан ҳам иссиқ эди.

Қани энди жилдираб оқаётган шу ариқнинг лабига ўтириб олсангу, шу нондан бир саватини олдингга қўйиб қўйсалар, ҳеч қандай такаллуф бўлмаса, сувга ботириб еяверсанг, еяверсанг. Саватдан нон узилмаса, ариқдан сув. Тўйдим деганимда, ўрнингдан туриб бир керишиб қўйсанг, ҳеч ким сендан пул сўрамаса. Кейин новвойга: “Раҳмат, ака!” деса- да, йўлингга кетаверсанг.

Аммо бундай пайтларда биздай камсуқумларни ноннинг саховатли ҳидигина тўйдира оларди. Исиниш баҳонаси билан новвойхонанинг эшиги олдида ноннинг ҳидини ҳидлаб турар эдим.

Елкасига рўмол ташлаб, сағри кавушини чарви ёғи суриб ялтиратган, олтмишлардан ошган, лекин бир оз букчайган чол келиб бир рўмол нон олди. У остонадан чиқа туриб, менинг уст-бошимга бир қур синчиклаб қаради-да: “Ҳим-м. Отанг айлансин, болам, мана шу нонни кўтариб элтиб бермайсанми?” — деди.

“Хўп”, деб қўлидан тугунни олдим. Орқаладим. У олдин, мен кетин кета бошладик. Чол оёқ остида учраган қоғозларними, латталарними ҳассасининг учи билан аввал бир титкилаб текшириб, кейин ердан олиб девор ковақларига тиқиб кетар эди. Орқамда иссиқ нонлар. “Менга улардан бир бурда тегадими ё йўқми, ёки китоб ортилган эшакдай бебахра қолавераманми?” деб ўйлайман. Чоли тушмагур шунча нонни нима қилади, ё тўйи бормикин, тўйга бўлса — бу нон кам, рўзғорга деса — кўп. Бу одам қалайи саҳарлаб, товук қўноқдан тушмасдан қаёққа етаклаб кетаётибди? Нарироққа бориб, жарликка бурилдик, сув ёқалаб борар эдик. Чол майин овозли, жуда ҳам хушгап чиқиб қолди:

— Нима қилиб тонг азонда тентираб юрибсан, болам? Нима йўқотган эдинг?

— Даладан тушдим, ота.

— Ҳа, шундай бўлади, болам. Тошкентнинг тарифини еган чумчуқ Маккатуллодан қайтиб учиб келади. Ота-онанг борми?

Гапни чўзиб ўтирмаслик учун “ўлиб кетганлар”, деб қўя қолдим.

Шунақа бўлади. Ота-она деган мўрт келади. Ҳай, зарарсиз. “Яхши бузоқ икки онани эмибди”, дегандек, ўзинг эпчил бўлсанг, ота топиб оласан. Отаки топилади, она деган ўз оёғи билан келади. Ишқилиб, катта Чорсудан омон-эсон ўтиб олибсан. Марра сеники. Ёмонлар кўпайиб кетган. Ҳа, шунақа. Оёқ яланг экансан, болам. Ундай деса, Маллахоннинг туяси ҳам оёқ яланглигича сўйилиб, шулон ошига тушиб кетган, югурик оёққа кавуш топилиб қолар. Аввал оёқ омон бўлсин-чи. Ҳа, шунақа!

Мана, уруш бошланганига ҳам бир йилдан ошди, шундан буён ҳамма нарсанинг нархи ошиб кетди, шундан буён пойабзалнинг ҳам нархи кўтарилиб қолди, шунақа, болам. Пошшо-лар тинч яшаса, хотини талоқ бўладигандай, оқ пошшомизни айтаман-да, тинчгина юрт сўраб, моржини еб, ёмонларни дорга осиб, маржалар билан айш-ишрат қилиб ётавермайди-ми? Нимаси етишмайди, фуқароси бўлса хом гўштдай итоатли, миршабу полескалар қиличдай. “Ғус”, деса, тап-тайёр, ҳар беш вақт намозда эшону уламолар ҳақиға дуо қилишиб турибди, пулга зорикмайди. Жумлаи бою боёнлар мададда. Тагин нима керак? Уруш қилиб, халойиқни қириб, кесакка ҳоқим бўладими? — чол ўз-ўзича жавраб, саннаб борар эди.

Мен индамадим. Орадан бир оз жимлик ўтди. Ўн-ўн беш қадамдан кейин чол гингиллаб ашула айта бошлади:

— Отаси ўлмаган ким бор,
Онаси ўлмаган ким бор.
Бировнинг юртига бориб,
Мусофир бўлмаган ким бор?

Ҳай, машойихларнинг садағалари кетай. Отам раҳматли икки ҳаж қилган эдилар. Мени ҳам ўзлари билан кейинги гал олиб бордилар. Биз ҳам эй мусофирчиликларни бошдан ўтказганмиз, болам. Киши мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайди, деган эканлар азизлар. Ҳа, шунақа бўлади. Ўзинг қайси қишлоқдан бўласан?

— Учқўрғондан, — дедим энсам қотиб.

— Шунақа дегин, болам, мен учрамаганимда онангни Учқўрғондан кўрар экансан. Домла-помлага борганмисан?

– “Сўфи Оллоёр”нинг¹ ярмисида қочганман.
– Ҳа, шунақа. Бай-бай. гапнинг айна қизгин жойида қочган экансан. “Жаҳаннам”дан қочган экансан-да, а, болам?
– Ҳа, шунақа.
Чол “Сўфи Оллоёр” китобининг “Жаҳаннам қасидаси”-ни куйлай бошлади:

Жаҳаннам узра бир кўприк эрур, оҳ,
Ўшал кўприк Сирот отлиқ гузаргоҳ.
Қиличдан тез эрур, қилдин ингичка,
Пушаймонлар ўшал кун тушгай ичга.

Чолнинг қўлидан бир амаллаб қутулиш пайидан бўлиб:
– Ота, – дедим, – нонингизни бир оз ушлаб туринг, сув ичиб олай, чанқаб кетдим.

Чол сесканиб, чўчиб кетди:

– А? – деди. – Сув ичаман? Ичингда мой қайнаётибдими ё қази-қарта едингми? Юравер, баччағар, ҳозир чой ичсан, э, тавба-ей, этим жимирлашиб кетди-я. Саратонда қўл ювишга эринасан киши-ю, кеч кузақда, тагин азонлаб, наҳорга, муздек қавс сувини ичар эмиш-а. Э, тавба-ей, отананг фозмиди, ҳароми? Шунақаям бўладими?

Чол мени койиб жавраб кетмоқда эди. Жар ёқасида хароба бир уйнинг эшигига келиб бурилди. Мен ҳадиксираб эшик олдида тўхтадим. Чол орқасига қаради.

– Ҳа, нега қоракашлик қилаётирсан, шунақа бўлади, болам, киравер.

Яна шубҳаландим.

– Ия! – деди чол. – Нега бузоқдек бақраясан? Бу ер қушхона эмас. Мадраса, мадраса. Шунақа бўлади. Чала қолган саводинг шу ерда чиқади.

Қўрқа-писа таваккал қилиб тутундан қорайиб кетган пастак эшикдан энгашиб ичкари кирдим.

Ҳаммаёқ ачимсиқ, кўзни ачитадиған ҳидга тўлған эди. Юқорида миёна рўзгорнинг самовари, ўртача бир кир самовар қайнаб турар эди. Ердан икки қаричча кўтарилган сўричада олти киши давра қуриб ўтирибди. Ўртада манқалдонда олов,

¹ Эски мактабда савод чиққандан сўнг ўқитиладиган китоб. Каттақўрғонлик Суфи Оллоёр деган шоир асари (XVII аср).

олов атрофида синиқ-мертик чойнаклардан уч-тўрттаси терилган. Кўчада аллақачон қуёш чиққан бўлишига қарамай, бу ердаги шишаси қорайган еттинчи чироқ пилпиллаб ёнмоқда. Кўча томонга очилган туйнуқларга ёпиштирилган ёғлиқ қоғозлардан сарғиш нур ғира-шира кирмоқда. Таралмаган сариқ соқоли юзини босган, қўш кўзойнакли, ўрта ёшли бир киши чироқ ёнида қалин бир китобни очиб ўтирибди. Қолганлари ҳар хил шаклда ўтириб уни қуршаб тингламоқдалар. Биз кириб боришимиз билан манқалдондаги чўғни оташқурак билан титиб ўтирган, ҳожи дўппилик пучуқ бир киши қувониб кетди.

— Ана, Ҳожи бобомнинг ўзлари ҳам келиб қолдилар. Ўзларидан сўраб қўя қоламиз.

Китоб ўқиётган бошини кутарди:

— Ҳожи бобо, китобдаги бир масалага шубҳа қилиб қолдик. Абу Муслимий соҳибқирон билан Насири Сайёри Беордашти Хуросонда жанг қилганда ул жанобнинг бошларига-ку, Насири Сайёр тўқсон олти минг ботмонлик гурзигарон билан урган эди. Шунда ул жаноб тиззагача ерга ботган эдиларми ёки белгачами? Бултурги ўқиган нусхамизда тиззагача дейилган эди. Бу йилгисида белгача, деб ёзилган.

— Тиззагача дегани тўғри, — деди Ҳожи бобо, — чунки қоидаи паҳлавонлик уч зарб бўлади. Биринчи зарбда таззагача, иккинчи зарбда белгача, учинчи зарбда елкагача. Наузанбиллоҳ, бир зарбда ул сакбачча жанобни белларигача ерга ботирган бўлса, иккинчи зарбда қулоқларигача ботириб, зўравонлик Язийд билан Марвониҳарда¹ қолар эди. Ҳа, шунақа.

— Фикри соҳиби хона, албатта, маъқул аст², — деди даврадагилардан қотмача келган қора бир киши.

Булар “Жангномаи Абу Муслими соҳибқирон”ни ўқимоқда эканлар. Ҳожи бобо нонни мендан олиб, самовар тагидаги бир сандиққа тахлади. Саккизта нонни бир патнисга қўйиб, ҳар қайси ноннинг устига бир кафтдан майиз, жийда солди. Кўтариб келиб, ҳар қайси одамнинг олдига тўйларда тўққиз-тўққиз тортилгандай биттадан қўйиб келди, ўзи ҳам даврага кирди. Мен ҳали ҳам серрайганимча устунга суяниб турар эдим.

— Ҳей, — деди Ҳожи бобо, — деворга суяб қўйган куракдек нега серрайиб турибсан, амакиларингга салом бериб, бу ёққа чиқ, болам, ҳа, шундай бўлади.

¹ Шарқ адабиётида афсонавий рицарлар.

² “Уй эгасининг фикри тўғри”.

— Ассалому алайкум! — деб тортиниброқ юқори чиқдим. Ҳожи бобо ёнидан жой берди. Ҳалиги нонлардан биттасини менинг олдимга қўйди. Чой қуйиб берди.

— Нонни ушат, чойни ич, қўмақайлик қилмай яхши чайнаб еябер, болам. Ҳаммаси ўзингники, ҳа, шунақа.

Бу ердагилар ҳеч қандай такаллуфни билмас эдилар. Ҳар ким ўз чойнагидан чой ичар, ўз нони билан майизини еяр, бир-бировига “олинг-олинг” йўқ эди. Ҳалиги форс тилида гапирган, кўк саллали қотма, қора киши Ҳожи бободан сўради:

— Соҳиб, ин бача кист?

— Новвойликдан топиб олдим, шаҳримиздаги етим-есирларни кам санаб, ўзини ҳам шуларга қўшмоқчи бўлган бир бепадар. Оёқ-қўли эпчил, тили бурро, жағи бутун кўринади, хизматларингни қилиб юрар, — деди.

— Жуда маъқул, балли-балли, Ҳожи бобо.

Ҳамма Ҳожи бобони олқишлади.

Бу ер кўкнорихона — така эди. Демак, мен бу ерда гиёҳвандларнинг чой ташувчиси, чилим солувчиси, Ҳожи бобонинг югурдаги, фарроши бўлиб қолар эканман. Жой иссиқ, эрмак тўлиб ётибди. Ахир, бу шўрлик одамларнинг қай бириси эрмакдан қолишади. Нону чой ўз қўлимда, сал фурсатда бир-икки танга пул жамғарсам бўлади. Демак, Тошкентнинг қаттиқ киши менинг учун чанада шувгандай тез ўтиб кетади. Ундан ташқари, мен шу аҳволда онамнинг олдига боролмас эдим. Қўлим бир оз пул-мул кўрсин, бирор нима орттириб уйга кириб борай, дедим.

Чой ҳали тугалмаган ҳам эди, қотма, қора киши ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Имрўз бозор, соҳиб, дўкона барвақт кушодан лозим аст, ба ман ижозат¹.

— Хўп-хўп, боринг, кечки обиёвфонга келарсиз, албатта?

— Албатта.

Мен боя диққат қилмаган эканман, у тумшуғи осмонга қараган кавушини кияётганда юзига қарадим. Икки қошининг ўртасида бухор тангадай қизили бор эди. У чиқиб кетди. Мен Ҳожи бободан сўрадим:

— Бобо, бу киши ким, ўзи қаерлик?

— Ҳи, — деди Ҳожи бобо, — энг аввал, ҳи, мен бобогина эмасман, балки Ҳожи бобоман, ҳароми. Ҳароми? Иккинчидан,

¹ Бугун бозор куни, тезроқ бориб дўконни очишим керак.

сен палисамистр эмассанки, бу ерга келувчиларнинг ким, онасининг оти нима, касби қандай, ўзи қаерлик, ҳисоб бериб ўтирсам. Бу мусулмон ҳинди бўлади, болам. Пишавур шаҳридан, ўзи ҳиндининг саррофи. Унча-мунча судхўрлик ҳам қилиб туради. Шунақа. Ҳар қачонки ҳиндининг пули бир лакдан ошса, тиллани қиздириб манглайига босади-ю, қизил нишон қилади. Бунинг пули лак-лак, шаҳри Тошкентнинг қанчаки савдогари бор, ҳаммаси кўрқади, буни кўрганда дағиллайди, ҳаммаси бундан қарздор, болам, шунақа. Тур. Чилим сол. Кечгача яхши хизмат қилиб мени тинчлатсанг, кавуш топтириб бераман.

Бу ер менга жуда ҳам фором келиб қолди. Хизматни аямадим. Ҳожи бобо ҳар гапга бир мақол ўқийдиган эмароқ табиатли киши бўлса ҳам қўли анчагина очиқ, бахиллиги йўқ, хусусан, ҳисобга нўноқроқ одам эди. Чунончи, у олгита нарсани кетма-кет санамоқчи бўлса, тўртдан кейин янглишиб кетар, дарров мени чақирар, бу жиҳати менга, хусусан, ёқар эди. Сарроф ҳинди менинг севганларимдан биттаси эди. У келганда, айниқса, менинг оёғим олти, қўлим саккизга бўлиб хизмат қилар эдим. Бунга сабаб икки нарса эди: биринчидан, у Ҳиндистоннинг ажойиб-ғаройиботларидан ҳикоя қилар эди. Чунончи, марварид кўчаларда сочилиб ётади. Ҳинд болалари кўнгалагига марварид, ёқут солиб ётади, нон дарахтда пишади, одамлари беш юз ёшга кирганда мўйлови чиқади. Ҳаммасидан шуниси қизиққи, эру хотин яланғоч юради. Қиш бўлмайди, қўй текин, она-болали фил тўрт танга ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Бу гапларнинг бир қисмини мен чалакам-чатти болалардан эшитганим бор эди. Ич-ичимдан Ҳиндистонга бора олиш ҳаваси булоқдай қайнаб тошар, “оҳ, гўзал Ҳиндистон”, деб қўяр эдим.

Иккинчидан, сарроф ҳинди жуда сахий эди. У Тошкентнинг йирик, дона-дона носини эмас, фақат Бухоронинг хокиносини чекар эди. Мен қаердан бўлмасин ўша носни топиб, унга келтириб қўяр эдим. У:

— Баракалла, баракалла, — деб қўлимга нос пулидан ташқари, уч мири, бир танга чойчақа берар эди. Бозор кунлари кечқурун такага бир халта тилла тангаларни кўтариб келар, энг аввал менга битта аччиқ чой буюрар, сўнгра бир бурчакка ўтириб пул санар эди. Кўпинча саноқнинг ярмига борганда мудраб қолар, чўчиб-чўчиб уйғониб, чилим сўрар, паға-

паға тутун тарқатиб, яна саноққа тушар эди. Шундай пайтларда мен тепасида туриб, унинг давлатини ёмон кўздан сақлар эдим, уйқуси тиниб яна саноққа тушганда, билмадим, мўлжалдан кам келгани учунми:

”Мошоолло!” деб кўяр эди.

Хуллас калом, мен ҳинди саррофни ёқтирар эдим.

Ҳожи бобо билан сарроф ҳиндидан ташқари, бу ерга келувчиларнинг ҳаммаси ҳам унча кўрс эмас, афюндан сўнгги пинакни ҳисобламаганда, ҳаммалари ҳам хушгап, хушмуомала одамлар эди. Дунёда бўлиб турган ва бўладиган ҳангамалардан суҳбатлар бўлар эди. Китоб ўқиларди: унинг намунаси юқорида кўрсатиб ўтилди.

Мен бу ерга келганимнинг учинчи ҳафтаси уруш бошланганига ҳам бир йилу икки ойга яқинлашиб қолган эди. Урушнинг совуқ таъсири кўкнорихона – такагга ҳам кириб келган эди. Гиёҳвандлар ҳам сиёсатдан гапиришадиган бўлиб қолган эдилар.

– Николаю фаранг бир томон, Гермон деган бир томон, тоза урушаётган эмиш. Гермон дегани олтита томонидан кўзи бор, қанотли бир тоифа эмиш. Оқ пошшонинг бир талай шаҳарларини ер билан яксон қилган эмиш. Айниқса, ўрмаловчи бир тўп чиқарган эмиш, бу тўпи аждар наслидан эмиш. Гермонга фақат Абу Муслим, Қаҳрамони қотил, Халифай Румдай соҳибқиронлар бас келмаса, бошқаси бас келолмас эмиш. Оқ пошшонинг аскарлари ўртасидан ола чиқиб: “Урушмаймиз, урушса пошшо билан вазирлар урушаверсин”, деб турган эмиш. Шу бебош аскарларнинг бошида Мастеровой деган бир полвон турган эмиш...

Урушнинг қизиб бораётгани тўғрисида саёҳат қилиб юрган қишлоқларимда ҳам қулоғимга чалинган эди, шаҳарга тушганимдан буён бу гап аниқ эканини билдим.

Шундай қилиб, сиёсат тўғрисида бораётган гап нима сабабдандир тўсатдан паррандабозликка айланиб кетар, ким қандай қилиб тўтини “аҳмоқ” дейишга ўргатганини, ким зағчани чакидахўр қилганини, ким товуққа қичқиришни машқ берганини, олатўғаноқ оғзидан тухум қилишини сўзлай бошлайдилар. Бир нафасда бу гап ҳам ўзгариб, “ер нега қимирлайди” баҳси бошланар эди. Хуллас, мен учун бу ер шикоят қиларли даражада зериктирувчи жой эмас эди.

Хизматларим Ҳожи бобога маъқул тушди. У ҳам ваъдасининг устидан чиқди. Ўша пайтларда Тошкентда калишлар, ка-

вушларнинг нархи ошиб кетган эди. Оч-яланғоч косиб, камбагалларнинг топгани опорка бўлиб, ҳамма опоркага ўзини урган эди. Опорка дегани урушда ўлган солдатларнинг этигининг соғи эмас, паст бош қисми бўлиб, қайсидир пулга ўч, жонкуяр харбий идора буларни йиғар экан. Бу гапни Тошкентдан туриб эшитган аллақайси бой: “Киройи фуқаропарварлик бундай бўлади”, деб скорий поездга тушиб, урушнинг орқасига борган экан. Бир эмас, саккиз вагонни нақд пулга харид қилиб Тошкентга келтирибди. Ана шуни энди майда-майдалаб, ўн жуфт, йигирма жуфрдан якка қўл ямоқчиларга сотар экан. Ямоқчилар уни сеплаб, фуқарони қимматбаҳо калиш, кавуш ташвишидан қутултирар эканлар. Ҳожи бобом шу опоркадан музболтадайнинг биттасини менга олиб берди.

Пайшанба, жума кунлари, айниқса, така гавжум бўлар эди. Такянинг доимий йигирма-йигирма беш такжой мижозларидан ташқари, жўра-жўра бўлиб солма ош қилиб ейдиганлар, “иштаҳа очиш учун”, “дилхушлик учун” бир-икки чилим, наша ҳам чекадиган ёш-яланғлар келар эдилар. Булардан кўп қисми майда ҳунарманд, косиб йигитлар бўлиб, аҳён-аҳён бойвачча болалар ҳам кўриниб қолар эди.

Одат бўйича, ҳар чоршанба куни эрталабдан намозгаргача Ҳожи бобо менга дам берар эди. Шу куни Ҳожи бобонинг баъзи бозор-ўчар ишларига ёрдам бериб, қолган вақтлар ўз ихтиёрим билан бозор айланар эдим.

Ҳар ҳафта чоршанба куни кечгача менинг “ҳордиқ” куним — жума ҳисобланар эди. Эрта билан Ҳожи бобо кўлимага ярим танга уч мири жума пули бериб:

— Ма, болам, ўйнаб кел, барвақт қайт. Боққолнинг маймунидек ким кўринганга ажува бўлиб юрма, почтачининг отидек ҳар бир дўконнинг олдида тўхтаб, ағрайма, қассобликка кириб қолган бегона итдек кўринган билан ёқалашма. Ҳайитда қандолат бозорига тушган қишлоқидек баднафс бўлма, кўринган нарсани олиб ея берма. Ҳа, шундай бўлсин, болам, шундай бўлсин.

Дарвоқе, ма, мана бу бир мирига Хўжа рўшнойдаги уста Толиб совунгардан бир қадоқ шам ола кел. ҳидлаб ол, сасиқ бўлмасин. Эрта жумаҳшанби, арвоҳларга ёқамиз. Сассиқ бўлса арвоҳлар ранжийди. Боравер, болам, боравер.

Ҳа, тўхта-чи, тамаки саройга ҳам туш, мана бу тўққиз пулни ол, ўша ерда бухоролик дўкондор бор, бу пулга бухоро толқони носидан ола кел ҳинди амакингга, — деди.

– Пулни қўя беринг, носта ўзимда пул бор.

– Ҳм, – деди Ҳожи бобо, – “ҳар кужо пул аст онжо дил кушо”. Ҳинди сарроф билан ўрталарингдан қил ўтмаслигини биламан. Ҳиндига деганда пулни ҳам кераги йўқ. “Оладиган қўлим берадиган”, деганлар. Шундай бўлади. Ҳу, жавдирамай кўзинг кўрсин. Бора қол. Ирғай қамчинга ўхшайсан-а, озодсан. Озодликка не етсин.

Ҳожи бобо тагин орқамдан алланималар деб жавраб қолди. Мен шаталоқ отганча кўчага кетдим.

Бугун чоршанба – бозор кун. Тўғри Мажжомининг орқасидаги ялангликка, қовун бозорига югурдим. Кеч куз бўлгани учун қовун-тарвуз демаганингиз тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётар эди. Мешкоблар ҳаммаёққа сув сепиб, салқин қилиб қўйган эди. Уч-тўрт жойига фарам-фарам ҳўл бедалар уйиб ташланган. Четан-четан қовун олиб келган деҳқонлар аравадан отни чиқариб арава шотисининг соясига газ бўйи оқурут қовунларни, хумчадек келадиган сарғиш, қизғиш қирқмаларни, думига пичоқ қўйиш билан тарсиллаб неча бўлакка ажралиб кетадиган қизил уруғ шакарпалакларни уйиб ташлаганлар. Қувадан, Марғилондан, Фарғонадан, Олтиариқдан четан-четан анор олиб келган деҳқонлар ҳам аравани лайлак қилиб, ҳар биттаси ҳандалакдек каттакон анорларни уйиб қўйибди.

Ўзим тенги битта саёқни топиб: “Ҳой, бола, отинг нима?” – дедим.

– Нима ишинг бор эди: отим Отабой, – деди.

– Битта қовун олсам, шерик бўласанми?

– Шерик бўлардим пулим йўқ.

– Пулинг бўлмаса, бозорда нима қилиб юрибсан?

– Қовун туширадиганларга ёрдамлашаман, сапча, туйнак беришади.

– Йўлингдан қолма, сен менга тўғри келмас экансан.

Кичкина битта қизилуруғни бир пақирга сотиб олиб, ёриб ея бошладим. Ўз бошингча ўз пулингга олиб, ўзинг ёриб еган қовунга не етсин. Ўзим эркакларнинг орасида яшасам ҳам, тажя деган жойга ҳўл мева кирмас эди. Афюн, таряк егувчи, кўкнор ичувчи кишилар ҳўл мевадан мушук сувдан ҳазар қилгандай ҳазар қилар эдилар. Кунлардан бир кун Ҳожи бобога қўярда-қўймай битта шафтоли артиб берганимда, озгина татиб кўриб:

– Ҳу, ҳароми, бунинг нима, шафтоли-шафтоли деганинг шуми? Шафтоли деган нарса думалоқ сув бўлар экан-ку! Жунжиб кетдим-а! — деб қўлимга қайтиб берган эди.

Шунақа, гиёҳбонлар тақяларга ҳўл мева, совуқ сув, олича, олҳирот, кўксултон, анор, сут, қатиқни сира йўлатишмасди. Бу меваларнинг ўзи у ёқда турсин, отини эшитганда сесканиб кетишарди.

Қовунни маза қилиб еб олдим. Энди икки донагина анор ҳам олай, деб мўйсафид бир фарғоналик деҳқонга бир мири пул узатдим. Чол бўйи бастимга синчиклаб қараб:

— Анор егинг келдими, болам, пулингни чўнтагингга солиб қўя бер, ҳали бай очганим йўқ, бай очишдан илгари чакана савдо қилмайман, — деди-да, иккита катта анорни олиб менга узатди. — Бирини ўзинг е, бирини укаларингга олиб бор, дуо қилсаларинг бўлди. Мозор босиб келган анор.

Чолга жуда ҳурматим ошиб кетди. Анча яхши гаплар гапирмоқчи эдим, бу гапларимни биттагина маъюслик билан айтган, “раҳмат, ота”, деган сўз билан тамомлаб қўя қолдим. Белбоғимни устимдан боғлаб, анорни қўйнимга солиб олдим.

Қовун бозордан чиқиб эски каппон олдидан ўтиб кетаётиб бутун Эски шаҳар бозоридаги қоровулларнинг бошлиғи Раҳматулло саркорга кўзим тушиб қолди.

— Ие, ука, — деди у, — катта йигит бўлиб қолибсан-ку! Мирза акам омон-эсон юрибдиларми?

— У киши ўлиб кетганлар.

— Эй, аттанг, ҳа, майли, худо раҳмат қилсин. Онанг омон-милар? Нечта бола қолдиларинг?

— Онам соғ-саломатлар, мен, яна учта синглим бор.

— Бай-бай, ёш қолибсанлару.

У қўйнини кавлаб битта ориқ бедана олиб берди.

— Ма, буни тўрга солиб боқ, ўтқир сайроқи чиқади.

“Раҳмат”, деб уни ҳам қўйнимга солиб қўйдим.

— Олазарак бўлиб турибман, ука, йигитчилик курсин, басма-бас ўйнаб. Қорабой тожикнинг бели чиқиб кетди, аравага солиб мошфуруш табибникига олиб кетишган эди. Келмай турибди. Шунга хавотир олиб турибман.

— Нима қилиб бели чиқди?

— Атторликдаги бойваччалар билан катта қанор тўла йигирма пуддан ортиқ кўзmunчоқни аравадан ёлғиз ўзи қўта-

риб саройга олиб кираман, деб белини чиқариб қўйибди. Бойваччалар билан бас ўйнаб бўладими? Нима қилса ҳамки, камбағални майиб қилиш пайидан.

Эски шаҳардаги қоровуларнинг аксарияти тожиклардан бўлар эди. Булар расталарни пойлар эдилар, кўчаларга сув сепар эдилар ва савдогарларнинг, ҳаннотларнинг, дўкондорларнинг арава-арава келадиган юklarини ортиб-тушириб берар эдилар.

Раҳматулло саркор эл-юрт ўртасида обрўга эга. Деганидеган, сулҳ-салоҳлик кишиларнинг бири эди.

– Бўш бўлганингда ҳовлига кел, укаларинг билан ўйнаб кетасан, – деди Раҳматулло саркор.

Хайрлашиб маҳкама томон йўл олдим. Кўмир саройига қараб кетаётганимда қулоғимга карнай-сурнай овози эшитилиб қолди. Ёш-яланг болалар ўша томонга югуриб борар эди. Чорсунинг ўртасида иккита тахта аравада Юпатовнинг циркчилари тўхтаб жар солар эдилар. Бир араванинг устида иккита сурнайчи, битта карнайчи, битта дўмбирачи. Ҳар хил қалпоқлар кийган, бетларини бўяб, узун-узун қизил бурун қўйган, сариқ-сариқ патила сочли, ой, юлдуз нусха олабайроқ тўнли масҳарабозлар, бир қарич келадиган қизил лабларини тиржайтириб, ҳар хил масҳарабозлик кўрсатмоқдалар.

Биттаси тухумни оғзидан ютиб қулоғидан олади, биттаси бурнининг катагидан лента суғурыпти.

Иккинчи аравада бир рус хотин тўрт-бешта лайча кучукларга кичкина кийим-бошлар кийгизиб:

“Люблю, люблю, Мамажон,
Люблю, Мамажон.
Акушкадан қараган,
Люблю Мамажон.
Истаконда чой ичган,
Люблю, Мамажон”.

ашуласига ўйнатяпти.

Учинчи араванинг устида битта чала яланғоч хотин почаларига пистон қадалган иштонини кўз-кўз қилиб, турли мақомларда қўл-оёқларини ўйнатяпти. Битта полвон икки пудлик қадоқ тошлардан тўрттасини бирин-кетин осмонга иргитиб илиб олиб ўйнапти. Бир киши давранинг ўртаси-

да гижинглаган отни олдинги оёғини кўтартириб салом бердирыпти.

Ҳаммага таниш бўлган Рафиқ масхарабоз:

— Ҳой, билганлар билсин, билмаганлар бошқаларга айтсин. Сартия халқининг эски таниши Юпатовбой ва у кишининг қизлари Майрамхон кўмир саройига от ўйини қурдилар. Билетлар бир миридан биттангагача. Кеп қолинг, армонда қоласиз! — деб қичқирар эди.

Сурнайчи-карнайчиларнинг олдида биринчи қаторда томоша қилиб турар эдим. Шу тобда анор егим кеб қолди. Қуйнимдаги анордан биттасини олиб, ёригидан иккига ажратиб икки қўлим билан сиқиб, том иштаҳа билан ейишга тушдим. Серсув қайанорнинг шарбатлари энгагимдан тирқираб оқиб кетмоқда. Нима учундир карнай-сурнайнинг овози аввалгидек шахдам эмас, виқиллаб чиқар эди. Пуфлай бериб лунжи пуфакдек шишиб кетган кекса кўса сурнайчи “ғийқ” этиб сурнайни тўхтатди-да, елкасидаги рўмолни олиб оғзини, лунжини артди.

— Ҳой, қизгалоқ бола! — деди.

Кимни чақираётган экан, деб аланглаб қарадим.

— Сенга айтяпман, — деди у мени кўрсатиб, — даврадан чиқ, анорингни бошқа ёққа бориб е!

Мен билмас эканман, карнайчи билан сурнайчининг олдида анор, кўксултон, олхўри, тоголча, сузма-қурт каби нордон нарсаларни еб бўлмас экан. Буни кўрган карнайчи-сурнайчиларнинг оғзидан сўлақайи оқиб, пуфлай олмай қолар эканлар.

Битта масхарабоз келиб, мени туртиб даврадан чиқариб юборди.

Ўйин ҳам тугаб қолган эди. Жўнаб қолдим.

Сочим ўсиб, елкамга тушиб кетгани учун олдирмоқчи эдим. Маҳкама мачитининг тагида кўчага эски бир кир қизил лунги осиб қўйган сартарошхонанинг эшигига бориб тўхтадим. (Сартарошхоналар маълум бўлсин учун кўчага вивеска ўрнига лунги осиб қўйиларди.) Сартарошхонада уч-тўрт киши бор эди. Биттасининг икки чаккасига иккитадан тўртта зулук солиб қўйилган эди. Бир кишининг икки чаккасида қортиқ. Қортиқ дегани ҳўкиз ёки сигирнинг шохидан ичини ўйиб ташлаб икки томони тешик қилинган бир асбоб. Бу билан сартарош бош оғриғи кишиларнинг чаккаларини тилиб, устига қортиқ қўйиб қон олар эди. Икки чаккасига

қортиқ кўйилган киши баайни ҳукизга ўшарди. Бу икков пастаккина эшакка — скамейкага ўтириб бошларини кўйи солган ҳолда ихрар эдилар. Мўйсафид сартарошнинг ўзи бир кишининг жағ тишини суғуриш билан овора эди. Чолнинг кўзи менга тушиб қолди.

— Ҳа, бола, соч олдирмоқчимисан? Бир пақир туради. Пулинг борми?

— Ҳа, бор.

— Бўлмаса, қараб турма, маҳкаманинг ҳовузида яхшилаб ишқалаб сочингни ивителиб кел.

Сартарошлар ҳамма иш кўлидан келадиган “доно” кишилар эди. Улар соч-соқолни қириб кўйишдан, соқол-мўйлов бўяшдан ташқари, табиблик ҳам қилар эдилар. Хафақон — бош оғриқ бўлганларнинг томиридан қон олиш, зулук солиш, қортиқ кўйиш, тиш суғуриш, сургу дори бериш ҳам буларнинг вазифасига кирар эди. Айниқса, болаларни хатна қилиш сердаромад ишлардан ҳисобланар эди.

Бизга ўхшаган ёш-яланглар сочимизни олдирмоқчи бўлганимизда, бошимизни ҳўллаб ишқалаб ўтиришга ҳафсалалари келмай, сочимизни ивителиб келишни ўзимизга буюрар эдилар. Маҳкама ҳовузига кириб бошимни ҳўллаб, қиртишлаб ишқалай бошладим. Обдан меъёрига етти деганда, сартарошхонага бордим. Уста тиш оғригининг тишини суғуриб бўлган эди. У бечора бир чеккада вой-войлаб ўтирар эди.

Уста яна банд. Бир мўйсафид кишининг мўйловини қайчилаб кўймоқда эди. Кўзи билан менга “ўтириб тур” дегандек, бир курсичани кўрсатди.

— Бошингни ишқалаб тур, сочинг қуриб қолмасин?

Навбат менга келди. Уста бир кир қизил лунгини бўйнимга солди. Бошимга қўл тегизиб: “Яхши ивитабсан-ку, баччагар!” — деди-да, сопол обдастадан кўлига сув солиб узукли қўллари билан бошимни ишқалай кетди. Худди теримни шилиб олгудай бўлди. Айниқса, сартарошхонанинг қашқа пашшасини айтинг. Шилинг поча-оёқларимни шунақа узиб чақадик, дод, деб юборасан киши.

Кейин уста шапалоқдай пакки устара билан чаккамдан иш бошлади. Устарани ҳар бир тортганда бошимдан арра юргизаётгандай, ўрнимдан ирғиб-ирғиб тушар эдим. Уста: “Қандай бесабр боласан, жим ўтир!” — деб койиб кўяр эди. Бошимдан бир-икки жойини қирқиб ҳам олди шекилли, пахта ёпиштириб борар эди.

Соч олдириш қиёмига етганда саррочлик – эгар-жабдук растаси томонидан қийғос тўполон овоз кўтарилиб қолди. Бугун оломон ўша томонга югуриб кета бошлади. Мен ҳам лунгини ирғитиб ўрнимдан кўзғалдим. Уста баримдан ушлаб:

– Пулимни бериб кет, бу ер Салмон покнинг дастгоҳлари, у кишини алдаб бўлмайди, болам, кал бўлиш, бошга мойхўрак тошиш, темирўтки – ҳаммаси Салмон покнинг ҳақларини еганликдан бўлади, – деди.

– Устара, қайроқ, лунгининг ифлослигидан эмасми? – дедим.

– Тил теккизма, шум бола!

Сартарошнинг ҳақи – бир пақирни бериб, шоша-пиша оломон кетидан саррочлик томонга югурдим. Бир томони саррочлик, бир томони саҳҳоб – китоб бозор, бир томони вофурушлик – оёқ кийим бозори, бир томони ноғора бозор, бир томони пичоқчилик, намат бозор, жиққамушт оломон билан тўлган эди. Одамларнинг биқини тагидан, ораликлардан ўтиб, якка чорбозорнинг ўртасидаги ялангликка сирғалиб борар эдим. Бозор ўртасидан ўтадиган жанггоҳ сувининг кўприги устига келганимда:

“Олиб чиқишди, олиб чиқишди, ана бадбахт Ҳожи, қўшмачи Ҳожи!” – деб бақирган овозлар эшитила бошлади. Кўзим ноғора бозорининг даҳанасига тушди. У ерда қўш тавақали, кўк мойга бўялган бағдодий эшикдан бир неча норғул йигитлар хипчадан келган хушсурат фўрум, қора соқол-мўйловли, Хитой жужунидан бешмат камзул кийган, белига пуштиранг шойидан белбоғ боғлаган, соатининг тилла занжири кўкрагининг ўнгидан чапга қараб салқа осилган, амиркон маҳси-кавушли, чамандагул дўппили қирқ ёшлардаги бир кишини судраб чиқар эди.

Ҳовли ўз замонасининг машҳур яллагиларидан бўлган Ойша яллагининг ҳовлиси бўлиб, бу фўрум киши унинг эри – Раҳмат ҳожи эди. Халқ уни “қўшмачиликда” айблаб оломон қилиб ўлдирмоқчи эди.

Судраб чиққан йигитлардан тўрттаси уни чалпак қилиб кўтардилар. Кейин силтаб-силтаб тортиб, ноғора бозорининг оқовадан ботқоқланган кўчасига бир қоп дондек ирғитиб отдилар. Ҳожи ерга жуда зарб билан тушган бўлишига қарамасдан, ўрnidан кўзғалиб тура олди. Оломонга ўнг қўлини кўтариб:

– Ҳой, мусулмонлар, ҳой, халойиқ! – дея олди, холос.

Ўттиз ёшлар чамасидаги қора тўридан келган ягриндор бир қассоб йигит кела бир калла уриб, орқасига чархпалак қилиб йиқитди. “Ур, номард қўшмачини!” деган овоз ҳаммаёқдан кўтарилди.

Оломон Ҳожининг оёғини судраб чорраҳанинг ўртасидаги майдонга олиб тушди. Ҳазабга келган халойиқни ҳеч қандай қудрат тўхтата олмас эди. Ҳожига қўли ета олган ёки ета олмаган ҳар бир мусулмон ишқилиб бирор мушт уришними, бирор марта тепишними, савоб деб билар эди. Арининг инига чўп суққандай чуввос тўполон ичида ҳеч ким ҳеч кимни танимас эди. Ҳамманинг диққати ўртада ётган Ҳожининг ўлакcasида эди.

Ҳожининг бутун кийим-бошлари лойга, қон-қушга беланиб кетган, пошнаги этикларнинг зарбидан ўйилган кўзлари, эзилиб кетган жағлари таниб бўлмас ҳолга келган, баданида соғ жойи қолмаган, жонини аллақачон ҳаққа топшириб, бир халта гўштга айланган эди. Шундай бўлса ҳам оломоннинг ғазаби ҳали таскин топмаган, уриш давом қилар эди.

Мочаловнинг яёв, отлиқ миршаблари атроф-атрофдан келиб халқни тарқатмоқчи, ҳуштаклар чалиб тартибга чақирмоқчи, осмонга ўқ узиб халойиқни чўчитмоқчи бўлса ҳам бефойда эди.

Ярим соатдан мўлроқ вақт ўтгандан кейин халойиқ ўз-ўзидан тарқала бошлади. Унда-бунда қолган тўп-тўп одамлар бир-бирларидан ўсмоқчилаб, ҳеч гапдан хабарлари йўқдай:

– Ўзи нима гап, кимни оломон қилишди? – деб суриштирган бўлар эдилар.

Ваҳоланки, текшириб кўрганда, биринчи муштни урган киши шуларнинг ўзи бўлиб чиқар эди.

Асли воқеа бундай бўлган экан: Раҳмат ҳожи шу йил ёзда Фарўнага саёҳатга борибди. Ҳаммага у ўзини бой киши деб таништирибди, уйланмоқчи бўлганлигини арз қилибди. Шунда уни марғилонлик бир косибнинг Латифахон деган, эри ўлган қизига уйлантириб қўйишибди. Бир неча кун Марғилонда тургандан кейин хотинини кўч-кўрони билан Тошкентга олиб келибди. Латифахонни ўз уйига олиб бормасдан илгари катта хотини Ойша яллагича ялиниб-ёлбориб:

– Жон хотин, йигитчилик, бир аҳмоқлик қилиб шу ишни қиларга қилиб қўйдим, беш-олти кун орзуим қонгунча турганимдан кейин яхшилик билан юртига жўнатиб юбораман.

Унгача сен менинг “синглим” бўлиб тур, мени шарманда қилма, ундан кейин то ўлгунимча бир итинг бўлиб хизма-тингни қилишга тайёрман. Майли, улгуржироқ пул топсанг, иккинчи боришда сени ҳам ҳажга олиб бораман. Дунёларни томоша қилиб, гуноҳларимиздан пок бўлиб қайтамиз. Жон хотин, шарманда қилма, оёқ ювган сувингга чой қайнатиб берсанг ҳам ичаман, – деб илтижо қилибди.

Ойша яллаци бу сўзларга пўк учиб, “хўп”, деб қуя қолибди. Кейин Раҳмат ҳожи марғилонлик хотинини уйига етаклаб олиб келибди. Бу ерда ҳам кичкина бир маълум ош қилиб берибди. Орадан кунлар ўтибди, ойлар ўтибди. “Янги ёрни кўрганда, эскидан кечмоқ керак”, деганларидек, Ойша яллацига қиё қарамай қўйибди. Ҳатто Латифахоннинг олдида уни камситиб, ҳар хил ифлос хизматларни ҳам буюрадиган бўлиб қолибди.

Бу муомалалар, албатта, секин-секин Ойша яллацининг сабр-косасини тўлдира борибди. Кунлардан бир кун эри Раҳмат ҳожи уйда йўғида у Латифахонни олдига чақириб:

– Менга бир оз қулоқ беринг, Ойимпошша, сиз ўзингиз шундай соддамисиз ёки марғилонликларнинг ҳаммаси шундай содда бўладими? Келганингизга уч ойдан ошди, ҳали ҳам ҳеч балони сезганингиз йўқми? Ҳожи акангиз менинг акам эмас, менинг эрим бўлади, сиз менга келинойи эмас, кундош бўласиз. Бу уйнинг бутун рўзғор харажати менинг елкамда, эрингизни бойвачча қилиб қутуртириб қўйган ҳам мен бўламан. Мен Тошканнинг донғи чиққан яллацисиман. Тўйларда, ҳашамларда шогирдларим Саври яллаци, Фотма яллаци, Рисол яллацилар билан бирга бориб тонг азонгача ўйнаб, ялла айтиб, муқом қилиб, хушомадгўйларга ўзига ярашув жавоб бериб, бойваччага бойвачча қилиқ, косиббачага косибча қилиқ кўрсатиб, юзимизни ерга суриб гилангандай бўлиб беш сўм-ўн сўм орттириб келаман. Ана шу яллациликнинг пулидан эргинамиз Раҳмат ҳожи бунчалик эррайим бўлиб юрибди. Наҳотки шунга сезмаган бўлсангиз.

“Шериклик ошни ит ичмас”, деганлар, айланай, пошша-хон. Мен-ку эрсираб кетаётганим йўқ. Агар истасам, қадамимда юзтаси топилади. Не-не данғиллама меҳмонхоналар Ойша-хонга мунтазир. Пешонаму икки бетим, энгаким ёпиштириладирган ўн сўмлик тиллоларга тўлиб кетади¹. Битта қийгир бўйин

¹ Туш-базмларда яллациларнинг бети, юзига бойлар олтин таяга ёпиштириб, “мукофот”лар эдилар.

қилиш билан осмондаги қушни овлайман. Менинг учун гап пулда ҳам эмас. Эрда ҳам эмас. Сиз ёш экансиз, сизга раҳмим келяпти. Гапингизга қараганда ҳамиятли, ҳимоятли, беш вақт намозни канда қилмайдиган мусулмон бир косибнинг қизи экансиз. Ҳожи сизни ҳаром қилмоқчи. Ҳожи сизни Тошканинг катта пулдор бойваччаларига қушмоқчи. Бир кечалигингиз учун у эллик сўм оладими, юз сўм оладими — унинг иши.

Ўзингиз марғилонликсиз, Фарғонадаги сой бўйини билсангиз керак. Сизни ҳам Ҳожи акангиз “сой бўйи” қизларига айлантириб қўймоқчи. Ҳушёр бўлинг, Латифахон, оппоққинам. Яна ихтиёр ўзингизда, — дебди.

Ойша яллагининг бу сўзларини Латифахон ҳанг-манг бўлиб тинглабди. Юзлари бўздай оқариб, юпқа лаблари титраб кетибди.

Сўз тамом бўлиши билан у кар қилинган беданадай довдираб, ўрнидан турибди. Ўз уйига кириб ярим соатлардан кейин бошида паранжи, қўлтиғида бўхча билан чиқиб келибди:

— Раҳмат, Ойша опа, ақлимни киргиздингиз, кўр эканман, ман энди Марғилонга кетаман. Нимаики қилган бўлсам, билиб ўтган, билмай ўтган гуноҳларим учун кечиринг. Мен юртим — Марғилонга кетдим.

Икқалалари ўпишиб, қучоқлашиб, кўз ёши қилиб хайрлашишибди.

Орадан беш-олти минут ўтар-ўтмас Раҳмат ҳожи уйга қайтиб келади. Латифани тополмай, Ойшадан сўрайди.

— Латифа қани?

— Латифа сени ташлаб Марғилонга кетди. Ўша ердан туриб сендан талоқ хати сўрар экан. Мен кундош билан туролмайман, — дебди Ойша яллагчи.

— Сен айтиб қўйганмидинг?

— Мен-ку, айтганим йўқ. Аммо эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Мингта одам кириб чиқадиган эшигимиз бор, биттаси эмас-биттаси айтгандир.

— Иш расво бўлибди. Кетганига қанча бўлди?

— Беш минут ҳам бўлгани йўқ. Ҳали ҳам илдам юрсанг, орқасидан етиб оласан. Марғилон паранжилик, қўлтиғида бўхчаллик хотин ўтдими, деб сўрасанг, ҳамма айтиб беради.

Ҳожи ҳеч қаёққа қарамасдан алпонг-талпонг кўчага чиқиб кетибди. У суриштира-суриштира қассоб бозорнинг этагида Латифахоннинг орқасидан етибди.

- Тўхта, Латифа!
- Тўхтамайман, қўшмачи!
- Нима деяпсан, манжалақи?

– Қўшмачи деяпман. Минг лаънат Ҳожи деган исминга, шўрлик пешонам курсин. Дод! Мусулмонлар!!

Булар сан-манга бориб қолишибди. Ўткинчилар, қассоблар буларни ўраб олишибди. Ишнинг чатоқлигини пайқаган Ҳожи уйга қараб қочибди. Ўртада қолган Латифахон воқеани тўпланган кишиларга оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берибди.

Бир йилдан ошиқ охири кўринмаган урушнинг кундалик ваҳимасидан асабийлашиб қолган халойиққа баҳона топилган эди. Оломонга оломон кўшилди. Растаю бозор одамларга лиқ тўлди. Ойша яллагининг уйидан Раҳмат ҳожини олиб чиқиб оломон қилингани юқорида баён қилиб ўтилди.

Миршаблар Ҳожининг ўлигини майиз саройга олиб кириб, устига бўйра ташлаб қўйдилар. Полиция бошлиғи Мочалов ва унинг югурдаклари қанча изғисалар ҳам Раҳмат ҳожининг аниқ қотилини, бирор гувоҳини тополмадилар.

Латифахон қаерга кетди, уни ҳам билмас эдилар.



Кун намозгарга яқинлашиб қолгани учун бозор-расталарда одам сийраклашиб қолган. Мен ҳам Ҳожи бобонинг буйругини бажариб бир қадоқ эмас, бир қадоғу чорак яхши шам, бир мирига ҳинди саррофга атаб толқон нос олдим. Яна ўша ердаги ғариб-гураболарга мендан бозорлик бўлсин учун уч пақирга ярим қадоқ пашмак ҳолва олиб, такяга қараб кета бошладим.

Худди тандир бозорнинг оғзи, Бадалмат думанинг ҳам-момига келганда рўпарамдан Расулмат ғўзафурушниинг ўғли, ўз маҳаллам, қадрдон дўстим Туроббой чиқиб қолди.

– Ҳа-ҳа-ҳа, – деб кучоқлашиб кетди. – Вой-бўй, тирик-мисан, хумпар, Тошкентга қачон келдинг? Онанг бечора сани ўлди деб аза очмоқчи бўлиб турувди. Шунақа меҳринг қаттиқ боламисан?

– Гапларинг тўппа-тўғри, ўртоқ, лекин уст-бошимни кўриб турибсан. Шу аҳволда қандай қилиб уйга кириб бораман. Келганимга бир ҳафтача бўлди (ёлгонни худонинг ўзи кечирсин). Хўжайиним кўли очик, сахий одам кўринади. Яна бирор ҳафталарнинг ичида уст-бошларимни тузатиб олол-

сам, уч-турт танга пул орттирсам, укаларимга уни-буни олиб борсам, дейман. Лекин сендан битта илтимосим шуки, мени кўриб қолганингни ҳеч кимга айтиб юрма. Келгуси ҳафтага, албатта, ўзим бораман, жон ўртоқ. Онам, укаларимнинг аҳволи қалай? Маҳаллада нима янгиликлар бор?

— Онанг, укаларинг яхши, — деди Туроббой, — тоғанг қарашиб турибди. Маҳаллада нима ҳам янги гап бўлар эди. Салимбой сўфи отанинг эркак эчкиси туғди. Ҳуснибий лахтакфурушликдан синди. Мачитдаги олача жойнамозни ўгирлашиб кетишди. Кўп одамлар: “Исмат девонанинг чопони шундан”, деб ўйлашяпти. Зиёд ота кўр бўлиб қолди. Лапарининг ёнига яна лапар қўшилди.

Хом терини ийласанг ултон бўлур.

Нафсини тийган киши султон булур.

Шунга ўхшаган бўлар-бўлмас гаплар-да, оғайни. Дадамнинг ишлари яхши. Ғўзанинг нархи ошиб кетган. Бир калла кунжара икки тангага чиқди. Қолган гапларни маҳаллага борганда эшитасан.

Бир ҳафта кугаман, майли. Келар шу бугун маҳаллага бормасанг, кўрганимни ҳаммага айтиб юбораман. Энг аввал ойингга, ундан кейин ўртоқларга айтиб шармандангни чиқараман. Дарвоқе, хўжайининг ким, нима иш қилади?

— Уни ҳозир айтмайман.

— Бачча тушдингми?

— Тур-эй, отангнинг гўрига... Ўзинг бачча бўла қол, қош-кўзинг келишган. Дорбозга шогирд тушдим.

— Дорбозга шогирд тушган бўлсанг, духоба шиминг йўқ-ку. — Иккаламиз хахолашиб кулишдик.

— Айтгандек, Омон қаёқда? — деб сўрадим.

— Икки ойча бурун бир аҳволда бўлиб қайтиб келган эди. У келиб сенинг тўғрингда тоза ҳам бўлар-бўлмас гапларни гапирди. Барибир, ҳеч ким ишонгани йўқ, “худо урсин, каломулло урсин”, деб қасам ичса ҳам ишонмадик. Ҳозир унинг иши йирик. Абдулла қорақошга шогирд тушган, уйига сув ташиб, от боқиб юрибди. Оёғида Абдулла акам берган эски хром этик, белида саллоти камар. Пиёнбозорга, хўжайинининг олдига ош ҳам олиб бориб туради. Ўрисча сўкишларни ўрганиб олган. Дадаси Турсунбой аканинг дўкони босиб қолган эди, йигит-яланглар ҳашар қилишиб, тузатишиб бердик.

– Яхши, яхши. Қолганини ўзим борганимда билиб оларман. Ҳозир шошиб турибман, – дедим.

Қўлтигимдаги беданани олиб Туроббойга узатдим.

– Ма, ўртоқ, мана бунни тўрқовоққа ташлаб қўй, жуда утқир сайроқи чиқади. Тумшугини қара, парини қара, маржонини қара.

Туроббой беданани қўлига олиб қулоғига гувиллаган бўлди. Яна бир марта текшириб кўриб:

– Ие, бунинг макиён-ку! – деди.

– Шунча далада юриб макиён билан туллакни мен ажратмай, сен ажратасанми, аблаҳ! – дедим, лекин кўнглимда шубҳа бор эди.

Ўтқинчи бир йигитни тўхтатиб:

– Мулла ака, шуни кўриб беринг, шундан сайроқи чиқадими, йўқми? – дедик.

У йигит беданани қўлига олиб кўрди:

– Ҳа, бунинг болаларидан сайроқи чиқса чиқар, лекин ўзидан чиқмайди, – деди.

Демак, макиён экан. Сирни бой бермай, Туроббойга:

– Бўпти, олиб кетавер, ошга босарсан, – дедим.

Туроббой макиёдни қўнига солди. Хайрлашиб ажралишдик.

Ҳожи бобо, унга иқтидо қилиб турган гиёҳвандлар намоз аср ўқиб турганларида такаға кириб бордим. Дарров шамни, ҳолвани, носвойни, анорни бир чеккага қўйиб, чилимнинг сувини янгилаб, сархонасини тозаладим. Самовар, чойнақларни артиб, куракча билан куллари олиб челақка солдим, елкамда сочиқ, қўлимда супурги, ҳеч нима кўрмагандай, хизматда қоим турганимда намоз тамом бўлди.

Ҳожи бобо:

– Ҳа, стим тойлогим, қайси гўрларда бесару сомон йўқолиб кетдинг. Етимнинг отаси кўп, деганлар. Ҳа, шунақа. Битта-яримта ота тонилиб қолдими? Ҳу, мулойим шупурги бўлмай, гермоннинг ўқига учиб кет!

– Зовол вақтида қарғаманг! – деди гиёҳвандлардан биттаси.

– Ўзбошимча-да, ўзбошимча! – деди Ҳожи бобо.

– Хўш, бозорда нима аломат-қиёматларни кўрдинг?

– Ойша яллагининг эри Раҳмат ҳожини халойиқ оломон қилиб ўлдириб юборди, Ҳожи бобо, – дедим.

– Ие! – деди Ҳожи бобо. – Ўзи ҳам кўзга яқин, хушрўй бесоқоллардан эди. Ҳай, майли, худо раҳмат қилсин. Халқ

оломон қилган бўлса, “шаҳиди аъло” қаторида кетади. Бундайларга дўзах ўти ҳаром, ҳм... шунақа.

— Қани, батафсилроқ гапириб бер-чи? Ие, сочингни ҳам олдирибсан. Эрон подшоси Аҳмадали кал подшога ўхшаб қолибсан. Суратини кўрганман. Хўш, гапир!

Мен биттага ўнта кўшиб, тамом ваҳима аралаш оломон воқеасини сўзлаб бердим. Менинг гапимда ярим пошшо Эски шаҳарга икки лак аскар туширди. Етмиш бир марта халойиққа қараб ўқ отилди, деган гаплар ҳам бор эди. Тўққизта хотин боласини чала ташлади. Кўкалдош мадрасасининг битта мезанаси қийшайиб қолди, саррочликни Мочаловнинг миршаблари талади. Хотин ҳаммомда чўмилаётган хотинлар ҳаммаси додлаб кўчага яланғоч чиқди, деган гаплар ҳам бор эди.

Бир соатдан мўлроқ гапирдим.

Шу ҳикоя сабаб бўлди-ю, Ҳожи бобо менинг гуноҳимни унутиб юборди. Ҳикоя вақтида секин-секин кечки кайф учун йиғилган тарёкийлар ўн-ўн икки кишига борган эди. Ҳинди сарроф намоз асрдан сал ўтар-ўтмас саройдан қайтган эди. Бугун унинг чеҳраси очиқ. Менинг ҳикояларимни тушунсатушунмаса, “мошоолло-мошоолло”, деб эшитиб ўтирар эди. Бир неча тарёкийлар менинг ҳикояларимдан ўзларидан кетай деб қолдилар, баъзилари ҳозиргина еган афюнлари эсларида йўқ, яна устама афюн еб олдилар. Келувчиларнинг баъзилари оломон воқеасидан хабардор ҳам эдилар. Улар ҳам менинг гапимни тасдиқлаб, ёнига кўшимча қилар эдилар.

Кўкнорилар жамоатчилиги айбни гоҳ яллагига, гоҳ Раҳмат ҳожининг ўзига, гоҳ марғилонлик хотин Латифахонга, гоҳ бетизгин, бебош оломонга, гоҳ Мочалов ва миршабларнинг бепарволигига қўяр эдилар.

— Тўғри, — деди кўш кўзойнакли мулла уста Мирсалим, — баъзан англашилмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Чунки, ўтган йили Занги ота сайилида шундай бир воқеа бўлди: сумбуланинг ўрталари, жума куни эди. Ҳазрати пирим Занги отанинг сайилгоҳига Майманаю Майсарадан, Ироқу Бадахшондан, Эрону Турондан, Ҳиндию Рум, Чинимочиндан, яъни жумлайи жаҳондан зиёратчилар йиғилган, Тошкантимизнинг эса бешикдаги боласигача кўчиб чиққан. Одам боласи мўр-малаҳдек ер-кўкни босиб кетган.

Намоз жумага азон айтилиб қолди. Одамлар катта хонақоҳнинг саҳнини ва унга қушилган атроф майдонларни шамалоқдек эгаллаб, намозга тайёрланиб турибдилар.

Ҳамма имомга иқтидо қилиб “оллоҳу акбар” дейилиши билан намоздан кечикиброқ қолган бир банда олдинги сафга утиб кета туриб ўртароқ сафдаги бир танишининг киссасидан ярмидан кўпи чиқиб, тушиб кетай деб турган бўз ҳамёнига кўзи тушиб қолади. Шу ҳамёни меҳрибончилик билан киссасига ичкарироқ солиб қўймоқ учун қўл уради. Буни қаторда турган яна бир мусулмон кўриб қолиб намозини бузиб: “Дод, мусулмонлар, хонақоҳга кисавур оралади”, — деб бақиради ва ҳалиги шўрликнинг ёқасига ёпишиб муштлай бошлайди. Мачитдаги имом бошлиқ ҳамма мусулмонлар ҳам намозларини бузиб, ҳалиги паррихтани дўппослай кетадилар.

“Ҳой, ҳой, тўхтанг, ўзи нима гап”, деганга қулоқ солади-ган одам йўқ. Ҳаш-паш дегунча ўлакса қилиб, мачитнинг саҳнига олиб чиқадилар, бу ерда ҳам кўзига қон тўлган оломон шўрликни ура кетади, ўлдириб хотиржам бўлгандан кейин:

— Ўзи нима гап, нима қилди, ким бошлаб урди, ким ушлади, кимнинг ҳамёни, — деган гаплар чиқа бошлайди.

Кейин ҳамён эгаси ўртага чиқиб:

— Биродарлар, бу менинг дўстим эди, ўғри одам эмас эди. У менга меҳрибонлик қилмоқчи, осилиб қолган ҳамёнимни киссамга солиб қўймоқчи бўлган эди, бечорада гуноҳ йўқ эди, — дегани билан бўлар иш бўлган, энди фойдасиз эди.

— Мана бу тикка жаннатга боради, — деди Ҳожи бобо, — ҳа, шунақа, бесўроқ, беистоқ жаннатга тушиб кетаверади.

— Шариатимиздан айланай, мусулмончилигимиздан айланай, ҳимоятимиздан, ҳамиятимиздан айланай, оломондан айланай. Ана шундай мусулмон ҳамиятлик оломон бўлганда, ҳаммамиз ҳам эшигимизни баралла очиб ухлай берсак бўлади. Бирорта ўғри ёки қўли эгрининг ҳадди бормикин, бир мусулмоннинг мулкига, номусига таадди қилса. Оломондан ўргилай, — деди гиёҳвандлардан биттаси, — ёмонлар жазосини тортсин.

Энг охири ҳукм — замонанинг бузуқлигидан, подшоҳларнинг нотинчлигидан, фуқаронинг бузилиб, беҳаё бўлиб кетганлигидан, ор-номус барбод бўлиб, хотинлар, ёш болалар қўлдан қўлга мол бўлиб сотилаётганидан, хуллас калом, шариати Мустафонинг оёқости бўлиб, назардан қолаётганлигидан, охирзамон яқинлашиб қолганлигидан, ҳазрати Исо кўкдан тушиш вақти келаси ҳафтага қолганлигидан, Халифаи Рум томонда Добатул арз чиққанлигидан, Хитой томонда якка

кўзлик яъжуж-маъжужлар хуружга келганлигидан, Эроннинг ярмини ер ютганлигидан, ўзимизнинг Тошкентда, Тупроққўрғондан “бачажиш” чиққан эканлигига келиб тўхтади.

Сўзни келган ерида тўхтатиб, Ҳожи бобо имом бўлган ҳолда намозшом ўқишга кўзғалдилар. Мен унғача чойнакларга аччиқ қилиб чойни дамлаб, манқалдонга териб қўйдим. Чилимга тамаки босдим, ўртадаги чироқни ёқдим. Катта патнисга ҳар кимнинг ўз насибаси бўлган биттадан обинон, икки чақмоқдан қанд, бир капдан қора майиз қўйиб чиқдим.

Намозшомдан кейин мижозлар ўз ерларига тартиб билан ўтирдилар. Мен ҳар қайсиларининг олдига бир чойнакдан чой, биттадан пиёла, нон, қанд, майизларни қўйиб чиқдим. Ҳожи бобо ҳар кишининг ўз моясига яраша қоғозга ўралган “дори” сини қўлларига бериб чиқди.

Тўртта кўкнорининг олдига битта тоғорачада устига чит рўмол ёпилган эзилган кўкнорини олиб келиб қўйди. Уларга бир патнисда нон, майиз, чой қўйилди. Улфатчилик бошланиб кетди.

Бай-бай-бай, буларнинг гиёҳдан сўнгги хушчақчақ суҳбатларига қулоқ солсангиз. Гиёҳдан илгари бир-бировларига тўнғиз қараш қилиб ўтирган, худо урган зиқна, битта майизнинг ярмини бировга раво қўрмайдиган, ўлганининг кунидан эриниб намоз ўқиган бу махлуқлар энди тамом очилиб кетганлар.

Биттаси хаёлидаги боғи бўстонини мақтайди, биттаси давлатини санаб ҳисобига етолмайди, бир-бирини уйига таклиф қиляпти: “Оёғингизнинг тагига қўй сўяман”, дейди. Бир-бирларига чой узатишган, нон суриб қўйишган, қора доридан пашша қанотидайини узиб, бир-бирларига узатишган. Шунчалар меҳрибон, шунчалар хушмуомала, шунчалар мулойим бўлиб кетишганки, асти қўяверасиз.

Мен пойи-пиёда хизмат қилиб турибман. Тиқ этган чойнак бежавоб қолмайди. Ўша замониёқ манқалдондан буруннинг қонидек қуюқ Кузнецов чойлар етказилиб турибди. Мендан, айниқса, ҳинди поччам хурсанд.

– Мошоолло, бачам, мошоолло. Бисёр мамнунам. Имрўз бозор буд, қорам душвор, ҳисобам нотамом, ҳа майлаш, пардо, як қалён. (Бугун бозор эди, ишим қийин бўлди, ҳисоб қилолганим йўқ, эртага қиларман, чилим келтир.)

Сархонага учта чўғ қўйиб яхшилаб пишитдим. Бозордан келтирганим қоғозга ўроғлиқ носни ҳам олдим.

– Мана, соҳиб, қалён ҳам тайёр, се лаҳчайи гули нор.

– Боракалло, боракалло, бачам.

У чилимни “хурр-хурр” қилиб чуқур-чуқур икки-уч тортиди, ўзи ҳам зўр, Қаршининг тамакиси эди. Элитди шекилли, ранги ўчиб, кўзини олайтириб, зўрға:

– Об биёр, об биёр, – деди.

Бир пиёла муздек сув олиб келиб бердим. Қўллари қалтираб бир-икки қултум ичган бўлди. Бирпас тепасида турдим, ўзига келди. Қоғозга ўроғлиқ носвойни бердим:

– Ба шумо носи Бухорий ҳам биёварда будам.

– Боракалло, бачам, боракалло!

У сарроф халтасини кавлаб, битта ярим сўмлик сўлкавой чиқариб берди.

– Ин мукофот, аз Ҳожи бобо пинҳон кун.

– Хўп.

Чилимни бошқаларга навбат билан тутиб чиқдим.

Икки хўроз қичқиргунгача суҳбат давом қилди. Ҳожи бобо дўконнинг измини менга топшириб, ичкарига кириб кетди. Гиёҳвандлар тарқалди.

Сарроф ҳинди билан кўш кўзойнакли мулла уста Мирсалим одати бўйича такада ётиб қолишди. Мен ҳам чироқни “пуф” этиб ўчириб, ўз жойимга чўзилдим.

Эртаси пайшанба эди. Бугун жума оқшоми, келувчилар кўп бўлади. Барвақт туриб, катта самоварга олов ташлаб юборганман. Ҳаммаёқ супурилган, сидирилган – озода. Мулла уста Мирсалим бир бурчакда якка ўзи бомдод намозини ўқиб олди. Узоқ вақт ўтган-кетганларнинг, ота-онасининг, энди ўладиганларнинг арвоҳига, шулар орасида ўзининг ҳам арвоҳига фотиҳа ўқиб бўлгандан кейин:

– Чойинг қурғур қайнадими? – деб сўради.

– Жағиллаб қолди.

Янги обинон олиб келишга чиқиш керак эди. Ҳожи бобо дастгоҳни ташлаб чиқиб кетишга ижозат бермайди. Уста Мирсалимни юборишга андиша қиламан. Ҳайтовур, Ҳожи бобонинг ўзи чиқиб қолди.

– Нонга борганинг йўқдир?

– Пул ташлаб кетмабсиз-ку.

– Ҳа, шунақа.

У ёнчиғини кавлаб, икки танга пул олиб берди.

– Орқа-ўнгини қараб ол, куйган, хомсиз бўлмасин. Озгина ушатиб еб ҳам кўр, хамири ачиган бўлмасин. Нимани

қўлингга тутқазсалар, кўзга ургандек кутариб келаверма. Салмоқлаб кўр, чўғи оғирроғидан ол. Уруш бўлгани билан, нархнаво ошгани билан новвойхоналарни ер ютиб кетгани йўқ.

Рўмолчани елкага солиб, новвойликка қараб югурдим. Тонг азон бўлишига қарамасдан, бир тўда оч ола-қура итларни эргаштириб, эски Каппон томондан Маллажинни жавраб келар эди.

— Туя биттангга — қани биттангга, туя минг танга — мана минг танга.

У битта лайча кучукни “Пошшоҳон” деб чақириб:

— Ҳамма подшолардан ўзинг дурустсан, ҳеч ким билан урушмайсан, урушган билан ишинг йўқ... — деб гапирар кетди.

Менга кўзи тушиб қолди.

— Ҳой, бола, бери кел, “Пошшоҳон”нинг думидан ўп!

Малла девонанинг қилиқларини томоша қиламан, деб анча йўлдан қолдим.

Мен нон олиб такага қайтиб келганимда Ҳожи бобо аллақачон қайнаган самоварнинг тагида уймалашиб юрар, мени гижиниб кутар эди.

— Ҳа, ҳароми, нон учун Тўйтепага бориб келяпсанми, мунча ҳаялламасанг? Обке!

Такаяда хўрандалар етти-саккиз кишига етиб қолган эди. Ҳаммасининг моясига яраша егулик-ичгулигини улашиб чиқдик. Ҳамма кайфини қилиб, чой ичишга овора бўлган вақтда мен секин чой, қанд турадиган қутичани очиб, ундан кеча олиб келган пашмак ҳолвани олдим, учга бўлдим. Катта бир бўлагини Ҳожи бобонинг олдига, бир бўлагини ҳинди саррофнинг олдига, бир бўлагини уста Мирсалимнинг олдига қўйдим. Ҳожи бобонинг кўзи ярқираб кетди.

— Буни қаердан олдинг, баччағар? — деди.

— Ўзингиз берган жума пулларни йиғиб юрган эдим, кеча олиб келдим.

— Баракалла, одам бўласан, болам. Ҳар бир нарсани тежаш, бугунингни эртага захира қилиб қўйиш яхши фазилат. Шундай қилган одам тез бой бўлиб кетади. Ҳа, шунақа, бор, биринг ўн бўлсин.

Сарроф билан уста Мирсалим ҳам гоят мамнун бўлдилар.

Кундузи одатдагича ўтди. Аммо пешиндан кейин намоз асрга яқин бирин-кетин кўп таниш, нотаниш мижоз хўрандалар йиғилишди. Ичларида такага янги келган косиббачча-

лар ҳам бор эди. Булар солма ош қилиб, бир чилим, ярим чилим такбас қилиб кетувчи ёш-яланглар эди. Булар келганда менинг бозорим жуда чаққон бўлиб кетар эди. Булар бир тийин, икки тийин, беш тийиннинг юзига қарамай, чойга, нонга, ўтинга, туз, қалампирга ортиқча пул тўлаб кетар эдилар. Албатта, мен уларни ўз чўнтагимга қайириб олар эдим. Бундан ташқари, ошдан, шўрвадан қолган овқатлардан “чойхоначи болага”, яъни менга насиба атар эдилар.

Одми кунлар бундай ёғлиқ ош, ёғлиқ шўрвалар менга қаерда эди? Шундай жума оқшоми ва жума кунлари такянинг ҳақидан ташқари ўз чўнтагимга бир сўм, олти тангагача ишлаган вақтларим бўлган. Йигирматалаб қозон қайнагандан кейин, “бир капдан берса тўйғизади, бир муштдан берса ўлдиради”, дегандек, тўпланиб қолар экан-да.

Бугун такада яхши савдо бўлган эди. Ҳожи бобонинг қўлига йигирма бир сўм қирқ тийин нақд пул топширдим. Ҳожи бобонинг оғзи қулоғида. Хуфтон намозини ўқиб бўлганларидан кейин ҳам такада етти-саккиз чоғли одам қолган эди. Ҳожи бобо жуда ечилиб кетди. Кеча мен олиб келган шамлардан тўрттасини тўрт бурчакка ёқиб, ҳар қайсисининг тагида бир калимадан қуръон ўқилган. Бир чеккада мулла уста Мирсалим қўш кўзойнагини бурнининг устига қўндириб, кир, бурама болиш устига “Жангномайи Абу Муслими соҳибқирон” деган мўътабар бир китобни қўйиб олган. Гумбурлатиб ўқиб турибди. Қолган гиёҳвандлар уни давра олиб Абу Муслимнинг қаҳрамонликлари тўғрисидаги ваҳималарни тингламоқдалар. Тасаннолар, офаринлар айтмоқдалар. Ўқиш давом этарди:

“Алқисса, андин кейин Маймана томондан, Кўҳи даман этокидан гард пайдо бўлди. Гард аросидан етмиш икки парокотайи алам, нишонаи етмиш икки минг байроқдори жаррожар, ҳаммалари ҳафт жўш пўш эрди ва Майсара томондан ҳазрати соҳибқирони Абу Муслими Хуросонийнинг паҳлавони гардан кошонлари мисоли садди Искандардек саф боғлаб турар эрдилар. Ҳазрати соҳибқироннинг олтин чопқон Зумрад тахтлари узра ливойй Муҳаммадий – байроқ Хуросоний парварафшон бўлиб турар эрди.

Ниқобдор ёғийлар сафидан бир ҳафт жўш кийган паҳлавон аргумоққа маҳмиз бериб майдонга жавлон уриб кирди. Отининг туяғи чачагигача ерга ботар эрди. Етмиш икки бот-

монлик гурзйи-гармонини бошидан чарх уриб айлангириб ниқобни юзидан дарбар айлаб айтдиким:

– Эй Абу Муслими гўсолапараст, эй биёбоний Хуросоний, билсанг билгил, билмасанг мендурман Насри Сайёри беорким, бугун бу маъракаи жангда димофингдан димор чиқаргаймен.

Ва ҳазрати Абу Муслим ҳам ғайратларига чидай олмай, Кўхтоғ исмли бўз отларига сувора бўлиб, ул малъуннинг садди роҳини тўсдилар. Фазабларидан ҳар битта мўйлари кийимларидан ништари обдордай тешиб чиқиб кетган эрди.

Кела Насри Сайёرنинг камар бандидан “Ё Али” деб азот кўтариб, муборак бошларидан етти маротаба айлангириб-айлангириб осмонга отдилар. Ул нопокнинг вужуди бир ош пишгунга қадар кўздан ғойиб бўлиб кетди. Баъдаз муборак қўлларини кўкка қилиб тутиб олдилар. Ерга омон қўйдилар ва дедиларким: “Эй Насри Сайёр, минбаъд Хуросонийлар шаънига бундай беодоблик қилмагайсан”.

Насри Сайёр у жанобнинг рикобларини ўпиб, тавба-тазаррулар қилди ва имон келтирди”.

Хулласи, бу жангнома шу хилдаги ваҳима гаплар билан тўла эди. Аммо эшитувчилар бу ваҳималарни ғоят ҳаяжон билан тинглар эдилар.

Ҳикоят ушбу ерда тўхтаганда Тиконлимосор маҳаллалик Аҳмадали сўфи кўз ёшларини артиб:

– Киройи мардоналик бу бўлибдур. “Мард майдонда” дегани бу бўлур. Ҳозирги замоннинг урушлари махзи номардлик. Бехосдан турган кишини милтиқ билан отмоқ, тинч аҳолининг хонадонига тўп қўймоқ, осмонга хайрипилон чиқармоқ – буларнинг бари номардлик – бу кофирнинг иши, – деди.

Бу гапларни ҳамма “балли-балли”, деб тасдиқлади. Ҳинди сарроф ҳам “мошоолло, мошоолло”, деб маъқуллади.

Нима десангиз денг, бу ерда яна ойлаб туриб қолиш мени зериктирар эди. Уфқ кўк гумбази билан ўпишган ям-яшил қирларда бўкалакли бузоқдек шаталоқ отиб юрган бир бола келиб-келиб хумга қамалган юмрондай бўлиб қолса, албатта, зерикади-да. Бундан ташқари, биронта тенгқуринг бўлмаса, сирдошинг бўлмаса, эшитадиган гаплар сарроф ҳиндининг абоси – кийимидай бўйи бошингдан бир газ ошиқ гаплар.

Зерикар эдим, эрмаклар қидирар эдим. Ҳожи бобонинг кузакда сақлаган туллаклари кеч кузак “чучут” чиқариб қолди.

Ҳожи дўшили Султон пучуқ такада боқиб юрган каклик гид-гидлай бошлади, бироқ бу жониворлар ҳам менга ўхшаш бириси оқ Тайтай тоғнинг баланд ёнбағридан, иккинчиси Кўнгироқ тепанинг куюқ пичанзорларидан ажралган тутқунлар бўлиб, эрмакликка узоқ чидаш беролмас эдилар. Менга эса ҳеч қутилмаганда тўсатдан бўладиган ҳодисалар, чунончи: мўрчанинг қозони ёрилиб, бир-икки киши ўлгандай олам ҳодисе воқеалар, ажойибхонанинг йўлбарси бўшаб кетиб, атторликдаги Вали ҳожи акага човут солгандай саргузаштлар, ҳеч бўлмаса Ҳиндистон чангалзорларидаги саёҳатлар, арслон билан олишув, қирқ кўзли илонларнинг бўйинини чопиб ташлаш, ўргатилган ёввойи одам, каркидон-тимсоҳларни миниб юриш — мана шунақанги фавқулодда воқеалар ёқар эди.

Бу ерда нима бор: тонг азондан икки товуқ ўтгунча пинакка борган, мусичадан ҳам хароб гиёҳвандлар, уларнинг ўзаро мингир-синғир, пойма-пой, тасаввурдан узоқ ҳикоялари. Тагин ҳам ўз тоқатимга ўзим ҳайрон қоламан. Нима қилиб юрибман? Бу ердан тезроқ силжишга мўлжал қилиб қолдим. Аммо икки нарса кўнглимда “ҳали вақт эрта” дегандай бўлар эди. Биринчидан, Ҳиндистон саёҳатига етгудай пул жамғарганим йўқ. Ҳалигача ҳинди саррофнинг саховатидан, Ҳожи бобонинг қўли очиклигидан, ошхўр косиб бойваччаларнинг мурувватидан, унча-мунча янглиш ҳисоб билан уриб қолганларимдан йиққаним учта беш сўмлик, битта ўн сўмлик тилла, иккита сўлкавой, қолганлари танга, чақалардан иборат. Мен пулим бир меъёрга етиб, тиллага алишса бўладиган даражага етганда ҳинди саррофга топшириб йириклаштириб олар эдим. Бу сирни у билар эди, мен билар эдим, худо билар эди. Жамулжами йигирма етти сўму икки танга пул эди. Олтинларимни яқтак кўйлагимнинг ёқа баҳасининг орасига тикиб яширганман. Қолганларини Ҳожи бобонинг сопол тупдонига солиб, такадан эллик қадамча нари — ариқ лабидаги қари тол тагига кўмганман. Ҳаммаси ҳам пешона тери.

Иккинчидан, Ҳожи бободан жавоб сўрасам, жўнликча бўшатиб юбормайди, чунки хизматларим унга ёқиб қолган, қулини совуқ сувга урдирмай қўйганман. Бинобарин, бирорга қилгилик қилиб ҳайдалишим керак. Мен ҳалигача чўл қурбақадай ювош. Ҳожи бобонинг ижозатисиз ўз қавагимдан бошимни чиқарганим йўқ.

Бу ҳафтани миям пишмаган режалар билан банд бўлгани учунми ёки маъюслик, етимлик, уйимни, ошна-оғайниларимни соғинганим учунми жуда ювош, муте ва фармонбардор ўтказдим. Ҳар галгидек шўх-шатир “шум бола” бу ерда йўқ эди. Бу ҳолатимдан Ҳожи бобо анчагина ташвишга ҳам тушди шекилли, ҳинди бўлса, ундан бешбаттар.

Сешанба куни Ҳожи бобо мени меҳрибончилик билан чақириб:

— Болам, бу гап-ку икковимизнинг ўртамизда қолсин, тагин худо уриб анави “қора”си қурғурдан тотиниб-потиниб юрганинг йўқми? — деди.

— Қораси нимаси?

— Биз ейдиган “қорахон” бор-ку, ўшани айтяпман.

— Ўзим гиёҳвандларнинг аҳволини кўриб юрибман, Ҳожи бобо, мен бу заҳарни оғзимга олмайман, тепамда худо бор.

— Баракалла, болам, ҳа, шунақа бўлсин.

Ҳожи бобо елкасидаги рўмол билан кўзини артиб, ёнчиғини кавлаб шапалоқдай битта бир сўмликни қўлимга тутқазди.

— Бу эртага бозорли пулинг, жуда хурсанд қилдинг, болам, ташвишда эдим, тагин бировнинг тўтидек боласини нобуд қилиб қўйдимми, деб қўрққан эдим.

Пулни ёнчиққа яшира туриб:

— Бу томондан хавотир олманг, — деб қўйдим.

— Ўйнаб-кулиб, таралангни тортиб юравер. Сенга “чурқ” этадиганнинг боши ўнта.

Кечаги кайф-суҳбатлардан кейин сарроф ҳинди ҳам Ҳожи бобо сингари меҳрибончилик билан ёнига чақирди:

— Инжо биё, бачам, чи тавр ҳасти, бемор нести? (Бери кел, болам, аҳволинг қалай, касал эмасмисан?)

— Шукр, соғман.

— Ба чи паришон менамойи? (Нега паришон кўринасан?)

— Бо тараддуди саёҳати Ҳиндистон паришонам (Ҳиндистонга саёҳат қилиш тараддуди билан паришонман), — деб ҳазиллашдим.

Ҳар иккаламиз кулишдик.

— Мошооло, сафари Ҳиндистон дори? (Ҳиндистонга сафар қилмоқчимисан?)

— Ҳа, шундай.

— Сафар бо машаққат. Ҳиндистон дур аст. (Ҳиндистон узоқ йўл, қийин.)

— Ҳимматим баланд.

– Офарин, мошоолло.

Ҳиндининг ҳам ҳиммати тутиб кетиб, сарроф халтадан битта беш сўмлик тилла олиб берди.

– Гир, гир, бачам. Мен оила ва бача надорамки, давлати маро сарф кунанд, ҳақ таоло садақаро дўст дорад. (Мана буни ол, болам, менинг оила, бола-чақам йўқки, шунчалик давлатимни харажат қилишса, худо садақани яхши кўради.)

Бугун ўнг ёнбошим билан турган эканман, олти сўмлик бўлиб қолдим. Ювошликнинг, маъюсликнинг фойдаси шунчалик катта эканлигини билганимда бошдан шунақа қилар эдим. Ярим оқшомгача ўзимдан-ўзим ишшайиб, ичимда давлатларимни санаб, қувониб хизмат қилдим.

Чоршанба куни эрта билан Ҳожи бобо қўлимга икки танга бериб:

– Болам, гир этиб бориб, нон олиб келиб бер, хумларга сув тўлдириб қўй, беданаларнинг донидан, сувидан хабар ол. Кейин сенга жавоб, бозорни томоша қилиб, ўйнаб, таъбинг хоҳлаганда қайтиб кел. Лекин кечга қолма, болам. Ёмон кўп, замон ёмон.

Пулни олиб, югуриб бориб нон олиб келиб бердим. Хизматларини бажо келтирдим. Ҳожи бобо қистаб қўймади, бирга ўтириб чой ичишдик. Кейин бозорга қараб равона бўлдим.

Хаста Уккошанинг тагида қаймоқ бозор бўлгувчи эди. Бирор товоқ қаймоқ олиб, битта обинон билан еб олиш ҳавас бўлиб қолди. Қаймоқ бозорга кириб у косадан ялаб кўриб “аччиқ” деб, бу косадан ялаб кўриб “суюқ” деб юрсам, бир бурчакда икки хурма қатиғини ерга қўйиб маҳалладаги оғайниларимдан тегирмончи Абдулла вавағнинг укаси, Иброҳим полвоннинг ўғли Убай ўтирибди. Тура қучоқлашиб кўришиб кетдик. Ўтган чоршанба Туроббой билан бўлган суҳбатдан, минг хил сўроқ-истаклардан кейин, ёлғон-яшиқ гаплар билан қутулдим. Эндиги масалага ўтдик.

Мен қаймоқни еб бўлгунча у қатиқни сотадиган бўлди. Кейин кўмир саройга тушиб томоша қиладиган бўлдик. Морожний еймиз, балиқ еймиз. Юпатовнинг от ўйинига киримиз. Кажавага тушамиз. Дурбин сурат курамиз. Ялла қилиб ўйнайдиган бўлдик.

Убай қатиқнинг пулидан ишлатмайдиган бўлди. Ўзида уч мири бор экан. Қатиқни арзон-гаровга сотиб, тагин пулни ишлатиб қўйса, келинойисидан балога қолар экан. Етма-

ганини мен қўшадиган бўлдим. Беш тийинга ярим қаймоқдон қаймоқ, икки тийинга битта обинон олиб, бир чеккада чўнқайиб қаймоқ ея бошладим. Убай ҳам қатиқларнинг икки хурмасини биттангага сотиб юборди. Катта пул. Ёнимга келиб, қолган қаймоқни у ҳам ейишди.

Чорсунинг оғзига чиқиб Убайнинг хурмаларини Қорабой қассобнинг дўконига қўйдик. Ўзимиз тушови ечилган тойчоқлардай озод эдик.

Бугун бозор куни. Вақт чошгоҳга яқинлашиб қолган. Кўчалар ғоятда гавжум эди. Кўмир саройга кираверишда сомон, саксовул, кўмир ортилган туялар қатор бўлиб, бўйинларарида жаранг-журунг кўнғироқлари билан йўлни тўсиб турар эди. Туяларнинг бути орасидан ўтиб, баъзиларини чўчитиб, маҳкама ариқнинг кўприги устига келдик. Бир томонда олам-жаҳонни тутатиб, бир ифлос ошхонада балиқ қовураб эдилар. Кир стол устида Сирдарёнинг белдан йўғон лаққа балиғи чўзилиб ётибди. Сузма халтадай очиқ кўзларини пашша талаб ётибди. Бир томонда саҳтиёнфурушлар.

Биз булар орасидан ўтиб бордик. Кўмир сарой майдонининг ўртасида кўку оқ брезентлардан қурилган Юпатов от ўйинининг каттакон баҳайбат гумбази турар эди. Унинг олдидаги тахтадан ясалган баланд сўрида карнайчи, сурнайчи, дўмбирачи, бир неча масхарабозлар. Буларнинг орасида Рафиқ масхарабоз ҳам бор. Улар турли ўйинларни кўрсатиб, оломонни от ўйинига чақираб эди.

— Аттагинанг, кўксултоннинг вақти эмас-да, Убай.

— Кўксултон нимага керак бўлиб қолди?

— Сурнайчиларнинг олдига бориб карсиллатиб есанг, оғзи калава-калава сув очиб, сурнайини чалолмай қолар экан. Ўтган ҳафта рўпарасига келиб анор еган эдим, худди шундай бўлди.

Иккаламиз кулишдик.

— От ўйинга кирамизми?

— Йўқ, кирмаймиз, — деди Убай.

— Нега?

— Биринчидан, қиммат, иккинчидан, Майрамхон деган яланғоч чиқармиш, мен яланғоч хотинлардан кўрқаман. Отнинг ўйнашига қизиқмайман. Уйимизда от бор, дадам чавандоз. Ҳар қанча от ўйнатганда бизнинг улоқчилардек ўйнатолмайди. Ўзим минг марта кўрган томошага биттангадан тўлашга аҳмоқ пул йўқ.

– Мен ҳам бир марта кўрганман, бўлади, – дедим.

Рафиқ масхарабоз ёғоч сўрида оғзига арра қипиқ тўлдириб гугурт чақиб “оташ хўр-эй, оташ хўр”, деб олов туркаб турса ҳам кирмайман. Чунки ичкарида ҳам шуни кўрсатади-да.

Морожний егани бордик. Мен қизил морожний олдим. Убай сариғидан. Тўққиз пулликдан олдик. Тарелкага солиб берди, ёғоч қошиқча билан маза қилиб еяётганимда тамом бўлиб қолди.

Кўмир саройидаги почтанинг ёнига дор қурилган экан. Дор ҳали бошланмаган. Лекин атрофда давра қуриб ўтирган одамлар кўп эди. Бу ерда ҳам карнайчи-сурнайчи, дўмбирачи. Иккита қизиқчи ёғоч оёқда алмойи-алжойи ўйинлар қилиб, айланиб юрибди. Шулардан биттасини кокиллик дўпписидан танийман. Ака Бухор.

Убай билан маҳаллага боргандан кейин биттадан ёғоч оёқ қилиб олишга аҳд қилишдик. Ёғоч оёқда юриш унча қийин эмас экан. Ундан кейин бошинг ҳаммадан баланд, девортомдан қараб кўни-кўшнилариинг хоҳлаган қизи, келин-кеватларини кўриб кетаверасан.

Убай:

– Қорнимизни тўйгазиб олмаймизми, нўхатшўрак емаймизми? – деди.

– Кўйсанг-чи, ҳозиргина қаймоқ нон едик-ку. Бунинг ўрнига дурбин сурат кўрамиз, – дедим.

Илҳом самоварчининг укаси кал Иброй дурбин сурат кўрсатар эди. Иккита сурат кўриш бир тийиндан. Бизни таниди. Кўшни маҳалла бўлганимиз учун ҳар бештасини бир пақирдан кўрсатишга рози бўлди.

Иккаламиз иккита дурбинни олиб кўра кетдик. Кал Иброй тепамизда мақтаб, тушунтириб турибди:

– Мана бу Фаранг подшоси Қайсари Рум, хотини билан кўча айланиб юргани, мана бу халифаи Рум Султон Абдулҳамид соний. Ана София масжидига намоз жума ўқигани келганлари. Извошнинг олдида гадойлар садақа сўраб ўраб олиб турибди. Мана бу Афғон амири Султон Абдурахмон. Мана бу Ҳиндистон маликаси, Фаранг подшосининг қизи, фил саёҳатида чангали Мозандаронни айланиб юрибди. Мана бу Макатуллода ҳожиларнинг Арофатга чиқиши. Мана бу оқ пошшо ҳазратларининг энагалари – Валентина Фёдоровна. Бу киши яқинда ичбуруғидан вафот қилганлар. Эй, сартопо, сартопо, томоша қилаверинг!

Икки пақирдан саккиз тийин тўлаб, ўнтадан йиғирмата сурач кўрдик, дунёнинг у чеккасидан-бу чеккасига бориб келгандек маза қилдик.

Кўмир саройидан ҳам ҳафсала пир бўлиб, мум бозорга чиққанимизда, маҳкама томондан қаландархонада тупроқ ялаб ётган Миттихон тўрамнинг қаландарлари безанжир айиқлардай, маст туялардай талқин ўқиб, растани бошларига кўтариб келар эдилар. Биз ҳам эргашиб кетавердик. Қаландарлар Мажжомига қараб кўтарилдилар. Мажжомининг орқасида гўза бозорга туташ ерда катта бир яланглик бор эди. Бугун шу ялангликда Тошкентнинг, Тошкентнинггина эмас, бутун Ўрта Осиё музофотининг воизи Кўса маддоҳи ваъз сўзлаши керак экан. Қаландарлар Кўса маддоҳнинг жарчилилари экан.

Қаландарлар анчагина йиғилиб қолган халойиқнинг олдида саф бойладилар. Бирортаси ҳам ўтиргани йўқ. Ҳаммалари узун-қисқа ҳассаларига суяниб, “хув-хув-хув”, деб тебраниб турар эдилар. Қаердандир ўрталиққа бир курси олиб келиб, унинг устига бир пўстак ташланди. Курси ёнига табуретка келтирилди. Унга бир чойнак чой, пиёла, нон, қанд қўйилди.

Бир нафасдан кейин давра ўртасига малла тунли, бошида катта оқ салла, жияк ёқа кўйлакли, паст бўйли, семиз, қулида ҳасса тутган, оқ юзли, соқол-мўйловсиз кўзлари буришган саксон ёшлар чамасидаги бир чол келиб чиқди. У қиблага қараб курсига қаландарларга рўпарама-рўпара ўтирди.

Қаландарларнинг олдида яна елкасига оқ ридо ташлаган, енгилгина яқтак кийган, шилинг почча кавуш кийган гирдак оқ саллали иккита муллабачча тақлид: бириси қора чўққин соқолли, бириси ёшроқ, икки киши келиб кирди. Улар Кўса маддоҳнинг “дўст тортувчи” шогирдлари эди.

Кўса маддоҳ бир пиёла чой қўйиб томоғини ҳуллаб олгандан кейин ўрнидан туриб, ҳассасини белига қўйиб аста-секин синчиклаб даврани айланиб чиқди.

Биз шу пайтда одамларни йириб-ёриб олдинга утиб олган эдик. Кўса маддоҳ қайтиб ўз ўрнига борди. Қўлини юқори кўтарди. Хириллоқ овоз билан давра атрофидагиларга мурожаат қилди:

— Халойиқ, ибтидоий аввал тикка турмай жой-жойларингизга ўлтиринглар. Тик турмоқлик, наузан билла бутна-растларнинг тошдан қилинган худоларига ҳос хислатдир!

Ҳамма гув этиб ўтирди. Биз ҳам ялпайиб саватдек жойни эгалладик. Ҳалиги иккита муллабачча тақлид “дўст тортувчи” шогирдлар хипча овоз билан маддоҳнинг сўзини:

— Бале... — деб маъқулладилар.

Уларнинг овозини Шайхонтоҳурдан ҳам эшитса бўлар эди. Кўса маддоҳ сўзида давом қилди:

— Бояд маълум бўлмайди, бу ерда жам бўлган издиҳом ўрта-сида мусофир-муҷобирлар, Самарқанду Бухоро, Каттақўрғону Ўратепа, Фарғонаю Хўжанд музофотларидан қадамранжида айлаб Тошкенти фирдавс монандимизга келган мусулмон биродарларимиз бисёрдурлар. Боядки, каминани таниб қўйгайлар. Аслим Бухоронинг Қўзагарон маҳалласидандурман. Исми Ҳожи Нажмиддин ибн Салоҳиддин, падари бузрукворимиз ҳам амири Музаффар замонасининг забардаст воизларидан эрдилар. Ўн етти насаб билан Мавлоно Ҳусайн воиз Самарқандийга вобаста бўлурмиз. Падар бузрукворимиз олий Темурийлардан Ҳусайн Бойқаро замонасида нашъу намо топиб, умргузаронлик қилибдурлар. Зиҳи замонаи шаръий. Зиҳи замонаи шаърий. (Ажойиб амну омон ва шариат барқ урган замонлар эди у замонлар.)

Китоби “Ахлоқи муҳсинин” у жанобнинг таснифларидир. Камина ул ҳазратга ўн еттинчи набира бўлурман. Ҳар ким бунга шак келтирса, юзи қозондай қора бўлиб, дили тандурдай оташларга куйгай, омин!

Шогирдлар:

— Омин, куйгай!!! — дейишди.

— Энди масалага гузар қилайлик. Худо ўз каломида уч зотга итоат қилмоқликни бандаларига фарз қилибдур.

Бирламчи, ҳақ таоло ва таборакнинг ўз зотидурким, кулли мавжудот унинг қудрати билан пайдо бўлибдур ва унинг амри билан жаҳонда барқарордир. Биз ҳақ субҳонаху ва таолога ҳар замон, ҳар соат, ҳар дам ва ҳар дақиқа итоат қилмоққа ўз имонимиз билан мажбурмиз.

Дўст тортувчилар:

— Ҳа, дўст, мажбурмиз, бале... — деб қичқирдилар.

Қаландарлар буларнинг сўзи орқасидан “ҳақ, ҳо, ҳув”, деб талқин ўқидилар.

Кўса маддоҳ уларни бир ишора билан тўхтатиб, сўзида давом қилди:

— Иккиламчи, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам расули барҳақ, пайғамбари охир

замондурларким, биз у жанобнинг ҳар бир суннатларига ва ҳадисларига бешак-шубҳа амал қилмоғимиз керак. У кишининг руҳи покларига салавотлар бўлсин.

Дўст тортувчилар:

— Ҳай-ҳай, салавотлар бўлсин, омин! — дейишди.

Қаландарлар такбир тушириб кетдилар:

— Салли ало сайидино Муҳаммад.

— Салавотино Муҳаммад.

Кўса маддоҳ яна кўл кўтариб қаландарларни тўхтатиб, хириллаган товуш билан ваъзни давом қилдириб кетди:

— Учламчи, бошимизда турган императори аъзамимиз жаноби оқ пошшо Николай Соний Романов ҳазратларидирким, худо ўз каломида “Ассултон зиллолоҳи фил арз”, яъни подшолар худонинг ердаги сояси, дебдурлар. Николай ҳазратлари худойи таолонинг ердаги кўланкасидурлар. Бошимиздан шафқатлар аримасин.

Дўст тортувчилар:

— Кўланкасидурлар, омин, кўланкасидурлар, омин...

Қаландарлар:

Султон бидонад ҳоли ман,

Султон ба ман шафқат кунад.

Ху... ху... —

дердилар.

Кўса маддоҳ яна уларни тўхтатиб, сўзида давом қилди:

— Яна у подшоҳи аъзамимиз Николайнинг хонадони олийлари, вазир-вузаролари, аршга кўйилган курсидай баланд тахтлари сиҳат-саломатликда минг йиллар барқарор бўлсин, омин!..

Дўст тортувчилар:

— Омин, омин...

— Акнун ушбу замонага мағриби замин томонидан олмон деган бир бадбахт душман подшо чиқиб, жаноби император ҳазратларининг тахти салтанатларига, варост заминларига лаклак ҳафт жўш лашкар, тўпу замбарак, осмону вафур (самолёт) юбориб, кўп ерларни ғабс этиб, халойиқни бесаранжом қилиб, кулфатлар солиб турмоқда эрурким, айниқса, ушбу замонада ҳар бир мусулмонга ўз подшоҳи аъзамига итоат қилмоқ, ҳар бир амр-фармонига бўйин эгмоқ фарзи айнидир. Худо ўз ка-

ломида улул амру минхўм, яъни подшоҳларингиз қайси динда бўлса ҳам унга мутъе бўлинглар, дебдур. Алҳамдулиллоҳ раббил оламинки, бизнинг оқ подшоҳимиз ва бутун вазир-вузаро, амири лашкарларимиз китобий динда ҳазрати Масиҳ диниладирлар. Бизга Куръон нозил бўлгандай, ҳазрати Исога ҳам “Инжил” нозил бўлибдир. “Инжил” ҳам каломуллодир. Бас, маълумдирким, ҳазрати подшоҳимиз ва хонадони олийлари кофир эмас, аҳли китобдандирлар.

Маълум бўлурким, ҳазрати подшоҳимизга ўз фуқаролари мусулмонлар аз он жумла бизнинг Туркистон сартиялари ҳам фармонбардор бўлиб, хусусан, ана шу қаттол жанг кунларида ёрдам бермоқлари фарздур.

Ва яна бу ерда мавжуд издиҳомга огоҳлик учун айтурманким, ўз ичимизда бўлган “хуфия”лар, воқеанавислар, мастеровойлар деган бихирад лайта лааллакларнинг, оёқяланг хона бардўшларнинг иғво-фасодларига учмасинлар. Ҳар қаердаким, шундай бузуқ фитнажўлар фуқароларни подшоҳимизнинг адолат йўлидан иғво йўлига судрамоқчи бўлганларни шаҳар бошлиқларимизга, жаноб полицамистримизга ва уларнинг садоқатли амалдорларига тутиб берсинлар, омин...

Худои таоло ва таборак душманимизни ер билан яксон қилсин, иғвогарларнинг, фитна-фасодчиларнинг оғзига тош!

Дўст тортувчилар:

— Омин, оғзига тош, омин, оғзига тош... — деб қичқирар эдилар.

Шундан кейин Кўса маддоҳ амри маъруф, наҳимункарга (шариат масалаларига) ўтди:

Мустаҳаб қилишда орқа томонни неча марта ювса савоб, неча марта ювса гуноҳ?

Эрта билан туриб кавушни ўнг оёқдан кийиш керакми, чап оёқдан кийиш керакми?

Ҳалога қайси ният билан кириш керак?

От минган киши эшак минганга салом бериши мумкинми, йўқми?

Оқиб турган сувга ахлат тушса, неча марта ювса ҳалол бўлади?

Ўғри худонинг бандасими, йўқми?

Машиначилар билан саргарошлар ҳам жаннатга кирадими, йўқми?

Картошка ҳалолми, ҳаромми?

Ўруснинг ясси қозонида пиширилган овқатни еса бўладими. йўқми?

— Маддоҳнинг гапларидан музлаган тарракча маза тополганим йўқ. Кетамиз, — дедим Убайга.

У ҳам мени туртиб:

— Мен ҳам ҳеч нарса тушунмаяпман. Нуқул оқ пошшони мақтайди, пора-мора еганми ўзи, — деди Убай. — Маддоҳларнинг ҳаммадан пул сўраши қизиқ бўлар эди. Пул сўрайдиган жойига етиб қолдимми?

— Йўқ. Бу гапда пул сўрамайди. Пулни чўпчак айтганда сўрайди. Мен пул сўрашини жуда яхши биламан. Чунончи, у бир қизиқ эшитилмаган чўпчакни бошлайди-да, бир кутилмаган ерга олиб келиб тўхтатади, одамлар ҳаяжонланиб ҳикоянинг бундан бу ёғида қандай воқеалар юз берар экан, деб, типирчилаб кутиб турганда, тўсатдан пул сўраб қолади.

Ҳозир ҳам Кўса маддоҳ шундай қилди. Эшитилмаган бир қизиқ, афсонавий ҳикояни бошлаб, қизиқ бир жойига келганда тўхтатиб қўйди. (Бу чўпчакни батафсил айтиб ўтириш кўп вақтни олади, шунинг учун уни гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.)

— Ҳой, мусулмонлар, — деди Кўса маддоҳ, — биз ҳам аялманд мусулмонларданмиз. Бир неча жўжавурдек жонларнинг кафилини худо бизнинг елкамизга юклаб қўйибдир. Шурда ҳозир ва нозир ўтирганлар ҳикоямизнинг давомини тингламоқчи бўлган биродари шаръийларимиздан фарзанд талабдур, давлат талабдур, хотин талабдур, қарздордур, ҳар мақсадики кўнглида бўлса, худойи таоло тез фурсатда шу мақсадига ноил қилгай, деб етмиш азаматдан худо йўлига етмишта от сўрадим. Ҳай-ҳай, абас гапирдим, абас гапирдим. Мендек бир бечора етмиш отни на қилурман. Менинг ҳожатим учун бир саман от бўлса кифоя. Бир азаматдан бир от сўрадим. Қолган олтмиш тўққиз сахийдан ярим тиллодан олтмиш тўққизта ярим тиллолик сўрадим.

Ҳой, абас сўрадим, абас сўрадим. Шундай гўлгула, саросима замонда ҳамма муттасил ўз оила ташвиши билан банд бўлганда ярим тилло сўрамоқ абасдур. Қолган олтмиш тўққиз аҳли суннати валжамоадан бир сўлкавойдан олтмиш тўққиз сўлкавой сўрадим.

Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз муборак ҳадисларидан бирида “Ҳайрил умур авсатуҳо”, яъни ҳар бир ишнинг ўрта ҳолдагиси яхшидур. Бир сўм сўра-

моқ, демак, ўрта миқдордур, ашаддий мусулмонга бир танга садақа қилмоқдан озор етмагай.

Қани, мунтазир бўлмалик, ҳикоя давом қилсин, деганлар ёнчиқ кавласинлар.

“Дўст тортувчи” икки муллабачча иккита кепчик кўтариб даврани айланиб кетди. Қандайдир бир бойвачча ўртачагина бир отни даврага етаклаб кириб, Кўса маддоҳга юганини тутқазди.

– Тақсир, бефарзандман, дуо қилинг.

Кўса маддоҳ худди пайғамбарларга ўхшаган кўзининг гўлагини оқартириб кўкка қараб қўл очди.

– Омин, ҳой, мусулмонлар, сизлар ҳам менга қўшилиб омин денглар, яна бир марта омин...

Ҳаммаёқдан бўғос-қисир чуввос “омин” овозлари кўтарилди.

– Худоё шу укамнинг кўнгилларида ўйлаган ҳамма ниятлари жаноби кибриёнинг даргоҳида қабул бўлсин. Ҳазрати шери яздон, йигитлар пири ҳазрати Али камарбандини боғласинлар, худойи таоло ва таборак тўққиз Ҳасан-Ҳусан ўғил, тўққиз Фотима-Зухро қизга ота қилсин, бошлари тўйдан чиқмасин, омин.

Овозлар ичида “дўст тортувчи”ларнинг чинқирган “омин” овозлари мис баркашни пичоқнинг учи билан қиргандай чийиллаб ажралиб турар эди.

Бойвачча-ку, Кўса маддоҳга от садақа қилди, аммо бу отни Кўса маддоҳ авваллар ҳам миниб юганини бир неча марта кўрганларини шивир-шивир айтгувчилар ҳам бор эди. Биз бировнинг устидан гап тарқатишни ёмон кўрамиз, гуноҳи айтувчиларнинг бўйнига.

Кепчик кўтариб пул йиғувчилар давра айланиб, тузукроқ кийинган одамларнинг олдида узоқроқ тўхтаб садақа йиғар эдилар. Қанча тушганлигини билмайман. Мен Кўса-маддоҳга ҳисобчи бўлганимча йўқ.

Мен Кўса маддоҳнинг пул йиғиш тўғрисидаги найрангларини Убайга тушунтириб бермоқда эдим. Бирдан Кўса маддоҳнинг кўзи биз томонга тушиб қолди шекилли:

– Ҳой, қаландарлар, ҳой, биродарони олий, ана шу икки беодоб баччаларни маърақадан олиб чиқинг, ҳалол ошга тушган пашша бўлмай ўлсинлар, — деб қолди.

Тўртта йўғон қаландар келиб иккитаси менинг қўлимдан, иккитаси Убайнинг қўлтиғидан азот кўтариб, маърақадан чиқариб, бошимизга биттадан муштлаб, қассоб бозорнинг даҳанасига улоқтирдилар.

– Жўна-э, итдан туққанлар!

Тагин нима балолар деб гапириб сўкишди.

Мен Убайга:

– Айтмабмидим. Кўса маддоҳ ваъзига халақит берганларни жуда беобрў қилади, деб.

– Бе! – деди Убай. – Сен билан менда обрў нима қилади. Юр.

Кета туриб ўйлаб қолдим. Бир-икки сўм харажат қилиб, бечора онам, укаларимга беш-ўн қадоқ гуруч, мош, бир-икки қадоқ ёғ, бир оз гўшт, майда-чуйда қилиб Убайдан бериб юборсаммикин, қанақа бўларкин? Тагин онам бечора Убайдан мени қаерда кўрдинг, қани, юр, олиб бор, деб тиқилинч қилиб қолса, қандай бўлар экан?..

Хулласи, минг хил хаёлларга бордим. Энг охири: “Ҳа, энди беш-олпти ойдан буён-ку, дом-дараксиз, санқиб юрибман. Нима, маҳалладагилар тирик юрганимни билишади. Улар ҳам, мен ҳам қирққа чидаган, қирқ бирига ҳам чидаб қолармиз. Барибир, келгуси ҳафтагача Ҳожи бобонинг тарбиясида қолмоқчи эмасман, ўшанда бира тўла топган-тутганимни харажат қилиб, ортиб-тортиб бора қоларман”, деб ўзимга тасалли бердим.

Кейин битта оқ тангани Убайнинг қўлига тутқазиб:

– Ма, ўртоқ, чойчақа қил, лекин мени кўрганингни ҳозирча ҳеч кимга айтма, ўзим бориб қоламан, – дедим.

Убай билан хайрлашиб ажрашдик.

Вақт охир пешин бўлиб қолган эди. Қорним очган. “Уладиган дунёда бир гашт суриб қолай”, деб Илҳом самоварчининг самоварига кирдим. Кал Асра аввал мени ҳайдаб юбормоқчи ҳам бўлди:

– Бор-бор, ишингни қил, ўт. Бу ерда бир чой, бир нон, нимчорак қанд – тўрт ярим пақир, сендайлар бу ерда чой ичолмайди. Ўт, ўт, кўрпачага битинг тўкилади.

– Кўя қолинг, жон Асра ака, тўрт ярим пақир тугул бир сўмим ҳам бор, киргизаверинг, мана, ишонмасангиз, – битта сўлкавойни кўрсатиб қўйдим.

– Вой, баччағар-эй, тим урдингни, буни қаёқдан олдинг? Ҳа, майли, кира қол, – деди кал Асра.

Ичкарига кириб сўрининг даҳанасига ўтирдим. Бир чойнак чой, бир обинон, нимчорак қанд олиб келиб қўйди. Тўтининг алмойи-алжойи гапларига қулоқ солиб, граммофондан Ҳамрокул қорининг “Ё ҳаётаннабий” сини эшитиб, маза қилиб чой ича бошладим.

Бозор қилгани даладан тушган бир ўзбекнинг граммофонни биринчи кўриши экан, ҳайратда қолди. Ичида одам борми, деса кичкинагина қутича, шайтон деса, худо оллонинг, Муҳаммаднинг отини айтиб турибди. Ҳанг-манг бўлиб аллавақтгача туриб қолди. Граммафоннинг сирини унга тушунтиришга ундан кўра илмсизроқ эдим.

Намозгар бўлиб қолди. Тезроқ такияга боришим керак. Шам олдим, бухор носи олдим, пашмак олдим. Ҳожи бобо билан ҳинди саррофга муносиб бозорликларни қилиб, қийшайиб кириб бордим. Аммо ростини айтиш керак, такидан жуда зериккан эдим. У ердагиларнинг дийдорини кўришга тоқатим қолмаган эди.

Кечаси биринчи ширава қор ёғиб чиқди.

Жуда совқотиб жавраб чиқдим. Азонлаб туриб, еттинчи лампанинг ёруғида Ҳожи бободан телпак билан гуппи сўраб, “Кузнецов” чойдан бўшаган, Ҳожи бобо хуфия тарёкиларга афюн ўраб берадиган қоғознинг орқасига ушбу қорхатни ёздим:

“Қорхат бу турур

Қорни ёғдирган худойимнинг ўзи,
Хат бориб тегсин, кийим-бошнинг сўзи.

Ҳожи бобо, биласиз, эгнимда йўқ,
Ўз пулимга олгали кўйнимда йўқ.

Гупписизлик, қўл-оёғим бўлди ланг,
Пилтасиз дўппи кийибман, бош яланг.

Хизматингиздан мудом айрилмадим,
Буйругингиздан қиё қайрилмадим.

Тонг саҳардан кечгача изғийман,
Худди чўлтоқ бир шипирғи — тўзғийман.

Жон бобо, раҳм айлангиз аҳволима,
Қолмангиз ўлсам қотиб, уволима.

Бир иложини қилинг, Ҳожи бобо,
Етти марта ҳаж ато қилсин худо, —

деб ёздим, етим шогирдингиз”.

Ҳожи бобо уйдан такага чиққанда хатни унга бердим.

— Бунинг нимаси, болам?

— Билмадим, бир киши бериб кетди. Намангандан хат эмиш.

— Ҳа, шунақа, Маматризодандир. У бу йил кўкнори экомқчи эди, — деди. Хатни мудраб ўтирган сариқ соқолли кўш кўзойнакли кишига берди.

— Буни ўқиб беринг-чи, мулла уста Мирсалим, дўстимдан экан. Тонг азонда кўзим ўтавермайди.

Мулла уста Мирсалим хатни олиб ўқий бошлади:

“Қорхат бу турур”

— Ҳи, шунақа, — деди Ҳожи бобо кўзи қинидан чиқиб кетгундай бўлиб, — ҳой, ҳароми, буни сенга ким берди, шартта ушламайсанми, эшакка тескари миндириб, юзига қора суртиб Чорсу айлантирмаймизми? Ия, муни қаранг-а, кексайган ҳолимда менга ҳазилкашлик қилиб зиёфат ютгувчи ким бўлди экан? Ҳу баққолнинг мушугига ўхшаб сипоҳ бўлмай ўл. Қани, ўқийверинг энди, мулла уста Мирсалим, бўлар иш бўпти. — Уста Мирсалим, туртиниб-туртиниб, “Хўш-хўш”, деб ўқиб чиқди. Ҳожи бобо хатнинг юқориларини “ҳа, шунақа, ҳа, шундай бўлади”, деб тинглаб борган бўлса, “Етти марта ҳаж ато қилсин худо”ни эшитганда кўзига ёш олди. “Етим шоғирдингиз” деган имзога келганда ийиб кетди.

— Буни сен ёздингми, баччағар, таъби назминг ҳам бор экан-ку, тўхта, эй, жигаримни эзиб юбординг, — белбоққа қистирган рўмолчасини олиб кўзини артган ҳолда ўрnidан турди, уйга кириб кетди. У чиққунча мулла уста Мирсалим назм ишининг қийинчилигини, пири куч эканлигини айтиб мени мақтади. Ҳожи бобо чиқди, қўлида кечаси киядиган, пахта солинган, нимдошгина, бинафша духоба қалпоқ бор эди.

— Мана буни кийиб ол, болам, қани, қўлингни оч, худоё худовандо сен ҳам мендай қариб-қартай! Каррукнинг боласи тухумдан чиқа кўрмасин, чиқди дегани қанот-қуйруқ битди дегани, жонинг соғ бўлса гуппи ҳам бўлиб қолар.

Ҳайтовур, Ҳожи бобонинг дуоси бекор кетмай, уч кундан сўнг, ҳинди сарроф ўзининг эски, кенг, енгсиз ҳиндча тўнини совға қилди. Менга чоракам бир газча узун келгани учун этагидан қирқиб ташладим. Оёғимда опорка, бошимда “намозлик” қалпоқ, эғнимда устидан қайиш билан боғланган кенг ҳиндча тўн — або, ошқовоқ полизнинг гўнгқарға

тегишидан кўрқиб ўтказилган кўриқчиси каби аҳли така хизматини астойдил қила бошладим...

Бугун тўқсон тушади, деган кун биринчи ишни кўрсатдим: эрта билан аҳли така йиғилмасдан бурун манқалдоннинг остига қалин кул солиб, устига ўт ёқдим. Ўт тайёр бўлгач, носдан бўшаган битта шишага совуқ сув солиб, оғзини маҳкам ёпдимда, манқалдондаги кулга кўмдим, олиб бориб даврага қўйдим. Бирин-кетин мижозлар йиғилиб, манқал атрофида нонушта бошланди. Қўш кўзойнакли мулла уста Мирсалимдан тортиб Султон пучуқ, сарроф ҳинди, Ҳожи бобогача даврада эдилар. Суҳбат яна қизиб бораётган уруш тўғрисида кетар эди.

– Гермон дегани балои азим экан, – деди уста Мирсалим.

– Баракалло, – деди сарроф.

“Шишадаги сувга иссиқ ўтиб қолгандир”, деб ўйладим мен.

– Осмонда учиб юрган эмиш, – деди Султон пучуқ.

– Мошоолло! – деди ҳинди.

“Сув қайнаётгандир”, деб ўйладим мен.

– Фарангнинг шаҳарига осмондан тўп ташлабди, – деди уста Мирсалим. Шу чоқ шишадаги сув мўрчанинг қозони ёрилгандай даҳшат билан манқалдонда портлади.

Тақяхонани ўт учкунлари билан кул тўзони қоплади. Тўзон пасайганда Ҳожи бобо билан Султон пучуқ аранг тўрт оёқлаб кўзғалиб ўринларидан турмоқда эдилар. Сарроф билан уста Мирсалим беҳуш ётар эдилар. Мен эпчиллик билан беҳушларнинг юзларига сув сепдим. Ҳинди уйғонди. Ҳангу манг бўлган Ҳожи бобо гулдираб, Германни ҳам, Николайни ҳам қарғар эди. Уста Мирсалим ҳам ўзига келди, аранг ўрнидан туриб:

– Нима гап? – деди.

– Ўлинг! – деди Ҳожи бобо, – ҳамма иш сиздан бўлди, ҳукуматнинг ишига аралашманг, демаганмидим.

Султон пучуқ аллақачон такадан чиқиб кетган эди. Ҳаммалари ҳам бу ҳодисанинг нимадан эканини жўёлмас, манқалдондан икки-уч қулоч нарига бориб, бурчак-бурчакка тикилиб, рўмолча билан юзларидаги кулни артмоқда эдилар. Ҳамма хомуш эди, энг охир Ҳожи бобо мента қараб:

– Ҳу тустовуққа ўхшаб тумшаймай ўл, нимага қараб турибсан, бор, манқалдонни чиқариб ташла! – деди.

Мен манқалдонни олиб наमतни сулураётганимда иккита миршабни етаклаб Султон пучуқ кириб келди, қўлини бигиз қилиб кўрсатиб:

— Тўп шу ерда отилди, — деди, тагин уста Мирсалимни кўрсатиб, — мана шу отди, — деб ҳам қўшди.

Текширув бошланди. Такянинг ҳаммаёғини ахтардилар. Ҳожи бобо билан уста Мирсалимнинг чиллашир билан ўлган аммасини ҳам қолдирмай суриштириб чиқдилар. Паспорт кўрдилар. Икки қадоқ наша, чорак қадоқ афюндан бошқа ҳеч нарса тополмадилар. Кексароқ миршаб нашадан муштумдайини ушатиб шими чўнтагига солганини кўрсам ҳам индамадим. Энг охири кичик, хушмўйлов миршаб:

— Яхши, — деди, — бу ерда тўп отилгани қонунан кўринмади. Бирорта бола мушак-пушак кўмгандир.

Ҳамма менга ялт этиб қаради. Ҳожи бобо соқолини силаб яниб қўйди. Миршаб давом қилди:

— Аммо, Ҳожи бобо, сиз биз билан бирга бориб, мана бу афюн билан наша тўғрисида полицмейстер жанобларига қонунан тушунтириб келасиз.

— Оллоҳ рози бўлсин, улуғлар, улуғлар, — деди Ҳожи бобо, — кексайган чоғимда маҳқамага судраманглар, бировнинг омонати эди...

Мулла уста Мирсалим, сарроф, мен ўртага тушдим.

— Қўйинг, улуғ хизматингиз гарданимизга, оллоҳ рози бўлсин! Оқ пошшомизнинг умрлари узоқ бўлсин, — дейишдик. Ҳожи бобо ёнчиғини кавлаб қолди, бир ҳовуч тангачақа олиб катта миршабга узатди:

— Ўргулайлар, оз бўлса ҳам кўпдай кўрасизлар, чойчақа.

Ҳар икки миршаб бир-бири билан кўз уриштирди.

— Яхши, — дейишдилар. — Бундан буён бу иш бўлмасин, бу галча сийладик. Кекса одам экансиз...

— Куллуқ-қуллуқ, — деб таъзим қилди Ҳожи бобо, миршаблар “мол”ни топшириб кетдилар.

Ҳожи бобо чарчаган кишилардай уҳ тортиб, супа даҳана-сига утирди:

— Уҳ, бир фалокатдан қутулдим, ҳай, шайтонбачча, кеча берган пулинг қанча эди?

— Етти сўм танга мири.

— Хайрият, арзон қутулибман! Қани, менга жавоб бергил, бу ҳунар сендан чиқдими?

— Ўлиб кетай!..

— Бола-мола такяга кирганмиди?

— Пайқаганим йўқ!..

– Ҳи, шунақа, – деди Ҳожи бобо, – устинг битиб, қорнинг тўйиб Эшонхон найрангбознинг такасидай ўйин чиқариб қолдингми, пайқаганим йўқ эмиш-а, ҳароми!

Ўрнидан туриб самовар ёнидаги оташкуракни кўтариб яғринимга бир-иккини туширди. Одамлар ажратиб қўйдилар. Мен бир бурчакда йиғлар эдим. Шу билан тинчлик ўрнашди. Сарроф бозорга кетди. Уста Мирсалим, аллақайси бойнинг ўғил тўйисига тортиқ қилиш учун ранго-ранг қоғозлардан гул қилишга ўтирди. Ҳожи бобо уйга кириб кетди. Султон пучуқ шу-шу такага қадам босмайдиган бўлди.

Тўғри, ҳамма иш ўрнига тушган, бироқ менинг устимдаги шубҳа кўтарилмаган эди. Мен эса яна зерикар эдим. Бир кун аҳли така офтоб шувоққа чорпоя қўйиб, сўзлашиб ўтирганда иккита мовмушук уришиб, бўғотдан ағанаб, уларнинг олдига тушди. Худди ажойибхонадан йўлбарс бўшаб човут қилгандай уларнинг ўтакаси ёрилди. Муни қарангки, шу ишни ҳам мендан кўрдилар. Гуноҳинг бўлмайти туриб шубҳа остида яшашдан ортиқ азоб йўқ. Кетмоқчи, албатта, кетмоқчи бўлдим. Бирок: “Ҳиндистон йўл харжи” ҳали мўлжалга етмаган эди.

Ҳар галгидай бу пайшанбани ҳам тантанали ўтказиш учун Ҳожи бобонинг ўзи яхши тайёргарлик кўриб қўйган эди. Наша, чой-пойлар турадиган, Ҳожи бобонинг фақат ўзи очадиган тепа пиромондаги кичкина ирвит қугичага ярим қадоқ “Кузнецов”нинг аъло нав оқлар чойи, бир қадоқ пашмак ҳолва, бир қадоқча Ургутнинг сариқ офтоби майизи ва бошқа нознеъматларни яшириб, қулфлаб, калитини Ҳожи бобо белбоғидаги ҳужранинг калити, дарвозанинг калити, уйнинг калити, туясандиқнинг калити ва бошқа калитларга қўшиб қўйди.

Чехрасида мамнунлик бор эди. У ич-ичидан хурсанд бўлганда ҳисларини мингиллаб ашула айтиб ифодалар эди. У жуда эриб, “Антал ҳоди антал, ҳақ, лайсал ҳоди илол ҳу” деган, мен тушунмайдиган қўшиқни хиргойи қилар эди.

Бу гап, энди чоршанба куни кечқурун бўлган эди. Одатдагича хуфтондан кейин қўш кўзойнакли уста мулла Мирсалим аравакаш отнинг тўқимидек катта китоби “Садди Боттол Ҳозий”дан китобхонлик қилиб берди. Яна ўша ҳиндининг “мошоолло”си. Навбатдаги сўлпи умрни ўтказиб, қоида бўйича ёта кетдик.

Бу тонгда Ҳожи бобо наврўздан буён ихлос қўйиб парвариш қилиб юрган, аммо сайрамаган, Ўратепадан совғага кел-

ган туллак каклик бирдан “ғид-ғидак” чиқариб қолди. Чўчиб уйғониб кетдим. Бир нафас каклик товушини завқ билан эшитиб ётдим. Кейин дик этиб ўрнимдан туриб ташқарига чиқдим, бет-қулимни ювиб катта самоварни қўйиб юбордим. Мулла уста Мирсалим билан сарроф ҳам уйғондилар. Қумғончада илиқ сув қилиб бердим. Ювиниб келдилар. Чойнакларни артиб-суртиб самовар тагига тизиб қўйдим. Ҳаммаёқни супуриб-сидириб, ёғ тушса ялагудай қилиб, Ҳожи бобонинг чиқишига мунгазир бўлиб турдик.

Ҳожи бобо узоқ кутгирмай ичкаридан “Антал ҳоди”ларини минғиллаб, йўталиб-сўғалиб чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум, боракалло.

— Самовар қайнади, Ҳожи бобо, чой берсангиз дамлар эдим.

Ҳожи бобо калитлар орасидан ирвит қутининг калитини ажратиб пиромонга қаради. Пиромонда қутича йўқ эди.

— Ия, — деди Ҳожи бобо, — қутини бошингга қўйиб ётганмидинг? “Ўзингни эҳтиёт тут, қўшинингни ўғри тутма”, деганлар. Боракалло, ўғлим, боракалло.

— Йўқ, Ҳожи бобо, мен бошимга қўйиб ётганим йўқ. Жойида турган эди.

— Нима, нима? — деди Ҳожи бобо. — Уста Мирсалим, сиз кўрганмидингиз?

— Аввал оқшом кўрган эдим, шу пиромонда турган эди.

— Йўқ-ку? — деди йиғламсираб Ҳожи бобо, менга қараб: — Ҳой, ҳароми кўча, яхши ўйлаб кўр, у ёқ-бу ёққа олиб қўйгандирсан? — деб сўради.

— Ҳожи бобожон, мен сизнинг нарсангизга тегмайман. Жойида турган эди.

— Қуш эмаски, қанот боғлаб, учиб кетган бўлса, қурбақа эмаски, бирор телик-тешикка кириб йўқолган бўлса. Топ, падарлаънат. Ўзидан катта одам билан ҳазиллашиш уят бўлади.

— Мен сизга бирор маҳал ҳазил қилиб юрганмидим, Ҳожи бобо?

— Мендан кейин бу ерга биров киргани йўқми?

— Зоғ ҳам учгани йўқ.

Можаро бошланди. Ҳожи бобо такянинг эшигини ёпиб келиб ҳаммаёқни титкилаб чиқди. Кўрпачанинг таги ҳам қолмади, самоварнинг ўтхонаси ҳам қолмади. Кейин, Ҳожи бобо деворга суяниб турган оташкуракни олиб, яғринимга иккини туширди. Бу ишга уста Мирсалим ҳам аралашиб, савалашди.

Мен нимага иқрор бўлишга ҳайрон эдим, йиғлар эдим. Энг охири ҳаммалари чарчадилар. Ҳожи бобо ўз ўрнига ўтириб менга қаради:

— Ҳой, падарлаънат, мулойим шупурги. “Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим ўғлон асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар”, деганлар. Сен ҳароми келгандан буён дўкон-дастгоҳимдан барака кўтарилиб, тақяда бирор кун тинчим қолмади. Агар шу қутичани бирор ерга яширган бўлсанг, ҳали ҳам яхшиликча ўрнига қайтар, билиб-билмасликка солиб кета қолайлик. Илло, бола, бўркингда билиб қўй, қозига чақиртириб, терингга сомон тиқтираман.

Йиглаб туриб жавоб бердим:

— Йўқ, Ҳожи бобо, илгарироқ мен сизни қозига чақиртираман. Салкам тўрт ой хизматингизни қилиб, топганим битта опорка билан эски қалпоқ бўлди. Бунинг устига етим деб сийлаб ўтирмай, икковлашиб тоза саваладингиз. Ҳақ бермадингиз. Бу қайси шариатга киради-ю, қайси законда бор. Оқ подшоҳимизнинг даргоҳларини бедарвоза деб биласизми? Йўқ, мен сизни қозига чақиртираман!

Бу гапларимдан кўзи қинидан чиқиб кетай деган Ҳожи бобо ўрнидан ярим туриб:

— Ҳали шунақами? — деди. — Тузим кўр қилгур. Ҳали шу гапларни ҳам биламан дегин. Жўна, жўна. Ҳозироқ жўна! Ҳақинг қолган бўлса, қиёматда оласан. Худога солдим.

Жанжалнинг улғайиб кетишидан кўрққан мулла уста Мирсалим:

— Кўйинг энди, Ҳожи бобо, битувчилик қилайлик, — деди. Кейин менга қараб: — Бола, сен ҳам тилингни тий. Ундан кўра гумонингни айт. Қутичани кечаси келиб ким олган бўлиши мумкин?

Мусофир сарроф бўлса бир чеккага сиқилиб, менинг аҳволимга ачиниб, соқолини силаб йиғлар эди.

— Эй, баччаи бечора. Бадбахт ятим. Ҳожи бобо, ҳама кам будия ман тавон деҳам. Чанд пул мебошад? (Эй, бола бечора. Бахти қаро етим. Ҳамма йўқолган нарсаларнинг товони ни мен бераман. Неча пул бўлади?)

— Бас қил-эй, шу мешават-пешаватингни! — деди Ҳожи бобо ҳиндини жеркиб, сўнгра менга юзланиб, деди: — Айт, гумонинг кимда?

– Бировга тухмат қилиш қийин. Гумоним тунов кун миршаб етаклаб келган пучуқда. У сиз билан уста Мирсалимга ўчакишиб қолган.

– Ҳм, шунақами, – деди Ҳожи бобо, – зимдан текшириб кўрамиз, қочиб қутулолмайди.

Охири жанжал битувчилик билан тинди. Мен бугун кечқурун ҳайдаладиган бўлдим. Уста Мирсалим мен яна бирор шикаст етказмаслигим учун шу ерда кўз-қулоқ бўлиб турадиган бўлди. Ҳожи бобо хизмат ҳақларим учун ойига бир сўмдан тўрт сўм пул, унинг устига қуюқ дуо қиладиган бўлди. Кутича ва унинг ичидаги моллар топилса топилгани, топилмаса худо етказадиган бўлди.

Кечгача одатдагича ихлос билан хизмат қилдим.

Кечқурун кетишга тайёрлана бошладим. Шомдан кейин одатдаги ўзим ётиб-турадиган ерда кўрпачам, ёстигим тағларини – хазинамни тозалаб, енгсиз тўн ёқасига тика бошладим. Иккита ўн сўмлик, учта беш сўмлик тилла. Ҳожи бобо берган битта уч сўмлик қоғоз пул, қолганлари бир сўмлик, ярим сўмлик сўлкавой, танга-чақа аралаш эди. Танга-чақаларни тикканим йўқ. Жамулжам қирқ икки сўм олтмиш икки тийин бўлган эди. Катта давлат. Уруш бўлмаганда ўнта қўй олса бўлар эди. Ҳа, майли.

“Семизликни қўй кўтаради”, дегандек шунча катта давлатдан ўзим ҳам кўрқар эдим. Пулни ёқа бахясига тикиб битказай деганимда, уста Мирсалим тепамга келиб қолди.

– Нима қилиб ивирсияпсан, болам?

– Ҳайдалишга-ку ҳайдалдим, энди кўчага шу йиртиқ-ямоқ билан чиқаманми? Ҳеч бўлмаса, у ер-бу еримни чашиб олай.

– Паррехтагина бола, – деди уста Мирсалим, – ишқилиб, шу кўзи тор сарроф устингдан тўнингни тортиб олмаса бўлгани эди. Кўп зиқна одам-да. Бўлмаса, шунча пул-а? Битта сариқ чақани “манг, уста, чой ичинг”, деб олдимга ташлаганини билмайман. Эртага сен шўрликка варрак қилиб бермоқчи бўлиб дилимга тугиб қўйган эдим, Хитой қогоз билан қамиш ҳам савил қоладиган бўлди. Ҳа, майли, пешонанг экан.

Юрагим “шув” этиб кетди.

– Ўзи берган тўн-ку, қайтиб сўрармикан?

– Сўрайди у тўнг кўз. Сўрамаганда ҳам Ҳожи бобо берган иш ҳақингни қўлингдан қоқиб олади. (Саррофнинг менга нисбатан жўмардлигини уста Мирсалим билмасди. Сарроф

тўнини ҳеч қачон сўрамас, қайтанга ҳайдалганимни билиб яширинча икки сўлжавой бахшиш берган эди.) — Уста Мирсалим сўзида давом этди: — Ҳозир ойдин кеча, шомдан эндигина ўтди, ҳали ҳам гап-сўзни чувалаштириб ўтирмай, хайрмаъзурни насия қилиб кетавер. Кетаверишинг Ҳожи бобога ҳам маъқул тушади. У қамчиқим одамларни ёқтиради.

Бу гап менга сарийёгдек ёққан эди.

Уста Мирсалимнинг бу гапининг тагида пиёзи бор. Мен билар эдимки, Илҳом самоварчи самоварга одамни кўпроқ чақириш учун тўти сақлагандай, Ҳожи бобо уста Мирсалимни тўти қилиб боқар эди. Уста Мирсалимнинг менга қилган “меҳрибон”лиги менинг учун эмас. Ҳожи бободан яна бошқа даъво қилиб ўтирмасин, тезгина кўздан йўқола қолсин, демоқчи эди. Шунинг учун мен унга:

— Сизга шу маслаҳат маъқул бўлса, майли, кетаман, — дедим.

Самовардан қумғонга сув қуйиб чапиштирдим, ташқарига чиқиб, шу ердан озод бўлиш шарафига бет-қулимни, оёқларимни яхшилаб ювдим.

Қора-қурум босган сассиқ такяхонадан ташқарига чиқиб, кўрагимни тўлдириб нафас олдим. Энди мен покпокиза, қушдай енгил, кўнглим тонгдай тиниқ. Тўрт томоним қибла. Лекин қаёққа қараб йўл олсам экан?



ҲИКОЯЛАР

ЧОРБОЗОРЧИ

Мен уни жуда ёш вақтларимдан буён танийман. Ўлгунча юраксиз эканини ҳам биламан. Бир кун маҳалламизга ҳовли кўрадиган доктор келди. Аҳмад Седоб бу овозани эшитиши билан юраги қинидан чиқиб, беҳуш бўлиб қолибди. Бетига сув пуркаб ўзига келтирибдилар. Сабаби – уйда кир ўраси йўқ экан.

Аҳмад Седоб инқилобгача вофуруш эди. Сўнгги пайтларда дўкон-дастгоҳини йиғиштириб, чорбозорчи бўлди. У, қўл келган нарсанинг ҳаммаси билан савдо қилади. Фойдагарлик қайси молнинг устида яхши бўлса, ўшанга қараб оғади. Бир вақтлар ширавор нарсаларнинг бозори чаққон бўлди. У дарров атторивор буюмларни йиғиштириб, дастмояга новвот, қанд, парварда харид қилди. Шираворликнинг бозори ўлган эди, тайёр кўйлак-иштон, пахталик шим, ёвлиқлар билан савдо қила бошлади. Ҳамма нарсаларга ҳам харидор топилмаганда “Шароити иймон”, тасбеҳ, хурмо ва дуо ёзилган қоғозлар билан қишлоқма-қишлоқ юрди. Умрининг охириги пайтларида яна атторивор буюмлар сотиш билан кун кечирди.

У ўз касбининг ҳар паллада ўзгариб туришига қарамай, харидорни ўзига оғдиришга эпчил. Ширавор нарсалар билан савдо қилаётганда:

– Лабингизни лабингизга пайванд қилади. Тобингизни меъёрига келтирса пул беринг, қандаша хўр, азамат! – дейди.

Тайёр кийим-кечаклар билан олди-сотди қилганда, мабодо сиз биронта нарсанинг баҳосини сўраб қолсангиз, балага қоласиз. Масалан, бирорта деҳқон келиб:

– Мана бу шиминг неча пул? – деб қолса бўлди. Харидорни ерга ўтқазади. Қўлидаги шимга иштонбоғ тақади. Сўровчининг оёғидан маҳсисини тортади. Шимни кийдиради. Агар жуссасига мос келса:

– Ўлманг, киройи мол олгандай бўласиз, сизга жуда ўтирди, чоклари ҳам икки қайтадан тикилган, пухта. Бир умр тепкилаб кийганда ҳам, асл мол-да, тамом бўлмайди. Хайр,

сизга насиб қилган экан, яхшиликка буюрсин, — дейди. Харидор нарх сўрайди. Аҳмад Седоб унга бир қараб олади-да:

— Энди гап пулда эмас. Моли ҳозирги моллардан эмас, янгангизнинг бисотидан, қадимдан қолган эди. Атайлаб ўзимга тиктирган эдим, сал тор келди. Сиз ўзимизники — етти сўм берасиз, — дейди. Харидор чўчиб шимни еча бошласа, қўлини ушлаб тўхтатади-да:

— Хайр, хайр, қани шошманг, сиз қанча берасиз? — дейди. Хулласи, харидорнинг у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб шимни сотади.

“Шариати имон”, тасбеҳ, дуо қоғозлари сотганда ҳам у жуда бийрон.

— Маккадан келган, атиги икки дона эди, биттасини ноиложликдан сотаман, — дейди тасбеҳни кўрсатиб. — Энди ҳам босилсин-чи, қадрига етган мусулмонга сотаман, — дейди “Шариати имон”ни сўралса. — Шамдони Шариф, чоруқи шариф, мисвоки шариф, — дейди палахса-палахса суратли дуо қоғоз сотганда.

Атторивор буюмларга харидор бўлсангиз, у битта ойнами, тароқми, сақичми — нима бўлса ҳам, сизга яхши мол эканини мақтай-мақтай нарх айтади. Сиз камга сўрасангиз, қўлингиздан молни тортиб олади-да, жаҳл билан:

— Юр, юр, ука, кооперативга бор. Кошки, у ердан бундоқ нарса топа олсанг. Сени одам деб жўялик нарх айтган эдим, — дейди.

Аҳмад Седоб кооператив билан ҳеч чиқиша олмайди. Юрагида кооперативга қарши рақобат ўти гуриллайди. Кундан-кунга қишлоқларда очилаётган кооперативларни, уларда қатор уймалашган деҳқонларни кўриб, одамлардан инсоф кетди, деб дилидан ўтказди. Агар бирор киши унинг олдида кооперативдан сўз очса:

— Эчкини ўз оёғидан, қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар. Сенга икки йўл: биттаси ўнг, биттаси сўл. Ўнг йўл қолиб, сўл йўл билан кооперативдан савдо қилсанг, жазосини кўра берасан. Унинг бутун моли биздан олинган налогдан, — дейди.

Уни ҳар доим елкага кўтарган хуржуни билан атроф қишлоқларда бозор кунлари кўриш мумкин. Жума — Жумабозорда, шанба — Ярмаркада, якшанба — Эски Тошкент қишлоғида, душанба — Тўйтепада, сешанба — Қовунчида, чоршанба — Чинозда, пайшанба — Теловда ва ҳоказо...

Биз Жумабозорга яқин бир қишлоқда Муҳаммаджон деган ўртоғимизнинг ерига чиқдик. Атрофни айланиб зериканимиздан сўнг, ўртоқлар билан қишлоқ бозорини томоша қилгани чиқишни маъқул кўрдик. Бозор деҳқонлар билан тўла эди. Кооперативларда одам сиғишмайди. Муҳаммаджон ака сигирга арқон олмоқ учун бизни бир самоварга ўтказиб, ўзи кооперативга кетди. Орадан беш минутча вақт ўтгандан сўнг, кооперативлар олдида тўполон кўтарилиди. Одамлар ўша томонга қараб югура бошладилар. Муҳаммаджон ака ўша тарафдан чопиб бизнинг олдимизга келди-да, ҳовлиқиб:

– Бизнинг қўшни Кўканни худо уриб қолибди. Кооперативдан гугурт оламан, деган экан, пулини кисавурга олдирибди, – деди.

Биз ҳаммамиз самовардан одамлар гужғон ўйнаган ерга югурдик, деҳқонлар Кўканни ўртага олиб суриштирмоқда эдилар. Бир хуржун кўтарган, ўрта ёшли, чўққисоқол киши эмиш, кооперативнинг олдида Кўканни ёнига суркалиб турган эканмиш, бир айланиб қараса, пули йўқ эмиш... Одамлар Кўкандан кайфиятни билгандан сўнг тарқала бошладилар.

Яна орадан беш минутлар ўтар-ўтмас мол бозорда тўполон чиқиб қолди. Кисавур ушланди. Деҳқонлар отлиқми-яёв кисавурни ўртага олиб, оломон қилар эдилар. Биз ҳам югуриб бориб, орага суқилдик. Кисавур ўлим олдида, ерда чўзилиб ётганди. Отларнинг оёқлари, атрофдан келган тош, гишт, кесаклар...

Бирдан қай кўзим билан кўрай: чорбозорчи Аҳмад Седоб!

Елкасидаги хуржунни ерга тушиб, ичидаги нарсалар атрофга сочилган, айниқса, икки-учта тароқ эгаси чорбозорчининг ҳолига тишларини иржайтириб қулар эди.

“Энди шу касбни топган экансан, жазонгни тортибсан”, деб кўнгилдан ўтказдим. Милициялар келиб, одамларни тарқатдилар, кисавурни ўлимдан қутқариб, шаҳар касалхонасига жўнатдилар. Биз ҳам бафуржа Муҳаммаджон аканинг кўргонига қайтдик. Кечқурун Кўкан бир тарвуз кўтариб чиқди. Шунда биз:

– Қанча, қанча пул олдиридингиз? – деб сўрасак:

– Айланайинлар, икки хурма сут сотган эдим, мири кам уч тенками, мири кам тўрт тенками, ҳайтовур, эсимда жўқ, – деб жавоб берди...

ФАРЗАНДИ СОЛИҲ

Мулла Шошқол домланинг бешта бўйи етган, қадди баркамол, сайдовутдай-сайдовутдай қизлари бўлса ҳам, биттагина ўғилнинг гадойи эди. Эр-хотин ҳар кеч худо бир фарзанди солиҳ ато қилишини сўрар эдилар.

“Ўғил туғилса, Зангиотага қўчқор сўямиз”, – дедилар, бўлмади. “Ўғлимиз бўлса, оти “Худойберган” бўлсин”, – дедилар, бўлмади.

“Бир ўғил фарзанди солиҳ кўрсат, боши Баҳоваддин балоғардонга назр”, – дедилар, бўлмади. Ахийри эр-хотин Абдумалик эшонга қўл бердилар. Хотин етти кеча-кундуз эшоннинг остонасини супурди, иннайкейин, эшоннинг “нафаси” билан бўйида бўлиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат деганда, чехрасидан “нури имон” балқиб турган бир ўғил – фарзанд туғди. Эр-хотин эшонга ҳурматан боланинг исмини “Остонақул” қўйдилар.

Замонлар ўтди. Мулла Остонақул улғайди. Бола Шошқол домладан кўра Абдумалик эшонга ўхшаш, ланж ва тор пешона, ясси башара, чаман феъл эди.

Остонақул бешта опалари ўртасида арзанда эди. Шошқол домла ўғлини бошқа устозга берса, уриб-сўкишидан чўчиб, ўзи тарбия қила бошлади. Мулла Остонақулдаги зеҳн “бурролиги” етти йилда ҳам “Ҳафтияк”нинг “сасси”сидан нари ўтишга йўл қўймади.

Яна йиллар ўтди. Остонақул йигит бўлди. Ҳар отанинг вазифаси бўлгани каби Шошқол домла ўз ўғлини бир касбга солиб қўйиши керак эди. Домла ўзи муллавачча бўлиб, домла-имом бўлиб, боёнлардай фароғатда умргузаронлик қила олмагани учун ўғлини савдогар қилишга ният қилиб қўйган эди. Опалари, эналари ҳам мулла Остонақулни эркалаганда: “Ўлмаса, магазинчи бўлади, кўпас қалъачи бўлади”, деб талтайтирар эдилар.

Кунларнинг саодатли бир фурсатида мулла Шошқол домла ўгли Остонакулни ёнига чақирди.

— Ўғлим, — деди у, — сиз эртадан бошлаб касб-корга тушасиз, мен сиз учун мана шу молни харид қилдим. Олиб бориб, бозорга сотинг, таннархи икки сўмдан, сиз икки ярим сўм, ўн бир-ўн икки тангадан сотсангиз ҳам майли, оздан кўпаяди. Худо кушойишингизни берсин, омин оллоҳу акбар.

Ўғлининг қўлига тўрт дона чачвон (чиммат) тутқазди.

Остонакул эртасига каллайи саҳарлаб яна қайтадан ота-она, опаларидан фотиҳа олиб, бозорга жўнади.

У энг аввал ярмаркага чиқди, ундан каппонга кирди, ундан от бозорига, қўй бозорига, хулласи, кирмаган бозори қолмади. Вақт пешиндан оққан бўлса ҳам бирорта азамат: “Ука, нима кўтариб юрибсан, сотасанми, қанчадан?” — деб сўрамади. Мулла Остонакулнинг ҳаддан зиёд қорни очди. Намозгар ҳаддида бозор касодлигидан аразлаб, уйига қараб жўнади.

Толе агар ёр бўлса, шиша сандон синдурур,
Агар бахт ёр бўлмаса, атала дандон синдурур.

Қоқ ёғоч бозорнинг олдига келганда, рўпарадан битта оқ наMAT кўтарган киши чиқиб қолди. Ўзи чўққисоқол, қирра бурун, кўзлари ичига ботган киши эди.

— Яхши йигит, — деди, — қўлтигингиздаги нима?

— Чиммат.

— Сотасизми, жонидан?

— Ҳовва.

— Қанчадан?

— Уч сўмдан.

— Қани кўрайлик-чи. — Харидор ҳар тўрт чимматни бирин-бирин кўриб чиқди. Мулла Остонакулга қаради — Энди, ука, — деди, — мен ҳам олибсотарман, мана шу қўлтигимда кўрганингиз наMATни сотмоқчи бўлиб юрибман. Бир неча харидор чиқса ҳам нархи келишмади, сотмадим. Эсизки, нақд пул бўлганда ҳаммасини айтганингизга бериб олар эдим.

Остонакул умидсизланди.

— Наматингизни неча пулга сотмадингиз?

— Ўн тўрт сўмга, — деди-да, хайрлашиб кета бошлади.

“Битта яхши наMAT эллик сўмга довур бор, буники жуда арзон. чимматга бир амаллаб айирбош қиламан, зоелик

гортмайман”, деган фикр Остонақулнинг миясидан яшин тезлигида угди.

– Ҳой, ака, – деди у, – бу ёққа қаранг.

– Нима дейсиз?

– Бўлмаса чачвон билан айирбош қиламиз.

Кетувчи киши орқасига қайтди.

– Унда сизнинг икки сўмингиз етмайди-ку, нима қиламиз? – деди. Остонақул ялинди, ёлворди:

– Бир кўрганда узилишиб кетармиз, – деди. Тўрт чачвонни бирдан “энг олий” наматга алишди. Ҳар иккови янги буюмни қўлтиқлаб, йўлга тушиб жўнадилар.

Остонақулнинг қадамлари гўё ўзиники эмас эди. У қандай бўлса ҳам уйга етиб, бу ганиматни ота-оналарига кўрсатиб хурсанд қилмоқчи эди. Йўл-йўлакай қўлтигидаги наматга қараб севинар эди.

Остонақул маҳаллага кириб борганида бир тўда кишилар кўча бошида гурунглашиб ўтирган эканлар. Ҳаммалари Остонақулга қарадилар.

– Ҳа, махзум, бунчалик илдам, йўл бўлғай, қўлтигингиздаги нима?

– Шундай, бозордан уйга, бу намат.

– Неча пулга олдингиз?

– Ўн икки сўм.

– Не миқдор арзон, бир қўлга туширибсиз-да, махзум, қани, бир кўрайлик-чи.

Остонақул фахр ва ақллилик кўрсатиб, қўлтигидаги наматни уларга берди, улар мақтай-мақтай наматнинг қатини оча бошладилар.

Остонақул ўзини унутаёзди. Ҳаммалари ҳам ҳайронликда қолдилар. Намат аллақайси бир мусофир кўп кўнадиган чойхонадан чиққан эски намат бўлиб, бутун бадани танчалар, устун ўринлари учун илма-тешик бўлган экан.

Махзуми тушмагур оларда кўрмай олган экан. Кўрувчилар ичаклари узилгунча кулдилар. Мулла Остонақулни мазах қилдилар. Тездан буни бўйинча бозорига элтиб сотмоғини маслаҳат бердилар. Остонақулнинг бутун умидлари бир пул бўлиб, бўйинча бозорига қараб жўнади.

Бўйинча бозоридан наматга қайрилиб қарагучи топилмади. Энг охири, Остонақул бир бўйинчачига ялиниб-ёлвориб, наматни битта ич бўйинчага алишди ва уйга қараб жўнади.

Йўлда Остонақулнинг жуда хўрлиги келиб кетди. Кўзидан милт-милт ёшини оқизиб, эшикка келди. Ичкарига киришга қўрқиб, дарвоза ёнидаги супачада бўйинчани бўйнига илиб, йиғлаб ўтирди. Ўғли — мулла Остонақулнинг бунчалик кеч қолганидан хавотир олган Шошқол домла кўчадан хабар олиш учун чиқди. Қараса, йўлақда бўйнида бўйинча ўғилча йиғлаб ўтиради.

— Баҳай, ўғил?

Остонақул бутун бўлган воқеани сўзлади. Шошқол домланинг кўзи қинидан чиқиб кетаёзди. Тутди — сўкди, тутди — сўкди. Бўйинчани қўлига олиб:

— Келтирган бўйинчанг ҳеч бўлмаса отники ҳам эмас, эшак бўйинча, кичиклигини қара, хўтик, — деб ғазаб қилди.

Эртасига “фарзанди солиҳ”ни ўз орқасига солиб етаклаб, бир жувозкашга шогирд бериб келди.

1930

ГУВОҲЛИККА ЎТГАН ҲҶКИЗ

1979 йилнинг (биздан эллик йил сўнг) баҳор кезларидаги бир куни болалар уйининг ўқувчилари 1929 йилдаёқ Чирчиқ лабига солинган азот заводига экскурсияга чиқдилар.

Бу кеча ўша ердаги ишчиларнинг умумий ётоқхоналарида кўнмоқчилар.

Болалардан бир туркуми келиб, ўз мураббияларидан тарихий бир ҳикоя эшитишни илтимос қилдилар. Мураббия кўнди. Кечки машғулотдан сўнг болалар ётоқхоналарига кирдилар. Ҳаммалари гавжум бўлишиб, мураббиядан ҳикоя кутдилар. Мураббия ҳам ваъдага мувофиқ ҳикоя бошламоқчи бўлди.

— Укаларим, — деди мураббия, — ҳаммаларингиз ҳам чарчадингиз. Менинг сизга айтадиган ҳикоям ҳам ҳордиқни чиқарадиган ҳангомача тарзида бўлади.

Ўқувчилар маъқул топдилар.

— Бундан олтмиш йиллар илгари социализм қуриш учун жуда қизғин курашлар борар эди. Ҳар тарафда синфий кураш алангаланар эди. Капиталистлар, бойлар, руҳонийлар ва уларнинг болалари бизнинг ҳаддан зиёда суръат билан ўсиб бормоқда бўлган оғир қурилишларимизни кўра олмас эдилар. Ҳар қандай тасодифдан фойдаланиб бизга зарба бермоқчи бўлар эдилар. Кўпинча улар, бизнинг ижтимоий ташкилотларимизга ҳам кириб олишга муваффақ бўлиб, камбағал деҳқон, ишчиларнинг манфаатига зид бўлган ҳаракатларда бўлар эдилар.

Ўқувчилар мураббияларининг сўзини тинглаб, сукутдалар.

— Бундан роса эллик йил бурун “Ҳ” қишлоқлик камбағал бир деҳқон қишлоқнинг бозоридан ўтиб борар эди. Унинг йўли “Ҳ” қишлоқ чорвадорлар ширкатининг кооперативи ёнидан ўтди. Кооператив мудирини Аширқул деган деҳқонни чақириб, тўсатдан:

— Қани, Аширқул ака, уч сўм олтмиш тийин чиқаринг, — деди. Аширқул ҳайрон бўлиб сабабини сўрамоқчи бўлган эди, кооператив мудирини оғзини қоқиб:

– Кўяверинг, биз сиздан бекорга пул олмаймиз. Сизга жуда ҳам қимматбаҳо бир буюм берамиз, — деди. Мудирнинг сўзига дўкон ёрдамчилари ҳам кўшилиб:

– Оббо содда одам-эй, сиз бераверинг, куйсангиз, биз кафил, — дедилар.

Аширкул иккиланиб уч сўм олтмиш тийин чиқазиб берди. Кооператив мудир пулни олгандан кейин маъноли қилиб:

– Энди, Аширкул ака, сизнинг пулингизга бир турли, сиз кўрмаган ем берамиз. Бу ем марказдан камбагал деҳқонларнинг иш ҳайвонларига аталиб келган. Биз шу емни тажриба қилмоқчимиз. Олиб бориб ҳўкизингизга берасиз, мазза қилади, — деди.

– Хайр, барака топинглар, укаларим, — деди Аширкул ака миннатдорлик билан. Қопни очди. Қайроқтошга ўхшаш, оқ билан зангор аралаш олачалпоқ рангли, палахса-палахса нарсани тортиб қопга солдилар. Аширкул ака бу муаммо буюмни орқалаб ҳўкизини хурсанд қилиш учун овулга борди.

Нима эканини суриштирмай, ҳўкизга солди. Фақат терингга сомон тиқилгур ҳўкиз тумшуги билан бир-икки туртиб емақдан бош тортди.

Мураббия ҳўкоясини шу ерда тўхтатиб, болаларга қаради.

– Укаларим, — деди мураббия, — ҳўкоянинг давомида бир талай сизга ёт бўлган сўзлар эшитилди, масалан: “Терингга сомон тиқилгур”, “ҳаром ўлгур”га ўхшаш, бу сўз замонасининг жумлалари бўлганидан мени кечирасизлар.

Болалар маъкул кўрдилар. Мураббия сўзида давом қилди:

– Аширкул ака ҳўкизнинг тепасида туриб, емнинг яхшилиги, тўқ тутадиган эканини мақтаса ҳам ҳўкиз унамас эди. На илож қилсин.

“Ёпирай, бу ўзи қандай мўъжиза ем бўлса экан, уч сўм олтмиш тийинга ўгдай куймасам яхши эди”, деб бир юмалоғини олиб текшира бошлади. Аширкул ака не кўзи билан кўрсин, бу мўъжиза ем ёмғирда қолиб, ивиган, хамир бўлган, могорлаб, қотиб, қайроқ тошдай бўлиб қолган ун экан. Аширкул ака гарангсиди.

“Кооператив улуғлари мен билан ҳазилкаш эмас эдиларку?” деб кўтарганича яна кооперативга борди.

– Ота-онанг тўйингни кўргурлар, бу қандай ем эди, сизларнинг сўзингизга кириб, ҳўкизимга уятли бўлдим, пулни қайтаринг, шоввозлар, — деди Аширкул ака. Кооператив

мудири сирнинг ошкора бўлуvidан кўрқиб, Аширқул акани кооперативнинг ичкарасига олиб кирди. Бу воқеани ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилди. Очередсиз чой, совун, майда-чуйдалар берди.

Дўкон мудири Аширқул акани дўкон эшигидан кузатиб кўйишда елкасига қоқиб:

— Энди, Аширқул ака, агар ҳўкиз бегона одамнинг ҳўкизи бўлганда, қорнига пичоқ урар эдим, қандай қилайки, сизники-да, — деди.

Аширқул ака ҳам соқолини серкиллади:

— Тўғри айтасиз, ҳайвони безабон-да, ҳаром ўлгур, олдига солинган буюм тошми, кесакми, заҳри маргми, суриштирмай ея берганда бунчалик гап-сўз бўлмас эди, — деб уйига жўнади.

Аширқул аканинг кооперативда бўлган бу воқеадан виждони сиқилди. Бу хиёнатни яшириб кетишга газабланди. Тикка бориб жиноят қидирув шўъбасига хабар берди. Ўша куниёқ кооперативдаги бутун хизматчилар қамоққа олиндилар.

Ўн беш кундан сўнг буларга қишлоқда намунали очиқ суд бўлди. Суднинг айбномасида шундай ёзилган эди:

“Х” қишлоқ чорвадорлар кооперативига марказдан икки вагон — икки минг пуддан зиёдроқ унни деҳқонларга тарқатиш учун юборилган. Пуди икки сўм ўттиз тийиндан — беш минг сўмдан ошиқ бўлар эди. Бу уннинг келганига бир ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам кооператив мудири ва хизматчилари бўшатиб олмаганлар. Ун очиқ ҳавода ёмғир, қорлар остида қолиб кетган.

Энг охири, кооперативдагилар ўз жиноятларини яшириш учун бир сўм эллик тийиндан ўн етти нафар ишчи ёллаб, қайроқтошдай қотиб қолган бу унни ушаттира бошлаганлар ва деҳқонларга ем ўрнида тарқатмоқчи бўлганлар.

Деҳқонлар, кооперативда шунча ун нобуд бўлиб ётган ҳолда, хусусийлардан бир пуд унни беш сўмдан сотиб олганлар.

Кооператив хизматчиларининг бу қилмишлари мутлақо синфий душманлик ва кўра-била туриб, жинояткорликдир”.

Суд мажлисига Аширқул ака ва унинг ҳўкизи гувоҳ қаторида чақирилган эди. Аширқул ака кооперативдан олган ўша уннинг намунасини келтирди. Тажриба учун ҳўкизнинг олдига солдилар. Ҳўкиз ўз гувоҳлигида собит қолди. Унни емади.

ЖЎРАБЎЗА

Дарёларнинг ул юзида отим юргану,
Куюшқони сағрисиға ботиб юргану...

Пайкалнинг сўнгги дамлари, чайлада яқтакни қия қилиб ётмаган киши совуқ ейди.

Тонг. Куёш Кўнғироқтепа орқасидан бўғриқиб қарайди. Унинг биринчи шуълалари энг дароз теракларнинг учларигагина тушади. Остида қуюқ тўфон. Палак япроқлари шабнамли, марварид таққан қизлардай. Қорақўтир қирқма қовунларнинг юзлари терлаган, гўё шафақ латофатидан шармисор бўлибди. Чайла устига ишком бўлиб ёпирилиб тушган сувқовоқлар ана узилай-мана узилай деб, осилиб туради.

Полизнинг бир чеккасидаги баланд бир ёғочга ўтказилган тўрқовоқ бир қимирлаб қўйди. Илк саҳар нашъасидаёқ уйғонган хўроз ўз рафиқаларини қуқулаб уйғотди. Улар тўппа-тўппа ерга туша бошладилар.

Чайла аста тебранди. Қия қилиб ёпилган яқтакнинг юқори тарафи очилди. Орасидан ўттизлардан ошар-ошмас бир деҳқон йигити уйғониб турди. У бошига қўйган турли катта-кичик тугунчалар орасидан нос шишасини пайпаслаб топиб олди ва кафтини тўлғазиб бир отди-да, пайкалнинг узоқ бурчакларига қараб ўйланиб қолди.

Аҳмадқул ўз оғайнилари ичида улуғи. Уч оғайни қўлларида бўлган икки десат ерларини ҳамжиҳатлик билан ишлайдилар. Бу йил заводга ёзилиб пахта, қолганига бир оз жўхори билан кузги қирқма қовун экканлар. Умуман, унум яхши.

Аҳмадқул ўрин устида ўйланиб ўлтирар экан, яқин ўртадан биров қичқириб чақира бошлади:

— Аҳмадқул, ҳой, Аҳмадқул!

Аҳмадқул “пўп” этиб носини ташлади-да, овоз келган тарафга қаради.

– Беш қадам жойдан ҳайқиригини қара-я... Келавер.
– Уйқуда бўлсанг, уйготай, деган эдим-да.
– Қовунларни узсаммикин, деб ўйлаб ўтирибман.
– Бе... Заб эринмагансан-да... Укаларинг ўлганми. “Шуни шундоқ қил”, деб бир оғиз айтсанг, оғзингнинг ели. Кечгача дунё тўла иш тайёр. Бугун Турватнинг бозори. Бориб сайил қилиб келамиз.

– Сен, ўртоқ Бўта, жуда вақтсиз жўжалайсан. Айни йигим-терим вақтида сайилинг нимаси?

– Йигим-терим эмиш, – деди Бўта киноя билан, – отабободан иш қолганми, супрадай еринг бор-ку, ташвишинг мирига беш боғ. Мана мен, ишламасдан очимдан ўлганим йўқ-ку. Давр келганда таралангни қилсанг-чи, лодон.

– Ўзинг боравер.

Бўта Аҳмадқулни қайтадан қистамади, йўлига қараб кетди.

Аҳмадқуллар кўрғонининг торгина бир ҳужрасида милт-милт этиб чироқ ёнади. Теримдан қолган кўсакларни уч азамат оғайни ўртага қўйиб чувиб ўлтирардилар. Бир тавақали тахта эшик “ғийқ” этиб очилди. Уч оғайни ялт этиб келувчига қарадилар.

– Ассаломалайкум, ҳорманглар, йигитлар.

– Келинг, Бўтака.

– Сизларники қачон қараса иш экан-да, бу йил кузларинг келиб, битиб қолдиларинг-ку.

– Ишламаса бўладими, Бўтака, ширкатдан, “Бўнакни қайтар”, деб дарвозанинг турмини бузиб ётир, – деди Аҳмадқулнинг кичик укаси.

– Қарз курсин, – деди Бўта шикоятли оҳанг билан.

– Бемаҳалда нима қилиб юрибсан? – деди Аҳмадқул.

– Шундай гузарга чиққан эдим, самоварда ҳеч ким йўқ. Бари йигит-яланглар Мадийрнинг кўрғонига кириб, ўқиб ётганмиш. Кирмадим. Одам зерикади. Бу махтови қурғур деҳқонларга бир бало бўлди. Ҳеч бўлмаса, қишда қўйса-чи...

– Сиз билан мени қишда ўқитмаса, ёзда қаердан топиб келади, мана мен ҳам ўқимоқчиман, – деди Аҳмадқулнинг ўрганча укаси.

Бўта маъноли қилиб Аҳмадқулга бир тикилди:

— Ҳаммаларинг мулла бўлиб кетаверсаларинг, подани ким боқади? Мен билан Аҳмадқулнинг ўқимаганимиз ҳам маъқул. Ора-сира омийи бенаволар ҳам бўлиб турсин. Бизнинг дийдамиз қотиб қолган, нима дейсан, Аҳмадқул?

Аҳмадқул индамади. Орани фақат “чирт-чирт” этган кўсак овозигина қоплади. Бир нафасга бўлган сўзсизликни яна Бўта бузди. У ҳамён топганлардай ҳовлиқиш билан Аҳмадқулни бир туртиб:

— Ҳали, Аҳмадқул, хабаринг йўқ. Мен сенинг устингдан катталиқ қилиб қўйдим.

— Қандай катталиқ?

Йигитлар ҳаммаси ишдан тўхтаб, Бўтага қарадилар. Бўта мақтаниш аралаш гурур билан:

— Бешқўрғон йигитлари жўрабўза қилар эканлар. Аввал ўзим қўшилдим. Аҳмадқул ҳам йигит, у ҳам бир тан, дедим. Чиқимдан қочса, ўзим тўлайман, дедим. Сени ҳам улфат қилиб қўйдим. Маъқулми? Қиш бўйи ялла-да, жинни...

— Гап чиқимда эмас-ку... — деди Аҳмадқул.

— Акам бўзага жўра бўлмайди, — деди ўртанчаси.

— Биз ўқишга кетганда қўрғонни пойлайди, — деди кичиги.

— Вой, лодонлар-эй, — деди Бўта, — акаларинг сенларнинг қоровулларингми? Ахир, ёз бўйи ишлади, қишда сал кўкрагига шамол тегсин. Ёри жўра ортгирсин. Токай меҳнат...

— Бормайди.

— Борса, биз хафа бўламиз. Зерикса, курсга олиб чиқамиз.

Бўта ўспиринларнинг гапини эламасдан, улутворлик билан кулди:

— Акаларинг сенларнинг сўзларингдан чиқмайдиган бўлса, бекорга белбоғ бойлаб юрган экан. Катта боши билан курсларинг нимаси, ҳар ким ўзига муносиб ишни қилади-да, нима дейсан, Аҳмадқул?

— Кўрармиз, — деди Аҳмадқул.



Дарёларнинг ул юзида отим юргану, ёр-ёр,
Қуюшқони-я сағрисига-я ботиб юргану, ёр-ёр.

Торгина палоссиз меҳмонхонанинг ўртасига катта-катта тўнкалардан гулхан ясалган. Бир тўда бадмаст қурама йигитлар гулхани гири айлантириб ўтириб олганлар. Пойма-пой

ашулалар. Орада бир чора сиғадиган заранг косалар айланиб юради.

Ташқарида гурс-гурс от юргани эшитилди. Маст йигитлар бир нафасга жим бўлдилар.

— Вой, вой, шу, вой, менинг қўшним ўзи келди, — деди Бўта.

— Ўзими, ўзи-я, штрафни катта пичасан, ҳой сен бий, ҳезалакка, — деди учтаси.

Шу чоқда эшикдан тумоғини қоқа-қоқа Аҳмадқул кириб келди.

— Ўртанглар тўлсин, йигитлар.

— Вой, сен жовраб қолибсан, иккита азамат уканг чўпчак терсин сени, вой, — деди Бўта бадмастлик билан.

— Чўпчаксиз ҳам ўтин кўп, — деди Аҳмадқул.

— Қани, ўзинг ҳам даврага кир, ҳой бибурд.

— Штрафингни айт, бий.

— Маъқул, — деди бий, — бийлик — уч манак, ўнг оталик — дам олмас, икки заранг — дам олар¹.

— Кам, шунинг ўзи кам, вой, йигит кишига, — деди Бўта.

— Каммас, — деди бий.

Аҳмадқул кеч қолгани учун уч манак, икки заранг дам олмас, икки заранг дам олар бўза ичишга мажбур қилинди. Бўта айтганча, “йигит киши” “ичмайман”, демади. Уч манакни осонлик билан ичди. Икки заранг дам олмаснинг бирини зўр билан ичди. Иккинчисининг ярмига борганда кўнгли алланечук бўлиб кетди. Гулханга қараб ичганларининг барисини ташлади. Маст йигитлар ўртасида чуввос кўтарилди:

— Ҳезалак.

— Кўтара олмасанг улфатга қўшилма-да.

Бий ғазабланди. Аҳмадқулга дарра урдилар. Яна штраф, яна навбат коса, узлуксиз ичмоқдалар. Нордон, тахир, бўтана оқишоқ зардоби қоринларни қаппайтирмоқда, бошларни қизитмоқда, ўртадаги катта чора бўшар-бўшамас, катта хумдан кир бўз белбоғлар орқали сузиб ўтказмоқдалар.

¹ Журабўза улфатчилик қондасида улфатлар ўртасидан уч киши улуг сайланади. Булардан энг мартабалиси журабоши — бий бўлади. Қолган иккиси бийнинг вазирлари — ўнг оталик, сўл оталик бўлади. Бутун улфатчилик муддатида ҳамма шуларнинг амрига итоат қилишга мажбур бўлади. (Автор эскертиши.)

Ташқарида ҳеч кимдан ҳадиксиз яйдоқ изғириқ ҳукмрон.
Ўз зўравонлигини яланғоч дарахтларга кўрсатади.

Бир хўроз, икки хўроз, уч хўроз қичқириб ўтди.
Аллақайларда итларнинг қайғули ҳуришлари...

Сояси юпқароқ йигитлар учиб қолдилар. Қолганлари
ярим-ёрти ўтдан чўқилаб, бўтдан чўқилаб алёр айтмоқдалар.

Бўта Аҳмадқулнинг гарданига осилган, хўнг-хўнг йиғлайди:

— Вой, ука, мен ғарибман-а, сендан бошқа ҳеч кимим
йўқ-а...

— Обидийда қилма, ой йигит, — деб жерқади бий.

— Ҳеч кимим йўқ-а...

Бий яна тетик Бўтага қараб:

— Обидийда қилма, ой йигит, — деб жерқади.

Яна ичадилар, олам-жаҳон ачимсиқҳид. Бу ҳам етмаганидай,
бир сасиб, бир ёниб ётган гулханни пуфлаб кўядиган эсли
киши йўқ. Кўзларни ёшлатадиган аччиқ тутун бурқийди.

Аҳмадқул сузилиб бораётган кўзларини бир марта катта
қилиб очди. Бўтанинг қўлини елкасидан олиб ташлади,
сандироқлаб ўрнидан турди. Чорданада увишган оёғини уқалаб:

— Ҳой, бий, сен мени, сен бий бўладиган бўлсанг, топ
менинг ўнг оёғимни, топмайсанми-я, ол керак бўлса буни-
сини ҳам, менга оёқ керак эмас, ҳой бий... Мен кетдим, —
деди ва эшикка қараб йўл олди.

Аҳмадқулнинг баридан ҳеч ким ушламади. Фақат
орқасидан мастлик гўлдирашлари кўтарилди.

— Оти асов эди йигитнинг, — деди бириси.

Меҳмонхона орқасидан отнинг шаталоқ отиб кўзғалгани
билинди. Ичкарида яна бадмаст завқ:

— Човига сава, азамат, ҳаром ўлгурни, — деб қолди.

Эрта билан кўрғон дарвозасини Аҳмадқулнинг ўртанча
укаси очди. Не кўз билан кўрсин, тўриқ отнинг устида ҳеч
ким йўқ. Тизгини ерга тушган. Бўктарги ечиқ, айил бўшаган,
дарвоза турмида сувлиқ чайнаб туради. Юраги шув этиб кет-
ди. Отнинг юганидан тутди. Кичик укасини чақирди.

— Миса, бу ёққа қара, акам йўқ. Тўриқ яйдоқ келган...

Ака-ука совуқда яланг бош, яланг оёқ отни текшира
бошладилар. Ўнг тарафдаги узангида Аҳмадқулнинг бир пой
этиги осилиб келибди.

Ўспиринлар бир-бирларига қараб, термилиб қолдилар.
Бўғизларига алланечук нарса қадалгандай, сўзсиз эдилар.

— Бу акамнинг этиги-ку, — деди Миса изтироб билан. Бараварига йиғлаб юбордилар. Атроф қўшни деҳқонларга югурдилар. Бир нафасда: “Аҳмадқулни от йиқитган, ўзи йўқ”, доврўғи оламни босди. Ўн-ўн бешлаб деҳқонлар тўриқ от изидан отлиқми-яёв кета бошладилар. Булар Қўнғироқ-тепанинг ёнбошига борганларида, кўпчиликнинг шарпасига бир нимага уймалашиб ётган бир гала қарғалар гурр этиб учди. Олдинги ўнг оёғи оқсоқ сариқ бир кўппак ҳадик олиб қир тепасига қочди.

Йиғилишиб, қарғалар уймалашган ерга бордилар. Унда, от туёғига ичак рўдалари ағдарилган, афти анори чўқилган, тимдаланган, боши мажақланган, чопонлари бурда-бурда, ўнг оёғи яланғоч Аҳмадқулнинг бадани — совиган мурдаси ётар эди.

Ёнида синиқ нос шиша, ерга сочилган иккита бир мири-ли чақа, битта уч мирили танга билан...

1929



ҲОЖИБОВОЙИ ГУЛФУРУШ

Ба ёрон гулфуруши мекунам, бо душманон хоро.
Муҳаббат ҳам ғазаб ду ранг чунин бозорҳо дарад.

Мунтазир

Менинг қушларга ишқибоз бир дўстим бор. Ўтган жума бир кекса дастпарвар булбули ўлганини эшитиб, кўнглини сўрашга жазм қилдим...

Тешиққопқа гузаридан ўтиб, ҳали Қичқирикқача етмаган эдим. Бу кўчани сукутга кетган мажнунтоллар ва маҳмадона чинқирик ариқ хиёбони деб аталса, яна яхшироқ бўларди. Теварак-атрофи озода қилиб супурилган кичкина эшик олди. Супачага супадан ҳам кичикроқ гиламчани ёзиб, олдиларига бир сават ранг-баранг гулдасталарни қиёқ ўтдан камар боғлатиб қўйиб, икки мўйсафид кичик жонон чойнақдан жонон пиёлага нилуфар баргидай тиниқ кўк чойни қўйиб, суҳбатда эдилар.

Аниқ саноқларга ҳушим йўқ. Олдида гулсават турган биринчи мўйсафиднинг ёшини саксон ва ошиғи билан тахмин қила қўйдим. Яқинлашдим, салом бердим, яна бир неча қадам таъзим билан илгариладим.

— Тўхтанг, ўғлим, — деди кулимсираб биринчи мўйсафид, — кўкламингиз муборак бўлсин.

— Сизники ҳам.

— Раҳмат.

Кўлимга оқ билан тўқ-қизилнинг ўртасида, музикадаги авждай кўтарилиб борғувчи неча даражали ранг бўлса ҳаммасидан тўпланган бир гулдаста тутқазди. Мен тарадудланиб ёнимни кавлай бошладим. Яъни, бу гуллар сотиладиган деб ўйлаган эдим. Иккинчи мўйсафид менга қаттиқроқ тикилди:

— Нима қилмоқчисиз?

– Йўқ, ўзим шунчаки...
Биринчи мўйсафид кулди.

– Нима касбдасиз?

– Шоирман.

– Балли... Мен ҳам Ҳожибобойи гулфуруш эмасман. Бу гуллар ўз боғимнинг маҳсулотидир. Катта ўғлим инженер, кичиги ҳарбийда, қизим билан куёвим доктор, ўзим эҳсан гулларни таъбимга ёққан кишига бирор дастадан беришга менга ижозатдир деб ўйлайман... Пулни ҳожати йўқ, ўғлим. Бадалига жуда бирор нарса бергингиз келаётган бўлса айта қолинг...

Мен Мунтазирнинг юқоридаги шеърини ўқиб бердим.

1941



МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ

Воқеий ҳикоя

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам — онамнинг оналари Рокия биби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб Қора буви деб атаيمиз.

Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увинтўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Сентябрь ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай Қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, Етти қароқчи юлдузи тик келганда гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овозда суҳбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз ота-бувадан қолган, анчагина катта бўлиб, тўртбурчак таноби ҳовлилардан эди. Гир атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боққа кўчиб кетадилар. Ҳозир улар томон бўш.

Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да дунёда? Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да: “Бизнинг уйга ўғри келди”. Фурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикан?

Ўғри ўша амакиваччаларнинг тоmidан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим “пуф” деб носни туфлаб, томга қараб:

— Ўғригина болам, ҳой, ўғригина болам, ҳойнаҳой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг

нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими? — дебдилар.

Ўғри томдан туриб:

— Ахир, бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тирикчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми? — дебди.

Мен гап шу ерларга келганда уйғониб кетган бўлсам керак. Қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман.

— Ҳой, айланай, ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими? Мана, олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кундуз кунлар гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтиб мизғигандай қуш уйқуси қиламан. Кечалари хаёл олиб қочиб кетади.

— Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? — Бу гапдан кейин устидаги тўнини турмучлаб бўғотнинг устига ёстиқ қилиб қўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди.

— Нималарнинг хаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шапиг. Ҳали буларнинг қўлидан иш келмайди. Сўққабошгина аравакаш тоғаларининг толгани ўзининг рўзгоридан ортиб, буларга қўлчоямут бўлиши қийин. Рўзгорда бўлса: кўз кўриб, қўл тупудай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. “Туриб еганга турумтоғ чидамас”, деганлар. Эҳ-ҳа, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади! Чор-ночор хаёл сурасан, киши. Тагин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қурғур, қачон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса, буларга кимнинг ҳам қузи учиб турибди дейсан? Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!

— Тўғри айтасиз, бувижон, — деди ўғри, — менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга-чўққа, Алининг тиғига ураман. Бўлмаса, ишлай десам, билагимда қувват бор, ақлу ҳушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғрилик касби ёқади, дейсизми? Туппа-тузук аёлманд косибнинг боласи эдим. Замон чаппасига кетди. Керинска пошшо бўлгандан кейин уруш тўхтайдди, деган эдилар. Ҳали-бери тўхтайдиган кўринмайди. Ҳали ҳам замон-замон ўша илиги тўқларники.

— Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдими, болам? — деди кампир.

— Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод. Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок. Масаллигининг ўзи битиб чиққан кавушдан уч баравар қиммат. Ҳаммоллик қилай десам, аввалгидек қоплаб галла, қоплаб сабзи-шолғом оладиган бадавлатларнинг тухуми қуриган. Тунов куни шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувадат ота бутун қолипу шону сўзан, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга мовоза қилди. Яхши қилди. Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шахримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб: “Амаки, нон беринг”. дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайману! Битта ман эмас, буви, маҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқчилар ҳам, бўзчилар ҳам, кўнчилар ҳам, боринги, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано. Бир қошиқ обиёвонга зор. Санқиб юрибди.

— Хув, худоё уруши бошига етсин. Қиёмат қойим дегани шудир-да, а, ўғригина болам-а. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир ноиложликдан-ку шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўкроқ, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдими? Мана шу маҳаллада Карим қори деган читфуруш бор. Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёқуббой деган кўнчи бор. Буларнинг давлати-ку мил-мил. Бешикдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдими?

— Эй, бувим тушмагур, соддасиз, содда, — деди ўғри. — Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг кўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлар бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса бир ҳафта вовиллайди. Одилхўжабойнинг гуломгардишида-чи, милтиқ ушлаган городовой туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам, Сибирь қилиб юборади.

— Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо-лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб қолмагин, — деди бизнинг кампир.

– Гапингиз тўғри, буви, тунов кун Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товуқ, битта хўроз ўмарган эдим.

– Товуқ-хўроз дедингми? Ҳа, бу махлуқлари қурмагур қақақлаб сени шарманда қилмадими?

– Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми бўлар экан, буви, товуқ олгани борганда чўнтагимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин қўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товуқларга пуркайман. Товуқдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғяпти шекилли, деб ўйлаб, бошини ичига тикиб, ҳап ётаверади, кейин битта-битта ҳиқилдоғидан тутиб халтага соламан.

– Шунақа дегин, вой тавба-ей. Ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзининг мурти гардони бўлар экан-да.

– Шундай қилиб десангиз, бувихон, сиримнинг хашаги очилишига оз қолди. Йўқ, элликбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб берган эдим, ишни босди-босди қилиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-буни сотиб, саксон уч сўм пул жамғариб: “Топганимиз шу, элликбоши ота”, деб пора берган эдим, рабочийга кетишдан олиб қолди.

– Ҳа, ишқилиб, бола-чақасининг эгилигини кўрсин. Энди бу ёққа қара, ўғри болам, ҳадемай, тонг ҳам ёришиб қолар. Ана, ёруғ юлдуз ҳам тиккага келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги тугдан сирғалиб пастга туш, ўтинимиз йўқ, Ошхонада бир замонлар боғдан келган бир-иккита ёнғоқ тўнка бор, болтани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учириб бер, қумғон қўяман. Кеча тоғанг бериб кетган зоғорадан иккитасини олиб қўйганман, биргалашиб чой ичамиз.

– Йўғ-э, буви, – деди ўғри, – тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан.

– Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам? Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқе, ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик. Худонинг ғашига тегдик шекилли, шундоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. Эҳ-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кета қол. Сотиб бир кунингта яратарсан, ўғригина болам.

— Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Хайр энди, буви, мен кетяпман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди.

— Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

— Хўп, она, хўп.

Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳалигача ҳеч кимга кимлигини айтган эмасман.

1965



ҲАСАН КАЙФИЙ

(Халқимизнинг юмористик эртакларидан)

Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи, чумчуқ чақимчи экан, деганларидек, осмон тоғорасининг остида, ер тарвузининг устида бир подшоҳи азим яшар экан. Ери шунчалик кўп эканки, унга қарам қишлоқлардан биттадан гувалак йиғганда ҳам бутун сарой аҳлига сағана қуришга етар экан. Унга қарам фуқаролар шунчалик кўп эканки, агар ҳар биттасидан биттадан қўноқ олинса ҳам, тўққиз хумда бўза солса бўлар экан. Лекин подшо киши бошига биттадан қўноқ эмас, бир қопдан ўлпон солишни яхши кўрар экан. Подшо кулолларга битта сопол тоғора ясатиб, катта мачитнинг эшигига қўйиб қўйган экан. Фуқаролар навбат билан келиб шу тоғорага ўлтирар эканлар.

“Сол тоғорага кетингни, сизга ҳам бир танга, сизмаса ҳам бир танга”, деган солиқ шу подшонинг замонасида расм бўлган экан. Ана шу подшо, десангиз, эртадан-кечгача тахтада ўлтиравериш жуда зерикар экан. Бекорчиликка эрмак, деб одамларни осиб кўрар экан, сўйиб кўрар экан, қиш кунларида совуқ сувга пишиб кўрар экан, тирноқларининг тагига гаров юргизиш кўрар экан, бари бир, кўнгли очилмас экан. Кейинчалик бориб эрта билан, тушда, кечқурун бир чиннидан ичиб турадиган кўкнориси ҳам кайф қилмай қўйибди. Сайроқи қушлар, уришқоқ ит, хўрозлар ҳам кўзига ёмон кўриниб қопти. Уришқоқ маст нортуяларга этик тиктириб кийгизиш, тошбақа пойгалар ҳам шунинг замонасида қоюдага кирган экан. Кейин, бош вазирнинг маслаҳати билан кечалари шаҳар айланиб, фуқароларнинг сиру асрорига, гапирадиган гапларига айғоқчилик қилиб юрадиган бўлиб қолибди.

У устига малла тўн кияр экан, энгагига от тўрвадек катта оппоқ соқол боғлар экан, бошига лайлак уядай салла ўрар экан, қўлига узун яшил таёқ ушлаб олар экан, сарпойчан оёғига учи қайрилган баланд ўкчали сағри кавушни илиб,

кўча айланар экан. Уни бу суратда кўрган кишилар: “Ёпирай, бу киши Хизрмиқан, Илёмсмиқан, қайси пайғамбар экан, ё худоимизнинг амакиваччаларидан биттасимиқан?” деб гумон қилишар экан.

Кунлардан бир куни аввал оқшомда кўча айланиб юрган подшо, шаҳарнинг утга чеккасида бир бўйра-икки бўйра эни экин-тикинлар ўртасида қаққайиб қолган бир чалдивор уйга кўзи тушибди. Катта ҳовуз ўртасида бир палла ёнғоқ пўчоқдай турган бу лой томли кулба тўрт томондан тирговичлар билан тиралиб, қари байталдай аранг турар, эски эшиги юзига ёпиқ, ойна ўрнига ёрланган қоғоз ёпиштирилган дарчасига ичкарида ёқилган сўник шамнинг қизғиш, бемадор шуъласи тушиб турарди. Кулба ичида кимнингдир ранда емаган, дўриллаган овози хиргойи қилар эди. Подшо эшик тирқишидан мўралаб кулоқ солди. Қандайдир ўрта ёшли бир киши шоир Ҳофизнинг:

Кишти шикастагонем, э боди шурта, барҳез,
Бояд ки боз бинем он ёру ошноро. —

“Кемамиз синиб, дарё ўртасида қолганлармиз, э ёқимли шамол, тезроқ эсиб бизга қирғоққа чиқишга ёрдам бер. Кошки ўша ошналаримизни қайтадан кўролсак”, деган байтини куйлар эди-да, ҳар дам олганда: “Ишқилиб, ақл билан меҳнатим бор бўлсин”, деб кўяр эди. Таажжубда қолган подшо эшикни тақиллатди. Ичкаридан:

— Марҳамат, кираверинг, бу эшикнинг кулфу занжири йўқ, марҳамат, — деган овоз келди.

Подшо ичкарига кирди. Уй эгаси ҳангу манг бўлиб, тавозе билан салом бериб кутиб олди. Подшонинг савлати уни довдиратиб қўйди шекилли, қандай илтифот қилишини ҳам билмай эловсираб:

— Хизмат, тақсир, хизмат? — дер эди.

— Мен сенга кўноққа келдим, — деди унга подшо.

— Ҳай, ҳай, — деди уй эгаси, — ўзи келган кўноқ атойи худо.

Югуриб бориб кўҳна бир сандиқ устига тахлаб қўйилган эски ўрин-бошдан бир кўрпачани олиб тўрға ёзди, ёнбошига бир бўз лулабурма болиш қўйди.

— Қани, марҳамат, ўз уйларидек бемалол ўлтирсинлар...

Подшо кавушини ечиб, таёғини деворга суяб, кўрсатилган жойга ўтирди. Уй эгаси ўртага бир кир дастурхон ёзди, фотиҳа ўқишдилар. Уй эгаси шу фотиҳага ҳам: “Ҳақ илоҳим, ақлимиз билан меҳнатимиз бор бўлсин”, деб кўшиб кўйди.

— Хўш, — деди подшо, — сиз кимсиз, нима тириклик қиласиз?

— Аввал ўзларидан сўрасак бўларди, тақсир? — деди мезбон.

— Мен ҳазрати Хизр бўламан, жаҳон кезиб, худонинг яқин бандаларидан хабар олиб юраман. Эрта намозни Қуддуси шарифда ўқиган эдим, пешинни Истамбулда ўқидим, намозгарни Машҳадда, шомни Техронда, хуфтонни Бухорода ўқидим-да, сизнинг шаҳрингизга келдим.

— Ҳай, ҳай, — ёқа ушлаб, кўксига тупурди мезбон, — чақмоқдан ҳам тез юраркансиз-да, тақсир. Авлиёга икки дунё бир қадам, деганлари шудир-да.

Подшо мийғида кулди:

— Худди шундай. Шак келтирмай, ишона беринг. Қани, хўш, энди ўзингиз...

— Менинг исмим Ҳасанбой, мусаллас ичишни яхши кўраман. Шунинг учун халойиқ менга Ҳасан Кайфий деган лақаб кўйган. Катта Чорсуда ямоқчилик қиламан. Менга кунига битта танга етади. Шунинг учун битта тангани топгунча ишлайман. Кейин сўзан, бигизни йиғиштириб, иш қутимни ёпаман. Ортиқчасининг кераги йўқ. Ундан у ёғига маликанинг пошнаси узилган бўлса ҳам ямайдиган аҳмоқ йўқ. Ишқилиб, тақсир, ақл билан меҳнат омон бўлса бўлгани...

— Шунақа денг, — деди подшо ўсмоқчилаб. — Хўш, бу мамлакатнинг подшоси ким, адолатли подшоларданми?

— Тўғри, тўғри, бир хотинининг исми Адолат эмиш, деб эшитганим бор. Лекин менинг катта даргоҳлар билан ишим йўқ. Мен ўз меҳнатимни биламан. Топган бир тангамга иккита нон олиб, бирисини оқшом, бирисини эрта билан ейман. Ярим қадоқ гўшт, бир боғ ўтин, бир шиша шароб, битта анор, битта шам олиб хужрамга қайтаман. Шўрва қайнатаман. — Хужра бурчагидаги девор ўчоқда қайнаб турган кичкина тош қозонни кўрсатди. — Анорни мана бу косачага эзиб, ўртасига шамни ўтказаман. Анор сувининг қизил шуъласи менга ёқади, тақсиргинам. Мана, бизга кўноқ бўлдингиз, биргалашиб шўрва ичамиз. Тақво қилмасангиз, қиттай-қиттай шароб тотинамиз, — деб кулиб “Хизр”га қаради.

– Биз ҳам андак тотинсак бўлаверади, чунки шаробнинг ўзи ҳаром эмас, унинг бадмастлиги ҳаром, – деди подшо.

Ўртага нон синдирилди, икки сопол товоқда шўрва сузилди. Бир шиша шаробни икковлашиб сипқардилар. Ширин суҳбатда, чала, қуён уйқусида тонг ёришиб борар эди. Сўз орасида подшо сўради:

– Сиз, Ҳасан Кайфий, ҳадеб: “Ақлим билан меҳнатим бор бўлсин”, деяверасиз, бирон марта на худо, на подшоҳингизни эсламайсиз. ...Подшоҳимиз омон бўлсин, бошимизга соябон бўлсин, худо ёр бўлсин, деган дуоларни ҳам гапингизга қўшиб қўйсангиз бўлмайдимми?

– Бе-е, – деди Ҳасан Кайфий, – шу кичкина рўзгоримга уларни аралаштириб нима қиламан? Худо ҳам текинга иш қилмайди, унга қурбонлик, закот – ушр керак, мен буларни қаердан оламан? Подшо билан худонинг тили бир, бир-бирини суяйди. Фуқаро билан қанчалик иши бор? Подшога бўлса турли-туман ўлпон, солиқ, даҳяқ, у-бу керак. Иннайкейин, подшо деган махлуққа доим бўйин эгиш хуш ёқади. Менинг солиқ тўлашга бисоти-бағалим йўқ. Сиз, тақсир, бизнинг подшонинг тоғора солиғини эшитмаган кўринасиз, – деб ҳиринглаб кулиб қўйди. – Шунинг учун менинг сиғинадиган нарсам – ўз ақлим, ўз меҳнатим, тақсир. Бошқасидан ҳеч қандай илинжим йўқ.

– Аввало шуки, одоб керак: ўз подшоингизни махлуқ деманг, подшо деган худонинг ердаги сояси бўлади-я!

– Мен ҳам шундай деяпман-да, тақсир, соядан бирон нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади, – деди Ҳасан Кайфий.

– Астағфирулло, – деди “Хизр”, – борди-ю, шу бугуннинг ўзидаёқ подшоҳингиз: “Менинг мамлакатимда ямоқчилик қилиш ман этилади, кимда-ким ямоқчилик қилса дорга осилади”, деган буйруқ чиқазиб қўйса, нима бўлади?

– Ўшанда ҳам ақл билан меҳнат саломат бўлса, бир эви топилиб кетади, тақсир, – деди Ҳасан Кайфий.

– Кўрамиз, қачонгача шу эътиқодда тура олар экансиз, – деб пичинг қилди подшо. Унинг нияти Ҳасан Кайфийнинг оғзидан: “Подшо саломат бўлсин”, деган сўзни юлиб олиш эди. Аммо у бу суҳбатда ниятига етмади.

Тонг хўрози қичқира бошлагандан кейин меҳмон кўзгалди:

– Энди мен борай. Эрта намозни шаҳрингиз жомеида ўқишга ният қилганман.

– Бу оқшом ҳам меҳмон бўладиларми? – сўради Ҳасан Кайфий.

– Нега сўрадилар?

– Чунки бу оқшомда сиз менинг насибамга шерик бўлдингиз. Бугун оқшом ҳам менинг кулбамда кўнмоқчи бўлсангиз, икки танга ишлашга ҳаракат қиламан, нон тўртта, шам иккита, гўшт бир қадоқ, шароб икки шиша бўлади, тақсир, – деди Ҳасан Кайфий.

– Бўлмаса, албатта келаман, – деди кулиб подшо.

Ҳасан Кайфий подшони кузатиб қўйиб ҳужрасига қайтди, қолган-қутган нонлар билан нонушта қилди. Ҳужрасини йиғиштирди, куёш терак бошига келганда ҳар галгидан барвақтроқ иш қутисини кўтариб, Катта Чорсуга йўл олди. Чунки бу оқшом ҳам унинг кўноғи бор, икки танга ишлаши керак.

Энди шинни бозорни босиб чала қассобликка етганда Катта Чорсу томондан иш қутисини қўлтиқлаб, ҳовлиқиб, энтикиб келаётган бир-иккита дўсти – ямоқчиларни кўриб қолди.

– Ҳасанбой, орқанга қайт, Ҳасанбой, иш расво, Ҳасанбой, орқанга қайт!

– Кайфий, хонаи мо сўхт, фармойиши олий ҳазрат, фармойиши подшоҳий...

– Ўзи нима гап, ўзи нима гап, тушунтирсаларинг-чи, ўзи нима гап?

– Подшомиздан буйруқ чиқиб қолди. “Менинг мамлакатимда ямоқчилик уят, – дебди, – ким ямоқчилик қилса, дорга осаман”, дебди, – деди касбдошларидан бири Мамашариф чокдўз.

– Ҳм, – деди Ҳасан Кайфий, – падар лаънат Хизрнинг айтгани бўлми-да: йўқ, қўлга туширолмайдим, ҳали ҳам меҳнат саломат бўлсин...

Югуриб уйига қайтди. Бувасидан қолган бир эски арра билан олчин тўқмоқ бўлгувчи эди. Артиб-суртиб шуни кўтарди, белига тешасини қистирди. Кўшнисининг катта табар болтасини қарз олиб, ўтин бозорига бориб ёлловчи кутиб турди. Омадига бир йигит келиб, олтига тўнкани ёриб беришни ундан сўради. Йигитнинг мўлжали бир сўм бўлса ҳам Ҳасан Кайфий хизматига икки танга сўради. Йигит арзон мардикор топилганига қувониб, Ҳасанбойни уйига олиб кетди.

Ҳасанбой демаганингиз ўқ еган арслондай ихраб-сиҳраб тушга ҳам қолдирмай ўтинларни ёриб, икки танга иш ҳақини

олди. Бозорга қараб югурди. Ўринлатиб харажат қилди: тўртта сўлқилдоқ, седана сепилган обинон, икки шиша шароб, бир қадок гўшт, иккита шам, иккита анор, икки боғ оқ ўтин...

Кулбасига қайтиб, шўрвага уннаб кетди, тош қозоннинг тагига ўт қўйди. Кеч оқшомдан аллавақт ўтганда Хизр қиёфасидаги подшо Ҳасан Кайфийнинг эшигига кулоқ солар эди, ичкаридан Ҳасан Кайфийнинг одатдаги, хумга ари қамалгандай гунғирлаган яллasi эшитилар эди:

“Кишти шикастагонем, э боди шурта, барҳез,
Бояд ки боз бинем он ёру ошкоро...”

Ҳа, ишқилиб, ақл билан меҳнат саломат болсин.

Хизр эшикни тақиллатди. Ҳасан Кайфий:

— Марҳамат, пирим, марҳамат, бу эшикнинг занжиру кулфи йўқ, ўз уйларидек бемалол кираверсинлар.

Яна кечагидан зиёда такаллуфотлар билан: “Салому алайкум, алайкум салом”дан кейин, меҳмонни тўрға ўтқазди.

Бу оқшом икки анорнинг сиқилган суви ўртасига ўтқазилган бир қўша шамнинг қизғиш шуъласи кулбага айрим бир файз бериб турар эди.

Сопол косаларга шўрва қуйилиб, нонлар ушатилиб, икки пиёладан шароб ичилгандан кейин:

— Хўш, ҳазратим, шаҳримиз жанобларига манзур бўлдим-ми, қаерларни саёҳат қилдилар? — деб сўради Ҳасан Кайфий.

— Бай-бай-бай, — деди “ҳазрати Хизр”, — гарчанд, икки олам оралиғини минг бор саёҳат қилган бўлсам ҳам бундай шаҳри азимни учратмаган эдим. Кўча-кўйларини, мачиту мадрасаларини айтинг, аҳли фуқаросини айтинг, одамлари ўз подшоларига итоатли, ҳамма ерда унинг омонлигини тилайдилар. Кеча сиз айтган мачит олдидаги подшолик тоғорага мен ҳам ўтириб кўрдим. Гарчанд, кетим тоғорага сиғмаган бўлса ҳам бир танга солиғини тўладим. Кошки эди, ер юзи подшолари ҳам шундай адолатли бўлсалар, бай-бай, — деди. — Қани, хўш, ўзларидан сўрайлик.

— Бе, тақсир, — деди Ҳасан Кайфий, — кечаги нафасингизга фаришта омин деган экан. Катта Чорсуга етар-етмас “ямоқчиларни осаман”, деган подшонинг буйруғи чиқиб қолди. Жуфтакни тўғрилаб уйимга қайтдим.

– Хўш-хўш? – деди “Хизр”.

– Кейин арра, болта кўтариб ўтинчилик қилдим. Ишқилиб, ақл билан меҳнат саломат бўлсин экан. Икки танга пул ишлаб, мана, жанобингиз келишингизга қозонни қайнатиб қўйдим.

– Боракалло, боракалло, – деди “ҳазрати Хизр”. – Мабодо, эртага подшо ўтинчиликни ҳам ман қилиб қўйса, нима бўлади?

– Ўшанда ҳам ақл билан меҳнат саломат бўлса, бир эви топилиб қолар, тақсирим, – деди Ҳасан Кайфий.

Аллавақтгача чақчақлашиб, шаробнинг кайфини суриб кайф ўртасида қуш уйқуси қилиб мудрашиб ўлтирдилар. Тонг ёришай деганда меҳмон:

– Мен бугун тонг намозини Ҳасти имомда ўқишга ният қилганман, менга жавоб, – дея ўрнидан кўзгалди. Ҳасан Кайфий уни кузатиб, хужрасига қайтди. Қумғон қайнатиб, қолган-қутганлар билан нонушта қилди. Кейин арра, болталарни кўтариб, ўтин бозорига қараб равона бўлди.

Ҳасан Кайфий Кўмир саройга ҳали етгани ҳам йўқ эдики, кеча ўтин бозорда кўрган бир неча ўтинчилар нафаслари огизларига тиқилиб:

– Ҳасан ака, қоч-чи, қоч! Бошингни панага ол! Пошшоликдан, ўтинчилар осилсин, деган буйруқ чиқиб қолди, – дедилар.

– Уйгаму жўнайверсинлар, охун кишим Кайфий! – деди Содир полвон деган бир уйғур арракаш.

– Ҳм, – деди Ҳасан Кайфий, – оббо хотинталоқ Хизр-эй, айтганча, кеча нафас қилган эди. Хизр деганча бор экан-а...

Шошилиб кулбасига қайтди. Хужранинг шифтида, тоқилар орасига қисгириб қўйилган бир эски меш бор эди. Уни олиб бориб булоқ суви билан тоза ишқаб юмшатди, ичини булоқ сувига тўлдирди. Мешни кўтариб, шўрва ичадиган иккита сопол косани олиб, чоршанба куни бўлгани учун қўй бозорга жўнади.

Орқасида бир меш муздек булоқ суви, қўлида коса, бозор оралаб иссиқ кунда чанқаб қолган бозорчиларга оби худойи улаша бошлади.

– Оби худойи, оби худойи, текин сув, ҳазрати Уккоша булоғининг суви, табаррук сув, муздай сув!..

Чанқоқлар коса-коса сув ичиб, баъзилар ҳеч нарса бермас, баъзилар косага бир тийин, икки тийин, беш тийин ташлаб кетар эдилар. Ҳаш-паш дегунча, мешдаги сув ярим ҳам

бўлмасдан Ҳасан Кайфийнинг мўлжалидаги икки танга нақдгина қўлга кирди. Қанчадан-қанча сувсовларнинг илтимосига ҳам қулоқ солмай, қолган сувни тўкиб ташлаб, мешни буклаб қўлтиққа урди, бозорга қараб югурди...

Тун оқшомда қиёфасини ўзгартирган подшо эшик қоқиб келганда Ҳасан Кайфий ўзининг қадрдон “Кишти шикаста-гонем”и билан машгул ва ора-чора хўрсиниб: “Ҳа, ишқилиб, ақл билан меҳнат саломат бўлсин”, сўзини айтиб шўрва шопириб ўтирар эди.

Яна кечаги оқшомдагидек суҳбат давом этди, кайф қилдилар. Ўтирган жойда унча-мунча от уйқуси ҳам қилиб олдилар. Бир-бирлари билан ҳоли аҳвол сўрашдилар. Хаста Хизр Тиллашихбой мачитини мақтаб кетди... Кейин Ҳасан Кайфийдан ҳол сўради. Ҳасан Кайфий мешкобчилик қилганини айтди. “Хизр” подшо буйруқларидан қаҳ-қаҳ уриб кулган бўлди.

— Ҳай-ҳай, кўп адолатли буйруқ чиқибди, подшоҳингиз саломат бўлсин, худо унга ёр бўлсин. Дарҳақиқат, шундай кўркам шаҳарнинг хуснига ямоқчи, ўтинчи, мешкобчига ўхшаган паст кишилар доғ бўлади. Манга қолса ҳаммасининг осилгани маъқул, — деди у.

— Ҳм, ҳов, маъқул, тақсир, нафасингиздан ўргилай! — деди энсаси қотиб Ҳасан Кайфий.

Бу бедард меҳмонни ўлгудай дўппослаб, оч биқинига те-пиб ҳайдаб чиқаришга Ҳасан Кайфийга хос меҳмондўстлик одоби йўл қўймас эди. Тонгга яқин, яна кечқурун келишга ваъда бериб, хайр-хўшлашиб меҳмон жўнади. Бу тонг Ҳасан Кайфий нонушта ҳам қилмади. Меҳмоннинг қораси кўздан ўчгандан кейин тикка булоқбошига жўнади. Бу ердан шаҳар мешкоблари сув олардилар. Битта-битта келган мешкобларга сув олдирмай тўхтатиб турди. Мешкоблар йигирма кишига етгандан кейин:

— Биродарлар, — деб сўз бошлади Ҳасан Кайфий, — шу йигирма киши икки тийиндан икки танга йигиб берсаларинг, сизларга бир хушxabар айтаман. Икки тийинларингга арзийди.

Мешкоблар бир-бирларига қарашиб, ҳамён ковлаб икки танга йигиб Ҳасан Кайфийга беришди. Ҳасан Кайфий бафуржалик билан икки тангани киссасига солиб:

— Энди, биродарлар, хушxabар шуки, уйларингга тарқай-вурларинг. Ҳали замон пошшоликдан “Мешкоблар дорга

осилади” деган буйруқ чиқади, — деб сўзини тугатмаган ҳам эдики, пошшоликнинг жарчиси от ўйнатиб, овоз қуйиб келди:

— Пошшоликнинг фармойиши: шаҳарда мешкоблик ман қилинади. Кимда-ким буйруққа кулоқ солмай мешкоблик қилса, дорга осилади!!!

Ўз бошининг ташвишида қолган шўрлик мешкоблар чилнинг боласидай тумгарақай тарқалиб кетдилар. Ҳасан Кайфий бозорга қараб чопди...

Ҳасан Кайфий хужрасидаги бу оқшомги суҳбат ҳам ўтган оқшомлардагидай серчақчақлик билан давом этди.

Яна ҳар галгидай бир-бировларининг кундуз кунлик саргузаштларини суриштирдилар. “Ҳазрати Хизр” бугунги намозларини Зангиотада адо қилганлигини баён қилди. Айниқса, адолатли подшонинг мешкобларни дорга ошиш ҳақидаги фармойишидан ғоятда мамнун бўлганлигини айтди.

— Қани энди, ер юзида мингта подшо бўлмасдан биттагина шундай адолатли подшонинг ёлғиз ўзи бўла қолса, — деган эзгу орзуни баён қилди. Кейин Ҳасан Кайфийдан бугунги булоқбошида қилган ишларини айтиб беришини сўради.

— Э, тақсири олам, — деди Ҳасан Кайфий, — ақл билан меҳнат саломат бўлса, киши лол қолмас экан. Мен бугун нима иш қилганимни жони дилим билан сизга айтиб беришим мумкин. Лекин нафасингиздан чўчиб қолдим. Бошида мен сизнинг Хизрлигингизга ҳам унча ишонмаган эдим. “Мен Хизрман”, деганингизда, ҳа, энди шунчаки гиёҳванд, мияси айниган чолдир-да, деб қўя қолган эдим. Лекин қилган нафасларингиз кетма-кет ўринлайверганидан Хизр эканлигингизга энди ишондим. Шунинг учун ҳам бугун қилган ишларимни сизга айтмайман. Айтсам, тагин биронта совуқ нафас қиласиз-да, ишимнинг пачавасини чиқарасиз.

— Йўқ, йўқ, худо ҳаққи, ёмон нафас қилмайман, айтаверинг, на яхши, на ёмон нафас қилмайман...

— Бўлмаса, айта қолай. Бугун мен қизиқ иш қилдим. Кеча оқшом сиз: “Пошшолик мешкобликни бекор қилса нима қиласан?” деган эдингиз. Икки-уч тажрибадан ўтказганим учун, ол-ҳа, мешкобларга ҳам нафас кетди-ку, деб ўйладим. Сизнинг кетингизданоқ булоқбошига югурдим. Мешкобчиларга, бир хушхабар айтаман, деб икки тийин-икки тийиндан йигиб беришларини сўрадим. “Ҳозир

ҳамманг тарқал, пошшонинг буйруги чиқади”, дедим. Айтганимдай бўлди. Еб ўтирган зиёфатингиз ақлнинг каромати, мешкобчиларни огоҳлантирилганлик эвазига йиғилган икки танганинг зиёфати. Яна тўғриси, жанобингизнинг қутлуғ нафасларининг зиёфати. Бемалол еб-ичаверинг, тақсир, ишқилиб, бугун тинч ўтирайлик, нафас қилманг.

– Қойилман, – деди “Хизр”, – айтган гапингизда турадиган ўжар эътиқодли одам экансиз. Шундай зеҳн билан...

– Э, бас қилинг, тақсир, бас! Бу ёғига ўтманг!

– Йўқ, йўқ, – деди “Хизр”, – ёмон ният қилмоқчи эмасман, бир эҳтимолни айтмоқчиман, яхши эҳтимол...

– Яхшиси ҳам керак эмас.

– Йўқ, демоқчиманки, шундай зеҳн билан подшоҳга навкар бўладиган йигит экансиз, эҳтимол...

– Ана холос, – деди Ҳасан Кайфий, – бундан ҳам расво нафас бўладими, тагин бу эҳтимол эмиш, мен аҳмоқ бўлмасам, биринчи куниеқ сизни хужрага таклиф қилармидим, эҳ, аттанг, аттанг!

Ҳасан Кайфий бу нафасдан жуда ранжиди. Тонг отди. “Хизр” жўнагунча палағда тухум ютгандай миқ этмай, жим ўтираверди, уни кузатиб ҳам қўймади.

“Хизр” жўнагандан кейин, ярим соат ўтар-ўтмас бир отни миниб, яна бир отни етаклаган бир сипоҳи йигит қамчи даста билан эшикни тақиллатиб қолди.

– Ҳасан Кайфий, Ҳасан ака деган киши шу ерда турадимиз?

– Шу ерда, шу ерда, – деб Ҳасан ака ташқарига чиқди. Қараса, бошдан-оёқ қуроқланган, мўйлови шопдай бир ҳарбий йигит. Бошида дубулға, эгнида совут, билагида қалқон, қўлида найза, елкасида камон, бир ёнбошида садоқ, бир ёнбошида қилич.

– Ҳасан ака сизми?

– Мен, мен бўламан.

– Сиз подшонинг хос навқари бўлиб тайинландингиз. Мана бу яроғ-аслаҳаларни кийинг, тақининг! От ҳам сизники. Тез бўлинг, мен билан саройга юринг!

Ҳасан ака баднафас Хизрни сўка-сўка уч пуд келадиган темир-терсақларни кийиниб, тақиниб, бояги сипоҳи ёрдамида отга аранг миниб, саройга жўнадилар. От ўлгур ҳуркович экан, йўлда бир замбилғалтак думалатиб кетаётган кишидан

хуркиб Ҳасан Кайфийни олиб қочишига, кутариб уришига оз қолди.

Саройда уларни бош мирохур билан навкарбоши кутиб олди. Ҳасан акага вазифасини тушунтира бошладилар.

— Сиз подшонинг хос навкарисиз, — деди навкарбоши. — Бир қўлингиз қилич дастасида, подшо ўтирган тахтнинг орқасида уни қўриқлаб тик турасиз. Мабодо подшонинг ҳаётига бирор хавф туғилса, ким бўлмасин, бошини шартта чопиб ташлайсиз. Моянангиз қирқ саккиз танга. Ойнинг ўттизида оласиз. От таги билан ўзингизники, ем-хашаги ҳам сиздан. Эрта билан соат саккизда келиб, кечқурун бешда кетасиз. Кундузлари от пошшолик охурида бўлади. Туш вақтида сарой аҳлларига бир марта шулон қайнатилади, бирор коса ичишингиз мумкин. Шулон ҳақи ичсангиз-ичмасангиз, моянангиздан ушлаб қолинади. Шу қоидаларга итоат қилмасангиз, бўйнингиз чопилади. Мана бу хужжатга бармоқ босинг (Ҳасан Кайфий ичида Хизрни сўка-сўка бармоқ босди). Омин облоху акбар. Сизга худо ва худонинг ердаги сояси бўлган адолатли подшоҳимиз ёр бўлсин.

Ҳасан Кайфий тахт орқасида қилич қабзасини ушлаб кўзини юммай, уч пуд темир-терсак елкасидан босиб қотиб турар эди. Ичида: “Ёпирай-эй, бу баччагар Хизр менинг ўз ишончимдан айнатмоқ пайига тушди шекилли. Бугун қоидадаги дастурхонни ёзиш учун икки тангани қаердан оламан? Шарманда бўладиган бўлдим. Ё ақлим, ё меҳнатим, ўзларинг менга мададкор бўлларинг!” деяр эди.

Соат тўртлардан ошганда подшо ҳарамга кириб кетди. Ҳамма сипоҳиларга, шу қатори, Ҳасан Кайфийга ҳам жавоб бўлди. Дарров бориб оғилдан отни ечди. Бошқа навкарлар ёрдамида отга миниб, пичоқ бозор томон йўртиб кетди. Унинг бошига ялтироқ бир фикр келган эди. Унинг бир пичоқчи дўсти бўлиб, шунинг дўконига борди. Пичоқчи Ҳасанни бу қиёфада кўриб, ранги ўчиб, дағ-дағ қалтираб, ҳангу манг бўлиб қолган эди.

— Қўрқма, қўрқма! Усти бошим бошқа бўлгани билан мен ўша ўзингнинг Ҳасанингман. Мана шу қиличимнинг тиги Исфaxonнинг байзо пўлатидан бўлган. Шунинг синдириб сотсам оласанми?

— Жоним билан оламан.

Ҳасан қилични суғуриб, пичоқчига узатди. Пичоқчи тигини обдан текшириб, эговга солиб кўрди.

- Яхши экан, асл экан.
- Қанча берасан?
- Олтмиш танга.
- Чиқаз пулингни!

Ҳасан қилични бўғзидан тўрт энли қолдириб, қолганини сумбага қуйиб синдириб пичоқчига узатди. Пичоқчи тигни олиб, пўстак тагига яширди. Нақдина олтмиш тангани Ҳасанга санаб берди.

Ҳасан қоидадаги икки тангали бозор-ўчарни қилиб, кулбасига қайтди. Ечинди, отнинг ҳам устидаги аслаҳа, эгар-жабдуқларини олди. Бондор қўшнисини чақириб чиқди.

– Ўртоқ, – деди, – мана шу от кечқурун соат бешдан эрта билан саккизгача сеники. Ер сурасанми, мойжувоз ҳайдайсанми, аравага қўшасанми, ихтиёрингда. Аммо ҳар кун эрта билан яхшилаб тўйдириб, қашилаб, совутиб менга топширасан. Бу ҳаром ўлгур кундуз пошшолик охурида боқувда ётади.

Бу таклифга қўшниси жон-жон деб кўнди, отни етаклаб олиб кетди.

... Кеч оқшомда “ҳазрати Хизр” келганида Ҳасан Кайфий ҳеч нима бўлмагандай қадрдон ялласини айтиб, шўрва шопирар эди.

Навбатдагидай бемалол, хушқайф, серчақчақ суҳбат давом этар эди.

“Хизр” бугун қаерда намоз ўқиганини айтди. Ҳасан Кайфийдан аҳвол сўради.

– Овора бўласиз, айтилмайди, тақсир. Нафасингизни шамол учирсин, бўлди-е!

– Худойи таолонинг бирлиги ҳурмати, подшоҳимизнинг шафқат ва меҳрибонликлари ҳурмати, чурқ этган нафас қилмайман. Фақат менга мана бу қозиқларда осиглиқ қалқон, қилич, дубулғаларнинг эгаси кимлигини айтсангиз.

– Қасам ичинг, ҳазрати Хизр!

– Нафас қилсам, каломулло урсин!

– Бўлмаса айта қолай, бу аслаҳалар кеча қилган нафасингиз натижаси. Мен подшога навқар бўлиб қолдим.

– Қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин, хўш, бу кунги зиёфатнинг харажати қаердан бўлди, моюнани нақд берар эканларми?

Ҳасан Кайфий қилич воқеасини яширмай айтди. Кейин қилични қозикдан олиб:

– Эндиги қолган эллик саккиз тангани шифтга қистириб қўйдим. Мояна чиққунча ҳар оқшом зиёфат, тақсир. Қиличга бўлса тахтадан тиг йўниб улаб қўйдим. Мана кўринг...

Қилични суғуриб кўрсатди. Дарҳақиқат, тигнинг синган қисмига тахтадан тиг қилиб, ҳунармандлик билан уланган эди.

– Тасанно, – деди Хизр, – аммо...

– Сўз қила кўрманг, сўз қила кўрманг, қасам ичгансиз.

– Сўз ҳам қилмайман, нафас ҳам қилмайман, аммо эҳтимолимни айтаман.

– Эҳтимолингиз қурсин, қани айтинг-чи?

– Мабодо, эртага подшоҳ бировга ғазаб қилиб, сизга: “Ҳасан, бу гуноҳкорнинг калласини чоп!” деса, унда нима бўлади?

– Минг лаънат, ишнинг аталаси чиқди. Хизр бўлмай хинзир бўлинг! Тагин қасам ичган эди-я бу хумса. Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, ўшанда ҳам ақл билан меҳнат саломат бўлсин. Бир иложи топилиб қолар.

Бугун ҳам Ҳасан Кайфий тахт орқасида қўли қиличнинг дастасида қаққайиб турар эди.

Шулон вақти яқинлашиб қолганида подшо билан вазир ўртасида жанжал чиқиб қолди. Бош вазир Олабайтал қишлоғига тушган ўлпон ҳалдан ташқари ортиқ бўлганлигини, камай-тириш зарурлигини айтар эди. Ўжар подшо қайтага қайсарлик қилиб ўлпоннинг икки баравар оширилишини буюрар эди. Вазир билан подшо ўртасида олди-берди гап кучайиб кетди. Ғазабига чидолмаган подшо орқасига қараб:

– Ҳасан, вазирнинг, бу аблаҳнинг бошини чоп! – деб амр қилди.

Ҳасан югуриб бориб вазирнинг икки қўлини орқасига боғлади. Подшонинг олдига тиз чўктирди.

– Подшоҳим, бир эмас, ўн вазирнинг бошини оёғингиз тагида садақадай юмалатишга тайёрман. Аммо бу шўрликнинг бола-чақаси кўп. Иннайкейин, Олабайтал қишлоғида менинг аммам бор. Кўп бориб тураман. Вазирнинг гапи тўғри, қишлоқларнинг аҳволи ночор, халқ оч, яланғоч. Асли ўлпон олинмаса ҳам бўлади.

— Падарлаънат, навкар, — деди бақриб подшо. — Ўз подшоингга маслаҳат беришга сенга ким ҳуқуқ берди? Вазирнинг бошини ҳозир чоп! Бўлмаса ўзингнинг бошингни кестираман!

— Менинг учун битта вазирнинг бошини чопиш чумчуқ сўйишдан ҳам осон. Аммо худо билан маслаҳат қилиб олай. — Ҳасан Кайфий кўкка юзини тутди, қўлини муножотга кўтарди: — Эй, бор худоё! Ўзинг кўриб турибсан, ҳукм сенинг ҳукминг. Мен ҳозир вазирнинг бошини чопишим керак. Агар подшо ҳақ бўлса, қиличим қиличлигича қолсин. Агар вазир ҳақ бўлса, қиличимнинг тигини пўлат эмас, тахта қилиб кўй! Оллоху акбар, — деб қилич сугурди.

Қиличнинг тиги гўё тахтага айланиб қолган эди.

Ҳасан Кайфий қиличини кўтариб:

— Адолатли худойимдан айланай, вазир ҳақ экан, мана, подшоҳим, ўзингиз кўринг.

Ҳасан Кайфий тахт томонга ўгирилиб қараса, тахтда подшо эмас, “Хизр” ўтирибди (Подшо ясама оқ соқолини иягига боғлаб олган эди).

— Э, ҳа, — деди Ҳасан Кайфий, — Хизр ҳам ўзим, подшо ҳам ўзимман, десангиз-чи, тилимиз битта денг, кўша-кўша кароматлардан сезинқираган эдим-а, тақсир...

Шундай қилиб, подшо Ҳасан Кайфийни ўз ишончидан айнита олмади. Ҳасанга ўз хоҳишини ўтказолмади. Уни саройдан ҳайдаб чиқардилар. Мана энди Ҳасан Кайфий ҳам умрининг охиригача ўз ақли, ўз меҳнати соясида фароғатда ҳаёт кечирмоқда.

1965



ЧОРАСИ КҮРИЛДИ

(Аппаратни тозалаш муносабати билан)

Ҳаммага маълум ва машҳурдирки, солиқ идоралари ўз ишларини нечоғлиқ пухта ва пишиқлик билан бажарадилар. Ҳар қандай англашилмовчилик ва саргардонликларга йўл қўймаслик учун ўз аппаратларини ихчамлаганлар. Уларнинг энг кичик шўъбаларида ҳам бир неча ўнлаб хизматчилар — мудирлар, котиблар, агентлар ишлайди. Токи, иши тушиб келган киши ўз ишини қанчалик тезлик ва пухталиқ билан бажарганлигини билиб қойил бўлиб кетсин.

Аппаратдаги пухталиқлардан бир неча намуналар. Масалан: қишлоқларга солиқ рўйхати учун чиққан агентлардан бири Раҳмат Ҳикмат ўғлининг хўжалигини рўйхатга олди. Қаламнинг куртлиги, пичоқ йўқлиги, ишнинг тифизлиги, қоғознинг гудурлиги, қишлоқларда ҳадеганда стол-стул топилмай, ёзиладиган нарса патнис орқасида ёзилганлиги ва буларнинг устига бир қанча ўзидан бўлмаган сабаблар орқасида Раҳмат Ҳикмат деган сўзи аниқроқ ёзилмади, ўқишга қийинлик келтирди. Бундай ҳодисаларда бош идорадаги ихчамланганлар иккиланиб ўтирмай, уларда мавжудиятлар бўлмаса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, бир неча кишиларнинг номларига солиқ варақалари ёза бошладилар. Масалан: Аҳмад Суннат ўғли, Зиннат Раҳмат ўғли, Ҳикмат Неъмат ўғли, Баракат Фалакат ўғли, Аҳмад Савлат ўғли ва ҳоказо...

Шунинг сингари бир солиқ рўйхатларини тузувчи агент қишлоқнинг оти бўлган “Кўшқўрғон” сўзини аниқроқ ёзмади. Солиқ идоралари яна иккиланиб ўтирмай, бир неча қишлоқларга солиқ варақалари ёза бошладилар. Масалан: Кўшқўрғон, Гўштқўрғон, Эсхирмон, Мисқумғон, Бўштўғон, Мушўғон ва бошқа қишлоқлар.

Бу тажриба ғоят маъқул бўлгани каби, солиқларнинг биридан бўлмаса биридан унишига имконият туғдиради.

Бекобод қишлоғига чиққан солиқ рўйхатчиларидан бири муштумзўр Ибай Зафаровга индивидуал солиқ солинмоқни

лозим топиб рўйхатга олди. Юқорида айтилганлардай бир қанча ўзидан бўлмаган сабаблар орқасида, солиқ варақаси Бешработ қишлоқлик янги рўзғор Убай Зуфаров номига келди.

Албатта, Убай қараб ўтирадимми? Қишлоқ батрақларидан бир нечаларини гувоҳ қилиб, ўзининг якка рўзғор эканини, хўжалиги якка ҳолда солиқ тўлаш қобилиятига эга бўлмаганини, солиқ варақаси унинг номига янглиш ёзилганини бирма-бир баён қилиб ариза ёздириб туман ижроқўмига топширди. Замонлар ўтди, солиқ ундирувчилар тикилинчдан тўхтамадилар.

Убай сўнги гал туман ижроқўмига борганда, “Аризангизни текшириб, чорасини кўриш учун Бешработ қишлоқ шўросига юбордик”, деб жавоб қайтардилар. Убай “чора кўрилишини” кутиб яна бир неча замон сабр қилди.

Бешработ қишлоқ шўросига Убайнинг аризаси устига қизил сиёҳ билан “Чораси кўрилсин” деган резолюция қўйган ҳолда ҳавола қилинган эди.

Бешработ қишлоқ шўросида ҳам иш ҳалқумдан. Аризанинг ҳаммасини ўқиб чиқишга вақт йўқ. Бинобарин, фақат резолюциягина ўқилди ва туман ижроқўмидан бўлган буйруққа асосан иш кўришга мажбур бўлдилар. Қишлоқ шўроси ўз ёнига икки нафар йигитни (милиция ўрнида) олиб, тикка Убайнинг қўрғонига босиб бордилар. Ва ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, қўрғонга кириб тинтув бошладилар.

Убай воқеадан хабарсиз. “Бирор гуноҳ қилган бўлсам керак”, деб ҳайрон эди.

Тинтувчиларнинг кўзига ҳеч қандай чора кўрилмаган эди шекилли, қайтиб кетдилар ва туман шўросидан келган аризанинг устига зангор сиёҳ билан “Ижро қилинди ва ҳеч қандай чораси йўқлиги аниқланди, ахборотингиз учун”, деб резолюция қўйдилар. Ариза туман шўросига қайтиб борди ва ишга тикилди.

Шу чоққача дом-дараксиз қолиб кетган аризаси тўғрисида Убай анча ранжиган эди. Қайтадан ариза ёздириб, туман шўросига борди. Унда Убайга қараб:

– Сиз солиқни тўлайсиз, қишлоқ шўросининг берган маълумотига қараганда чора йўқ экан, — дедилар. Убай ялинди-ёлворди. Қишлоқнинг ўн-ўн беш батрақлари тарафидан камбағаллиги, янги рўзғорлиги, солиқ тўлай олмаслиги учун қўйилган қўлларни кўрсатди. Туман ижроқўмидагилар ҳайрон қолдилар. Яна “Биздан нима кетаётир”, деб ариза устига

янгидан: “Сизга қатъий таклиф қилинади, тездан Убай Зуфаровнинг чораси кўрилсин”, деб резолюция қўйдилар ва қишлоқ шўросига юбордилар.

Бешработ қишлоқ шўросидагилар, туман шўросидагиларнинг тўралигидан, қуйи аппаратнинг иши билан ҳисоблашмаганларидан койинди, яна шундай бўлса ҳам “Сазалари ўлмасин” деб, йигитлари билан Убайнинг кўрғонига бордилар. Бу гал жуда диққат билан текширдилар. Ҳатто, товуқ катагигача қолмади. Ярим соатларга чўзилган текширишдан сўнг, бир йигит оғилхонадан туриб қичқира бошлади:

– Ўртоқлар, ҳой ўртоқлар, бу ёққа қаранглар, чора бу ерда экан, мана!

Ҳаммалари югуриб бордилар. Ўртага чорани олиб текшира бошладилар.

Қишлоқ шўроси йигитларга қараб:

– Йигитлар, – деди, – отга ўнгариб олингиз.

Убай: “Бу ташландиқ буюм-ку, буларга нимага керак бўлди экан?” деб ҳайрон эди. Йигитлар чорани отга ўнгариб, қишлоқ шўросига келтирдилар. Яна қайта бошдан текширдилар ва туман ижроқўмидан келган қоғознинг устига: “Ижро қилинди, Убай Зуфаровнинг чораси кўрилди. Чора айтатурган яхши чоралардан эмас. Бир пут, бир ярим пут оқшоқ элтатурган, кунжарадан бўлган эски чора экан, ахборотингиз учун бизда сақланади”, деб резолюция қўйдилар ва туман шўросига юбордилар.

Тасодиф кўп ёмон нарса, қишлоқ шўросининг шунчалик жонкуярлик билан қилган ҳаракатлари ҳавога учди. Убайнинг аризаси устига беқасам тўн кийган резолюциялари билан туман шўросини текширишга келган ишчилар бригадасининг қўлига тушди. Улар ариза юзасидан бошқачароқ чора кўра бошладилар. Шундайки, туман шўросидан тортиб, қишлоқ шўросигача, туман солиқ идорасидан тортиб, айрим солиқ рўйхатчиларигача чоралари кўрилди. Натижада туман шўросининг иш бошқарувчисига “ҳайф сенга” берилди, қишлоқ шўросининг раиси ётлардан бўлгани аниқланиб, ишдан олинди. Солиқ идорасининг котиби судга берилди. Убай Зуфаров солиқдан озод қилиниб, варақанинг ҳақиқий эгаси Ибай Зафаровдан солиқ ундирилди ва кунжарадан бўлган чора бўлса, эгасининг розилиги билан сансалорлик кўрғазмасига хотира учун олинди.

АФАНДИ ҰЛМАЙДИГАН БҮЛДИ

Афанди даладан бир эшак ўгин териб, шаҳар бозорига олиб гушиб, уч мирига сотди. Қишлоққа қайта туриб йўл-йўлакай эшак қадамидан зерикиб ўша уч мирилик кумуш тангани ўйнаб келар эди: тангани ўнг бош бармоғининг устига қўйиб чертиб юборар, чап қўлининг кафтида илиб олар, яна чап бош бармоғи тирноғига қўйиб чертиб юборар, ўнг кафти билан илиб олар эди. Танганинг бир томонида пошшолик муҳр, иккинчи томонида “Хоқон ибни Хоқон Султон Сулфиддинхон Ғозий” деб ёзилган тамғаси бор эди. Афанди танганинг ўнг-терсига истехзо билан қараб:

— Эй, тавба, бир мисқол келар-келмас қалай аралашган кумуш бўлса, икки томонида ажи-бужи хатлари бўлса, на санъати, на қадр-қиймати бўлса, ана шу бир бурда тангага не-не кишилар муҳтож бўлса, не-не барно аёллар, не-не азамат давангирдай йигитлар саккиз нўхат оғирлигидаги шу темирга эртадан қаро кечгача ишласа. Шу танганг бўлмаса, обрўйинг бир пул, ақлу фаросатинг, илминг ҳемири, қавму қариндош бегона, дўсту ошно сендан узоқ, ҳамма эшиклар бетингга ёпиқ, бозор-ўчардан қадаминг қирқилган, бола-чақа оч, ўзинг яланғоч. Ажаб замон экан-да.

Ажаб замонада қолдик, яқолар бўлди этак,
Бўз пайтава бўлди, бошга чиқди патак.

Бунга сен нима дейсан, ҳанги ҳофизи майда қадам?

Эшак Афандининг сўзига “маъкул” дегандай бошини силкитиб, қулоқларини бир-бирига уриштириб, бедана юриш қилиб кетиб борарди. Афанди танга ўйнашда давом этар эди.

Кеч кириб қолган. Учқўприк деган ерга етганида рўпарасидан бир оқсоқ ит чиқиб хура бошлади. Афанди ҳам, эшак ҳам шунга алақсий кетиб, танга ичқиниб ерга тушди, ердаги қайсидир тошга

жиринг этиб урилиб, қайгадир йўқолди. Афанди топаман, деган хаёл билан эшакдан бафуржа тушиб, тангани қидира кетди. Кўтариб қарамаган бирор тоши қолмади. Танга ер ютгандай ном-нишонсиз эди. Қош қорайиб, шом тушди. Тополмаслигига кўзи етиб, танга йўқолган жойига атрофдаги катта-кичик тошларни йигиб келиб қўйди. Эрта билан барвақт келиб яна қидираман, деган ўй билан қишлоғига жўнади.

Эрта билан тонг саҳарда келиб яна қидирди. Тангадан ном-нишон топилмади. Шунда Афандининг хаёлига бир гап келиб қолди:

– Ия, нега мен аввал ўйламабман? Кеча оқшом ҳам мендан бошқа кишилар шу ердан ўтгандир ёки бугун мендан олдин бир неча киши шаҳар томон тушгандир. Наҳотки шулардан биронтаси менинг тангамни топиб олмаган бўлса? Шулардан суриштириш керак!

Шу пайт белини боғлаган, хачир минган бир йигитча шаҳар томон зудлик билан ўтиб қолди. Афанди шошилиб унинг жиловидан ушлади:

– Қаёққа кетаётирсан?

– Амаким вафот қилиб қолдилар, жанозага айтиб юрибман.

– Бу ердан кеча ҳам ўтганмидинг?

– Ҳа, кечқурун табиб олиб ўтган эдим.

– Ҳа, баракалла! Тангани чўз! – деди Афанди.

– Қанақа танга? – деди йиғламсираб йигитча.

– Муғамбирлик қилма! Қанақа танга бўларди, уч мирилик бухор тангаси, сандан бошқа ит олармиди, бу ёққа чўз!

– Ман танга-панга кўрганим йўқ, қўйворинг, мулла ака! Ўлик мунтазир бўлиб қолади.

– Ўлигинг билан ишим йўқ, тангани чўз! Бўлмаса хачирдан ағдариб, дўппослайман.

Жанозага одам айтишдан кечикаётган йигитча ади-бади айтиб ўлтиришнинг фойдасизлигини англагач, ёнчигини ковлаб уч мири чиқариб берди-да, шошилиб жўнаб кетди. Афанди тангани кафтига солиб ўнг-терсини синчиклаб кўрди:

– Йўқ, бу менинг тангам эмас. Менинг тангамда “Султон Сулфиддинхон” дегани қийшиқроқ ёзилган эди. Ўзимники топилмагунча қидираман. Аммо бу ҳам ортиқчалик қилмайди, – деб ёнчигига солиб қўйди. Харсангга ўлтириб йўл кузатди. Бу навбат шаҳардан саккизта хурмача, катта

сут челак кўтарган ўрта яшар бир қатикфуруш обкаш кўтариб яёв келар эди. Унга:

— Бир нафас тўхтанг, жонидан акаси! Шу йўлдан қачон ўтган эдингиз? — деди юмшоқлик билан Афанди.

— Илк тонгда, Чўлпон юлдузи кўтарилганда.

— Баракалла, — деди Афанди, — қани, тангамни чўзинг!

— Қанақа танга?

— Ўсмоқчиламанг, ука. Шу ерда кеча битта бухор тангаси йўқолган. Уни сиздан бошқа ҳеч ким топиб олмаган, албатта. Шу пулни чўзинг!

— Бўлмаган гап!

Гап можарога айланди. Можаро муштлашувга. Бир хурмача синиб, сут челакнинг қорни пачоқ бўлди. Афандига кучи етмаслигига кўзи етган қатикфуруш битта уч мириликни бошидан етти марта айлангириб, Афандига узатди:

— Ма, ол, йўлтўсар, аблаҳ! Бола-чақангга ош бўлмасин, югучингга буюрсин. — У сўкина-сўкина синган хурмачасига, ноўрин кетган уч мирисига ачиниб, йўлига равона бўлди. Афанди ундан қоқиб қолган тангани ҳам текшириб:

— Йўқ, бу менинг тангам эмас. Бу танганинг кунгураси сийқаланиб кетибди. Меники зарбдан янги чиққан эди... Ҳай, майли, бу ҳам бир кунга яраб қолар, — деб киссага урибди.

Бугун Афанди ўтган-кетганлардан беш-ўн танга олиб қолган бўлса ҳам, бу тангалар йўқотган тангасига ўхшамас эди.

Ҳазил-ҳазил бора-бора касбга айланиб, Афанди Учкўприк бошида беш йилу уч ой қолиб кетди. Ҳар куни ўтган-кетгандан ўз тангасини сўроқлаб, баъзилар билан яхшиликча, баъзилар билан муштлашиб, уч миридан олиб қоладиган бўлиб қолди. Кунига ўн-ўн беш танга тушиб турса ҳам, лекин бу тангалар йўқотган тангасига ўхшамас эди. Афанди, ўз тангамни топмай қўймайман, деб қасам ичиб қўйганлиги учун ўз аҳдидан қайтмас эди. Даладан шаҳарга, шаҳардан далага ўтувчи йўловчилар Афандининг бу тиқилинчига кўниккан эдилар.

— Назармамат, қайси йўлдан кетамиз, уч мири жинни томонданми ёки узоқроқ бўлса ҳам Фирвон ошиб кетамизми? — деса, бошқа бирови:

— Менда танга бор, яқингина Учкўприкдан кетаверамиз, — дерди кулиб.

... Аммо тепада худо бор. Афандининг қилиғига ҳамма кўникса ҳам худо кўникмас эди. Беш йилу уч ойдан бери

битта оқ булутга ёнбошлаб, узун резинка найли чилимда такбас чекиб кайф қилиб, чўзилиб ётган худо Афандининг қилиқларига гаши келиб, уни кузатар эди. Охири чидолмади. Битта югурдак фариштани зинғиллатиб Азроилни чақиртирди. Вазифаси кишилар жонини олиш бўлган кўрқинчли Азроил қўлтиғига бир катта китобни қисиб, худонинг олдига келиб таъзим қилди. Худо Афандини кўрсатиб:

— Бор! Анов банданинг йўқотган уч мирисини топиб бер, кейин жонини ол! У менинг ҳам, бошқа бандаларимнинг ҳам жонига тегди, — деди.

Азроил пастга қараб:

— Ия, бу мулла Насриддин Афанди-ку, — деди.

— Ҳа, ўшанинг жонини ол!

Азроил қўлтиғидаги рўйхат китобининг “Н” ҳарфидан Насриддин Афандини топиб, худога мурожаат этди:

— Соқолингга садақа бўлай, художоним, ўзинг ёзган мана бу тақдир китобида Афандининг ўлишига ҳали йигирма бир йил бор, ажали етмаган. Агар ҳозироқ жонини олсам, ердагилар орасида жанжал кўтарилади. “Ваъдасида турмайдиган бебурд худо”, дейишади, сенга ишонмай қўйишади.

— Бўлмаса, кўрқит, чўчит, бу хунарини қилмасин. Бошқа энгилроқ хунар ўргатиб чиқ.

— Хўп, — деди-ю, битта чиккабел фариштани етаклаб ерга тушди.

Азроил эшак арава минган ҳандалакфуруш деҳқон сиёқида Афандига рўбарў бўлди.

— Бу ердан қачон ўтган эдинг? — деди Афанди унга дўқ аралаш.

— Бугун эрталаб.

— Бу ерда уч мирилик битта танга йўқолган. Ўшани сендан бўлак ит ҳам олмаган. Шу тангани эгасига, яъни менга қайтар-да, йўлингга кетавер.

— Бўлмаган гап, — деди Азроил. — Сен беш йилу уч ойдан буён уч мирингни баҳона қилиб, худойим бандаларидан неча ўн минг танга ундириб олдинг. Бўлди қил! Бўлмаса, ҳозир жонингни оламан!

— Жонингни оламан?! Сен Азроилмидинг?

— Бўлмасам-чи! — Азроил шу заҳотиёқ ўз даҳшатли қиёфасига, эшаги эса чиройли бир фариштага айланди. Афандининг юраги шув этиб кетган бўлса ҳам, сир бой бермади.

— Битта эмас, етти Азроил бирдан келганинда ҳам жонимни олиб бўпсан, гапни айлантирмай тангани чўз!

Азроил билан фаришта Афанди шунча йиллардан бери пўстак солиб ўлтирадиган катта харсангни ағдариб ташладиларда, тагидаги қуму тупроқларни тирноқлари билан тирмалаб, қўқариб, занглаб кетган тангани Афандига олиб бердилар:

— Ма, ол, тўймагур! Бу, ўша, сен йўқотган танга.

Афанди зиҳларидан ўзи йўқотган тангасини таниган бўлса ҳам, тан олмади:

— Бу меники эмас. Менинг тангам янги эди. Ўзимники топилмагунча шу ерда ўлтирганим-ўлтирган.

— Энди ўтирмайсан, — деди Азроил. — Биз сенга осон, даромадли касб ўргатамиз, кунинг етиб ўлгунигча бемалол бола-чақангни боқасан.

— Қанақа ҳунар экан? Ўзимникидақа мўмай касбни топиб бўлармиди, — деди Афанди.

— Биз сенга табибликни ўргатамиз, — деди Азроил...

— Табибчиликка илм керак, мен эсам ғирт саводсизман, алифни калтак дея олмайман, қизамиқ билан чипқонни бир- бировидан ажратолмайман, тақсир, — деди Афанди.

— Табибчиликка илмнинг ҳожати йўқ. Худди сендақа авомлардан табибнинг зури чиқади, — деди Азроил. — Хотинингта элликта халта тиктирасан. Халталарга ҳар хил ўтларни қуришиб, уқалаб соласан. Беш-олти шишада ҳар хил ранго-ранг сувлар тайёрлайсан. Маҳаллангта бориб, тушимда ҳазрати Лукмон оғзимга тупуриб кетди, табиб бўлдим, дейсан. Сал кунда доврўлинг оламини босиб кетади. Қолганига мен ёрдам бераман.

— Сен қандай ёрдам берардинг?

— Ия, айтдим-ку, ахир, мен Азроил — ўлим фариш-тасиман. Кимнинг ажали етганини мендан олдин биладиган кимса йўқ. Ким ўлади, ким қолади, мен сенга ишоратлар билан маълум қилиб тураман, яъни бир одам касал бўлди, сени табиб деб чақиртирадилар, сен билан қўшилишиб мен ҳам бораман. Сен мени кўрасану халойиқ мени кўрмайди. Агар мен бориб касалнинг оёқ томонида ўлтирсам, билгинки, ўша касал ўлади. Агар бош томонида ўлтирсам, ҳар қандай оғир касал бўлса ҳам соғайиб кетади.

Афанди гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай, бу муомалага кўнди. Маҳаллага қайтиб, ўзини табиб деб эълон қилди. Кўпчилик Афандини майна қилиб кулди, кўпчилик жиннига чиқарди.

Бир қисм киши ишонди ҳам. Аста-секин Афандининг шуҳрати кутарилиб, ихлосмандлари орта борди. Чунки унинг ишларига, биласизки, Азроил шерик эди. Ҳа-ҳу дегунча, ҳақими ҳозик мулла Насриддиннинг овозаси элу юртга тарқаб кетди. Кимни қолади деса қолади, ўлади деса, ўлади. Табибгарчиликдан келадиган даромад катта. Ички-ташқилик тунука том, хўроз карнайли иморатлар, қўш хотин, тўрт келин, егани олдида, емагани кетида, бисоту бағал ҳаддан зиёд, элу юрт ўртасида обрўси башанг, босар-тусарини билмай, кеккайиб кетган...

Ана шу зайлда йигирма бир йил ўтиб кетди. Осмондаги худонинг катта китоби ҳисобида Афандининг ўлим куни етиб келди. Бу гаплардан беҳабар Афанди ўзининг қасал қабул қиладиган меҳмонхонасида шериги Азроилни кутиб ўтирар эди. Соат ўндан ҳам ошиб кетди. Азроилдан дарак йўқ. Эшикда одамлар кутар, Афанди меҳмонхонанинг у ёғидан-бу ёғига юриб сўкинара эди:

— Бу нима деган гап! Шерик бўлгандан кейин хизматга ўз вақтида келиш керак-да!

Кута-кута чарчади шекилли, бахмал кўрпача тўшалган парку ёстиқли сўрига бориб ястанди. Шу топда десангиз, Азроил кўкдан иниб тушиб, тўғри Афандининг оёғи тагига ўлтирди. Афанди кўрқиб кетса ҳам билиб билмасликка олиб, оёғини йиғиштирди. Азроилни койиган бўлди. Ён чўнтагидан йўғон занжирли, қўнғироқли тилла соатини олиб:

— Мана, қара, соат ҳам салкам ўн бир бўлибди. Эшикда қирқ чоғли касал кутиб ўлтирибди. Сен бўлсанг арши аълода қайси ҳур қиз билан бекинмачоқ ўйнаб юрганикинсан...

— Шунақамикин, — деди табассум билан Азроил. — Аммо бугун сизнинг навбатингиз. Худонинг осмонидаги катта китобида сизнинг навбатингиз бугун соат ўн биру ўттиз етти минутга тайин қилинган. Мен йигирма бир йиллик қадрдонлик юзасидан қирқ минутча олдин тушдим. Бола-чақаларингизни, ёр-ошноларингизни чақиринг, васият қилинг. Кейин мен оғритмай аввал эсингизни, кейин жонингизни оламан.

— Бўлмаган гапларни кўйинг, — деди Афанди, довдиранидан сансирашини ҳам эсдан чиқариб. — Эндигина табиблик ҳунарининг мағзига етиб, оғзимиз ошга етганда ўлимдан гапирманг! Яна бирон ўн-ўн беш йил тотувлашиб иш қилайлик.

— Иложи йўқ, — деди Азроил. — Қазойи қадарни ўзгартиролмаман. Тайёргарликни кўринг! Гап билан бўлиб, мана, яна тўрт минут ўтиб кетди.

Афанди яна анов-манов деб гап чўзаётган эди, Азроил шиф этиб Афандининг ярим белигача жонини олиб қўйди. Афанди жуда кўрқиб кетди.

— Ҳой-ҳой, тўхтанг-тўхтанг, бу нима кўполлик!

— Ҳали вақтим бор, мана энди бу гап бўпти, — деб кулди-да, Азроил жоннинг танобини бўшатиб ўз жойига қўйди. — Васиятни бошланг, Афандим!

— Васият шуки, — деди Афанди, — мен ўз умримда худойимга кўп гуноҳ қилган бандаман. Худонинг бандаларига йўқолган тангам важидан беш йиллаб озор берганман. Энди худойимга йиғлаб, тавба қилишим керак. Икки ракаат намоз ўқиб, илтижо қилишим керак. Даргоҳи кенг худойим зора гуноҳларимдан кечса. Сиз ҳам қасам ичинг. Шу икки ракаат намозимни ўқиб бўлгунимча жонимни олмай турасиз.

Азроил маслаҳат сўрагандай осмонга қаради. Худо ҳали ҳам ўша оқ булутга ёнбошлаб такбас қилиб, кайф сурар эди. Азроилнинг савол назарига: “Майли, Афандига ижозат бера қол, икки ракаат тавба намозини ўқиса ўқий қолсин”, дегандай чап кўзини қисиб, ижозат берди. Шундан кейин Азроил Афандига қараб:

— Хўп, майли, намозингизни ўқинг, ўқиб бўлгунингизча жонингизни олмайман, — деди.

— Қасам ич!

— Ўн саккиз минг оламни яратган якка-ягона худойимнинг номига қасам бўлсинки, икки ракаат намозингизни ўқиб бўлгунингизча жонингизни олмайман.

— Баракалла, — деди Афанди. Сўнг хотиржам носқовоғини олиб ўзи кафтини тўлдириб битта отди. — Ма, сен ҳам отасанми? Жуда зўр. Қорақишлоқнинг толқонидан.

Азроил хўмрайиб қараб, индамади. Афанди ташқарига чиқиб таҳорат қилиб келди. Макканинг сурати солинган жойнамозини ёзиб, қиблага қараб имирсилаб намоз бошлади. Азроил жон оладиган асбобларини тайёр қилиб кузатиб турарди. Афанди бир ракаатгина намоз ўқиб ўлтирди. Салом бериб, юзига фотиҳа тортди. Бу дегани, намоз тамом бўлди, дегани эди. Ҳовлиқиб қолган Азроил:

— Ия, Афандим, намозингиз чала қолди-ку, қолган бир ракаатини ўқимайсизми?

— Вақтим йўқ, — деди илжайиб Афанди. — Эшикда беморлар кутиб қолишди. Қолган бир ракаатини дунёдан зерикканимда ўқийман. Ҳаёт жуда ширин нарса, ҳунаринг жон олиш бўлгандан кейин сен буни тушунармидинг, аблаҳ!

Ана шу-шу бўлди-ю, Афанди ўлмайдиган бўлди, у бизнинг ҳаётини оламимизда ҳамма ишларимизга араллашиб, кулдириб, хушнуд қилиб юрибди. Азроил бўлса унинг орқасидан бир ракаат намозини қистаб неча юз йиллардан бери овора...

1965



БИСОТДАГИ ГАПЛАР

Икки драматург учрашганда

- Хўш, йўл бўлсин, мунча шошилавермасанг?
- Қўқон билан Наманган театрусига асаримни сотдим, энди Бухоро область районларига кетаётирман. Хўш, ўзингга йўл бўлсин? Асарингни бирор театруга ўтказолмадингми?
- Бир-иккита театруга олиб борган эдим, коллективдагиларга асарим ёқмади. Асарнинг номини ўзгартириб, Андижон томонга ўтсаммикан, деб турибман.

Ботирлик

Юқори маҳаллали активларимиздан ўртоқ Қўшқулоғиз ўз шахсий ихтиёри билан Ўзбекистон радиокомитети адабий бўлими томонидан уюштирилган бир адабий монтажни охиригача эшитишга туриш берди.

Йўқолган баракалла

22- ва 6-трамвайнинг чаман отдай сурлигидан энсаси қотган бир йўловчи “Баракалла”, деган экан, шу гап Тоштрамда “Мақтов тахта”га ёзилган эмиш. Ҳозир шу баракаллани эгаси қидириб юрибди.

Икки бўлинган “қ” ҳарфи

Қичқириб турган хўрознинг бўйни шартта узилса, “қикриқу”даги охирги “қ”нинг ярми бошида, ярми бўйнида эшитилади.

Геология янгилigi

Навоий кўчасининг қоқ ўртасида бир метрча лой, тупроқ қазиб олингандан сўнг, тагидан асфальт чиқибди, запас катта, деб айтадилар.

Баб-баравар

Иккита маст бир-бирини “нодон-нодон” деб сўкиб муш-лашмоқда эди. Хулиганликка қарши жазо қонунига мувофиқ бир йилдан кесилдилар. Дарҳақиқат, “нодон” сўзини иста чапдан ўнга, иста ўнгдан чапга ўқи Баб-баравар.

Суҳбат

— Навоийнинг нонвойлик қилганини ким кўрибди? Бу унга ҳурматсизлик.

— Навоийнинг нонини еб туриб шунақа дейсизми?

— Муқимийни ўз устида муқим ишлагани учун Муқимий дейдилар-да, а?

— Шуни айт. Ҳамза тирик бўлганда “Холисхон” шу кунларга тушармиди-я!

Афандининг мулзам бўлиши

Афанди Октябрь райпишчеторгининг Маҳкамадаги ошхонасига кириб шўрва олибди. Шўрвага қошиқ солса ичидан битта эски сочиқ чиқибди. Ҳазабланган Афанди шефповарни чақириб:

— Бу нима деган гап, шўрвангизнинг ичидан эски латта чиқса? — деб гап бошлаган экан, повар уни тўхтатиб:

— Нима демоқчи бўласиз, ўртоқ Афанди, — дебди, — олганингиз уч сўмлик шўрва-ю, сизга энди латта чиқмай, бир атрез бахмал чиқармиди! Баъзи одамлар тоза ҳам хулосахўр бўлиб кетган-да...

Бу гапдан сўнг Афанди чурқ этолмай, мулзам бўлиб чиқиб кетибди.

Тўти билан шоир

Бўлмағур бир поэмасини дўстига ўқиб бераётган шоирни кўрган тўти заҳарханда билан:

— Валақлашга-ку валақлайди-я, барибир учолмайди, — дебди-да, ўзи учиб кетибди.

Икки маст ўртасида

— Бугун ичганимни ҳўкиз ичса қорни ёрилар эди.

— Хафа бўлма, ҳўкиз ичмасдан ҳам тўрт оёқлаб юради.

Ўз-ўзича

Қочган қуённинг орқасидан қувлаб етолмагани учун овчи ўз итидан койинганда, ит:

– Нафс учун қувлаш билан ҳаёт учун қочшнинг ўрғасида етиб бўлмас узоқлик бор, — деб жавоб берган экан.

Орзусига етадиган бўлди

Қудратиллахўжа деган бир киши: “Қўлимга мўмайроқ пул тушса, иккига олти газлик гилам, битта галанский сигир, битта яхши радио, ўзимга шивиётдан костюм, хотинимга марварид олиб берар эдим”, деб орзу қилар эди. Яқинда шу одам бир американкага мудир бўлди, демак, орзусига етади.

Тарихий парчалар

Пашша талаб ўтирган бир гадойдан Искандар:

– Сўра сўраганингни! — деса, гадой:

– Қўлингдан келса пашшаларга буюр, мени чақмасинлар, — деган экан.

* * *

Маъдалихон бир шоирга шаҳардаги аҳмоқларни рўйхат қилишга буюрибди. Шоир ҳам рўйхатнинг бошига биринчи қилиб “Маъдалихон Умархон ўғли” деб ёзибди. Иккинчи қилиб ўзини ёзибди. Буни кўрган Маъдалихон ғазаб билан сабабини сўраганда:

– Сиз бош аҳмоқ бўлмасангиз, шу ишни буюрмас эдингиз, мен аҳмоқ бўлмасам, шу ишни бошламас эдим, — дебди...

* * *

Тошкент ҳоқими генерал Апрелов: “Мен кўчага чиққанда, фуқаро юзини деворга ўтириб, кўзини юмиб турсин, шу иш менга таъзим билан баробар”, деб буйруқ чиқарган эди, сабабини сўрабдилар:

– Чунки мен кўпинча ичиб, фойтонда қайт қилиб ўтаман, — деб жавоб берибди.

ХАЛҚ ИЖОДИ БОЙЛИГИДАН

Эллик тўрт қиротли “Терешкова”¹ бриллиантидай ҳар қиррасида етти ранг офтоб товланиб турган халқимиз ижоди энига, бўйига, юксаклигига, чўнқирлигига, ўнгига, чапига унча-мунча кишининг зеҳни етмайдиган даражада бойдир.

Биз ёш бола чоғимизда отам раҳматлик онамизни эркалаб:

— Тошхон, мен сени минг йилдан бери севаман, сен ҳам ҳеч бўлмаса уч юз йил қадримга ет, — деб қўярдилар. Биз ёш бўлганимиз учун минг йиллар нонуштадан оқшомгача туюларди.

Араблар бизнинг Ўрта Осиёимизни истило қила бошлаганларида йўлдаги биринчи шаҳар Марв (Мари) экан. Шунда Қутайбанинг ғолиб қўшинлари бир улкан ва кўркам ёнғоқ тагида толон дастурхони устида маст-аласт ўтирар эканлар. Албатта, энди бу дастурхонда жайрон кабобдан тортиб Аму лаққасигача, Ашхобод аноридан тортиб Қаҳқа узумигача, Чоржўй, Бешўғизнинг қовуну тарвузларигача бор эди. Шунда бир араб саркардасининг бошига “қарс” эгиб битта хон ёнғоқ тушибди. (Олмахонми, қарғами ўйнаган бўлса керак.) Кайфи учган саркардаи гурра бош шу ёнғоқни қўлига олиб айлантириб кўра бошлабди. Қарасаки, дастурхонда сўйилмаган тарвуз ҳам шунга ўхшайди. Шунда шеър билан айтган экан:

Дарахти ғўз агар ҳам чун баланди,
Дарахти харбўза оллоҳу акбар.

Яъни:

Ёнғоқ дарахти-ку шунчалик баланд,
Тарвуз дарахтидан худо асрасин.
(Таржимасини ўзгинам ясаб ташладим.)

¹ Ёқутистон конларидан яқинда топилган бир йирик олмога Терешкова номи берилган. (Автор эскартиши.)

Айтганки: шу ёнғоқ ўрнига дарахтдан тарвуз узилиб тушса чилпарчин бўлардим...

Халқимизда муболаға – гипербола, яъни лоф жанри ҳамма сўзда ва суҳбатда ош тузидай зарурий.

Бай, бай, бай... Куёв йигитнинг мақтовини совчилардан эшитсангиз:

– Эралижон тушмагур, бу йил балиқ йили бўлса, роппароса ўн тўққизга киради. Тўйга атаб битта жун қопдаги ўн тўққиз пуд буғдойни битта ўзи кўтариб кирди. Раисимиз: “Кўй, белинга шикаст етади”, деса ҳам “Бе!” дебди-да, лим-мо-лим ўғит ортилган грузовойни ботқоқдан елкалаб, тош йўлга чиқазиб қўйибди.

Келин бола таърифида:

– Шафоғатойни айтинг... Ким тикилса киприги қайрилиб кетади. Санамараста, оғзи билан бели борми, йўқми, биз ҳалигача билмаймиз... Чумчуқча овқат ейди... Сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринади... Шунақаям пазандаки, йўқ ердан бунёд қилади. Сувдан ҳолвайтар, тариқ ёрмадан палов пиширади, барака топгур.

Ростини айтганда, Эралижон ўттиз ёшдаги чўтир йигит, Шафоғат бўлса – бир кўзига оқ тушган, ёшлигида сандалда бир ёнбоши куйган қари қиз...

Ҳамма халқлардагидек, бизнинг классик адабиётимиз ҳам, замон адабиётимиз ҳам лофлардан, гиперболалардан холи эмасдир.

Биз халқимиз лофларидан баъзи нусхаларни кўчирмоқчимиз.

Дошқозон ва қизилча

Халилча Ҳалол деган наманганлик бир лофчи билан оҳангаронлик Сандонкул Тангатопган деган довонда учрашиб қолишибди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин:

– Хўш, Оҳангаронларда нима янгилик бор? – деб сўрабди Халилча Ҳалол.

– Ҳе, нима бўларди, олам ҳодис, яъни биз яшаб турган олам ҳодисалардан иборат деганларидек, бизнинг Оҳангарон чилангарлари бир мингу уч юз қирқ қулоқли битта дошқозон ясашяпти. Бир қулоғида туриб ўн қадоқли болға билан эрталаб ургандаги чиққан овозини иккинчи қулоқдаги чилангар тушдан кейин эшитади.

— Баракалла, бу кирови дегча бўлибди, — дебди наманганлик Халилча Ҳалол. Кейин Сандонкул сўрабди:

— Хўш, Наманганда нима янгиликлар бор?

— Наманган деҳқонларининг қўли гул таърифилги бу томони Чин-Мочин, бу томон қайсари Румгача маълум. Фирвон деҳқонлари бу йил лавлаги — қизилча эккан эдилар. Айниқса, Шоди Сўтакнинг лавлагиси бўлиб берди. Юқори даштда шундай бир туп лавлаги ўсдики, баргларининг соясида ўн минг отлиқ аскар салқинласа бўлади.

— Вой, аҳмоқ, — деди Сандонкул, — лоф ҳам эви билан-да, лавлаги ҳам шунақа бўладими?

— Мен аҳмоқми, сенми? — деди Халилча Ҳалол. — Сен айтган ҳалиги қозончада ўша лавлаги қайнамаса, нима қайнайди?

Калта гап икки дўст

Саратоннинг жазирама кунларидан бирида андижонлик Лом-мимбек суҳбатдош тополмай қўқонқишлоқлик Али Жимжит деган дўстининг уйига борибди.

— Хуш келинг, — дебди Али Жимжит — ўбдон меҳмон қилар эдимۇ вақтим зикроқ. Тез-товур гапингни айта қол.

— Беш оғиз гаплашиб кетай, деб келувдим, — дебди Лом-мимбек.

— Ҳа-ҳа, — дебди Али Жимжит, — бўлмаса сен ўтириб тур, мен уйга кириб чиқай.

Лом-мимбек яланг сайҳондаги супачада, кун тиғида терлаб-пишиб Али Жимжитни кутиб ўтирибди.

Бир маҳал десангиз, Али Жимжит қўй теридан қилинган катта қирғиз пўстин, белида шол белбоғ, оёғида айиқ тери этик, бошида тулки теридан телпак-тумоқ, қўлида қўлқоп, қўлтиғида икки бойлам қарағай ўтин, қўлида бир хокандоз чўғ — ичкаридан чиқиб келибди.

Буни кўрган Лом-мимбек ҳайратда қолиб:

— Буларинг нимаси? — деб сўрабди.

— Сен-ку беш оғиз сўзлашамиз, дединг. Сену менинг беш оғиз сўзимиз ўзимизга маълум. Сўз бора-бора тортишувга, тортишув — баҳсга, баҳс — жанжалга, жанжал — кекирдакбозликка айланиб кетиб, суҳбат бир оз чўзилиши мумкин. Ёз ўтар, куз ўтар, қиличини кўтариб қиш келар,

гапимиз тугамас, муддао айтилиб бўлмас, ўзим совуққа ожиз, сояси юпқа одамларданман, тагин қиш чиллада тумов-пумов бўлиб юрмай. Ёз ёпинчигингни қўйма, қиш ўзинг биласан, деган мақоллар бор. Сен ҳам калта сўзлик бобида онангдан қолишмайсан. Уларни худо раҳмат қилсин, элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор, дейишади. Барака топгур, Лом-мимбек ука, қани, рўпарамга ўтир-чи... — деб сўзини тамом қилганда, нариги муюлишда кўчани чангитиб қочиб кетаётган Лом-мимбекнинг шарпасини аранг илғаб қолди.

Ёпқичга ямоғлик

Кўқонлик Худоёрхон замонасининг машхур қизиқчи ва лофчиларидан Зокир Гов тошкентлик лофчилардан Жўра Нилгарнинг уйига меҳмонга келмоқчи бўлибди. Бу саёҳатдан мақсад — Жўра Нилгарни лофда енгмоқлик экан. Тошкентга келиб унинг эшигини қоқибди. Эшик орқасидан аввалига “Хув-в-в” деган хипча овоз эшитилиб, орқасидан эшикнинг зулфи тушиб саккиз-тўққиз ёшлардаги жамалак-жинни бир қиз кўринибди.

— Аччаломалайтум, телинг, амати?

— Сан кимнинг қизисан?

— Жўявойнинг.

— Даданг қаерда?

— Самарқандда тетганлар.

— Нима ишга?

— Шарифжон аматим билан гаплашгани.

— Э аттанг, аттанг, — дебди Зокир Гов, — бўлмаса аянгга кириб айт: мен дадангнинг ўртоғи кўқонлик Зокир Гов бўлман. Сизларни кўргали келиб эдим, қўлим қуруқ эмас. Сизларга бир гилам совға қилмоқчи эдим. Гиламнинг бир боши Тошканнинг Ўқчи дарвозасига кириб келди, этагини Кўқонда йиғиштиришяпти. Ана шунақа, қизим...

Шунда қизгина Зокир Говнинг бўйнидан ачомлаб:

— Вой аматидинамдан айланай! Яқинда тандир ёпқичимизга чўғ тушиб ўйилиб қолган эди. Сизнинг совға гиламингиз шу жойга ямоққа етар экан, — дебди.

Шунда Зокир Гов: “Э-ҳа, қизининг лофи шу бўлса, дадаси билан гаплашиб бўпман”, деб Кўқонга қайтиб кетибди.

1964

АТОҚЛИ ҚИЗИҚЧИЛАРИМИЗ МЕРОСИДАН

ИСАХОН АСКИЯ

Исахон Аския 1896 йилда тўқсон ёшларида вафот қилган. Касби муҳркан — муҳр ўйишлик эди. Умрининг бошларида Қўқонда, кейинчалик Тошкентда яшаган. Исaxon Аскиянинг табиатида ўткир юмор, сатира руҳи бор эди. Бирор мушкул сўз олдида довдираб қолмай, ҳозиржавоблик билан рад сўзи айта олар эди.

Эскича илми мукамал, мадраса кўрган ўткир муллалардан, адабиёт, хусусан, шеърятдан ғоятда баҳраманд киши эди. Замонасидаги диний хурофот, феодализм зўравонлигига жонидан зид киши эди. Унинг ҳазилларидан намуна.

АННАҚУЛБЕК ҚОЗИ

Аския уйида иш билан машғул эди. Эшик тақиллаб қолди. Устида жомакор билан кўча эшикка чиқди. Эшикда отлик, басавлат, шоп мўйловли, кетмон соқолли, эллик ёшлардаги бир киши турар эди. Бошида лайлак уядай салла, эгнида банорас тўн, тўн ичидан белидаги кумуш камар кўриниб турибди. Бўйнида кумуш занжирли бут¹.

— Ҳизмат? — деди Исaxon Аския.

— Муҳр ўядиган уста Аския ким бўлади?

— Каминалари, биз бўламыз.

— Камина-паминангни билмайман. Менга аз рўйи шариат муҳр ўйиб берасан. Ҳукм шу! — деди муйсафидни сансираб.

— Жуда ҳам ҳукм эмасдир-э, тақсир. Илтимос, денг, илтимос... — деди мулойим табассум билан Аския.

— Ҳа, ҳўп. Ана, сен айтганча илтимос бўла қолсин. Эртага тайёр бўлиши керак.

— Қандай муҳр?

¹ Ўрта Осиё қозилари ҳар бир чиқарган ҳукмларини подшо номидан ўқир эдилар. Ҳукм вақтида бут тақиш мажбурий эди. Лекин Аннақулбек ўлгунча мақтанчоқ киши бўлгани учун бегим пақтларида ҳам бутни тақиб юра берар эди. (*Аатор эскартиши.*)

– Мен Оққўрғонга қози сайландим. Соққа менинг отимга чиқди. Энди қозилик муҳри керак.

– Хўп, ўйиб берамиз, отингиз, отангизнинг исм-шарифлари нима?

– Муҳрга отамнинг отини ўймайсан, отамдан айнаганман, у мени оқ қилган. Отам ўрнига қайнотамнинг отини ўясан. У кишини яхши кўраман, отлари Хушмуборак. Менинг отим Аннақулбек. Иннайкейин, аз рўйи шарият “Қуръон”дан иккита суврани ҳам шу муҳрга қушиб қўясан.

– Ия, – деди Аския, – бу муҳр бирор сопол лаганча бўлар экан-да?

– Йўқ, – деди Аннақулбек, – катталиги бир миридан катта бўлмасин. Агар шу ишни эртага битказиб беришга ваъда қилсанг, мана шу миниб келган отим сеники, ҳозирданок юганини қўлингга бераман.

Аннақулбек отдан тушишга ҳаракат қилди.

– Тушманг, тушманг, – деди Аския, – муҳр эртага, албатта, тайёр бўлади.

– Эртага қай маҳалда келай?

– Тўпдан кейин...

Эртасига қиёмдан кейин бир отни миниб, бир отни етов қилиб қози келди. Муҳр тайёр бўлган эди.

Беш тайинликдай доира муҳрда шу бир байт ўйиб ёзилган эди:

Қуръондан икки сувра: “Ёсин” билан “Таборақ”.
Қозиси Аннақулбек, қайнота – Хушмуборак.

Аннақулбек Аскиянинг ҳунарига ғоятда қойил қолди. Мамнун бўлди. Етов отнинг жиловини тугқазди, боз устига банорас тўнини ҳам ечиб берди...

Аския, елкасида тўн, қўлида отнинг жилови, қулиб қола берди.

АБДУЛЛА ФОНУСЧИ

Халқимиз ғоят севган, ҳурмат қилган, ардоқлаган қизиқчилардан бириси тошкентлик Абдулла Фonusчидир. У 1914 йилда саксон олти ёшда вафот қилган, унинг аскиялари, қизиқчиликлари, бойлар, эшонлар, бойваччалар, майхўрлар, хотинбозлар,

амалдорлар устидан қилган ҳажв-ҳангамалари ҳали-ҳали халқ ўртасида завқ билан такрор қилинади, тан бериб эсга олинади.

Бу зот овоз тақлидида ғоят машҳур эди. Истаса, ёш қиз бўлиб, истаса, кампир бўлиб, истаса, бола бўлиб, чол бўлиб сўзлай оларди, қуш бўлиб сайрар, той бўлиб кишнара эди.

Паст бўйли, кичик қолипдаги оёғи, хипча жуссаси паранжи ёпиниб бузуқи бойваччаларни аҳмоқ қилолишига ёрдам берар эди.

1912–1914 йилларда Илҳом самоварчи билан Тўйчи Ҳофизлар ўзбек ашулалари, мақомларини граммофон пластинкаларига ёздира бошлаган эдилар. Шунда Абдулла Фонушчининг ҳам бир қатор юмористик, сатирик ҳикоялари, хангомалари пластинкага ёздирилган.

Пластинкалардан биттасида тахминан қуйидаги мазмунда бир юмористик ҳикоя ёзилганлиги ғира-шира ёдимда.

ХАСИС

Бизнинг қўшни Миркамол чорбозорчини Тошкенти азимда танимайдиган киши камдан-кам топилади. “Қиссас ул-анбиё” китобида Ҳотамтой деган киши мардликда катта шуҳрат топгани ёзилган. Аммо бизнинг Миркамол бахилликда ном чиқарган.

Эр-хотин подачидан ош, гадойдан нон сўраб кун ўтказадилар. Фарзандлари йўқ. Ҳамсоялардан чиқадиган қўшни ош тамаида ҳовлиларининг уч томон деворидан туйнук очганлар.

Кунлардан бир кун хотини Замира-тоқи қабзият бўлганда эмчи кампир унга:

– Қатиқ ичинг, болам, – деган экан. Шунда бир стаканда қатиқ олинган эди. Шу қатиқ ачиб кетган булса-да, ҳали ҳам бор. Чунки Замира-тоқи стаканнинг сиртидан ялаб юрган.

Миркамол-қуруқ ҳафтанинг олти куни қишлоқ бозорларида санғиб, “ўсма кет, сурма кет” қилиб юради. Шанба куни Кўктерақда, якшанба куни Турватда, душанба куни Тўйтепада, сешанба куни Ўртасаройда, чоршанба куни Тошкентда, пайшанба куни Паркентда, жума куни Жумабозорда бўлади. Унинг бисотида ҳамма нарса бор. Лампа пилик, ўлдирилган симоб, ошиқни маъшукқа, маъшукни ошиққа иситма-совутма дуо, игна, сақич, Маккаи сано, ҳар хил тумор, хун дори, эзибичкилар, мози, тишқоли, бурга дори ва ҳоказолар...

Дехқонлар ўртасида ўз кунглича табибгарчилик ҳам қилади. Зулук солади, қортиқ кўяди, қон олади, малҳам беради, сурги ичиради, симоб ютқизади. Хулласи, у “боққан” касаллар иккили: ё ўлади, ё қолади.

Шундай қилиб, у ҳафтада бир кун, атиги чоршанба кунигина уйида бўлади. Хотини Замира ҳафтанинг олти куни тор уйида ёлғиз қолади.

Кунлардан бир куни Замира-тоқи эрига йиғлаб шикоят қилди:

— Ҳой, эр, сиз ахир эрмисиз, қора ермисиз, бу қуриган-қақшаган уйда ёлғиз қолавериб, жинни бўлай, дедим-ку. Нима қилади, менга раҳмингиз келиб, бирор кўйми, танами олиб келсангиз? Ахир у ҳам тирик жон-ку. Ёлғизлигимда шуни боқиб, шу билан овуниб, йўқлигингизни оз бўлса ҳам унутсам.

Миркамол-қуруққа бу гап маъқул тушди.

— Дуруст, — деди у тиржайиб, — қолган-қутганларни, кўни-қўшнидан чиққан қовун пўчоқларни еб семирса, хийла даромад ҳам бўлар экан.

Миркамол-қуруқ гапида турди. Эндиги чоршанба ориқ бир шишак кўйни етти тангага олиб, хотинига келтириб берди.

Хотини ғоятда қувонди. Кўйни якка қозиқ қилиб, жазирама ҳовлининг ўртасига боғладилар. Миркамол-қуруқ қилган ишидан қувониб, чорбозорга қараб йўртиб қолди.

Замиранинг бахтига бу кўй ҳаром ўлгур тинимсиз маърар, ўқчиб-ўқчиб йўталар эди. Хумдаги қотган нон, кепаклар ҳадемай тамом бўлди. Кўни-қўшнилardan чиқадиган нишхўрдлар ҳам товсиллади. Кўй тинимсиз маърар, йўталар эди.

Бу бедаво тирик жондан Замиранинг ҳолига маймунлар йиғлайдиган бўлди. Келаси чоршанба эри келганда салом-алиқдан ҳам илгари:

— Ҳой, эр, сиз бу ҳайвонни мени ўлимимдан беш кун бурун гўрга тиқиш учун олиб берган экансиз, ҳозироқ йўқотинг, бўлмаса ажрашамиз, отамникига кетаман, — деди.

— Сабр қил, — деди Миркамол-қуруқ, — бир иложини топармиз.

Ўша куни Миркамол-қуруқ йўл-йўлакай отасига қуръон ўқиш учун Шихзиддинбува мазорига кириб, бунда белбоғ бўйи ўсган ўтларни кўрган эди. Шуни эсладию хаёли тез ишлади. Кўйни қозикдан ечиб, мазорга етаклади. Тўғри гўрковга учрашди.

— Ассалом алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

— Ука, — деди Миркамол-қуруқ гўрковга, — мен бефарзанд кишиман. Қариб қолдим. Ўлсам-нетсам, иншоолло, ўзинг кўмарсан. Илло, мендан хабар олиб, гўрков ҳақи тўлайдиган ворисларим йўқ. Мана шу қўйни менга қазийдиган гўр ва кўмиш харажатлари ҳақи учун ҳозирдан нақд олиб қўй.

Бу гўрковга маъқул тушди. Фотиҳа ўқиб, рози бўлишдилар.

Орадан икки ойча ўтди. Яна бир фалокат билан мазорга йўли тушган Миркамол-қуруқ ўз қўйини кўриб қолди. Катта бўрдоқига айланиб кетибди. Оз деганда бир ярим пуд ёғи бор. Миркамол-қуруқнинг хаёли яна тез ишлаб кетди. “Ия, — деди у, — шундай қўйни текиндан-текин ўлмаган жонимга қасд қилиб бировга бериб қўяманми, ажратиб олиш керак”. Шошилиб бориб, гўрковнинг эшигини тақиллатди. Гўрков чиқди.

— Ассалом алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

— Хизмат, келинг, Миркамол ака, тинчликми?

— Тинчлик бўлмай ўлсин, — деди Миркамол-қуруқ, — Қоплонбек қишлоғида бир қизамиқ чиққан болага ярим қошиққина симоб ичирган эдим, ўлиб қолибди. Шунга оқ пошшонинг ҳокимлари мени Тошкентдан Ўратепага бадарға қиладиган бўлиб қолишди. Бир сиқим тупроғим ўша ерда қоладиган кўринади. Мазам йўқ, қариб қолдим. Беш кунлигим борми, йўқми, қани юр, ука, юкингни танғи, бирга кетамиз.

— Қаерга, мен нима қиламан?

— Қаерга бўларди? Бадаргага, Ўратепага-да. Сен ахир, мени кўмишнинг удда-кафилини олиб, хизмат ҳақинга қўй олгансан. Қаерда ўлсам, ўша ерга бориб кўмиб келасан.

— Вой-бў, қўйинг бошингни есин, кўтарил-э...

— Бўлмаса қўйни қайтар!

Гўрков семиз қўйни етаклаб чиқиб Миркамол-қуруққа берди. Миркамол-қуруқ гоятда мамнун. Ўз ақлига ўзи тасанно ўқир эди.

Миркамол-қуруқ қўйни сўйиб едими, сотдими, буниси бизга маълум эмас.



ЛАТИФАЛАР

ШОИР ВА ШЕЪР ҲАҚИДА

МАЪНО ВА МАЗМУНИ ЎҒИРЛАНГАН ШЕЪР

Алишер Навоийнинг замондошларидан қайсидир бир шоир унинг ҳузурига келиб, шикоят бошлади:

— Қачон бирор шеър ёзар бўлсам, бошқа шоирлар менинг шеъримдаги маъно ва мазмунларни ўғирлаб, ўзлариники қилиб оладилар, ҳайронман...

— Мен ҳам сизнинг шеърларингиздан ҳеч қандай маъно ва мазмун тополмай, ҳайронликда эдим, сабаби бор экан, — дебди Навоий.

ЮЗ БАЙТИ БИР ПУЛЛИК ШЕЪР

Яна бир шоир мушоира мажлисида узун бир шеърни ўқигандан сўнг, Навоий олдида мақтана бошлади:

— Бир пуллик шам ёниб бўлгунча юз байт шеър ёза оламан. Бугун ўқиган шу икки юз байтлик қасидамни икки пуллик шам ёниб ўчгунча ёзганман.

— Кўриниб турибди, — дебди Навоий, — кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам ҳар юз байтингизнинг қиммати бир пул экан.

ҚАНДОЛАТ ШЕЪР

Бир ёш шоир бир баркашчага pista, новвот, пашмак, ҳар хил қандолатлар тўлдириб, устига иккита шеърни қўйиб, Афандига юборибди.

“Ҳурматли мулла Насриддин амаки, иккита шеър юбордим. Ўқиб, ўз фикрингизни айтсангиз, хатолари бўлса кўрсатсангиз...” деган битта илтимоснома ҳам ёзиб қўшибди.

Узоқ вақт Афандидан жавоб ололмаган шоирча яна хат ёзибди:

“Устод мулла Насриддин амаки, бундан уч ой бурун иккита шеъримни сизнинг фикрингизни олишга юборган эдим, ҳали ҳам жавоб ололмадим...” деган мазмунда сўров қилиб-

ди. Бу хатга Афандидан тезда жавоб келибди. Афанди шундай жавоб ёзган экан:

“Шоғирдимиз мулла фалончи. Ширинликлар орасида келган ҳар икки шеърингизни мазза қилиб новвот шимиб ўтириб ўқиб чиқдим. Эндиги гал шеър қўшиб юбормай, қандалатларнинг ўзинигина юборсангиз ҳам шеърдай қабул қила берамиз. Ҳурмат билан: Мулла Насриддин”.

ЎТА РЕАЛИСТИК ШЕЪР

Бухоро амирларидан Абдуллахон бир кун Мушфиқийга:

– Шоирларнинг куракда турмайдиган тумтароқли, ақл бовар қилмайдиган муболағали шеърларидан жуда зерикдим. Наҳотки, сиз шоирлар одам ишонса бўладиган ҳақиқат ҳолларни узолмайсизлар, оқни – оқ, қорани – қора, деб ёзса бўлмайдими? – дебди.

– Жуда бўлади-да, жаноби олий, мана, кулоқ солинг:

Дар Бухоро гурба ях нахўрад,
Дар Самарқанд хурўз – мурғи нар аст.
(Бухорода мушуклар музни емайди,
Самарқандда товукнинг эркаги хўроз.)

Шундай ёзсак, сизга ёқадими? – дебди Мушфиқий.

“ОХУРГА КЕТЯПМАН...”

Қон тўкишлардан, зулму белодлардан, биродаркушликлардан, хулласи, ёмонлик қилаверишдан лаззатланмай қолган хон, шоирликни ҳавас қилиб, ғазал машқ қила бошлабди. Неча кунлар овора бўлиб, пойма-пой қофияли, мазмунсиз бир шеър ёзибди. Уни аёндаги вазиру вазароларга ўқиб берибди. Ҳаммалари таҳсин ўқибдилар, ҳатто шайхулисломнинг жазаваси тутиб, оғзидан оқ кўпиклар чиқариб, ўзидан кетибди. Бош вазир бўлса:

– Калом ул-мулуки – мулук ул-калом, яъни пошшонинг сўзи – сўзларнинг пошшоси, бу ғазалдан кейин бошқа шоирлар қаламларини синдирсалар ҳам бўлади. Сўз бундан юқори бўлолмайди, – деган хулосани айтибди.

Лекин бу мақтовларга хон унча ишонқирамабди:

“Бу кишиларнинг ҳаммаси хушомадгўй, суйқанчик одамлар, буларнинг сўзларида тўғрилиқ йўқ, ҳали ҳам Мулла Насриддин ҳақ гапни айтар...” деган ўй билан:

– Мулла Насриддин Афандини чақириб келтиринглар, – деб буюрибди. Афанди келгач, шеърни узатиб, ўз фикрини айтишни сўрабди. Афанди шеърни ўқиб, хонга айтибди:

– Аввало шуки, хон деган аблаҳ ҳамма ишни ҳавас қила бермасин. Қўлидан келмайдиган ишга уринмасин, сен ҳам ўз чалакам-чатти хонлигингни қилавер. Шеър ёзишдай табаррук ишни ҳаром қилма. Бу нима, бу газал эмас, тентак одамнинг валдирашидай расво, аҳмоқона сўзлар йиғиндиси.

Қоғозни хоннинг олдига улоқтирибди.

Афандининг ҳақ гапларидан ғазабланган хон жаллод чақирибди.

– Жаллод, бу шаккокни олиб бориб, отхонага боғлаб қўй, охурда овқат бер, – деб буюрибди.

Афанди аллақанча фурсат от, хачирлар билан бир қаторда устунга боғланиб, пошшолик охуридан овқат ейдиган бўлиб қопти. Бу орада хоннинг шоирлик ҳаваси совимабди. Бир ҳафтача уннаб, ўн тўрт йўллик бир газал ёзибди. Саройдагиларга ўқиб берган экан, ҳаммаёқдан: “Оху уҳ, тасанно, офарин!” деган мақтовлар эшитилиб, ҳатто шайхулисломнинг юраги ёрилиб ўлибди. Бош вазир эса:

– Агар худодан кўрқмаганимда бу ғазалдаги сўзлар қуръондаги сўзлардан ҳам юқори туради, деяр эдим, – деган хулоса чиқарибди.

Лекин хон бу мақтовларга ишонмай, ичида: “Падарлаънат хушомадгўйлар, ҳали ҳам Афанди рост гапиради”, деб ўйлаб:

– Афандини охурдан ечиб келтиринглар, – деб буюрибди. Афанди ҳозир бўлгач, хон унга:

– Мулла Насриддин, ўтган галги шеърим ҳақиқатдан бир оз хомроқ экан, кейин бир неча бор ўқиб, ўзим ҳам тан бердим. Мана энди бу ғазални ўқинг, бунинг ўн тўрт сатрини ўн тўрт кунда ёздим. Бутун ақлимнинг мағзини сиқиб шу ғазалга солганман, – деб ғазални Афандига узатибди.

Афанди ғазални ичида ўқиб чиқиб, қайтариб хонга топширибди-да, орқасига ўгирилиб кета бошлабди. Хон Афандини тўхтатмоқчи бўлиб:

– Тўхтанг, Мулла Насриддин, қаерга кетяпсиз? Ахир газал тўғрисида фикрингизни айтиб кетинг, – дебди.

– Қаерга кетар эдим? Ем-хўрак вақти бўлди. Охурга кетяпман, – деб жавоб берибди Афанди.

1965

ЁНДАФТАРДАН

Замон — бекорчиларнинг энг ёмон душманидир.

Ахлоқ билан адабиёт бир-бирининг давоми.

Бир халқнинг ахлоқини билмоқ учун адабиёти билан таниш.

Баъзи сукутлар — сўзлангандай балоғатлайди.

Бир ишни ҳамма бошлай олади, аммо кам одам тугаллайди.

Ўздаги фазилатларни шикастсиз саломат сақламоқ учун нафсингга қарши уруш ҳолати эълон қил.

Ўзини бадавлат кўрсатишга уринган киши чинакам камбағалдир.

Муболаға — ёлғоннинг йўлагидир.

Халқни даволамаса касал бўлиб қоладиган табиблар ҳам бор.

Умиди тўғри бўлганларнинг иши ҳам тўғри бўлади; ахир, кўзгуда бор нарсанинг акси кўринади-да.

Мастлиги ёзилди-ю, бош оғриғи кетмаётибди.

Иложини топсанг, ҳеч кимга қайгургулик хабар етказма.

Чинакам севгувчи киши учун васл шарт эмас.

Ҳар бир қатранинг тўфондан жабри бўлгани билан қудрат баёни йўқ.

Зарранинг тақдири — қуёшдан эскироқдир.

Кеча билан кундузнинг ўртасини тонг дейдилар.

1965

МУНДАРИЖА

А. Орипов. Ўзбекнинг ўз шоири... 5

НАЗМ

Турксиб йулларида	14
Тагдузи	20
Тошкент	25
Боғ	27
Бари сеники	29
Чаман	31
Санъатим	33
“Ўзбекистон шабчароги...” ..	34
Кузатиш	35
Мен яҳудий	38
Сен етим эмассан	42
Соғиниш	47
Хотин	50
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак	53
Куз келди	56
Вақт	59
Аввал уқи	61
Чин арафа	63
Қозоқ элининг улуг туйи	65
Йигитларга	68
Тошкент	69
Биринчи шеър	72
Сиёҳдон	76
Сизга	77
“Мунча ҳам соғинтирдинг...” ..	79
Қоғоз	80
Менинг бир сатрим	81
Онахонларга	82
Анор	84
Буюк оламга салом	86
Она қизим Жамилага	87
Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим	88

Ёнма-ён кетайлик	91
Муҳаррам	92
Бир дўст хотираси	93
Умид кўклами	94
Қор	96
Севсам севибман-да	97
Баҳор оҳанглари	98
Гулхона	99
Кулол ва заргар	100
Икки шеър	103
Моҳгул	105
Ҳамма ердан сен гўзал	106
Олма отди	108
Тун билан тонг	109

НАСР

Ёдгор (қисса)	112
Шум бола (қисса)	157

ҲИКОЯЛАР

Чорбозорчи	287
Фарзанди солиҳ	290
Гувоҳликка ўтган ҳўкиз	294
Жўрабўза	297
Ҳўжибўбойи гулфуруш	303
Менинг ўғригина болам	305
Ҳасан Кайфий	310
Чораси кўрилди	324
Афанди ўлмайдиган бўлди	327
Бисотдаги гаплар	335
Халқ ижоди бойлигидан	338
Атоқли қизиқчиларимиз меросидан	342
Латифалар	347
Ёндафтардан	350

Адабий-бадиий нашр

ҒАҒУР ҒУЛОМ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Назм ва наср

Қайта нашри

Мухаррир *Маъсуда Йўлдошева*
Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфайёзов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусахҳиҳ *Доно Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

Нашр. лиц. № 154.14.08.09. Босишга 02.02.2012 й. да рухсат этилди.

Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма.

18,48+0,42 (вкл.) шартли босма тобоқ.

17,0+0,42 (вкл.) нашр тобоғи. Адади 3000 нусха.


23–2011 рақамли шартнома. 66 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кучаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz

E-mail: iptdgulom@sarkor.uz



Гафур Гулом

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



ISBN 978-9943-03-373-3



9789943 033733